

К. ПОЛЗИКОВА-РУБЕЦ

Р1  
н 63

улар  
ЛЕНИНГРАДДА  
ҮКИДИЛАР



УЗДАВНАШР



«Үлар — ўқитучилар өн ўқучилар бир-бирларига сүянчиқ.  
Үқитучилар ҳам, ўқучилар ҳам совуқ уйларидан чиқиб, қаҳратон  
қышда қор үюмларини кечиб, ба'зан беш-олти километр, қола-  
верса үн километр ийл юрар, яна худди шундай совуқ, музлаган  
синфларга кириб, бирлари ўқитар, бирлари ўқирип эдиллар».  
(А. Фадеев)

К. ПОЛЗИКОВА-РУБЕЦ

Р /  
Н (з.)


68

# УЛАР ЛЕНИНГРАДДА ЎҚИДИЛАР

*Бир муаллиманинг эсдаликлари*




Расмларни В. Петрова ишлаган.



ЎзССР ДАВЛАТ НАШРИЁТИ  
Тошкент — 1950

Үз эсдалакларынан оғар әйларни  
бүргө кечиришгөн ленинградли ўқучи  
ва ўқитучи дүстларынга  
багишлайман.

- А е т о р.



«Ленинградлилар менинг фарзандларым,  
Ленинградлилар, менинг ифтихорам!»

ЖАМБУЛ

## МАКТАБ БИТИРУЧИЛАР

1941 йыл 16 июнь

Ленинграднинг оппоқ кечалари маҳали. Соат иккидан оштаган. Деразадан ёқимли шабада кириб турар эди. Шу топда денгиз бўйлари жудаям обод бўлган. Мактабимизни битиручилар тонг маҳалигача яхмалак отиш учун ўша ерга кетишиди.

Денгиз қўлтифи манзаралари кўз олдимда яққол гавдаланиб турипти. Денгизчилар клуби олдидан, Киров оролларига рўпарароқ жойдан чиройли яхталар оппоқ елканларини ёзиб жўнамоқда. Қизариб ботаётган қуёш нурлари денгиз юзида ярқирап, шарқдаги булутлар ҳам қизариб кўринар эди.

Бугун денгиз қўлтифи қий-чув блан тўлади: бирорлар овозининг борича ашула айтади, бирорлар қайиқларда сайд қиласди, ўйин-кулги шу тахлитда тонг отгунча давом этади!

<sup>1</sup> Ленинградда июнь ойларининг бошларида ой бўлмаса ҳам кечаси ёруғ бўлиб туради. Буни «белая ночь» дейилади. Ред.

Аммо жиддий гапларга ҳам навбат келади. Ҳозир мактаб битириучиларнинг ҳаммасини «мен ким бўлсам экан?» деган масала қизиқтирас эди. Костя Богданович 7-нчи синфда ўқиб юрган вақтидаёқ учучи бўлишга аҳд қилиб қўйган. Володя Ушаков тарихчи бўлишни анчадан бери орзу қилиб юрар эди. Боря Антонов эса консерваторияга кирмоқчи. Бу болаларнинг шундай кишилар бўлиб етишувларига ўзлари ҳам ишонардилар, мен ҳам.

Броқ, Туся Ципкина деган қиз драма актрисаси бўлиш фикридан қайтиб, медицина институтига кириб ўқийман деб қолди. Бугун у менга:

— Мен пухта ўйлаб, врач бўлиш фикрига келдим, бунга қобилиятим бор... Ишонмасангиз, биринчи семестрдан кейин матрикулимни<sup>1</sup> олиб келиб кўрсатаман,— деди.

Мен:

— Майли, Туся, бўлмаса менга олиб келиб кўрсатсан,— дедим.

Мен хаммадан кўпроқ Аня Тирса тўғрисида ўйланар эдим, чунки у қаерга кириб ўқишини ҳозиргача қат'ийлаштириб олмаган эди. Ўнинг отаси рассом бўлиб, қизининг ҳам сураткаш бўлишини истар эди, аммо Аня бирор касбни танлаёлмай гаранг эди.

— Мен,— дер эди у,— чизмакашлик ва сурат солишни жуда яхши кўраман, аммо рассом бўлиш қўлимдан келармикин? Рассом бўломласам керак, деб ўйлайман. Сан'аткор бўлсаммикин, биолог бўлсаммикин, деб ўйлануб юришнинг ўзи ҳам қизик-да?

Аннянинг иккиланиб юрганлигини эшитиб қолган Миша Марголин қошлиарини чимириб, катталардай жиддий қнёфада:

— Аннянинг ўйланиб юриши ҳам бежиз эмас. Келажакда ким бўлиб етишар эканмиз, деб мен ҳам кўп ўйланаман. Бирорта каттароқ иш кўрсаткинг келади киши. Аммо қўлимдан ҳеч иш келмай қолармикин деб ўйланиб ҳам қоласан,— деди.

«Олтин» аттестат олган ва ўғил болалар ўртасида «йўргагида а'лочи бўлган» деб ном чиқарган Римма Оркович бу сўзларни эшитар экан, ғаши келиб:

— Миша, ҳали сен тузукроқ бир одам бўломмайман дейсанми? Агар аҳд қилсанг инженер ҳам, музикачи ҳам, адабиётчи ҳам бўлаоласан,— деди.

---

<sup>1</sup> Матрикул — олий мактаб имтиҳон дафтарчаси, *Таржимон*.

— Тўғри, албатта,— деди Люда Павлова,— мана, бизнинг Володя олим, профессор бўлади, Римма химик бўлади. Мен бўлсам, тарих ўқитучиси бўлмоқчиман.

Мен йил бўйи бунақа гапларни кўп эшиштаман ва ўзим ҳам фикр бераман. Ба'зи болаларнинг қат'ий бир фикрга келганини эшишиб хурсанд бўламан. Шу блан бирга, ба'зиларининг узоқ ўйланиб юришларини ҳам ма'қул деб биламан. Бирор олий мактабни танлаш осов эмас, чунки бу — кишининг тақдирини ҳал қиласди. Уқуҷиларнинг ҳаммаси ҳам ўқиши давом эттиришни хоҳлайди, улар келажакда ўзларининг мустақил ишлаб кетадиган кунларини кўз олдиларидан ўтказадилар.

Уларнинг ҳақиқий, хушчақчақ, баҳтиёр ҳаёт кечиришларини чин кўнглимдан тилайман!

1941 йил 17 июнь

Эрта блан уйнинг қўнғироғи бирдан қаттиқ жиринглади. Бу жиринглаш менга таниш туйилди. Уғлим Андрей одатда мана шундай тезоплик блан жиринглатар эди. У Украина шаҳарларининг биридаги пиёда аскарлар мактабида ўқийди. Унинг фикри-ёди ўқчи аскарлар командири бўлиш. Шунинг учун ҳам, у атайн шу мактабга кирган эди.

Андрей ўз гапини ма'қуллатиш учун:

— Ўқчи полк командирининг ихтиёрида: артиллерия ҳам, танклар ҳам ва бошқа ҳамма нарса бўлади; у жангда бошчилик ҳам қиласди,— дер эди ва шунинг учун ҳам у, албатта пиёда аскарлар мактабини битириб чиқишига аҳд қилди.

Қўнғироқ товушини эшитиш бланоқ эшикни очгани югурдим. Эшикни очиб қарасам, лейтенантча кийинган Андрей ва унинг ёнида яна бир командир турипти.

— Салом, онажон! — деди кулиб Андрей. — Бизни бугун келади деб ўйламаган бўлсангиз керак. Бу киши ўртоғим Серёжа Краснов бўлади...

Серёжа жуда ёш кўринарди, унинг соchlари майин ва ялтироқ, кўзлари қўйкўз эди.

Икковини ўтқизиб, олдига дарров дастурхон ёздим.

— Мен шимол томонга тайинландим, Сергейни эса. Ленинградда қолдиришди,— деди Андрей.

У жиддий гапни бир дамда оддий гапга, оддий гапни яна жиддий гапга буриб юборишга уста эди. У ўртоқ-

лары ва ўқитуучиларининг ҳол-аҳволини билишни истайди. Узи ҳам кўп нарсаларни гапириб беради.

— Сизлар тайинланган ўрнингизга қачон боришингиз керак?—деб сўрадим.

— Ўртоқларим вокзалдан телефон беришади; кечаси жўнаб кетсак ҳам эҳтимол. Онажон, сиз уйдан кетмай телефондан хабардор бўлиб туринг, Сергей иккаламиз шаҳарга бир тушиб чиқайлик,— анча ишимиз бор,— деб жавоб берди Андрей.

Улар кетгач, ярим соатдан кейин телефон жиринглади. Айтишларича, комендант жўнашни эртага қолдирипти.

Серёжа Андрейдан эртароқ қайтди. Биз у блан гаплашиб ўтиридик. У ўз онасига ачиниб гапиракетди:

— Онамга оғир бўлди. Отам йўқ, синглим ҳали ўқути, бобом жуда қариб қолган. Энди мен уйдагиларга ёрдам қилаолсам керак, деб ўйлайман.

— Сиз комсомолда бормисиз?—деб сўрадим.

— Ҳа. Еттинчи синфдалигимдаёқ кирганман.

— Бўлмаса нега Андрейни ҳам комсомолга олиб кирмадинглар?

Серёжа кулимсираб:

— Сизнинг жаҳлингиз чиқмасин, ўғлингиз, менингча, ҳали ўзини унча тутиб ололган эмас. Мен унга гапирсам: «Насиҳатингни ўзингга қил»,— деб жеркиб беради.

— Нима қилсан бўлади! У менга ҳам шундай деса. Одам бўлармикин-а?

#### 1941 йил 18 аюнь

Андрей бугун кечқурун жўнаб кетди. Уни Серёжа ва менда ўқиган Василий Захарович Голубев — учаламиз кузатдик. Голубевга мен бир вақтлар Петергоф саройлари ва паркларига экспурсияга борганларга раҳбарлик қилиш ўйларини ўргатган эдим.

Василий Захаровични Андрей болалик чоғлариданоқ яхши кўрас эди. Голубевнинг оқғинларга қарши урушда ярадор бўлганлиги ва Қизил Юлдуз ордени блан мукофотланганлиги учун Андрей уни ҳурмат қиласарди.

— Андрей дейман! Бир кун учрашиб қолсак ҳам ажаб эмас,— дейди Василий Захарович,— тўсатдан мени сенинг қисмингга сиёсий раҳбар этиб тайинлашлари ҳам мумкин.

— Қанақасига тайинлайди? Сиз ҳарбий хизматдан бўшагансиз-ку?— деб, ажабланади Андрей.

— Тұрғы, мән бұшаганман! Агар уруш бөшләнисің қолса, армияга яна кетаман-да.

Унинг бу сүзларини әшигтган ҳамон, беихтиёр:

— Ҳой, Вася! Юрагимни ёрмасаң-чи! — деб юбордым.

— Ҳозир деяётганим йўқ,— деб менинди юпатмоқчи бўлди у.

Вокзалдаги аҳволни кўриб, юрагимнинг ҳовлиқиши ортди. Нега десангиз, бугунги жўнаётгав йўловчилар бутунлай ёш, навқирон лейтенантлар эди. Булар ҳарбий мактабларни битириб, ишга жўнамоқдалар. Андрей менга тасалли бериш учун, деди:

— Мен узоқ жойга кетаяпман. Албатта менга бир ит блан бир ов мильтиқ керак бўлади. Сиз Цхалтубога боринг. У ерда бир ой отпускангизни ўтказинг. Бу орада мен борган еримнинг ўёқ-буёғи блан танишиб тураман. Бир ойдан кейин, ит блан ов мильтиқни олиб, менинг олдимга борасиз... Она, энди шу ерда хайрлашақолайлик, нимага десангиз, ўртоқларимни ҳечким кузатиб чиққани йўқ, ноқулай бўлмасин.

Ноилож кўндим. Яна бир ойдан кейин учрашиш умидида хайрлашдик.

1947 йил 19 маюњ

Битиручилар блан бугун мактабда сўнгги марта кўришдим: уларга аттестат топшириш тантанаси бўлди, сўнгра зиёфат берилди.

Дастурхон ёзилган столлар вестибилюльга қўйилган эди. Вестибилюль бугун танимайдиган бўлиб кетган: катта устунлар ёнидаги гулдонларда гул дараҳтлар турипти, эшикка яқинроқ жойдаги столга турли таом ва ширинликлар тузалган. Қаёққа қарасаң гулдасталарга, гултувакларга кўзинг тушади, ҳатто дастурхонларнинг устига ҳам гуллар сочиб ташланган.

Битиручилар ҳам ясанган, димоғлари чор.

Биз ўқитучилар эса, ҳар сафарги ўқучилар чиқаришда хафаям бўламиз, севинамиз ҳам. Кўз ўнгингда ўсган болалар блан хайрлашиш кишини хафа қилиб қўяди. Улар кетиши блан мактаб ҳувуллаб қолади. Айниқса мен кўпроқ ўксисиб қоламан, чунки 10-инчи синф болалари менинг қўлимда тарбия топган, бу йигит ва қизларни болалик чоқларидан бери биламан.

Шу блан бирга биз жуда қувонамиз ҳам. Негаки, ўз үқучиларимизга қўлимиздан келган барча билимларни бердик.

Ҳамма тантана биз ўлтирган стол теварагида ўтиб турди. Ўқитучилар ҳам, ўқучилар ҳам сўзладилар. Менга ҳам сўз навбати келди. Броқ, ўпкам тўлиб, томоғимга бир нарса қадалиб қолгандай бўлди.

Мен гапимни Николай Островскийнинг шу сўzlари блан бошладим:

«Ўртоқлар, ҳаётнинг ҳарбир кишига берган зўр ва бебаҳо ҳад'яси — ёшлиkdir. Ёшлик эса бақувватлик, новқиронлик, билимга, курашга орзу-ҳавас, интилиш, комил ишонч ва умидлардан иборатдир»...

Мен уларга қаратиб сўzlар эканман, кекса авлодларнинг қаҳрамонона курашлари натижасида озод бўлган мамлакатимизнинг ёшлари олдида коммунизм қуриш каби фахрий ва қувончли вазифа турганлигини айтдим.

Мен уларнинг келажаги порлоқ эканига жудаям ишонар эдим, улар менинг шу ишончларимни сезса экан, деб истар эдим...

Улар менинг муддаомни англағанликлари сезилиб турарди.

Ҳамавақт мазах қилиб ўтирадиган Игорь Василем ҳам сра кулмасдан; диққат блан қулоқ солиб ўлтирас, Туся Ципкинанинг эса кўзи ёш блан тўла эди.

Улардан ажralиш қайғуси ичида мен қуидаги гапларни айтдим.

«Мен сизларнинг келажакда ўз ўқитучиларингизни яхшилик блан эсга олишларингизни истар эдим. Шу блан бирга, сиз блан бизнинг дўстлигимиз учун, «тажрибакор кексалар» блан «жасур ёшлар» нинг дўстлиги учун қадаҳ кўтараман!».


Ҳар томондан менга қадаҳ кўтарган қўллар узатилди, йигит ва қизларнинг қўзлари менга муҳаббат блан тикилди.

Зиёфатдан сўнг залда танца бошланди. Ўқучилар чиқариш маросимиға бағишинган бални, одатдагича, мактаб директори мактабни энг яхши битирган Римма Оркович блан танцага тушиб бошлаб берди. Бу шарафга муяссар бўлган Римманинг юзлари ловиллаб ёнар эди.

Танца ва ўйин-кулги ярим кечадан кейин ҳам давом этди. Аммо ҳечким ухлашни ўйламади, чунки Ленинград мактабларининг илгаридан бери давом этиб келаётгани



Мениң қазарымда ұамма нараса: шаҳар ұам, Нева ұам, бизнинг  
ёшларымыз ұам, бу оппоқ кечә ұам күп ажойиб әди.



одатига күра, бал тамом бўлганидан кейин ҳаммамиз Нева бўйига тамошо қилгани чиқиб кетдик.

1941 йил 20 июнь

Оппоқ кеча маҳали. Июнь ойидаги ажойиб оқ кеча. Биз ленинградлилар бундай кечаларда ўз шаҳримиз на-қадар гўзал бўлишини биламиз. Нева дар'ёси кумушдай ярқирар, каналлар қопқора ва жимжит сув блан лим-малим тўлган ва унда оппоқ устунли бинолар, камалак-дай қайрилган кўпприкларниң арклари, қанотли шерлар ва чўян панжаралардаги ўйма нақшларниң сояси кўри-ниб турар эди. Шаҳар гўё икки қават бўлиб кўринади: бири — Нева бўйида ҳашаматли, сокин, кўркам бўлиб кўринса, иккинчиси — дар'ё ва каналлар сувида акс этади.

Биз Нева бўйига бордик ва бронзадан ясалган шер-нинг тагидаги, сув бўйига тушиб-чиқиладиган пиллапоя-ларга ўтиридик.

Сарой рўпарасидаги кўпприк кўтарилиган: шатакчи кема Ладога кўли томондан баржаларни тортиб келаёт-тир. Бу кема карвони Неванинг жимииллаб, кумушдай ялтираб турган сувлари устида қора соядай кўринар эди.

— Ҳой болалар, келинглар югуришамиз,— деди Аня Тирса.— Қани, ким менинг кетимдан югуради? Худди Зимняя канавкагача?

У қирғоқ бўйлаб учганича кетди, қолганлар қиййчув кўтариб, унинг кетидан чопишиди. Ҳатто семиз Гария Осташков ҳам, ўртоқларидан орқада қолмасликка ти-ришди.

Биз ўқитучилар бирнеча дақиқа ёлғиз қолдик.

География ўқитучимиз Александр Маркович Москавлев:

— Сиз ёшлигингида шу ерларда бўлганингизни эс-лайсизми?— деб сўради.

— Ҳа, эсимда бор, аммо ўқучилик вақтимда эмас. У вақтда бизни кечалари дар'ё бўйига тамошога чиққани қўймас эдилар. Шунинг учун биз студентлик чоғимизда бу ерда ўртоқларимиз блан учрашар, оппоқ кечаларда сайр қилар эдик. Уйга аzonда борар ва кечаси кўпприк кўтарилиб, ўтолмай қолдик деб баҳона қилар эдик.

— Мен университетга кириб ўқийман деб, Петер-бургга келган эдим,— деди ўйчан Александр Марко-

вич.— «Мис чавандоз» ҳайкалйининг нималигини маңа шу кечадагина тушуниб турибман.

Бизнинг чопарларимиз гуриллашиб қайтиб келишиди. Уларнинг қизарган юзлари шодликка тўлган эди.

Римма деган қиз:

— Болалар, биласизми, йигирма йил ўтгандан кейин биз яна шу ерда кўришувимиз мумкин-а? Қизиқ, у вақтда биз қанақа бўлиб кетар эканмиз-а?

— Сен яна фалсафадав тушдингми?— деб, Кира унинг гапини бўлди.

— Ольга Ларина: «Қайғу-ҳасрат менга ёр эмас!» деган эди. Мен ҳам унинг гапига қўшиламан. Бу кеча беғубор бўлганидек, ҳаётимиз ҳам кўп яхши бўлади.

— Болалар, келинглар бир ашула айтайлик!— деди Ания.

Болалардан бири ашула бошлаб юборди, унинг овози кенг дар'ё устида жаранглаб кетди.

Қаршимизда катта йўл,  
Бизни олға ундаиди.  
Вазифамиз кўп буюк,  
Ватан бизни севади,  
Ватан бизни кутади.

Шод ўлкамизда қувноқ яшаймиз,  
Қўшиқ автиб, шуни кўйлайлик.  
Чив дўстликни, мактаб ҳаётин,  
Эслаблик, кўйлаблик.  
Эрка давр ва  
Бахтиёр ҳаётни.

— Сизлар бахтили кишиларсиз,— деди Алёксандр Маркович.— Бизнинг вақтимиизда бундай ашулалар йўқ эди... Биз «Дубинушка» деган ашулани чўзиб айтар өдик.

— Йўғе! Сизларнинг ҳаётингиз қизиқроқ бўлган. Сизлар ўз замонангиздаги тузумдан норози бўлгансиз, унга қарши курашгансиз, бизни бундай ҳаётга бошқалар өриштирди-да!— деди Римма.

— Унақа эмас, Сизлар ҳали кўп нарсаларни ўзингиз барпо этасиз. Сизлар биз хаёлимизга ҳам келтиргмаган нарсаларни кўрасиз,— деб, астойдил этироз билдириди Александр Маркович.

---

<sup>1</sup> Бу ше'рни бир ўқучи ёзган.

Гапга ўқучиларимизнинг әнг кичиги Миша Ипатов қўшилиб:

— Тўғри айтасиз. Масалан, мен ҳам албатта Нева дарёсига битта кўприк соламан. Битта аркли, жуда антиқа кўприк бўлади,— деди. Бу бола эндигина ўн олтига кирган, синфдагиларнинг энг кичиги шу бўлса ҳам, «олтин» аттестат олди.

Игорь Василец деган бола унинг гапини мазах қилиб:

— Бу эски гап, Мишал Кулибин ҳам шунаقا қила-ман деб ўйлаган эди-да!— деди.

— Унақа бўлса, мен бутун Ленинград кўчаларини декабръда ҳам ҳозирги оппоқ кечалари каби ёп-ёруғ қилиб турадиган нарса ўйлаб чиқараман.

Шаҳар жуда ҳам гўзал қиёфага кирди... Биз Қишиқи сарой деразаларида акс этаётган тонг шафағини, Эрмитажнинг нопармон ойналарини ва Васильев ороли Стрелкасидаги ҳашаматли Биржанинг қаддини кўриб завқланар эдик.

Менинг назаримда ҳамма нарса: шаҳар ҳам, Нева ҳам, ёшларимиз ҳам, бу оппоқ кеча ҳам, кўп ажойиб эди.

Бугун ўқитучилар ҳам яшариб кетган. Александр Маркович ҳатто горелка ўйинига ҳам қўшилди.

Шаҳар уйқуда эди, аммо ҳушчақчақ овозлар кечанинг мафтун қилучи осойишталигини бузар эди. Биз болаларни ўзларига қўйиб бердик, мактабдагидек танбиҳ қилмадик. Уларнинг хурсандчилкларига, ашула, шовқин-суронларига халақит ҳам етказмадик. Бу кеча уларнинг мактаб ҳаётидаги энг сўнгги кечаси бўлса, кишилар ҳаётига киришларидағи биринчи кеча эди. Бу кечада уларнинг ўнашлари, кулишлари керак эди...

## УРУШ БОШЛАНДИ

1941 йил 22 июнь

Бугун якшанба — мен отпускага чиққан кун. Шаҳар темир йўл станциясига бориб, гўзал Грузиянинг Цхалтубо курортига жўнатиш учун билет олдим-да, соат ўн иккига яқин Нева кўчаси блан Адмиралтейство томондаги уйимга қайтдим.

Кўчалар ясанган одамлар блан тўлган, ҳавода самолётларнинг гуриллаган овози узилмайди. Мен радионинг тагига тўпланган одамларга этибор бермай, шошиб-пизишиб Мойка анхорига томон бурилдим. Демидов кўчасидаги мен турадиган ҳовлиниң қоровули: «Немислар уруш очипти!» деб қолди.

Уруш — фалокатли нарса! Уруш ижодий ишларимиз учун хавфдир. Уруш деганда зиммамизга Ватан олдидағи зўр вазифалар юклатилишини дарров ҳис қиласиз.

Андрей ҳали йўлда. Энди уни қаёққа жўнатишар экан? Менда ўқиб чиққан болаларнинг тақдиди нима бўлар экан? Уларнинг олий мактабга кириш орзулари ҳам йўққа чиқди. Ҳозирги оғир пайтда ўқучиларимиз ёз вазифаларини тўла сезармикан? Ҳозир мактаб ва ўқитучилар қаттиқ синовдан ўтадиган пайт. Уларнинг қандай кишиларни тарбиялаб етиштирганликлари ма'лум бўлади. Ўйчан ва музикачи Боря Антонов ўткир жангчи бўлармикан? Фикрли боламиз Миша Марголинга уруш тўгрисидаги хабар қандай туйилар экан? У шундай фикрли ва доно бўлатуриб, уруш вақтидаги вазифасини тушунмаса хунук иш бўлади-да!

Ҳовлига борсам, уйлар ҳувиллаб қолипти, ғинг деган овоз эшитилмайди. Қўшнилар ҳаммаси қаёққадир кетишган. Узимни қаёққа қўяримни билмадим. Бирорта яқинингникига бориб, гаплашиб ўтиргинг келади. Эрмитажда ўртоқларим ишлайди, ўша жойга боргим келди.

Дарвозага чиққанимда ўқучиларимдан Римма блан Павлик ва Эдяларга дуч келдим.

— Ҳечнарсадан хабарингиз борми? — деб сўради улар.

— Биз, — деди Римма, — касалхонага Миша Марголинни кўргани борган эдик, сизга хат бериб юборди.

Эдя катак дафтарнинг бир варагига ёзилган ва тўрт бурчак қилиб букланган хатни менга узатди. Хатни ўқийбошладим:

«Ксения Владимировна.

Ҳозир одамлар урушда ўлиб турган бир пайтда қасалхонада ётиш оғир гап! Қани энди тезроқ тузалақолсам!

Биз ўқишни битиргандан кейин қайси олий мактабга кирсак экан, деб ўйлар әдик... Қаёққа кириш энди ҳал бўлди: ҳарбий мактабга кириш керак.

*Сиз блан бир гаплашгим келади. Бизнинг мамлакатимиздай мамлакат енгизи керак! Тұғри әмасми? Сиз доимо бизга: «Тарихда ҳарқачон тараққийпарвар күчлар енгіб келган» дег әдінгиз...*

*Миша».*

**Римма:**

— Тездан мактабга етиб келинг; ҳадемай ҳамма болалар мактабга йиғилиши турған гап,— деди.

Шу гапдан сүңг биз хайрлашдик.

Мен дар'ё ёқалаб, Эрмитажга кетаётган адим. Шундай улуғвор, азamat Нева дар'ёси негадир күзимга бошқача күриниб кетди. Бу балки кемаларда матросларнинг оқ тұғарал шапкалари күринмай, улар қора шапкаларни кийволишганидандир? Ыйқ, бунинг учун әмас.. Бунинг сабаби — гүзал шаҳар, Ватан учун ташвишланиш әди.

Баҳайбат «Чавандоз» ҳайкалининг құлладыны чўзиб туриши ҳам бошқача туйилади. У ўз құлларини гүё шаҳримизни қўриқлаш учун чўзиб турғандай. Еки бу, қадимги афсоналарда «Мис чавандоз» ўз шаҳрини қўриқлади, деб айтилган ривоятни эсга туширади. Замон тинчиб, бахтли кунлар яна қайтиб келганды, шу «Чавандоз» ҳайкалинин яна ўз ўрнида кўрамиз дегинг келади.

Жанубдаги каби, шаҳарни қоплаб турған баланд осмон кўмкўк бўлиб кўринади. Самолётлар гурилламоқда. Бу самолётлардаги учучилар Ленинградни сақлаб туриптилар. Ҳарбий кемалар Нева дар'ёсида саф торған. Улардаги денгизчилар осмонни диққат блан кузатмоқдалар.

Ленинград душманга зарба беришга тайёр.

Аммо шаҳримизга зиён-захмат етиши мумкин. Россиянинг шуҳратини орттирган 1812 йилдаги жангларнинг хотираси бўлмиш Александр минораси, Адмиральтейство биноси гумбазининг узун учи, Исаакий гумбази, гүзал Неванинг лентадай ялтираб кўринишининг ҳаммаси душман учун бир мўлжал бўлиши мумкин. Оқ кечак эса, Ленинградга ҳаводан ҳужум қилишни енгиллаштиради.

Э учучилар, болтиқчилар ўз шаҳронгизни ҳавода ва денгизда туриб қўриқланг, бизлар бор кучимиз блан сизларга ёрдам берамиз...

*1941 йил 23 аюн*

*Кечак соат 16 да мактабимиз ўқитучилар ва ўқучилар блан тўлди. Уларнинг ҳаммаси бизнинг ёрдамимиз керақ әмасмикин, деб билгани келишипти.*

Район маориф бўлимидан мактаб биносини 23 июнъ  
врталабдан қолдирмай бўшатиб берилсин, деган бўйруқ  
олинди.

Илмий мудиришимиз Николай Николаевич Шестаков  
кенг пиллапоядан шошиб-пишиб тушаркан:

— Биродарлар, бизнинг олдимизда зўр бир иш ту-  
рикти; тездан уни бажаришга киришайлик,— деб вестю-  
 билда турган ўқучиларга мурожаат қилди.

Биз ўқитучилар ҳарбиримиз қандай ишни бошқари-  
шимиз кераклигини тезлик блан белгилаб олдик. Клав-  
дия Сергеевна Сахаровага тездан ким'ё ва физика каби-  
нетларини йиғиштириб олиш вазифаси топширилди. У  
биларманд киши, бир қарашдаёқ яшиклар етишмаслиги-  
ни дарров пайқаб олди. Унинг буюруви блан Костя Бог-  
данович ҳамда ака-ука Дорофеевлар мактаб ёнидаги  
кооперативдан яшиклар сотиб олиб келишди.

Иш қизиб кетди. Римма Оркович шу ерда ҳам ўз фа-  
вили севишини кўрсатиб, реторт ва колбаларни газета  
ва қириндиларга авайлаб ўрайбошлади. Ишлаб турган  
тўдаларнинг бирида Тирса фамилиясидаги уч опа-си-  
гилнинг энг каттаси — Машеньканি кўрдим. У ҳозир  
география факультетининг студенти бўлиб, шу оғир  
соатларда ўз сингиллари блан бирга мактабга келган  
эди.

Мактабнинг хўжалик мудирини аллақачон ҳарбий  
комиссариат чақириб олган эди. Унинг ишини ўқучилар-  
дан Эдя Пиров индамай бажара бошлади. Пиров бу иш-  
ди жуда яхши олиб борди. Иш жуда қизғин, ҳечкимнинг  
бир-бири блан гаплашишга ҳам қўли тегмайди. Оппоқ  
кечанинг ёруғи мактабимизнинг каттакон деразаларидан  
тушиб турар ва унинг шу'lаларидан болаларнинг юзла-  
ри оқиш ва бўлакча кўринар эди. Ё эса тинчлик даври  
тугаб, уруш бошланғиб кетган бирнече соат ичида улар  
улгайиб кетдилармикин-а?

Тўсатдан хунук тревога овози эшитилиб қолди. Биз  
бунақа ростакам тревога товушини энди эшитиб турибмиз.  
Шу дамда девор соатининг чиқиллаб туриши ҳам нер-  
ларимизга қаттиқ та'сир қилди.

Душман қаерда турипти экан? Балки унинг ёввойи  
учучилари шаҳарнинг тепасига келиб, Ленинградимизга  
бомба ёрдиришга чоқланиб тургандир. Ё эса, баланд бу-  
лутлар орасида ленинградлилар ҳаёти учун шиддатли  
жанг бўлаётгандир?

Бундай вақтда одамларни тинч үтираверинглар деб хотиржам қилиб бўлмайди. Балки кўп одамни ваҳима босгандир, аммо буни ҳечким сездирмайди, иш бўлса бетўхтов кетаяпти.

Ҳаво тревогаси тамом бўлганини билдиручи товушнинг эшитилиши блан ҳамманинг дили шод бўлди.

— Ана, демак, бизникилар немисларни қочирди,— деди Костя Богданович.— Мен эртага учучилар мактабига ариза бераман.

— Мен оддий аскар бўламан,— деди Боря Антонов.— Бу тузукроқ. Үёққа тезроқ борасан.

«Үёққа» дегани — фронтга дегани бўлади.

Ҳаммамизнинг фикру ёдимиз ўша ёқда. Бизнинг ҳаммамиз улкан ишнинг кичик бир бўлагини бажарайпмиз деб ҳисоблаймиз. Шахсий иш умумий ишга айланиб кетди. Мен ҳатто Андрей тўғрисида ҳам кам кам ўйлайдиган бўлиб қолдим.

Нарсаларни яшикларга жойлаш тун бўйи давом этди. Ухлаш ҳечкимнинг хаёлига ҳам келмади. Тонгга яқин бироннинг оғир этигининг гурсиллаган овози ва:

— Бу ернинг директори ёки комендант қани? — деган шовқини эшитилди.

Бу киши мактаб аш'ёларини олиб кетиш учун юборилган биринчи машина блан келган эди. Қелганларнинг олдида бизнинг новча, қотма Эдямиз пайдо бўлди. Юклар ортилабошлади ва иккинчи томондан, мактабимизда ҳарбий госпиталь қуришга ҳам киришилди.

— Комендант! Водопроводчилар келди, бурчакдаги уйнинг калити қани? — деб қичқиришди юқори қаватдан.

Буни эшитган Эдя юқорига югуриб чиқиб кетди.

— Комендант! — деб пастдан қичқиришди.— Машина келди; юкларни юклатинг.— Шу онда Эдя пастга чопиб тушиб, юкларни юклатабошлади.

Тонг отиб, қўёш заррин нурларини атрофга сочгаёт, кўп ўрил ва қизлар уйларига кетганидан мактаб биноси бўшаб қолган, мактабда қиладиган иш ҳам қолмагай эди...

Энг сўнгги машина кундузги соат иккита жўнаб кетди. Яшиклар орасида Эдянинг новча қомати кўринди.

Бинони айланиб чиқмоқдаман. Ўзим жуда чарчаганман, аммо мактаб блан хайрлашгим келади. Коридорнинг гулдор полида қадамларим гурсиллар эди. Синф-

лар ҳувиллаб ётиptи, парта ва доскалар блан ўқитучи-  
ларнинг столлари ҳам олиб кетилган.

Иўлимда давом этдим; ҳамаёқда ахлат, қиринди,  
қоғоз парчалари ётар эди. Фақат жонли табнат бурча-  
гигина безагини йўқотмаган. Тувакларда ўсимликлар  
бор, баланд ёввойи узум занги турарди. Мактабнинг  
мана шундай бўм-бўш қолиши юракни сиқади!

Тарих кабинетида оқ кардон қоғоз деворга тирадиб  
туринпти. Уни ағдариб қарасам, Володя Ушаковнинг  
7-нчи синфда ўқиган вақтда чизган чертёжи экан. Бунда  
Чуд кўли томонига пона тусида саф тортиб келётган  
немис рициарълари ва солдатлари туш-сиёҳда нозик ва  
ингичка чизиқлар блан кичкина қилиб ишланган. Воро-  
ний Каменъ орқасида эса, Александр Ярославич томо-  
нидан донолик блан жойлаштирилган рус қўшини кўрса-  
тилган.

Плакатга: «Бирорга чуқур қазисанг, ўзинг йиқила-  
сан!» деган мақол ёзилган.

1941 йил 24 июнь

Шундай даҳшатли соатларда ҳарким бир иш бажа<sup>з</sup>  
риши лозим. Мен ҳам бирор иш бажариш ҳаракатига  
тушдим. Нима қилиш керак? Агар дарслар 1 сентябрь-  
дан бошланадиган бўлса, икки ойгача қўл қовуштириб  
ўтириш ярамайди. Бирорта иш топиб ишлаб туриш ва  
ўқучи қизларни қаёққа жўнатишни ҳам ўйлаш керак.  
Ўғил болаларнинг тақдиди равшан.

Андрейдан айрилиб туриш қанчага чўзилар экан ва  
ҳозирги ҳолат қачонгacha давом ётар экан? Шу ўйлар  
кишини қаттиқ ташвишга солади. У блан сўнгги хайр-  
лашиш олдидা:

«Менинг қоним биринчи группага киради. Бу энг то-  
за қон ва ҳамма кишиларга ярайверади. Аммо бу груп-  
падаги қони бўлган одамларга бошқа группа қонларни  
куйиб бўлмайди» деган сўзлари эсимга тушади.— У  
вақтда мен бу гапнинг ма'носини англамаган эдим, энди  
эса тушундим.

Афсуски, мен қонларнинг группасини, донорларнинг  
ёшига кўра уларнинг ҳархил бўлишини яхши билмай-  
ман, аммо қон состави кўпинча онанинг қонига қараб  
ажратилиши эсимда. Агар мен ҳам қон топширадиган  
донор бўлсам, менинг қоним, қони Андрейникига ўхса-

Ган ҳарқанақа кишиларга яраши мумкин. Доңор бўлишга уриниб кўраман.

Аммо бу кифоя қилмайди... Мабодо мен мактабимизда очиладиган госпитальга кириб ишласам-чи? У ерда ўқитучиларга ҳам, ўқучиларга ҳам иш топилади-ку!

Қон қуйиш институтига бордим. Бу жуда катта бино; унда ям-яшил ўсимлик ва дараҳтлар жуда кўп, коридор ва қабулхонанинг гулдор поллари ярқирайди, врач ва ҳамширалар оппоқ халат кийиб олганлар. Менга ўхшаган янги доңорлар анча бор. Бу ерга турли ёшдаги кишилар келган. Бу иш блан мамлакат ичидаги туриб, фронтга ёрдам бериш мумкин.

Ҳамшира менинг қонимни текшириб кўриб:

— Биринчи группа экан,— деди.

Андрейники ҳам биринчи группа эди! Ҳар қирқ кунда қон топшириб турадиган бўлдим.

Институтдан район маориф бўлимига бордим. Маориф мудири мактабимиздаги госпитальга кириб ишлашимга дарров кўнди ва қофоз ёзиб берди. Главврачга учрашдим. У:

— Яна икки кунлардан кейин тўппа-тўғри ишга кела-веринг,— деди.

1941 йил 25 июнь

Болаларни мамлакатнинг узоқ жойларига эвакуация қилиш каби жуда муҳим вазифа мактабимизга топширилган эди. Болалар фронтдан узоқ жойларда яшхи яшашларига ота-оналарини ишонтириш керак эди.

Шаҳарнинг ҳамма кўчаларида бешинчи ва олтинчи синфнинг аллақаёнча ўқучи қиз ва ўрил болалари алоқачилик вазифасини бажариб, югуриб-елиб ота-оналарга чақириқ қофози ташир эдилар. Ўқори синф ўқучилари эса, болалар интернатларининг нарсаларини тўпланиш пунктига ташишда ўқитучиларга ёрдамлашар эди.

Ўғил болаларимиз чортоқлардаги эски-тускиларни жон-жаҳдлари блан улоқтирадилар, у ердаги панжараларни бузадилар, чортоқларга ўт олмайдиган аллақандай нарсалар шувайдилар. Душман ёндиручи бомба ташлаши эҳтимол. Болалар жуда апоқ-чапоқ бўлишиб, завқ блан ишлашаяпти. Уруш даҳшатларини улар ҳали билишмайди. Уйдан чикаётганимда ўн-үзбир яшар бола блан бир хотини БИЛЧАНГЕНДА ГАНДИШАЁГИНИ эшигдим:

— Вой тавба! — деди, хотин ачиниб.— Энди кирларниң қаёққа ёйиб қуритамиз? Чортоклар ҳам күча бўлиб қопти-ку!

— Холал! Энди ким кир ювади дейсиз? Ҳозир уруш вақти-ку!

Боланинг майкаси могор, қўллари кир эди. Балки уйига қайтгач уруш маҳалида ҳам кир ювиш зарурлиги ни тушунгандир.

Мактаб ҳовлисида ака-ука Борис ва Глеб Дорофеевларга йўлиқдим. Булар гавдали, кучга тўлган, битиручи болалардан эди. Улар қаергадир каравот ташир эдилар, узоқдан:

— Салом, Ксения Владимировна! Бу ерда бизнинг болалар кўп. Госпитальга жой тайёрлаяпмиз,— деб қичқиришди.

Чиндан ҳам, ҳовлида ўқучиларимиз алланималарни ташишапти. Афтидан, улар бу ернинг паст-баландини билишиб қопти. Менга ҳамма нарсани аниқ қилиб кўрсатишади:

— Хиургия бўлими иккинчи қаватда, унга орқадаги пиллапоя блан чиқлади. У ерда ўтирган бош ҳамшира Антонина Ивановна нима қилиш кераклигини айтади.

Антонина Ивановна мени қувонч блан кутиб олди:

— Сиз шу мактабнинг муаллимаси бўласизми? Демак, бу бино сизга таниш экан-да? Жуда соз! Госпитальни мумкин қадар тез жиҳозлашимиз керак, ҳозир ҳамма шу блан банд. Ўқучиларингиз нарсаларни ташийди, сиз уларга ўша нарсаларни қаерга ва қанақа қилиб қўйини кўрсатиб турасиз. Қайси хона нима учун белгиланганлигини эшикка ёпиширилган ёзуводан билиб оласиз.

Мен бу ёзувларни кўрдим: илгари директор кабинети бўлиб турган бўлма врачлар хонаси, муаллимлар бўлмаси яра боғлайдиган хона, синфлар эса — палата бўлар экан.

Биз кун бўйи зўр ғайрат блан ишладик, кечга яқин мактаб биноси бироз госпиталь тусини олди.

Антонина Ивановна мен блан хайрлашаётib айтди:

— Демак, менинг бўлимимда ишлашга рози бўласиз-да? Шундай экан, бизга ёрдамлашадиган ўқучиларнинг рўйхатини тузиб чиқсангиз. Ўқитучиларни ҳам тортиб бўлмайдими? Бизга кўп киши керак.

Клавдия Сергеевна Сахарова ва Лидия Константиновна Шитинскаялар ҳам госпитальда ишлай бошлади-

лар. Улар япон уруши вақтида ҳам медицина ҳамишира-  
си бўлиб ишлаган кишилар эди.

Бирнеча кундан кейин бўлимимиизга ўқучиларимиз-  
нинг оналаридан Анна Людvigovna Артюхина ва Ида  
Абрамовна Левилар ҳам келдилар.

Ўқитучи ва ота-оналардан катта бир группа тузилди.

1941 йил 1 июль

Госпитальдаги кўп ишларни бизнинг ўқучиларимиз  
қилдилар. Улар ҳамма асбоб-анжом ва мебельларни  
жойлаштирилар, дераза ойналарига «х» белгисига ўх-  
шатиб қоғоз ёпиширилар. Қизлар эса, кўрпа-тўшак-  
ларга тамға босиб, ёстиқларга жилд кийгизмоқдалар.

Госпитальда ишлаб турганимизда, яқиндагина мак-  
табни битириб чиққан Кира Шоҳназарова, Люба Файн  
ва 10-нчи синфга кўчган Оля Тирсалар блан тез-тез кў-  
ришиб тураман. Менинг энг яқин ёрдамчим бўлган Кира  
Жуда ҳам эпчил, ишchan ва ташаббускор қиз эди. У худ-  
ди катта одамдай ишлайди. Агар мен госпитальга келол-  
масам-у, Кира келса, ҳамма иш тартибли бораверади.

Госпитальда ҳозирча ярадорлар йўқ, аммо врачлар  
бизга оғир касалларни парвариш қилиш, қони кетаётган  
ва суяги синганларга биринчи ёрдам бериш йўлларини  
ўргатар эди.

Яқиндагина назарий ўқиш тугади, врач билимимиизни  
синаб кўриш учун чақирди. Мен жуда ваҳимага тушдим:  
Ҳаммамиз навбат блан жавоб бердик, ўзингда ўқиган  
қизлар олдида билмай қолсанг жуда уят бўлади.

Врач мендан:

— Палатангизга умуртқасидан ярадор бўлган оғир  
касални опкелдилар. У қимирламай ётиши керак. Сиз  
унга нима берасиз ва қандай едирасиз?—деб сўради.

— Жўмракли идишда, албатта суюқ таом едираман.

— Сиз унга қандай қилиб тувак тутасиз?

— Тувак тутмайман, балки остидаги клеёнкани қайни-  
риб қўяман.

— Яхши,—деди врач.

Мен ўз ўрнимга, Киранинг ёнига келиб ўтирдим. У  
вркаланиб кўк кўзларини менга тикиб:

— Сиз қўрқдингизми? —деб сўради.

— Жуда.

— Нимага?



— Сизлар учун, қызлар?

Кира блан Любага навбат келганда, мен яна ташвишга тушдим. Үлар шарманда бўлмасалар кошки эди, дер эдим. Аммо иккала қиз ҳам яхши жавоб берди.

1941 йил 5 июль

Ленинград танкка қарши қазилған хандақлар ва дзотлар блан үралмоқда. Бу ишларни фронтга кетмаган, меҳнатга қобил ҳамма одам бажараётир. Ийе, мен нима деяпман ўзим? Ахир Ленинград мудофааси ҳам фронт-куй

Хандақ қазиши ва дзот қуришга идора хизматчилари, педагоглар, юқори синф ўқучилари, илмий ходимлар бораётилар. Ёши элликдан ошибб кетишига қарамасдан Клавдия Сергеевна Сахарова ҳам жўнаб кетди.

— Ҳамма ўртоқлар кетаётган бўлса-ю, мен қараб тураманими? — деди у.

Қуйи синф ўқучиларига ёздирилган чақириқ хатлар гражданларга келтириб топширилмоқда эди. Бу «кўнгили» болалар ўз мактабларига келиб, ўқитучиларига астойдил ёрдам бермоқдалар.

«Сиз әртага 5-нчи июль әрталаб соат 8 да күрпа-  
естиқ, кружка ва қошиқларингизни олиб, мактабга кели-  
шингиз керак» деб ёзилади. Чақиришдан мақсад нима-  
лигини ёзишга ҳожат йўқ, уни ҳамма билади. Кўчалар-  
дан меҳнат отрядлари ўтаётирлар, улар Саблино, Луга,  
Кингисепп, Токсовога борадиган поездларга тушмоқда-  
лар. Душман ҳар томондан Ленинградга хавф солмоқда.

Кунлар ҳаддан ташқари иссиқ. Одамлар оғир ва  
одатланмаган ишга тушиб, қаттиқ чанқов орқасида эҳ-  
тиёткорликни ҳам унутиб қўйишиди. Улар дар'ё ва ариқ  
сувларини ичабошладилар. Қорин оғриғи пайдо бўлди.

Госпиталимиз шундай касаллар блан тўлабошлади.  
Биз хлор-этила деган дезинфекция дорисига докани ҳўл-  
лаб, эшикларнинг бандига ўраб чиқдик. Дорининг ҳиди  
ҳамма нарсага уриб кетди.

Кира ювиниш хонасида кир кийимларни индамасдан  
ажратмоқда. Ў жуда астойдил, унинг юзида жирканиш  
аломати кўринмайди.

— Чойшаб кўп кетади. Кирхонага бориб, бизга кеч-  
қурун албатта тоза усти-бош ва чойшаблар керак, деб  
айтиб келаман. Балки кечаси яна касаллар келиб қо-  
лар,— дер эди у.

Оля Тирса эса, палаталарда юргани юрган. У палата-  
лардаги тоғора ва пақирларни олиб чиқади.

Мен Оляга:

— Сен ўқучисан, сенинг вазифанг бошқа. Сен овқат  
тақсимлашни, палата тозалашни ол,—дедим.

— Мен униям қилаяпман, бундай қора ишлардан  
ҳам жирканмайман. Мен санитаркаларга ёрдам беришни  
яхши кўраман. Мен фронт учун жудаям керакман,—деб  
унамади Оля.

Барча қизларимиз ҳам мана шундай ишлайди. Ҳеч-  
кимнинг госпитальдан кеткиси келмайди. Улар биринчи  
синовдан яхши ўтдилар.

1941 йил 6 июль

Г Мен бугун бизнинг Октябрь районидаги ўқитучилар-  
ни кузатиб қўйдим.

Улар Ярославль обlastига кетишаётпти. Унда уларни  
Ленинграддан эвакуация бўлиб борган интернатларга  
ва мактабларга бўлиб юборишади.

Кўп кишилар қари оталарини, ёки майда болалар  
олиб кетишаётпти.

Мен тиқин трамвайдада муаллимамиз Вера Александровна Петропавловская нинг қари онаси блан вокзалга кетаётган эдим. Кўп одамлар йиғлашади, менинг ҳамроҳим эса ўзини дадил тутди.

— Мен фақат Верочкига ортиқча юкман,— деб ғам чекарди у. Ғам кўпайса томиринг бўшашиб, тинканг ҳам қуриб кетар экан,— дейди.

Биз Витебск вокзалида тушдик. Ҳамаёқ юклар ва одамлар блан тўлган. Бу одамларнинг деярлик ҳаммаси таниш. Биз бир-биримизни чақиришамиз ва ҳол-аҳвол сўраб қучоқлашамиз.

Таниш муаллималардан бириси менга:

— Сиз Ленинградда қолиб, госпитальда ишлайсизми? Баракалла! Андрей қаерда? У лейтенант бўлди денг! — деди ва мени қучоқлаб:

— Хайр энди, яхши қолинг,— деди.

Тетикинина Вера Александровна вагоннинг деразасидан бошини чиқариб туриб:

— Менга ҳали жой теккани йўқ. Онамни Анна Ивановнанинг болаларига қўшиб қўйдим,— деди.

Ҳамма хафа, юраклари бетоқат, аммо буни ҳечким билдирамайди. Кимдир бирорвнинг:

— Тиқилинч бўлсаям майли, хафачилик бўлмасин. Тез орада поезд жўнайди, биз ҳам жойлашиб оламиз,— деб тасалли берган овози эшитилади.

Деразадан бошимни суқиб қарасам, вагоннинг ичи юк ва одам блан лиқ тўла, ҳеч бўш жой йўқ.

Одамлар бир-бирини итаришмай, жанжаллашмай тартиб блан жойланишиб олишди. Бизнинг 232-инчи мактаб ўқитучилари ҳам шу ердаги дачний поездга тушганлар.

Биз кузатучилар тамошобин бўлиб туришни истамадик. Кетучиларнинг чойнак ва тунука идишларига чопиб бориб қайноқ сув тўлдириб келиб бердик, буфетдан булка ва лимонад олиб чиқиб бериб турдик. Бугун кун жуда иссиқ. Вагонда болалар:

— Она, сув, чанқаяпман!..— деб қичқиришади.

Айтадиган ҳамма гапларни айтиб, кетучиларга оқ йўл тилаб қолдик.

Бир ўрта яшар муаллима бошини деразадан чиқариб:

— Биз албатта дийдор кўришамиз,— деди.

Ана, вагонларнинг ойналари платформа бўйлаб секинаста ўтиб кетмоқда. Улар «яхши қолинглар!» деган ишо-

ранни билдириб, оқ рүмөлчалар сиңкитдиләр ва құйларидан күттардилар... Платформа бүйлаб биз ҳам тез-тез бормоқдамиз. Шундай қилиб, уларни кузатиб қўйдик. Яна қанча кишини кузатамиз-у! аммо «Албатта дийдор кўришамиз» деган гап эсимга тушса, енгил тортаман.

1941 йул 26 шубъя

Кундалик дафтарга ёзмаганимга анча вақт бўлди. Оғир ишлар ичида кунлар ўтиб бормоқда: эрталаб соат 8 да госпитальга бораман ва кечқурун соат 9—10 да уйга қайтаман. Ба'зан тушки овқатга вақт ажратиш ҳам қийин бўлади. Госпитальдан ташқарида нималар бўлаётганини фақат ўқучилардан эшишиб биламан.

Ўқучилар рангли метал тўплашга киришди. Бу иш уларнинг ғайратини янада ошириб юборди.

Оля Тирса йифув пунктига битта мис самовар олиб келиб берди.

У опаси иккови:

— Бир ўзимизга икки самоварни нима қиласмиш? — дейнишди.

— Алла жудаям қизиқ-да! —деди менга Гурбанованинг онаси,—ҳамма мис идишларни бериб юбораверамиз деди. Мен отасининг столидаги шамдонни зўрға ажратиб қолдим. Бўлмаса униям берворадиган.

— Ойи, сиз уйни яна яхшироқ кавлаштиринг-да! Биздан яна мис идишлар чиқиб қолади. Бувимнинг тиш тузатиш кабинетида бирорта тузукроқ буюм йўқмичкан?— деб жиддий сўради Юра Артюхин.

Шаҳарга ҳаво ҳужуми кўпайди. Ба'зи кунлари бу ҳужум ҳатто тўрт марта такрорланади.

20-нчи июльдан э'тиборан душман ҳужумини кучайтириди. Шундай бўлса-да у шаҳар устига бирор марта жам келолмади. Газеталар шаҳар остоналарида душманнинг ўнлаб самолётлари ҳалок бўлганлигини билдириди.

Ҳаво ҳужуми вақтидаги тревога овози қанчалар хуњук эшитилса, отбой овози шунчалар ёқимли эшитилар, кўнгиллар шодликка тўлар эди.

Отбой эшитилганда, госпитальда эскидан ишлаб келаётган кекса ҳамшира:

— Ев инига қочди,—деб қўяр эди.

Етти яшар бир қиз қичқириб турган хўрознинг расмими кўриб, онасидан:

— Онажон, отбойни шу хўроз бераятими? — деб сўрапти, деган гап юрар эди.

Кечаси тревога бўлиб қолса, одам яна ваҳимага тушади, самолётларнинг гуриллаган хунук овозини эшиганингда тинглаб, осмонда нима бўлаётганини билишга уринасан ва ҳамма уйларнинг томларига одамлар чиқиб олиб, юлдузлар чараклаб турган қоп-қоронғи осмонга қараётганликларини биласан. Албатта, болаларимиз ҳам томларга чиқиб олишади.

1941 йил 30 июль

Душманнинг Москвага ҳужум қилганлиги ҳақидаги хабар дилларни ранжитди. Душман самолётлари 28 дан 29 июльга ўтар кечаси Москвага бомба ташлапти ва одамлар яшаб турган уйларга ҳам бомба тушипти, деб эшидик. Эй, Москважон! Ватанимизнинг юраги бўлган Москва хавф остида! Биз-ку, майли, душманга яқин турибмиз; биз турган ерни фронт десаям бўлади. Москва-миз эса, душман хавфидан амин бўлиши керак эди!..

1941 йил 31 июль

Анна Львовна Артюхина уйига кетди, ўрнига мен қолдим. Қасаллар уйқуга кетган, санитарка бўлса палатада. Мен яра боғлайдиган палатага кириб ўгиришим мумкин. Бу ерда Кира блан Люба ювилган бинтларни маҳсус машинада ўрамоқдалар. У жойга бориб, қизларнинг ёнига ўтиредим.

— Ксения Владимировна, сиз қандай деб ўйлайсиз, Москвага бомба тушганда жуда ёмон бўлган бўлса керак-а? — деб сўради мендан Кира.

— Билмадим... Ҳарҳолда, кўпчилик одамлар метро-да бўлгандир.

— Бизда метро йўқ. Биз нима қиласиз?

— Кира, сен нимага кетмадинг? — деб сўрадим мен. — Ҳамманинг эвакуация бўлишга ҳақи бор-ку!

— Нима деганингиз у!.. Онам кетолмайди, менинг яна қари энагам ҳам бор. Мен уларни қандай ташлаб кетаман?

— Сенинг қолишингга онанг қандай қарайди?

— Онам кетишимни жуда хоҳлайди-ю, аммо мен кетолмайман.

— Сен-чи, Люба?

— Менинг онам доктор, унинг кетиши мумкин эмас; отам бўлса онамдан ажраб кетолмайди, бунинг устига опам тұғадиган... Мен уларни ташлаб қайга бораман?

— Сиз нимага кетмайсиз? — деб сўрашди қизлар.

— Мен нимага кетмайман? Менинг энди Ленинграддан кетишни ўйлашим ҳам қизиқ бўлади. Мен бу ерда туғилдим, ўқидим ва шаҳар мактабида ўқитучи бўлиб ишлашга киришдим. Шу чоққача менинг бутун умрим шунда ўтди. Бу шаҳар менинг учун жуда азиздир. Мен соғ ва саломат кишиман, шу дамда мендай кишилар бу шаҳарга жуда керак.

Мен буларни қизларга осонлик блан тушунтирудим.

— Мен битта ўзимман, ташвиш қиладиган ҳечкимим йўқ. Фронт ҳам олдимизда.

— Уруш узоққа чўзилармикин? — деб сўради Люба. Унинг саволига мен Николай Тихоновнинг қўйидаги ше'ри блан жавоб бердим. Урушнинг ўтган қирқ куни тўғрисида мен гапирадигандан кўра бу ше'рда яхшироқ айтилган.

Унут, осойиншта қунларингни,  
Унут, хотиржам' шодликларингни;  
Элимиз шу дамда бир қал'a бўлсин.  
Қара: сталинчадир унинг саботи,—  
У асло толиқмас, бу зўр жангларда,  
Ҳайдайди тўзғитиб элдан душманни,  
Ғалаба кунлари шодликка тўлар<sup>1</sup>.

1941 йил 15 август

Бугун госпитальда менинг олдимга санитарка келиб:

— Сизни эшикда бир йигит кутиб турипти,— дели.

Пастга тушиб, эшик олдида Гария Осташковга йўлиқдим. У мактаб битиричиларимииздан, жуда қобилиятли бола бўлиб, онаси эрка тарбиялаганидан, бесўнақай, лўппи, эпақасиз бўлиб ўсган эди. Уни болалар ҳардоим эрмак қиласи әди. Унинг афт-ангорини кўрганда кишининг эсига оққўнгил ва истарали Пьер Чиноқ тушади.

Армияга чақириш вақтида соғлиги жойида бўлмагани учун уни врачлар ярамайдига чиқаргая эдилар. Бу

<sup>1</sup> Тихонов — «Шаҳримиз» ше'ридан.

касаллік унта ёшликда овқатни тежовсиз күп ёйишлик орқасида илашган әди.

Гарик хафа күринади, ҳадеб қўлидаги рўмолчасини фижимлайди холос, афтидан гап очолмай турипти.

— Нима бўлди?

— Ксения Владимировна. Мен энди чидаб туролмайман! Ҳамма ўғил болалар ё ҳарбий мактабга, ёки фронтга кетишиди. Миша Марголин ҳам кетди, у бақувват ва физкультурачи эмас әди-ку, ахир. Толя Филипенко Дениз мактабига кирмай Ҳарбий медицина академиясига кирипти. У, «майлім унча йўқ, аммо яхши врач бўлиб чиқаман» дейди. Энди мен нима қилсам экан? Маслаҳат берсангиз.

— Тўхта, Гарик, Миша Ипатовга ўхшаш сен ҳам соғлигинг ярамаганлиги учун яроқсиз топилгансан-ку.

— Миша Ипатов мендан кичкина. У ҳали чақирав ёшига етган эмас, унинг кўзи ҳам хира. Мен бўлсам бирор техникавий, ҳарбий мактабга кириб ўқий оламан-ку. Мен ҳозир Герцен институтининг ҳовлисидан ўтиб кела-япман<sup>1</sup>. Унда кўзойнак таққан бир чол отишни ўрганаяпти. У студентлардан чаққон эмас. Менимча у ҳам менга ўхшаш қўпол, шундай бўлса ҳам уни ўргатишшапти. Демак, мен ҳам ҳарбий киши бўлаоламан. Шундай эмасми?

— Бўлмасам-чи! Бўлаоласан, албатта. Сен ҳам математикага бўлган қобилияting иш берадиган бирорта техник мактаб топгин.

Миша менга раҳмат айтди, қўл бериб хайрлашди-да, шошганича қайтиб кетди.

Кечқурун қўлимга газета олиб кўрсам, унда Миша айтган Герцен институтининг ҳовлисидаги «чол» тўғрисида ёзипти. «Аскар бўлиш ватанпарванинг бурчидир» деган сарлавҳа блан қуйидаги мактуб босилган:

«Группамизнинг кекса жангчиси мев бўламан. Аммо мек ҳарбий та’лимни биринчи марта олаяпман. Кўлларим винтовка эмас, перо тутишга ўрганган. Шу сабабли группа командири (бир вақтлар институтда менда ўқиган) мендай ҳом «ўсмир»ни ўргатиш учун анча жон қўйдирмоқда. У: умумий сирани ва жанговар сафви бузмаяштими деб, тез-тез мен томонга иззар ташлаб туради. Аммо мен нима қилиб бўлса ҳам жангчилардан кейинда қолмасликка тиришаман, чунки

1 А. И. Герцен номли Педагогика институти.

Совет ватанпарварияннинг қўлдаги винтовка ва граната маданиятни ҳимоя қилиш учун энг муҳим қуроллардан бири эканини жуда яхши тушунаман...

Герцен номли Педагогика институтининг профессори В. БЕРНАДСКИЙ».

Ленинграднинг энг яхши кишилари фронтга кўнгилли бўлиб кетдилар. Мактабимизнинг тарих муаллими — Александр Александрович Шукарев ҳам шундай қилди. Мактабимизни битириб, университетда а'лочи бўлиб ўқиётган Боря Цветов ҳам шундай қилди.

Николай Тихонов ўз шे'рида қўйидагиларни жуда тўғри айтади.

Шаҳримиз ёнида ёвуз душманлар,  
Ҳужум қилмоқда гўзал юртимизга;  
Пулемёт отишни ўрганинг, дўстлар,  
Милтиқ-ўқларни олинг қўлларга.

1941 йил 16 август

Бугун фронтдан иккита хат олдим. Андрей ёзипти:

«Онажон! Мен қуршовга тушган эдим, баҳтимга саломат қолдим.

Мендан ташвиши қилманг, менга бирор нарса юбориб, овора ҳам бўлманг. Бизда ҳамма нарса етарли. Бу йил ёзда ўёқда қўзиқорин кўп бўладими? Бу томонда қўзиқорин шундай кўпки, мен қўзиқориннинг бунақанги кўп бўлишини энди кўришим! Бунда қўзиқоринлар жудаям зич, сиқилишиб ўсар экан, аммо фақат березовик деган хилигина бўлар экан, холос...»

Афтидан, Андрей ленинградлилар чиқиб қўзиқорин териб келадиган жойларда ҳозир немислар турганлигидан бехабар бўлса керак. Фронтдагиларнинг буларни билмаслиги яхши. Шу сабабли, уларнинг ишлари ҳарқанча мушкул бўлса ҳам осон битиб кетаберади.

Мен Андреяга шундай деб ёздим:

«Бу ёзда қўзиқорин кўп бўладими, оз бўладими билмайман, болам. Ҳаммамиз иш блан жуда бандмиз. Мен бўлсан госпитальдан бошқа ҳечқаёққа бормайман. Сенинг тани-жонинг соғ, ишларинг баривож бўлсин. Тез-тез хат ёзиб тур. Хатингни кўрсам сени кўргандай қувонаман».

Фин урушидан бери бедарак кетган битта қизимиздан кичиккина бир хат олдим.

Лена Риндина номли, думбулчалиш бир қыз эсингизда борми? Дарсдан қочиб, театрға кетиб қолаберганим ёдингиздами? Ұша вақтда фин үруши борар әди. Биз кечкүрун ұқыр әдик. Үндан бери күп вақт үтиб кетди әнді. Мен ҳозир зенитчиман. Армияга үз ихтиёри м блан кирдим армияда күп нарсаларни түшүндим ва билдим. Ҳамнадан ҳам, гитлерчи немисларни жуда ёмон күрадиган бўлиб қолдим.

Лена ҳам Ватанга қўлдан келганча фойда келтираёт-ганини билишингиизни истар әдим. Мен биламан — Сиз бунга хурсанд бўласиз. Шу блан бирга, албатта: «Унинг қўлидан ҳам иш келар экан-а! Мен буни үйламаган әдим!» деб айтасиз. Шундай эмасми?

1941 йил 21 август

Уруш вақтида одамлар лўнда-лўнда қилиб гапиради-ган бўлиб қолишиди. Бирорта ортиқча сўз ишлатиш йўқ, тўппа-тўғри айтилади: «Хавфлими?» «Ҳа, хавфли». «Қўр-қинчлими» — «Қўрқма». «Қўрқоқ ғалаба қозонмайди».

«Ленинградская Правда» газетасининг бугунги сонни-да Ворошилов, Жданов, Попков ўртоқларнинг имзоси блан шундай мурожаат босилиб чиқди:

### «ЛЕНИНГРАДЛИ ЎРТОҚЛАР, ҚИММАТЛИ ДУСТЛАР!

Бизнинг жонажон ва севикли шаҳаримиз немис-фашист қўшинларининг ҳужум ҳавфи остида қолди. Душман Ленинградга киришга уринмоқда.

У бизнинг ўй-жойларимизни вайрон қилмоқчи, фабрика ва заводларимизни босиб олмоқчи, ҳалқимизнинг мол-мулкини толон-торож этмоқчи, кўча ва майдонларда гуноҳсиз қишиларнинг қонларини оқизмоқчи, тинч аҳолини ҳақорат қилмоқчи, Ватанимизнинг ҳурӯйларини кул қилмоқчи.

Аммо у бу мақсадга етолмайди!

Ленинград — пролетар революциясининг бешиги, мамлакатимизнинг қудратли саноат ва маданий марказидир. У ҳечқаочи душманлар қўлига тушган эмас ва тушмайди.

Биз ўз гўзал шаҳримизда немис-фашист босқинчи-лар учун яшаётганимиз ва тер тўқаётганимиз йўқ, биз Ленинграднинг азамат завод ва фабрикаларини, ундағи ажойиб бино ва боғ-бўstonларни немис-фашист ў-

рилар учун қуриб қўйганимиз йўқ. Душман ўз ниятига асло етолмайди!..»

Мурожаат зўр ишонч блан айтилган қуийдагича оташин сўзлар ила тугайди:

... «Меҳнаткашлар депутатлари Ленинград шаҳар Совети ва Бутуниттифоқ Коммунист (большевик)лар партияси Шаҳар комитети қаттиқ ишонадики, Ленинград ишчилари, Ленин шаҳрнинг барча меҳнаткашлари Ватан олдидаги бурчларини шараф блан бажарадилар, душман ҳужум қилганда ғафлатда қолмайдилар, ўзларининг бор кучлари блан Ленинградни мудофаа қиласидилар ва ўзларининг шонли революцион ан'аналарига амал қилиб, сурбет ва ифлос душманни батамом янчиб ташлайдилар!..»

Вазифа ҳаммамизга аён. Биз ўз иш жойимизда мустаҳкам туриб, тинимсиз ишламоғимиз керак...

*1941 йил 23 август*

Кечаси шаҳар қоп-қоронғи эди. Деразалардан заррача ҳам ёруғ тушмайди. Шаҳарда битта-яримта юрган кишиларда фосфор қопланган юлдузчалар ялтирайди. У юлдузчалар тўғрисида биз газеталарда шундай деб ёзилганини ўқиган эдик: «Ленпромсоюзнинг «Галалит» артели қоронғида нур сочадиган значоклар ишлашга киришди. У значоклар ялтироқ фосфор блан қопланган бўлиб, қоронғилаштирилган кечалари шаҳар кўчаларида йўлтопишга ёрдам беради».

Мактаб болалар эвакуация қилинган, заводлар кўчириб кетилмоқда, шаҳар бўшаб қолмоқда.

Мен Октябрь районидаги еттита мактаб ҳам келиб қўшилган 239-нчи мактабга район маориф бўлимининг буйруғи блан кўчирилган бўлсам-да ҳамон госпитальда ишламоқдаман.

Бу мактаб биноси Исаакий майдонида бўлиб, эшиги Александр боғи томонда эди. Мактаб биноси ва эшигининг олдида иккита шер ҳайкали бор. Бу шерлар тўғрисида Пушкин ўзининг «Мис чавандоз» деган поэмасида ҳам ёзган эди.

Ўртоқларимдан мактабда иссиқ кийим тўплаш учун бригада тузилипти деб эшитдим.

Ўқучилар мактабга қарашли маҳаллалардаги ҳамма уйларга кирадилар. Бизнинг маҳаллага ҳам келишди.

Сочларини иккита қилиб ўриб, ялтиратиб орқасига ташлаб олган, кулча юз бир қиз бола бизни ишонтириб айтди:

— Агарда сизда яхшиси бўлмаса, тортинманг, эскиларини бўлсаям бераберинг. Ўзимиз ювиб оламиз; жундан қилинган кийимни ювса тез очилади. Биз уларни ювиб бўлиб, ипларини тарқатамиз. Қатта болалар ва ўқитучилар улардан жангчилар учун шарф ва қўлқоплар тўқидилар, деди.

Шериги ҳа деб ифлос ва эски нарсалар тўррисида ташвиқот қиласберганидан ташвишланган сариф бола шошиб-пишиб:

— Биз янгисиниям оламиз,— деди, жиддий тусда.— Сизда ҳечнарса бўлмаслиги мумкин эмас!— деб қўшиб ҳам қўйди.

— Агар эртага келинглар десаларинг ҳам майли, келаверамиз!— деди қиз, мулоимлик блан.

Бизнида турадиган илмий ходим нима беришини билмай шошиб қолди:

— Ростини айтсан, менда ҳечбир жун кийим йўқ. Мен уларга фақат кулранг свитеримни берсам бўлади.

Мактабимизнинг илмий мудири Валентина Васильевна Бабенко тўқучилар бригадасини бошқаради. Унинг кабинети жун буюмлар блан лиқ тўлган. Унинг раҳбарлиги блан жунларни ювиб қуритадилар, ипини тарқатадилар ва ундан жангчиларга керакли бўлган шарф, пайпоқ ва свитер каби нарсалар тўқидилар. Қекса математика ўқитучиси Анна Матвеевна Матвеева янгилик ихтиро' этгани учун фахрланарди: у эски жун ипга пахта ипини қўшиб пишиналса, пухта бўлишини ўйлаб топган эди.

Ҳамма тўқучилар тўқиётган нарсаларининг иссиқ бўлиши блан бирга чиройли бўлишини ҳам истайдилар.

— Хатлар ҳам бирхил бўлмаслиги керак. Ким нимани ёзгиси келса ёзаберсин,— деди Лидия Константиновна Шитинская. Унинг студент ўғли фронтга энг олдин кўнгилли бўлиб кетганлардан бири эди.

Мен мактабда ҳафтада бир марта кечаси навбатчилик қиласман. Менинг ўрним телефоннинг ёнида бўлади. Навбатчининг ихтиёрида юқори синф ўқучиларидан тузилган ўғ-ўзини мудофаа группаси бор. Ҳаво тревогаси ҳақида биринчи сигнал берилиши бланоқ, ўт ўчиручилар бошларига каскаларини кийиб, қўлларига илгак ва болталари-

ни олиб, чортоқдаги ва кенг мактаб биноси ичидағи үрінларига қиқиб турадилар.

Кечқурун бұлса, болалар ёндиручи бомбаларни қанақа қилиб ўчириш түғрисида узоқ-узоқ гаплашар әдилар. Мен улар блан сұхбатлашиб, «химия звеноси»нинг, айниңса үғил болаларнинг ўт ўчиручиликка жуда қизиқышларини билдім. Санитар ва санитаркалар эса, унисига ҳам, бунисига ҳам ҳавас блан қарайдилар. Бу ишлар бемулоқазалик ҳамда шунчаки қаҳрамон бўлиш йўлидаги истак эмас, балки чинакам ҳавасдир. Менда ҳам, госпитальда хассакашлик қилиш ишидан орир ярдорлар палатасига ўтиб ишлашга ҳавас пайдо бўлди, Кира эса, операция бўлимига ўтди.

Биз ҳаммамиз Ленинграднинг актив мудофаачилари бўлишни истаймиз!

*1941 йил 24 август*

Биз ўқитучилар, аҳолини Ленинграддан эвакуация қилиш ишларига сафарбар этилдик. Менга вақтинча госпитальга бормай туришга тўғри келади.

Мактабимизнинг медицина кабинети справка бўлмасига айлантирилган эди. Бу хонада география ўқитучиларимиздан Мария Николаевна Ефремова ва Александр Маркович Москалёвлар қизғин иш олиб борар әдилар. Мария Николаевна мактабимизнинг энг кекса ўқитучиси бўлиб, ёши ҳам етмиш иккига етган. Бу баланд бўйли, соchlари оппоқ ва доим ясаниб юрадиган хотин эди,

Мария Николаевнанинг юраги касал ва кўзи хира бўлишига қарамай, ўзи доимо тетик юради, дарсга ҳам пухта тайёрланади. Унинг касалмандлигини энг яқин дўстларидан бўлак ҳечким билмайди. Бу одам жуда ҳам маданий ва ҳушмуомала.

У — болалар энг яхши кўрадиган педагоглардан биттасидир.

Александр Маркович Москалёв катта мугуз кўзойнек тутган новча, сочига оқ кирган, чўққисоқол ва қора мўйлаб бир кишидир. У ҳаракатда бесўнақайроқ, шинаванда ва ҳушмуомала одам. Унинг дарсини болалар жуда яхши кўради.

Справка бўлмасининг деворларига хариталар осилган. Болалар улардан яқингиная география дарсида фойдаланардилар. Энди эса, ўқитучилар бу хариталардан болаларнинг ота-оналарига Ленинграддан эвакуация

бўлиб кетучиларнинг борадиган томонларини кўрсатиб бермоқдалар. Столларнинг устига темир йўл харитала-ри ёйиб ташланган.

Бу хариталар устига энгалиб олган Александр Марковичнинг товуши минут сайин эшитилиб туради:

— Кировда бошқа поездга ўтиб олинади. Яхшиси Вологдага бориши. Бу ёққа қаранглар-али У вақтда ўзла-рингга ҳам равшан бўлиб қолади,— дейди-да, қаламини хаританинг устидан юргизиб кўрсатади.

Үй ичида игна сиғадиган жой йўқ. Унда бола кўтарган хотинлар, оналарининг этагига осилиб олган болалар, ўғил ёки невараларининг гапларидан ташвишга тушаётган кампирлар кўринади. Бир чол киши ҳа деб:

— Айтинг-чи, менга Ойрот-Турада асалари боқиш иши топилармикин?— деб сўрайпти.

Мария Александровна унинг гапига қизиқнаб:

— Сиз асаларичимисиз?— деб сўради.

— Йўқ, мен пенсияга чиққан одамман. Марти заводининг ишчиси эдим. Ешлигимда, бобомнинг вақтида асалари боқиладиган жойда турганман. Аричилик кўп яхши иш-да!

Ҳали Мария Николаевна Ойрот-Турада гул-чечаклар қандай ўсиши ҳақида ўйлаётганида Александр Маркович:

— Бувал Сен Мартичилар бор жойга борсанг яхши бўлар эди. Балки бирор жойда қариндошларинг бордир, ўша жойга борсанг?— деди.

Аммо бунақа гапларни кам гаплашиларди. Кўпчилик одамларнинг юзида ғазаб ўти ёнар эди. Негаки, душман уларни ўз жойларини ташлаб кетишга мажбур ётган эди.

Қўлида бола кўтарган бир аёл:

— Уерда бизнинг ҳолимиз нима кечар экан? Еш болаларимиз блан кўчаларда қолмасмиканмиз?— деб сўрайди.

— У ерда иш топилармикан?— деб сўрайди яна бир хотин.

Мария Николаевна уларни ишонтирадига қилиб айтди:

— Ҳой ҳалойиқ! Биз сизларни Ленинграддан, шундай оғир бир вақтда эсон-омон жўнатаётган бўлсагу, ноҳотки, сизларни борган жойларингизда кутиб ололмасалар?!

Мария Николаевнанинг сўзларидан кўп кишининг дили таскин топди. Ичкаридан чиқаётган одамларнинг чеҳраси очиқ, улар ўқитучиларга раҳмат айтиб чиқмоқдалар.

Биз шу кунларда жуда ҳам чарчаймиз; эрталаб соат 8 да пунктда ҳозир бўлишимиз керак, ба'зан ишдан кеч соат 9 да ҳам бўшаёлмаймиз.

Харҳолда Ленинград Совети шу ишларга биз педагогларни сафарбар қилганлигидан шод бўлишимиз керак.

Эвакуация пунктларида ишловчи Ленинград ўқитучилари уруш вақтидаги «биринчи имтиҳондан» «а'ло» баҳо блан ўтдилар.

Кетучилар орасида мактабимизда ўқиган ўғил ва қизлар анчагина бор эди. 5-нчи синф ўқучиси шўхтой Коля Федоров номли бола, одамларнинг орасини ёриб, столга яқинлашаркан:

— Мария Николаевна, сиз мени танияпсизми?— деди.

— Салом, ўғлим,— деди мулойимлик блан Мария Николаевна.— Нега сен мактаб блан кетмадинг?

— Онам унамади, энди биз ҳаммамиз Ярославльга кетаяпмиз, бобомниги. Сиз жўнамайсизми?

— Йўқ, кўриб турибсан-ку, бу ерда иш жуда кўп.

Бола Мария Николаевнанинг кўнглини кўтариш мақсадида:

— Демак, сиз кейинроқ жўнар экансиз-да! Хайр, яхши қолинг,— деди.

Мария Николаевна стол устидан Коляга қўл узатди. Коля ҳайрон бўлдию, лекин Мария Николаевнанинг худди катта кишилар блан хайрлашгандай муомала қиласётганини тездан фаҳмлади. Коля унинг қўлини қаттиқ сиқди ва жиддий ҳолатда туриб:

— Яхши-ёмон гапирган бўлсак, рози бўлинг!— деди, сўнгра столдан йироқлашди, аммо эшикка етганда, яна қайтиб келди:

— Мария Николаевна, мабодо сиз Волга дар'ёси блан борсангиз «Коминтерн» деган пристанъ эсингизда турсин. Бизнинг Гнездово қишлоғимиз шу пристанънинг ёнида. Бобомнинг оти ҳам менинига ўҳшаган Николай Федоров. Бизникида туришингиз мумкин, уйимиз катта, сиғиришимиз бор, сут сероб!

Мария Николаевна бу гаплардан кўп хурсанд бўлди.

— Раҳмат Коля, раҳмат! Эсдан чиқармайман, албатта,— деди.

Эвакуация тўсатдан тўхтаб қолди. Немислар темир йўл ва сув йўлларига бомба ташлайбошладилар. Хотинлар, қарилар ва болалар вокзалда бирнеча кун туришгандан кейин, хориб-толиб уйларига қайтиб кетдилар.

## ЛЕНИНГРАД ФРОНТГА АЙЛАНДИ

1941 йил 9 сентябрь

«Бомбардимон»нинг нималигини мен энди тушундим.

Кечакорун ҳамма уйда эди. Ишдан сўнг ҳамма ўз уйида тирикчилик блан машғул эди: ошхонадан примусларнинг вориллаган овози эши билади, бирор ваннада ювинмоқда, мен кун бўйи госпитальда ишлаб жуда чарчаганимдан, уй кийимларимни кийиб олиб, столга суюниб ўтирдим. Жуда дам олгим келар эди...

Радиодан «Ҳаво тревогаси, ҳаво тревогаси, ҳаво тревогаси!» деган қаттиқ овоз эши билади. Ҳовлиларни тревоганинг чинқироқ овози тутиб кетди, чўзиб-чўзиб гудоклар чалинди, паровозлар ҳаяжонли овозлар чиқарди.

Душман самолётлари шаҳарнинг устида эканлигини фаҳмладик. Ўн икки яшар Нина Галушкина ошхонада ёниб турган примусни шошиб-пишиб ўчирди, унинг онаси эса газ никобни олганича чортоққа чиқиб кетди; аллаким: «Чироқлар тўсилганми, текширинглар!» деганича коридорда чопиб юрипти. Мен шошганимча кийинабошладим.

Портлаш овозидан уй бирданига ларзага келди... Коридор томондаги эшик ўзидан-ўзи очилиб кетди. Ҳаводаги самолётларнинг вориллаган овози, юқоридан тушаётган бомбаларнинг хунук чийиллаган товуши ҳаммәёни тутиб кетди.

Уй яна тебранди... Коридор ва ошхона тўсатдан сапсариқ бўлиб ёришиб кетди. Шу томонга чопиб бордим. Дераза очиқ экан. Ҳовлида бир нарса ёнаётган бўлса керак.

Пиллапояга чопиб чиқдим. 7-ячи синф ўқучиси Вася Галушин блан яна бошқа болалар сра қўрқмасдан ёнди-ручи бомбага қум сепиб ўчирмоқдалар.

Ховли кундуздай ёп-ёруғ. Менга худди учта бомба ёнаётгандай түйилди.

— Учта деяпсизми!.. — деди, Вася Галушин тревогадан сүнг.—Мен ўзим утасини ўчиридим, болалар блан ховли қоровули яна қанчасини ўчиришдию.

Томга чиқиб қарасам, узоқда ўт денгизи ловиллайди. Ҳатто шу зимистон кечада ҳам, қоп-қора тутун бурқираб күринар эди. Ловиллаб турган аланга ичиде гоҳо-гоҳо бир нарса портлаб кетади ва ундан гупиллаб ёруғ учқунлар күтарилади. Киши ачинади. Ўзинг учун ачинмайсан, балки шаҳарнинг ҳамда Ватанимизнинг шунлай ҳолига ачинасан.

Нималар ёнаяпти экан? Вокзал, заводлар, омборлар эмасмикан? Юракда ғазаб ўти аланталанди.

### *1941 йил 10 сентябрь*

Кеча тўққиз марта ҳаво тревогаси бўлди. Ҳаркуни госпиталь палаталарини бирнеча бор кезиб чиқиш, юрадоладиган касалларни бомбадан пана бўлиш жойига жўнатиш одамни жуда чарчатиб қўяди.

Оғир ярадорларни палаталарида қолдирамиз. Операцияхона блан яра боғлаш хонасида иш давом этмоқда. Кира менга келиб айтади:

— Доктор Анна Ивановна Томп бугун тўрт бор тревога бўлган вақтда ҳам ярадорларни операция қилаберди. Ўзига ҳам, касалларга ҳам ҳеч хавф йўқдай, хотиржамлик блан операция қилаберди. Фақат операция хонадан чиққандан кейин «Менга аччиққина чой келтирсинлар, мен орденаторхонада бўламан!» деди.

Операция бўлимининг ҳамшираси менга:

— Қизларингиз операцияхонада яхши ишлashingаяпти, ўзларини ҳам яхши тутишаяпти,— деди.

### *1941 йил 11 сентябрь*

Бомбардимон ՚вақтида аҳолининг кўпчилик қисми бомбадан пана бўлиш жойига тушади. Кўп оналар болаларини олиб кечқурунданоқ пана жойга ўрнашиб оладилар. Кечга яқин шаҳар қизиқ бир тусга киради: болалар аравачаларда, трамвайларда, оналарининг қўлларида пиёда, қўйингки, ҳамма ерда ўз жойларини ташлаб, бомбадан пана бўлиш жойида тунаш учун бормоқдалар.

«Бомбадан пана бўлиш жойи» нима эканини ленинг градлилар жуда яхши биладилар, бу жой уларга гўё қадимдан бордай, энг керакли жойдай туйлади.

Шаҳарга бўлган бомбардимонларнинг бирида Фонтанкадаги илгариги граф Шуваловларнинг саройи ҳам шикаст топди.

Эртаси куни навбатда турганимда менинг олдимдаги бир кампир:

— Фонтанкадаги боярларнинг уйига бомба тушди. Унда илгари граф жаноблар туришар эди... Отам уларнинг ҳовлисида қоровул бўлиб ишлаган. Бизнинг хона-миз жуда яхши, ёруғ эди. Мен худди ҳозиргидай биламан, чап томонда отхона ва извошхона, ўнг томони ертўла эди, бомбадан пана бўладиган жойи у вақтда қаердан бўлганини сра билмай турибман, у чоқда мен кичкина қиз бола эдим.

Навбатда турганлар бирдан хохолашиб, унинг жаҳлини чиқардилар.

— Нимага қиласизлар? Қари кишининг эсдан чиқариб кўйиниши айб эмас-ку!

Шаҳримизда бомбадан пана бўладиган жойнинг аҳамияти жуда катта, у мингларча кишиларнинг ҳаётини сақлаб қолади. Аммо уйга бомба тегиб қулатиб юборгандা, бомбадан пана бўлиш жойига ҳам тупроқлар ёғилади. Қулаган жойларда босилиб қолган кишиларни МПВО командалари қазиб оладилар. Бу жуда ҳам хавфли иш. Сал эҳтиётсизлик қилинса, деворлар қулаб тўсинлар тушиб кетиб босиб қолиши мумкин. Бизнинг ўғил болаларимиз бу ишда ҳам қатнашадилар.


Улар менга мақтаниб:

— Биз энди МПВО командасида ишляяпмиз,— деб қўйишади.


— Унда нима иш қиласизлар?— деб сўраганимда, Гуля Виленчик:

— Қулаган жойларни қазиймиз,— деб, керилиб жавоб беради.— Мен отбойни эшитишим бланоқ бомбалан пана бўлиш жойидан чопқиллаб чиқиб, қўлимга белкуракни олиб, бомба тушган уйга томон югураман. Мен доим белкурагимни бирга олиб юраман, бўлмаса дружинчилардан курак тегмайди.

— Юра Бўлатов бўлса, томга ҳам белкураги блан чиқади. У ўз уйида ўт ўчиручида! У айтади:— Белкурак томда ҳам керак бўлиб қолади. Юркага қазиш ишларини



Хозир үтүчирүүсү бўлиб ишилайтман. Тревога вактида томда үтиришни жуда яхши кўраман. Томда үтириши ҳам хавфли, ҳам кўнгилли.



бошқарниши ҳам юклайдилар, негаки, у қаптақта қилиб қазиши яхши билиб қолған.

— Үзиям полвон-да!— дейди ҳавас блан орындары, нозик жүссали Коля Ушаков.

— Яқинда улар әмисікти боласи блан күміліб қолған бир хотинни тириклай қазиб олишди. Опасига бомба парчалари тегиб, ҳамма ёғы титилиб кетгаш экан...

Менда ўқиган Аня Миронова бомбардимондан қулаган ерларни қазиши тозалаш ишларыда ўғыл болалар блан бирғаликта қандай ишлаганини менга гапириб берди:

«Бомбардимон бошланганда мен күча әшикта павбатчилик қилиб турдым. Ҳамма ишни қоидада күрсатылғанча адо этишга ҳаракат қилдым... Биринчи түшігандың иштегінде омборнинг томига тегиб, тешіб ўтиб кетди. Бирдан омборнинг ичини алана тутиб, қуруқ ўтынларга ўт кетди. Мен ўт ўчиручиларни чақириб келиш учун чопганимча конторага бордым. Қайтиб келиб қарасам, ҳовлимиздаги ўғыл болалар ўт ўчирадын сув жұмырагидан тортиб, то ўт кетган омборгача саф тортиб, пакирида құлма-құл сув узатаяптилар. Аланга ҳам пасайиб келаётгандай күринаади.

Шундай қилиб, ўт ўчиручилар келгунча ўтни ўчириб қўйиншиди.

Брандмайор:

— Баракалла болалар! Шу ишга бош бўлган ким?— деди.— У бизнинг ҳовлимизда туручи энг дадил бир ўғыл бола экан».

Районимизда қолган ҳамма болалар, айниқса ўғыл болалар, бир-бирлари блан таниш бўлиб қолдилар. Умумий иш ҳисобланган шаҳар мудофааси уларни аҳл қилиб бирлаштирди. Ўқучиларимиздан Валя Михельсон:

— Урушдан илгари биз маҳалланинг болалари блан доимо жанжаллашар ва муштлашар эдик, бир қўрадаги болалар ҳам жуда ноиттифоқ яшар эдик. Энди уруш кунлари бўлса, ҳаммамиз ўртоқлашдик-қолдик, ҳатто қизлар блан ҳам иноқ бўп кетдик,— дейди.

— Тўғри айтасан,— деди Слава Капица,— ҳаммадан шуниси яхшики, уй бошқармасининг бошлиқлари бизни уришмайдиган бўлиб қолди.— Уришиб нима қилади! Биз ҳозир жуда катта фойда етказаяпмиз,— деб фахрланди Валя.— Ленинград совети қишига тайёрлик кўришни буюргани учун водопровод трубаларига латта ўрайапмиз. Қечада

Жалпы денгэ Илмий мудириимиз Валентина Усильевна ишлаётган экан. Рост айтаяпман, ўз күзим блан күрдим.

Бизнинг йигитларимиз субутли, улар ҳар ишга ҳозир ва ҳамма нарсага ақллари етади.

1941 йил 12 сентябрь

Мен кундалик ҳодисаларни ёзиб улгуролмайман, лекин ёзиш керак эди. Ўзим жуда чарчайман, шундай бўлса ҳам, госпитальда тетик кўринишга тиришаман. Биз қаттиқ кўнгилли бўлиб қолғанмиз, аммо одамларнинг саломини, эрка гапларини эшитганимизда ва бизни унумай ёзилган хатларни ўқиганимизда юрагимиз тўлиб, кўзга ёш оламиз. Бошқа кўп кишилар ҳам шундай бўлсалар керак. 8-нчи сентябрь куни мен ленинградлилардан жуда кўпининг йиғлаганларини кўрдим.

Шу куни шаҳарнинг ҳамма жойига мўйсафид Жамбулнинг ленинградлиларга қарата айтган ше'ри босилган плакатлар ёпиширилган эди.

Ленинградлилар, менинг фарзандларим!  
Ленинградлилар, менинг ифтихорим!  
Қирда мавж урган булоқни кўрдим,  
Булоқда Неванинг аксини кўрдим.  
Қорли тоғларга ташласам назар,  
Кекса кўзимга шулар кўринар:  
Сизнинг кўпприкдай юксалгандир тоғ,  
Болтиқдай кўм-кўк товланар ҳарёқ.  
Оқшомда сонсиз фонарни кўрдим.  
Томларнинг олтин учларин кўрдим...  
Ленинградлилар, менинг фарзандларим!  
Ленинградлилар, менинг ифтихорим!

Одамлар ичларида ўқидилар. Кўплари йиғладилар. Мен ҳам йиғлаб юбордим. Уйларни тешиб ўтиб кеталиган бомбаларнинг чийиллаб тушиб келиши қандайлигини кўрмаган-бilmagan ўша узоқ жойлардан одамлар самимий саломлар юборганлиги жуда та'сир қиласи эди. Уларнинг биз учун юраги ачишади. Улар бизга ёр...

Бу ше'р бошдан-оёқ бизнинг шаҳримиздан фаҳрланиб, қуайдагича жўшқинлик блан ёзилган эди.

Қаттиқ зарбалар беришга тайёр!  
Тошларини ёв парчалаёлмас,

Боғларини ҳеч десиб ўтолмас.  
Ленинградга ҳамма томондан  
Поездлар тинмай жұнаб кетмоқда,  
Қишлоқ ҳамда шаҳарларимиз  
Уз жангчиларини кузатишишмоқда.  
Бугун миңжы қоқаолмаймая мен...  
Тонда рухлантирсын құшиқтарим—  
Сизге мададкор бўлсин, дўстларим,  
Ленинградлилар, менинг фарзандларим,  
Ленинградлилар, менинг ифтихорим!

Қариндош-уруғларимиз, ёр-биродарларимиз, барча совет кишилари биз учун ғам чекишли ҳаммамизга аён. Улар бизни севадилар ва аҳволимизни биладилар. Бу эса, бизга ҳаёт бахш этади ва ишимизга мадад беради.

Жамбул биздан узоқда яшайди. Мен унинг ше'рларини үқиб, ёрқин ва иссиқ кунларни, боғ-роғларни, шалдираб оққан ариқларни кўз олдимга келтирдим...

Кекса оқин бизнинг бошимизга тушган мусибатни билган-да, узоқ Ленинградга ёрдам қўлинни чўзишини истаган. Чиндан ҳам унинг бизга ёрдами тегди... Раҳмат унга. Бизни ёд этганларнинг ҳаммасига ҳам раҳмат...

1941 йил 15 сентябрь

Кеча мен Садовая кўчасида Невский кўча блан Адмиралтействога бордим. Қуёшли кун эди. Кўчада одамлар кўп. Бирданига қаттиқ гумбурлаган товуш эши-тилди. Бундай қаттиқ овозни илгари эшитган эмасмиз. Унинг кетидан яна икки-уч марта отилди. Ўрта яшар бир денгизчи-командир бизга далда бериб айтди:

— Уз кемаларимиздан отаяптилар.

Яна бир отилиши блан чап томондаги уйларнинг тепасида қопқора тутун бурқираб кетди. Ўзимизнилар отётгани ма'лум бўлди.

Мен дарвозахонага кириб олдим. Отиш кучайиб кетди. Кўчаларда ҳечким қолмади.

Ёнимда боя Невскийда бизга далда берган денгизчи ҳам пайдо бўлди.

Унинг қовоғи солиқ, ўзи ташвишли кўринар эди.

— Нима отаяпти? — деб сўрадим.

Бу жуда ғалати, чамамда немисларнинг узоққа тадиган тўлига ўхшайди—, деди у.—Аблаҳлар марраки ўзгартиб отаяпти-да. Ҳозир снарядлар Майоров проспекти атрофига тушаяпти.

■ 1919-ни айтаётганды мен Тайцнинг нариги ёғидағи баландликнинг тепасидаги лютеранчилар қабристонини күз олдимга келтирдим. Бу баландлик тепасидан қараганда шаҳар кафтда турганда күринади. Уша жойдагы мактаб ўқитучиси бизга зинапояда туриб, 1919 йили оқлар Ленинградни кузатиб турган жойни күрсатди, улар Ленинград бирнече кундан кейин бизнинг қўлимизга ўтади дейишган экан.

Уша вақтда юзага чиқмаган қора ниятлар энди ҳам юзага чиқмайди... Мен ҳам қўрқмайдиган бўлиб қолдим.

Бир ярим соатдан кейин отиш тўхтади, ҳаёт яна давом этаберди: трамвайлар юриб кетди, троллейбус йўлларини тузатгани ремонт шоти юкланган машина етиб келди, кўчалар йўловчилар блан тўлди.

Невский кўчасининг ўнг томонидаги уй ойналари синганидан, одамлар ойналарни ғарч-ғурч босиб ўтмоқдалар. Ҳовли қоровуллари синиб тушган парча-пурчаларни шошиб-пишиб йифиб олар, кўчаларни супуран эдилар. Дзержинский кўчасида, ойна синиқларини фирчиллатиб босиб бормоқдаман.

Мен турадиган уйнинг олдига оламон тўпланипти. Оёқ остида ойна, ғишт ва сувоқ парчалари ётипти. Дарвозанинг пештоқида катта тешик пайдо бўлган: снаряд айланма пиллапояга тушипти. Бизнинг уйга ҳаммаси бўлиб учта снаряд тушган.

Менинг квартиrimда Андрейнинг бўлмаси шикастланган. Унда Серёжа ҳам фронтга кетгунча турган эди. Ҳамма нарсага ойна ва шувоқ парчалари чачраган. Портлашнинг зарбидан жовоннинг қалин эшиги кўчиб каравотга тушипти.

Хонани тозалашга киришдим. Андрей ҳозир қаерда экан? Ундан бори-йўғи битта хат келган, холос.

Серёжа эса, ўқчи батальон блан фронтга жўнаган эди, ундан ҳам ҳечқандай хат-хабар йўқ.

Янгидан отиш бошланиб, уй тозалаш ҳам тўхтади. Снаряднинг учиб ўтаётган овози бомбанинг тушаётгандаги овозидан бутунлай бошқача эканини мен яхши билиб қолдим; снаряд устимиздан учиб ўтаётганида, унинг овози эшитилади. Снаряд учиб ўтгандан сўнг узоқдан даҳшатли портлаш ва қулаган уй парчаларининг тасирлаб тушиш овози эшитилиб қолади.

Шаҳримиз фронтга айланди. Бугун типплатик турган уй эртага йўқ бўлиб қолади. Бугун биз тирикмиз, ишлайп-

миз, эртага бошимизга нималар келади? — айтмоқчи эртага дейман-а, балки бугун, бир соатдан, балки бир минутдан сўнг нима бўлади,— буни ҳечким билмайди.

Хозир бу тўғрида ўйлашнинг кераги йўқ. Қўлни қовуштириб турмасдан ишлаш керак, ишлаш.

1941 йил 16 сентябрь

7 сентябрь куни газеталарда ВЛКСМ Ленинград область ва шаҳар комитетларининг Ленин шаҳар ёшлирига қаратилган хитобномаси босилиб чиқди.

Бу хитобномада: «Шаҳар энг оғир хавфда қолган минутларда шаҳарнинг қаҳрамон ёшлари доим биринчи сафда туриб, уни мудофаа этдилар» дейилган.

Ўқучиларимизга бу хитобнома қаттиқ та'сир кўрсатди, аммо госпитальда ишловчи ёш ёрдамчиларимиз бу хитобномани ўқигандан кейин ўкиниб қолдилар:

— Нима иш қилган эканмизки, мудофаачи дейдилар!. Биз ҳечқандай қаҳрамонлик кўрсатаётганимиз йўқ-ку,— дейди Кира.

Оля унинг гапини қувватлаб айтади:

— Тўғри айтасан,— чунончи, мени олганингда госпитальга бораман, хоналарни тозалайман, юваман, ярадорларга қарайман, холос. Шуям иш бўлдими? Унинчи синфда ўқишилар бошланмагунча, барибир қиласидиган ишим йўқ-да,— деб, яна ҳам кўпроқ ўкиниб гапирди. Фронтга кетган қизларга қойил бўлиш керак, чунки улар жанг майдонидан ярадорларни олиб чиқадилар, мерганлик қиласидилар, учучи бўлиб ишлайдилар. Биз бўлсак, она қўйнида ўтирибмиз.

Мен уруш кунлари ҳарбир кишининг меҳнати жуда юнимматли эканини қизларга тушунтирдим.

— Агар Ленинграддаги ҳамма ишчилар, ҳатто новвойларгача фронтга кетиб қолса, уларнинг кетидан ҳамширалар, врачлар ҳам кетса нима бўлар эди? — деб саол ташладим.

— Сиз, ишнинг кичкинаси бўлмайди деб, бизни ишон-промоқчисиз-да? — деди Люба.

— Ишнинг кичкинаси ҳам бўлади, албатта, аммо имма халқ томонидан бажарилган майда ишлардан ўш учун фойдали бўлган катта ишлар келиб чиқади,— айтдим мен.

Люба чуқур нафас олди-да, ҳазиллашгандек:

нариги мактабга борсак, күчага баррикада қуришаётган экан. Үнда ким ишләяпти денг? Илмий мудиirimiz Валентина Васильевна ишлаётган экан. Рост айтаяпман, ўз кўзим блан кўрдим.

Бизнинг йигитларимиз субутли, улар ҳар ишга ҳозир ва ҳамма нарсага ақллари етади.

1941 йил 12 сентябрь

Мен кундалик ҳодисаларни ёзиб улгуролмайман, лекин ёзиш керак эди. Үзим жуда чарчайман, шундай бўлса ҳам, госпитальда тетик кўринишга тиришаман. Биз қаттиқ кўнгилли бўлиб қолганмиз, аммо одамларнинг саломини, эрка гапларини эшитганимизда ва бизни унумай ёзилган хатларни ўқиганимизда юрагимиз тўлиб, кўзга ёш оламиз. Бошқа кўп кишилар ҳам шундай бўлсалар керак. 8-нчи сентябрь куни мен ленинградлилардан жуда кўпининг йиғлаганларини кўрдим.

Шу куни шаҳарнинг ҳамма жойига мўйсафид Жамбулнинг ленинградлиларга қарата айтган ше'ри босилган плакатлар ёпиштирилган эди.

Ленинградлилар, менинг фарзандларим!  
Ленинградлилар, менинг ифтихорим!  
Қирда мавж ургав булоқни кўрдим,  
Булоқда Неванинг аксини кўрдим.  
Қорли тоғларга ташласам назар,  
Кекса кўзимга шулар кўринар:  
Сизнинг кўпприкдай юксалгандир тор,  
Болтиқдай кўм-кўк товланар ҳарёқ.  
Оқшомда сонсиз фонарни кўрдим.  
Томларнинг олтин учларин кўрдим...  
Ленинградлилар, менинг фарзандларим!  
Ленинградлилар, менинг ифтихорим!

Одамлар ичларида ўқидилар. Кўплари йиғладилар. Мен ҳам йиғлаб юбордим. Уйларни тешиб ўтиб кетадиган бомбаларнинг чийиллаб тушиб келиши қандайлигини кўрмаган-бilmagan ўша узоқ жойлардан одамлар са-мимиий саломлар юборгавлиги жуда та'сир қиласар эди. Уларнинг биз учун юраги ачишади. Улар бизга ёр...

Бу ше'р бошдан-оёқ бизнинг шаҳримиздан фахрланиб, қуйидагича жўшқивлик блан ёзилган эди.

Қаттиқ зарбалар беришга тайёр!  
Тошлиарни ёв парчалаёлмас,

Боғларини ҳеч депсиб ўтолмас.  
Ленинградга ҳамма томондан  
Поездлар тинмай жұнаб кетмоқда,  
Қашлоқ ҳамда шаҳарларимиз  
Ұз жангчиларини кузатишишмоқда.  
Бугун миңжак қоқаолмайды мен...  
Тонгда руҳлантирын күшиқларим—  
Сизга мададкор бўлсин, дўстларим,  
Ленинградлилар, менинг фарзандларим,  
Ленинградлилар, менинг ифтихорим!

Қариндош-уруғларимиз, ёр-биродарларимиз, барча совет кишилари биз учун ғам чекишлари ҳаммамизга аён. Улар бизни севадилар ва аҳволимизни биладилар. Бу эса, бизга ҳаёт бахш этади ва ишимизга мадад беради.

Жамбул биздан узоқда яшайди. Мен унинг ше'рларини ўқиб, ёрқин ва иссиқ кунларни, боғ-роғларни, шалдираб оққан ариқларни кўз олдимга келтирдим...

Кекса оқин бизнинг бошимизга тушган мусибатни билган-да, узоқ Ленинградга ёрдам қўлини чўзишни истаган. Чиндан ҳам унинг бизга ёрдами тегди... Раҳмат унга. Бизни ёд этганларнинг ҳаммасига ҳам раҳмат...

*1941 йил 15 сентябрь*

Кеча мен Садовая кўчасида Невский кўча блан Адмиралтействога бордим. Қуёшли кун эди. Кўчада одамлар кўп. Бирданига қаттиқ гумбурлаган товуш эшилди. Бундай қаттиқ овозни илгари эшитган эмасмиз. Унинг кетидан яна икки-уч марта отилди. Ўрта яшар бир денгизчи-командир бизга далда бериб айтди:

— Ұз кемаларимиздан отаяптилар.

Яна бир отилиши блан чап томондаги уйларнинг тепасида қопқора тутун бурқираб кетди. Үзимизнилар отаётгани ма'lум бўлди.

Мен дарвозахонага кириб олдим. Отиш кучайиб кетди. Кўчаларда ҳечким қолмади.

Ёнимда боя Невскийда бизга далда берган денгизчи ҳам пайдо бўлди.

Унинг қовоғи солиқ, ўзи ташвишли кўринар эди.

— Нима отаяпти? — деб сўрадим.

Бу жуда ғалати, чамамда немисларнинг узоққа отадиган тўпига ўхшайди—, деди у.—Аблаҳлар маррани ўзгартиб отаяпти-да. Ҳозир снарядлар Майоров проспекти атрофига тушаяпти.

нариги мактабга борсак, күчага баррикада қуришаётган экан. Үнда ким ишләяпти дөңгө Илмий мудиримиз Валентина Васильевна ишләётган экан. Рост айтаяпман, ўз кўзим блан кўрдим.

Бизнинг йигитларимиз субутли, улар ҳар ишга ҳозир ва ҳамма нарсага ақллари етади.

1941 йил 12 сентябрь

Мен кундалик ҳодисаларни ёзиб улгуrolмайман, лекин ёзиш керак эди. Үзим жуда чарчайман, шундай бўлса ҳам, госпитальда тетик кўринишга тиришаман. Биз қаттиқ кўнгилли бўлиб қолганмиз, аммо одамларнинг саломини, эрка гапларини эшитганимизда ва бизни унумай ёзилган хатларни ўқиганимизда юрагимиз тўлиб, кўзга ёш оламиз. Бошқа кўп кишилар ҳам шундай бўлсалар керак. 8-инчи сентябрь куни мен ленинградлилардан жуда кўпининг йиғлаганларини кўрдим.

Шу куни шаҳарнинг ҳамма жойига мўйсафид Жамбулнинг ленинградлиларга қарата айтган ше'ри босилган плакатлар ёпиширилган эди.

Ленинградлилар, менинг фарзандларим!  
Ленинградлилар, менинг ифтихорим!  
Қирда мавж урган булоқни кўрдим,  
Булоқда Неванинг аксини кўрдим.  
Қорли тоғларга ташласам назар,  
Кекса кўзимга шулар кўринар:  
Сизнинг кўприкдай юксалгандир тоғ,  
Болтиқдай кўм-кўк товланар ҳарёқ.  
Оқшомда соңсиз фонарни кўрдим.  
Томларнинг олтин учларин кўрдим...  
Ленинградлилар, менинг фарзандларим!  
Ленинградлилар, менинг ифтихорим!

Одамлар ичларида ўқидилар. Кўплари йиғладилар. Мен ҳам йиғлаб юбордим. Уйларни тешиб ўтиб кеталинган бомбаларнинг чийиллаб тушиб келиши қандайлигини кўрмаган-бilmаган ўша узоқ жойлардан одамлар са-мимий саломлар юборганилиги жуда та'сир қиласади. Улар бизга ё...

Бу ше'р бошдан-оёқ бизнинг шаҳримиздан фаҳрланиб, қуйидагича жўшқинлик блан ёзилган эди.

Қаттиқ зарбалар беришга тайёр!  
Тошларни ёв парчалаёлмас,

Боғларини ҳеч депсиб ўтолмас.  
Ленинградга ҳамма томондан  
Поездлар тинмай жұнаб кетмоқда,  
Қишлоқ ҳамда шаҳарларимиз  
Ұз жангчиларини кузатишимоқда.  
Бугун мижжа қоқаолмайман мен...  
Тоңгда руҳлантирсін құшиқларим—  
Сизге мададкор бұлсın, дүстларим,  
Ленинградлilar, менинг фарзандларим,  
Ленинградлilar, менинг ифтихорим!

Қариндош-уругларимиз, ёр-биродарларимиз, барча совет кишилари биз учун ғам чекишли ҳаммамизга аئн. Улар бизни севадилар ва ақволимизни биладилар. Бу эса, бизга ҳаёт бахш этади ва ишимизга мадад беради.

Жамбул биздан узоқда яшайди. Мен унинг шे'рларини үқиб, ёрқин ва иссиқ күнларни, боғ-роғларни, шалдираб оққан ариқларни күз олдимга келтирдим...

Кекса оқын бизнинг бошимизга тушган мусибатни билған-да, узоқ Ленинградга ёрдам қўлини чўзишни истаган. Чиндан ҳам унинг бизга ёрдами тегди... Раҳмат унга. Бизни ёд этганларнинг ҳаммасига ҳам раҳмат...

1941 йил 15 сентябрь

Кеча мен Садовая кўчасида Невский кўча блан 'Адмиралтействога бордим. Қуёшли кун эди. Қўчада одамлар кўп. Бирданига қаттиқ гумбурлаган товуш эши-тилди. Бундай қаттиқ овозни илгари эшитган эмасмиз. Унинг кетидан яна икки-уч марта отилди. Урта яшар бир денгизчи-командир бизга далда бериб айтди:

— Үз кемаларимиздан отаяптилар.

Яна бир отилиши блан чап томондаги уйларнинг тела-сида қопқора тутун бурқираб кетди. Үзимизникилар ота-ётгани ма'lум бўлди.

Мен дарвозахонага кириб олдим. Отиш кучайиб кетди. Кўчаларда ҳечким қолмади.

Ёнимда боя Невскийда бизга далда берган денгизчи ҳам пайдо бўлди.

Унинг қовоғи солиқ, ўзи ташвишли кўринар эди.

— Нима отаяпти? — деб сўрадим.

Бу жуда ғалати, чамамда немисларнинг узоққа отадиган тўпига ўхшайди—, деди у.—Аблаҳлар марра-ни ўзгартиб отаяпти-да. Ҳозир снарядлар Майоров прос-пекти атрофига тушаяпти.

У шу гапни айтаётганды мен Тайцнинг нариги ёғидағи баландликнинг тепасидаги лютеранчилар қабристонини күз олдимга келтирдим. Бу баландлик тепасидан қараганда шаҳар кафтада тургандай кўринади. Ўша жойдаги мактаб ўқитучиси бизга зинапояда туриб, 1919 йили оқлар Ленинградни кузатиб турган жойни кўрсатди, улар Ленинград бирнеча кундан кейин бизнинг қўлимизга ўтади дейишган экан.

Ўша вақтда юзага чиқмаган қора ниятлар энди ҳам юзага чиқмайди... Мен ҳам қўрқмайдиган бўлиб қолдим.

Бир ярим соатдан кейин отиш тўхтади, ҳаёт яна давом этаберди: трамвайлар юриб кетди, троллейбус йўлларини тузатгани ремонт шоти юклangan машина етиб келди, кўчалар йўловчилар блан тўлди.

Невский кўчасининг ўнг томонидаги уй ойналари синганидан, одамлар ойналарни гарч-фурч босиб ўтмоқдалар. Ҳовли қоровуллари синиб тушган парча-пурчаларни шошиб-пишиб йифиб олар, кўчаларни супурада эдилар. Дзергинский кўчасида, ойна синиқларини фирчиллатиб босиб бормоқдаман.

Мен турадиган уйнинг олдига оламон тўпланипти. Оёқ остида ойна, ғишт ва сувоқ парчалари ётипти. Дарвозанинг пештоқида катта тешик пайдо бўлган: снаряд айланма пиллапояга тушипти. Бизнинг уйга ҳаммаси бўлиб учта снаряд тушган.

Менинг квартиrimда Андрейнинг бўлмаси шикастланган. Унда Серёжа ҳам фронтга кетгунча турган эди. Ҳамма нарсага ойна ва шувоқ парчалари чараган. Портлашнинг зарбидан жовоннинг қалин эшиги кўчиб каравотга тушипти.

Хонани тозалашга киришдим. Андрей ҳозир қаерда экан? Ундан бори-йўғи битта хат келган, холос.

Серёжа эса, ўқчи батальон блан фронтга жўнаган эди, ундан ҳам ҳечқандай хат-хабар йўқ.

Янгидан отиш бошланиб, уй тозалаш ҳам тўхтади. Снаряднинг учеб ўтаётган овози бомбанинг тушаётгандаги овозидан бутунлай бошқача эканини мен яхши билиб қолдим; снаряд устимиздан учеб ўтаётганида, унинг овози эшитилади. Снаряд учеб ўтгандан сўнг узоқдан даҳшатли портлаш ва қулаган уй парчаларининг тасирлаб тушиш овози эшитилиб қолади.

Шаҳримиз фронтга айланди. Бугун типпатик турган уй эртага йўқ бўлиб қолади. Бугун биз тирикмиз, ишляяп-

миз, эртага бошимизга нималар келади? — айтмоқчи эртага дейман-а, балки бугун, бир соатдан, балки бир минутдан сүнг нима бўлади,— буни ҳечким билмайди.

Ҳозир бу тўғрида ўйлашнинг кераги йўқ. Қўлни қовуштириб турмасдан ишлаш керак, ишлаш.

1941 йил 16 сентябрь

7 сентябрь куни газеталарда ВЛКСМ Ленинград область ва шаҳар комитетларининг Ленин шаҳар ёшлирига қаратилган хитобномаси босилиб чиқди.

Бу хитобномада: «Шаҳар энг оғир хавфда қолган минутларда шаҳарнинг қаҳрамон ёшлари доим биринчи сафда туриб, уни мудофаа этдилар» дейилган.

Ўқучиларимизга бу хитобнома қаттиқ та'сир кўрсатди, аммо госпитальда ишловчи ёш ёрдамчиларимиз бу хитобномани ўқигандан кейин ўқиниб қолдилар:

— Нима иш қилган эканмизки, мудофаачи дейдилар!.. Биз ҳечқандай қаҳрамонлик кўрсатаётганимиз йўқ-ку,— дейди Кира.

Оля унинг гапини қувватлаб айтади:

— Тўғри айтасан,— чунончи, мени олганингда госпитальга бораман, хоналарни тозалайман, юваман, ярадорларга қарайман, холос. Шуям иш бўлдими? Унинчи синфда ўқишилар бошланмагунча, барибир қиласидиган ишим йўқ-да,— деб, яна ҳам кўпроқ ўқиниб гапирди. Фронтга кетган қизларга қойил бўлиш керак, чунки улар жанг майдонидан ярадорларни олиб чиқадилар, мерганлик қиласидилар, учучи бўлиб ишлайдилар. Биз бўлсак, она қўйнида ўтирибмиз.

Мен уруш кунлари ҳарбир кишининг меҳнати жуда қимматли эканини қизларга тушунтирудим.

— Агар Ленинграддаги ҳамма ишчилар, ҳатто новвойларгача фронтга кетиб қолса, уларнинг кетидан ҳамширалар, врачлар ҳам кетса нима бўлар эди? — деб савол ташладим.

— Сиз, ишнинг кичкинаси бўлмайди деб, бизни ишонтироқчисиз-да? — деди Люба.

— Ишнинг кичкинаси ҳам бўлади, албатта, аммо ҳамма халқ томонидан бажарилган майда ишлардан уруш учун фойдали бўлган катта ишлар келиб чиқади,— деб айтдим мен.

Люба чуқур нафас олди-да, ҳазиллашгандек:

— Муздай сувда кир чайқаётганимда ўзимни ўшана-  
қа деб овутаман-да,— деди.

— Ўйнинг еттинчи қаватига ўтиң ташиб чиқаётганим-  
да, мен ҳам шундай деб овунаман,— деди бошқа қиз.

— Тушундик. Майда ишлар ҳам керак экан. Мен  
энди, яра боғлайдиган хонага кириб, гипс парчаларини  
ташиб чиқиб тураман,— деди Кира.

Ўйга бориб хурсандликнинг устидан чиқдим. Кўк  
конвертда хат кепти. Қарасам, бу хат «Катта ер» дан,  
Молотов областидан экан.

*«Ленинграддан кетиб қолганим менинг учун уят бўл-  
ди. Қўрқанимдан кетмаганигимни сиз биласиз. Менга  
Ленинградда бўлишдан кўра, болаларнинг олдида бўлга-  
ним зарурроқ кўринган эди. Энди, Ленинград шундай  
оғир аҳволда қолган күнларда эса, унда бўлишини ғиз  
бурчим деб биламан. Сизларнинг қилаётган ишингиз зўр  
иш, биз бўлсан, майдабурида ишлар блан оварамиз».*

Буни ёзган қизча илгари менда ўқиган эди, ҳозир у  
«Катта ер» да Ленинграддан борган болалар интернати-  
да мудир бўлиб ишлади. У Ленинграддан борган юз-  
ларча болалар учун зўр фойдали ишлар қилаётган бўлса  
ҳам, унга бу ишлар оз кўринади. У, Ленинградлилар чи-  
ннакам зўр ишлар бажараётирлар деб ҳисоблайди. Биз-  
нинг ўқучи қизларимиз эса, иш бундан ҳам қийинроқ  
бўлган жойларга бориб ишлашни истайдилар.

Миша Марголин менга фронтдагилар ҳам «курашнинг  
қайнаган жойида» бўлишви истаганликларини ёзган эди.

Буларнинг ҳаммаси Ватанга каттароқ фойдалар етка-  
зиш йўлидаги истак ва зўр интилишни билдиради.

Ғалаба қозониш иродаси мана шундан иборат...

1941 йил 18 сентябрь

Госпитальда оғир ярадорлар жуда кўп. Мен эрта блан  
соат 8 да қўлимга битта кўрачада сув, пақир, совун ва  
сочиқ кўтариб палатага кирдим.

Фронтдан бирор севинчли хабар олиб келмадимикин?  
деб, ҳамманинг кўзи менда эди. Аммо севинчли хабар  
йўқ эди. Шу сабабли улар хафа бўлгандай бўлиб қолди,

Оля Тирса олдимга келиб:

— Палатамизга битта ярадор опкелишган эди. У замбильдан олиб каравотга ётқизишга күнмаяпти. Санитарка ҳамширани ёки сизни айтаб келгин деб айтди,— деди.

Палатага бордим. Полда замбил турипти. Унинг устидага ётган касал қалин кулранг одеял блан иягигача ўраб қўйилган. Оқ ёстиқда ётган йигитчанинг чиройли башарасига кўзим тушди. Унинг катта-катта кулранг кўзлари менга қараб турарди. У оғзини чирт юмид олган, лабларининг буришиб туришидан азоб тортаётганлиги англашиларди.

Ярадорга эгилиб қарадим-да:

— Сизни оламиз деб қийнашдими? — дедим.

— Йўқ. Менга тегиш ярамайди. Биласизми, иккала оёғим ҳам сезмайди... Ўмуртқа нервларим ҳам контузия бўлган... Жудаям оғрийди... Мени жойимдан қўзғатиб бўлмайди...

Мен замбилининг ёнига полга ўтирдим. Унга замбильдан кўра каравотда ётиш тинч эканини гапириб, ялиндим, ёлвордим. У зўрга унади ва:

— Майли, бўлмаса, аммо жуда эҳтиётлик блан олинглар, ўзингиз ёрдам қилинг,— деди.

Замбилини каравот бўйи кўтаришди.

Яродар иккала қўли блан бўйнимдан қучоқлади. Санитаркалар эса, унинг гавдасини жуда эҳтиётлик блан кўтардилар. Касални бир зумда каравотга олиб қўйдик. Ярадорнинг лаблари қалтираганидан ва қўлларини мушт қилиб олгандан билдимки ундаги оғриқ жуда зўр. Ҳамшира энгашиб, морфий пуркайбошлади. Беморнинг кўзлари менга тикилди.

— Раҳмат! Энди яхши бўлди менга. Сиз врачмисиз?

— Йўқ.

— Кимсиз?

— Ўқитучиман. Бу бино мактабимизнинг биноси эди.

— Мен ўнинчи мактабда ўқиган эдим.

У анча вақт индамай турди-да, кейин менга қараб:

— Сизга зўр илтимосим бор...— деди.

У азбаройи ҳаяжонга келганидан товушини паст чиқарар эди:

— Биз онадан икки ўғилмиз: акам блан мен. Онамиз бутун умрини биз учун сарф этган. Менга этган баҳтсизликка онам қандай чидар экан? Агар сиз унга ётиғи блан тушунтирангиз қандай бўлар экан!..

— Жоним блан! Онангиз қаерда туради?

— Шундайми? Бўлмаса мен хат ёзиб бераман. Хатни оборсангиз онам ўқиб кўради, кейин сиз уёқ-буёқдан гапириб, уни аста кўндирасиз. Шу илтимосим сизга оғир тушмасмикин?

Оқшом пайтида Коммунарлар майдони блан уларникига бордим. Онаси уйда йўқ экан. Олдимга қўшниси чиқди, у жуда бама'ни хотин экан, хатни албатта бериб қўяман, деди.

— У Николаевларнинг қайси бирори бўлса-а? Олег дейин десам, у доим музикант бўлишни орзу қилар эди. Сиз уни қаттиқ ярадор деб айтдингиз, хавфли эмасмикин? Оналар учун энг кераклиси шу,— деди у.

Эрталабки ёзилиш вақтида Олегнинг жуда тоқатли эканлиги ҳаммамизни ҳайрон қолдирди. У оғриққа чидаб, қўллари блан таяниб, ўз қаддини, кўтаришга тиришади. Фақатгина каравотимга тегманглар, дейди, холос.

Ярасини ечиб боғлаш олдида безовталанганлиги сезилиб туради.

— Сиз мени замбилга солиб, операцияхонага ўзингиз олиб боринг, тузумки?

Бу йигитча яраларини ечиб боғлаган вақтда қаттиқ оғриқларга финг демай чидаб туриб берганига менгина эмас, хирург-врач ҳам қойил қолди.

Кундуз соат 4 да унинг онаси келди. У Олег блан кўришмасидан илгари унга гапирмасликка қарор қилдим, чунки уни ҳозир юпатаман деб ўтириш бефойда. Хатни у кеча олган, боласи блан учрашишга тараддуд кўриб турган бўлса керак.

Бир хотин кириб келди. У останованинг устида бирдам тўхтаб олди-да, кейин палатада битта-битта юриб, Олег ётган каравотга қараб борди. Мен, Олегнинг қўлларини чўзиб:

— Онажон! — деганини эшитдим.

У ўзи учун стул қўйилганини фаҳмламасдан каравотга ўтириб олиб, Олегни ўпакетди. Унинг яралари оғритса керак, у ҳатто каравотига тегишга ҳам йўл қўймас эди, онаси бўлса каравотга ўтириб олди. Олегнинг юzlари жилмайган эди. Унинг яралари оғритган бўлса ҳам, онаси бўлганлиги учун чидайди. Бир минут ўтгач у стулга ўтиб ўтириди ва боласининг қўлларини ўз қўлларининг орасига олди. Мен онанинг афт-ангорига ёндан туриб назар солдим: шодликдан ҳаяжонга келгани унинг юзига

қизил юрганидан билиниб турипти, у ўз боласига әгилиб, кулимсирайди...

Палатанинг чироқлари ёнди. Кўргани келганларнинг кетадиган вақти бўлди. Олег мени чақириб, онаси блан таништириди.

Биз у блан бирга палатадан чиқдик. У коридорда кўзига ёш олди:

— Олегнинг аҳволи қўрқинчли кўринади. Бола фажир бундай азоблардан қутилгандан кейин, инвалидликка қандай қилиб кўникар экан-а? У оғрифини менга билдирамасликка тиришади, мен ғезиб турибман,— деди.

Мен уни жудаям ишонтириб гапирдим:

— Олег ўзининг майиблигини билдирадиган ва мен чўлоқ бўлиб қолдим, деб бошқаларга зорланадиган бола эмас. У жуда ҳам сабрли ва иродаси кучли бола.

Биз хайрлашдик. Жуда кўп ёшлар маййб бўлиб ётган бу бинонинг ичида менинг ҳам йиғлагим келади-ю, аммо йиғлаш ярамайди. Йиғлаш керак эмас, балки бу мудҳиш урушнинг чиқишига сабаб бўлганларга нафрат айтиш керак...

Кечқурун Олег менга:

— Коридорда рояль чалаётган кишига илтимос қилинг, тузукроқ классик куйлардан чалиб берсин,— деди.

Мен рояль чалган кишига бориб, унинг илтимосини айтдим. У енгил ярадор Бенуа эди. У Олегнинг олдига келди-да, яна қайтиб бориб, рояль чалишга киришди.

Чироқлар ўчгандан кейин, мен госпитальдан кетиш олдида палатани айланиб чиқдим. Олег секингина менга:

— Мен протез блан ҳам пианино чалучи бўлиш мумкин деб ўйлайман,— деди.

---

Командирлар палатасида Леонид Белков номли ярадор лейтенант йигит ётар эди. Унинг чап оёғи юқоридан кесилган ва қорнидан ярадор бўлган. Бу касал жуда ҳам асабий; ҳамшираларга қичқиради; менга ҳам тегиб қолади, ҳечкимни ёқтирумайди. У менга қаттиқ текканда врач унга:

— У кишига бунақа қичқириш ярамайди; ёши бир ерга етиб қолган, бу ерда ўз ихтиёри блан ишлайти,— деганини эшитдим.

Тундаги ишларга ҳозирлик бормоқда. Ҳамширалар дорилар олиб келмоқда, палаталарга дори пуркамоқда-

лар. Мен Белковнинг ёстигини тузатиб қўйиш учун бордим.

У менга аччиғланиб:

— Сиз врачга мендан зорландингизми? — деди.

— Зорланганим йўқ. Балки, сизнинг қичқирганингизни у ўзи эшигандир.

— Демак, мен қўпол, тарбиясиз одам эканман-да? Сиз шундай демакчисиз-да?

— Мен ҳечнарса демоқчи эмасман. Сиз ярадорсиз, яраларингиз оғритади, нервларингиз ҳам жойида эмас, буни мен яхши биламан,— деб уни юпатдим.

Мен тунги навбатда эдим. Менга иккита палата қарайди: бирни — илгари болалар ўқийдиган, бурчакдаги катта синф бўлиб, бунда жангчилар ётади, иккинчиси — илгариги пионерлар бўлмаси бўлиб, бунда командирлар ётади.

Мен коридордаги юмшоқ курсига суяниб ўтирдим. Менга иккала палатадаги гап-сўзлар барада эшитилиб турди. Еруғ озлигидан на ўқиб бўлади, на бирор нарса тўқиб бўлади. Мен ўтирган ўрнимда илгари шу мактабда ўқиб чиқиб, фронтга кетган болаларни ўйлайман. Менда ўқиган болалар тирикмикан? Ҳозир Андрей қаерда экан? Ундан анчадан бери хат йўқ...

Командирлар палатасидан бирорнинг инқиллагани эшитилди. Белков эмасмикин? Унинг олдига бордим. У ўйғоқ ётипти, аммо иситмаси борлигидан икки бети қипқизил эди.

— Мумкин бўлса юзимни артиб қўйсангиз,— деди у. Эгилиб қарасам, йиғлаб ётипти.

— Ярангиз оғрияптими? Ҳамширани чақираими?

— Ҳожати йўқ. Юрагим ўйнаб кетди. Ёнимга ўтириб, бирор нарса гапириб берсангиз-чи!

Мен стулни унинг каравотига яқин олиб бориб ўтирдим.

— Сизга нимани гапириб берсам экан? Агар хоҳласангиз мактабимиз тўғрисида гапириб бераман. Худдимана шу хонада болалар йиғилишар, ўқитучи дарс вақтида боладан дарсни сўраганида, унга бошқа бола секингина айтиб қўйиши ёки хат ёзиб беришининг жуда зарарли эканини жиддий муҳокама қилишар эди. Шуларни гапириб берайми?

Миша кулимсираб сўрайди:

— Шундай бўлса ҳам ёзишар эдими?

Мен унга мактаб ҳаётидан ба'зи нарсаларни айтиб бердим.

— Мен Куйбишевда ўқиганман... Мактабни 40-инчи йили битирдим. Мактабимизда ҳам аҳвол яхши эди,— деб, кўзини юмиб олди. Тўгриси, у мудрайбошлади. Бирдан унинг кўзлари ярқ этиб очилиб кетди.

— Мен нима учун кечаси қўрқиб чиқишимни сизга... айтиб-айтиб бераман. Фақат гапимни бўлмай туринг. Агар буни айтиб берсам, балки кўнглим овнар. Отам ҳарбий киши эди. Биз бир полкда эдик. У меци қанча эҳтиёт қилганини билсангиз ҳайрон қолар эдингиз. Мен ҳарвақт уни ўз ёнимда ҳис қиласар эдим... Ротамиз атака бошлади, немислар эса, устимизга мина ёғдирди. Бирор минут ҳам тўхталиш мумкин эмас эди. Отам доимо менинг ёнимда чопиб борар ва нафас олишлари менга эши-тилиб тураг эди. Бирдан отам ағнаб тушганини, қалласи эса, ёнимдан учиб ўтиб кетганини кўриб қолдим. Тушунасизми, отамнинг қалласи деяпман! Буни мен ҳеч унутоалмайман. Қачон мен якка ўзим бўлсам, уйғоқ ётсам, шуларнинг ҳаммаси кўз олдимга келади...

Мен нима деяолар эдим? Мен фақатгина бу боланинг ма'навий қувватига тасанно дейишим мумкин, холос. Чунки у тўхтамай олдинга бориб, то ярадор бўлмагунча ўз бурчини бажаришдан қайтмаган.

— Мен унинг иссиқ қўлини ушлаб сўрадим,

— Онангиз борми?

— Ҳа, бор.

— Унга хат ёзганмисиз?

У қалтираган ҳолда:

— Нима тўғрида? Отамнинг ҳалок бўлгани тўғрисидами?— деб сўради.

— Йўқ, ўзингизнинг тириклигингиз ва госпитальда ётганингиз тўғрисида.

— Йўқ, ёзолмайман.

— Ёзиш керак. Онангиз сиздаи хат кутиб ётгандир, оналарнинг фронтдан хат олмаса, юрак-бағри эзилнишини сизлар билмайсизлар-да!

Иккимиз ҳам жим туриб қолдик. У кўзини юмди ва:

— Мени иссиқроқ қилиб ўраб қўйини...—деди.

Унинг кўк кўзлари эркаланиб боқар эди:

— Сиз онам бўлиб, пешонамдан ўниб қўйинг—деди сенгина у.

Биринчи минутдан сўнг у ухлаб қолди. Мен эса, у эртаги балки онисига хат ёзар деб, тумбочканинг устига откритика ташлашиб чиқиб кетдим.

Олег Николаев блан Леонид Белковнинг характерлари икки хил; улар мактабда ҳам шундай бўлсанлар керик. Улар менинг ўқучиларим эмас, аммо бунинг иҳомияти йўқ; чунки улар совет мактабининг ўқучилари.

Улар улгайиб эндишина турмушга қадам қўйган вақт-жартия, бошмарига ана шундай кулфатлар тушди. Улар ўз проламарини кўрсатиб, ҳаётни севиб, ҳамма қийинчиликларин бошдан кечирдилар.

1941 йил 20 сентябрь

Шу кунларда мен жуда кўп оғирчиликларни бошдан кечирдим. Кеча эрталаб соат 8 да Анна Людвиговнадан кейин павбатчилик қилиш учун госпитальга келдим. Ҳамма оғир ярадорлар биринчи қаватнинг коридорида ётар эди. Боёқини Анна Людвиговна оғир ярадорларни иккинчи қаватдан биринчи қаватга олиб тушиши блан жудаям чарчапти. Касаллар бизни коридорда қолдиришиди ва каравотларимизнинг ёнига тумбочка қўйиб беришмади деб жоврашмоқда эдилар. Иккинчи қаватдан столчалар, оппоқ салфеткалар, гултуваклар олиб тушиб, бу жойни «безаш»га киришдим. Овқатни юқориги қаватдан олиб тушилади, бу жуда ноқулай эди. Аммо тушда овқатни қозони блан коридорга олиб тушиб, биринчи қаватнинг ўзида бўлиб бердик. Шу блан қийинчиликдан қуттилдик. Мен икки қўлимда коса ушлаб, кисель қўйдиришга келаётган эдим. Тўсатдан гумбурлаган ҳайбатли товуш бинони ларзага келтирди. Худди бино қулаб тушаётгандай туйилди. Ҳовлига қараган деразадан география жамияти биносининг томида кишининг кўзини оладиган даражада оппоқ алланга ловиллаб турганини кўрдим, ундан кейин яна гумбурлаб кетди.. Оёқ остидаги пол тебранади, ойналар, ромлар, кўк парда ва оппоқ оҳак парчалари тирқираб деразадан ташқарига отилиб тушаяпти, бирнеча минут гангниб турдим...

Ўзимга келгандан кейин қарасам, овқат тақсим қилинадиган ва кисель тўкилиб ётган столнинг ёнида турибман. Менинг ёнимдан ҳамширалар ва ишчилар чопишиб

Утишди. Мен шошиб-пишиб ўз касалларимнинг олдига келдим. Улар кўзларини юмганича ётипти, устларига ойна ва девор сувофининг парчалари чачраб тушипти.

— Сизларга шикаст етмадими? — деб сўрадим.

— Йўқ, йўқ. Фақат, ҳамма ёғимизга кесак ва ойна парчалари тушганидан кўзимизни очишга қўрқаяпмиз.

Аллаким келиб, мени қучоқлади, қарасам Оля экан.

— Даставвал касалларимизнинг устидаги сувоқ ва ойна парчаларини қоқиб ташлаб, уларни тартибга кўлтиришимиз керак,— дедим унга. Биз кўрпа-ёстиқларни қоқишига киришдик.

Касаллар ўзларини жудаям яхши тутдилар: бирортаси ҳам шикоят қилмади, қайтага, уларнинг ҳарбири ишимишни енгиллатишга тиришди.

Ёнимиздаги, госпиталь жойлашган бинога бирнече бомба тушиб, ўт кетган эди. Медицина ходимлари блан ўт ўчиручилар тезликда ўтни ўчиришиб олди. Бизнинг ҳовлига ҳам портловчи бомба тушган экан. Ҳаво тўлқинининг зарбидан мажлис залиниңг тўрт қанотли оғир эшиги ошиқ-- мошиғидан кўчиб кетиб, зинапоя блан пастга тушипти-да, панжарадан ошиб ўтиб, ораликка тақалиб қопти.

Бу ҳодиса қурбонсиз ўтмади. Юқориги қаватда иккита ҳамшира ва папиросини олиш учун палатага кирган битта касал ўлди.

Мен иккинчи қаватга чиққанимда, бир нарсани фаҳмлаб қолдим: агар касалларимиз шу дамгача ҳам шу ерда ётаберганларида одам бундан ҳам кўп ўлар экан. Орденаторхона блан иккинчи қаватдаги палаталарнинг шипи кўчиб тушипти, яқиндагина мактабни битиручиларнинг бали ўтказилган зал эса, вайрон бўпти.

Пастки қаватда шамол эсар эди. Биз касалларни ўраш учун, санитарларнинг ёрдами блан, қулаб тушган жойларни очиб, кўрпаларни ажратиб олдик.

Ўша кеча ҳеч менинг эсимдан чиқмайди. Ташқарида куз фаслидагидек қаттиқ совуқ, ёмғир ёғар ва шамол эсар эди. Госпиталь дарвозасининг олдига оломон тўплланган. Улар ғовур-ғувур қилиб, ташвишланиб, касалларнинг аҳволидан хабар беришни талаб қилмоқдалар. Улар ярадорларимизнинг ота-она, қавм-қариндошлари бўлиб, ўз кишиларининг тирикми-йўқми эканини билишни истардилар. Врачлар блан ҳамширалар чиқишиб, уларни тинчлантиридилар.

Бугун ўқучиларимизнинг навбатчилик қилмайдигай куни бўлса ҳам, госпитальга келишиди.

— Биз сизнинг ўрнингизда турамиз, сиз уйга кетаберинг, кечаси ўзимиз ишлаймиз,—дейишди.

Мен врачнинг ҳузурига кирдим ва кундузи ишлаган қизларни бўшатишни сўрадим. Улар эса:

— Биз ишлайберамиз, кетмаймиз,—дедилар.

Электр ёнмас эди, шундай чанг-тўзон ичидаги дори пуркаш ва касалларга дори бериш бефойда эди. Ошхона бузилиб кетган, шундай бўлса ҳам қўшни госпитальдан кечки овқатни ўз вақтида опкелиб едирдик.

Ҳаво совук. Тун кишини чарчатадиган даражада жуда узоқ туйилар эди. Ҳечким ухламади деса бўлади.

Эрталаб ўрнимизга одам келди, шундан кейин биз дам олдик. Кундузи эса, ҳамма касалларни бошқа госпитальга кўчириб, бинони ремонт қилишга киришилди.

1941 йил 16 октябрь

Кечқурун уйга қайтиб келганимда соат 11 бўлган эди. Бугун бўлиб ўтган ҳодисаларни ёзиб қўйгим келди.

Бугун мен яқин ўртоқларимни бир кўриб келай деб жазм қилдим-у, Эрмитажга бордим. У ерга борганимда тревога бошланиб қолди. Эрмитажда шундай қат'ий бир тартиб бор: душман келганда гудок чалиниши бланоқ, пастда турғанлардан ташқари, ҳамма киши бомбадан пана бўладиган жойига тушиб кетиши лозим. Мен ҳам тушдим. Бунда соатга қараб-қараб, газета ўқиб ўтиридим.

Эндиғина тушиб келган Эрмитаж ходими ёнимга келиб ўтириди ва қулоғимга яқин келиб шивирлади:

— Народний дом районида катта ёнғин чиқипти. У ерга ёндиручи бомба тушган экан.

Ленинградда шундай бир қоида бор: бомбадан пана бўладиган жойда ўтирганда миш-миш гаплар тарқатиб одамларни ваҳимага солмаслик керак. Бу қоидани бузучиларга қаттиқ дакки берилади. Бу хабарни менга шивирлаб айтишининг бойси ҳам шу эди.

Соатим ҳозир тўққиздан ошди. Билмадим, яна қанча вақт ўтирас эканман?

Бахтимга, тревога жуда тез тугади.

Дар'ё бўйига чиқдим. Чор атроф ёрур уйдагидай баралла кўриниб туритти. Неванинг нариги юзидағи Народний дом боғида кулранг тусли, зўр «Америка тоги» кўзга

ташланади. Улар зўр қора-қизил оловнинг олдида алан-ганинг ёруғи блан равshan кўринар эди. Аланга кучаймоқда. Зўр гулхан устидан бурқираб чиққан қоп-қора тутун юксакка кўтарилиб кетмоқда. Ба'зан ўт ўчириш насоси ичагининг учидаги темирдан отилиб чиқаётган сув, аланга ичига эгилиб кириб, йўқ бўлиб кетади. Нева суви ёниб турган оловдан гоҳо қип-қизил, гоҳо кўзни қамаштирадиган даражада равshan товланиб, ярқираб турипти. Васильев оролидаги қал'a блан биржага ёруғ кўп тушганидан ундаги икир-чикирларгача кўринади..

Аммо биржа ўзининг йўғон устунлари блан мустаҳкам турипти, қал'aнинг ингичка ва тикка найзаси эса, осмочга қараб тиккайиб турипти. Шундай зўр аланга гўё уларга ўтишга жур'ат этмайди, уларнинг гўзаллиги боягидай. Аланга уларга етолмай қайтади ва бора-бора сўнади.

Госпитальга кириб, шу ваҳимали соатларда касалларимиз нима ҳол кечирганликларини билмоқчи бўлдим. Оғир ярадорларни бомбадан пана бўлиш жойига олиб тушилмайди, шу сабабли улар шаҳардаги шундай катта ёргуни кўрган бўлишлари керак.

Неванинг устида қурумлар учиб юрипти. Утнинг ёруғи кўчаларга ҳали ҳам тушиб турган эди. Утган-кетган одамларнинг важоҳати бузуқ ва хафа кўринади.

Госпитальда навбатчи ҳамшира:

— Палатага киринг. Бугун касалларни ётқизиб бўлмаяпти, ҳали кўпи ухлагани йўқ,— деди.

Билсамки, юраоладиган касалларнинг ҳаммаси, ўт кетган вақтда, деразаларнинг олдига келиб олган экан. Дераза пардаларини кўтариб қўйишипти. Шаҳар палаталардан кўра ёруғ эди. Касаллар ҳаммаси: нима ёнаяпти, нима ёнаяпти? деб, ташвишга тушган. Аммо катта ёнғин чиққанлиги уларга ма'lум эди.

Оҳистагина палатага кирдим. Бирнеча киши ёстиқдан бирдан бош кўтаришди:

— Нега госпитальга қайтиб келдингиз?

— Сиз шаҳарда эдингизми, ёнғинни кўрдингизми?

— Нима ёнаяпти?

Ухлаётганлар уйғониб қолмасин деб, мен пичирлъб гапирдим:

— Ўт тамоман ўчирилди.

Ленинградни билганлар ҳам, бу шаҳарда сра бўлмаганлар ҳам, гапимга диққат блан қулоқ солдилар.



Мен гапириб бўлганимда сўнг, кўкрагидан оғир ярадор бўлган доғистонли йигит бўғиқ овоз блан айтди:

— Аблаҳлар! Ленинградни вайрон қилмоқчилар-а! Шундай шаҳарни-я!

Палатанинг ичкарироғида ётганлардан бири:

— Вайрон қилолмайди! — деди.

— Вайрон қилолмаслигини ўзим биламан. Тушунтириш керак эмас. Шаҳар увол-да!

— Ярадор бўлмасингиздан олдин Ленинградда бўлганимисиз? — деб сўрадим.

— Бўлганман. Соғайганимда ҳамма ерини яна бир тамошо қилиб чиқаман: Невани ҳам, саройларни ҳам, Смольнийни ҳам бориб кўраман. Ленинград кўп ажойиб шаҳар-э! — дейди у.


Мен уйга кетмоқчи бўлиб қолдим.

— Дераза пардасини бироз кўтариб қўйсангиз, ташқари қанақа бўлди экан, кўрсак, — дейишди.

Октябрь ойининг туни бўлса ҳам, осмон ҳали қандайдир очишил тусда кўринарди. Ўт ўчиручи қисмларнинг ҳаммаси хавфли ёнғинни ўчиришга сафарбар қилинган. Бу зўр ёнғин немисларнинг оғир бомбардимончи аэропланлар блан шаҳарга ҳужум қилишига катта ёрдам берар ади. Лекин улар бундан фойдаланаолмайдилар. Енғин



— Сиз онам бўлиб пеионамдан ўтиб қўйинг! — деди.



душманга шаҳарни ёритиб берган бўлса, бизга осмонни ёритиб берган эди. Шунинг учун душман Ленинградга ҳужум қилолмади.

1941 йил 19'октябрь

Оля Тирса қалин папка кўтарган ҳолда менинг олдимга келди. У негадир ҳовлиқсан: унинг икки бети ловиллаб ёнар эди.

— Агар мен палаталаримизда бироз суҳбат ўтказиб, суратлар кўрсатсам қандай бўлар экан, шунга нима дейсиз?

Мен ҳайронлик блан Оляга қарадим. Шу дамгача у касалларни боқиш блан овора эди, холос. Бошқа ишларни у иш ўрнида кўрмас эди.

— Суҳбат дейсанми! Нима тўғрида?

— Ленинград тўғрисида. «Америка тоғи» ёнган кечадан бери ярадорлар ҳадеб Ленинград тўғрисида: унинг кўчалари, бинолари ҳақида гапираберадиган бўлиб қолишиди. Мен уларга ўз шаҳримиз тўғрисида ҳикоя қилиб бермоқчиман. Отам менга яхши фотосуратлар ва расмлар берди.

— Бу жуда яхши фикр,— дедим мен.— Аммо сиёсий раҳбардан рухсат олиш керак.

Рухсат ҳам олинди.

— Суҳбатни бошлишга қўрқаяпман!— дейди Оля. Дастлаб қозоқ йигитлар ётган палатага кираман. Мен уларга бундан илгари Жамбулнинг ше'рларидан ўқиб берган эдим. Улар яна ўқиб беришимни сўраган эдилар. Мен гапираёттанданд сиз палатада турмасангиз. Сизнинг олдингизда гапиришга тортинаман. Фақат бошлишга ёрдам берсангиз бўлади.

Палатага кирдим.

— Ўртоқлар! Оля Тирсани яхши танийсизлар. У расмлар олиб кепти. Сизларга у суратларни кўрсатишни ва Ленинград ҳақида ҳикоя қилишни истайди.

Ҳар томондан:

— Яхши бўлади, майли!.. —деган овоз эшитилди.

Мен коридорда ўтирдим, палатадаги гап-сўз бу ердан баралла эшитилиб туради.

Оля шаҳар манзарасидан олинган катта фотосуратларни кўрсатди ҳамда Ленинграднинг архитектураси,

Ватанимиз тарихига оид маданият ва сан'ат ёдгорликлари  
хәқида гапиракетди. Касаллар унинг гапини диққат блан  
эштишиди ва ора-сра саволлар беришди:

— Ленинградда олти юзта күпприк борлиги ростми?

— Ленин қаерда яшаган, буни ҳечким биладими?

— Илгариги подшоҳ саройлари ҳозир нима бўлиб  
турипти?

Ленинград ва унинг тарихига қизиқиш жуда зўр. Ил-  
гари бу шаҳарни сра ҳам кўрмаган кишилар энди ҳар  
доим уни кўргилари келади.

Кечқуруннинг қандай ўтгани сезилмай қолди. Чироқ-  
лар ёқилди, дераза пардалари туширилди.

Навбатчи ҳамшира:

— Уйқу вақти бўлмадимикан? — деб сўради.

Оля шошиб-пишиб расм ва суратларни йиғиштира-  
бошлиди.

Унга зўр ташаккур билдиришиди.

Углич томондан келган бир қари жангчи-деҳқон:

— Оёғимиз йўқ бўлса ҳам, худди Питер-Ленинградни  
кешиб чиққандай бўлдик, — деди.

Феоктистов мени ўз ёнига чақирди. Бу одам бутун  
палатани ўз қўлига олган жуда ғайратли киши. У ўр-  
тоқларини руҳлантиришга, қўполлик қилганларни тақ  
тўхтатиб қўйишга, палатада оғир касал бўлганда муло-  
йимлик блан тартиб ўрнатиш ва одамларни тинчтишига  
жуда ҳам уста. Энг манман деган тўполончи касаллар  
ҳам, унга сўзсиз итоат қиласилар.

У фронтда сиёсий раҳбар эди ва командир жангда ҳа-  
лок бўлгандан кейин, командирликни ўзи олиб, полкни  
атакага олиб кирган ва жангда қаттиқ ярадор бўлган  
эди.

Феоктистов:

— Қизингиз ўтказган суҳбат жуда катта ва фойдали  
иши бўлди. Ленинград учун умрида уни кўрмаган кишилар  
ҳам жанг қилмоқдалар. Мана, энди буларга касалхона-  
нинг ташқарисидаги жойлар ойнадай равшан бўлиб қол-  
ди. Бу муҳим сиёсий иш, — деди.

Унинг сўзини Оляга етказдим. У хурсанд бўлиб кетди:

— Мен йилларни унугиб қўйибман. Қайси бино қачон  
қурилганини қофозга ёзиб олган эдим. Қараб олишга  
уялдим.

# МАКТАБГА ҚАЙТИШИМ

1941 йыл 20 октобрь

Бүгүн мени 239-ячи мактабга қақирилділар. Мактабнинең ылмий мудири Балентина Васильевна Баденко Ленинград мактабларидә 4-ячи наеборьдағы үқишиңи болжат ҳаңда Ленинград Советтериң қароры чиққанлығын билдири.

— Биз бу мұхлатни күтиб үткөмаймыз,—деди у.—Болалар үқишиңи күтаберіпиді төкетлари тоқ бұлды. Мен мактабни бер ҳафтада ичида очишпа тайбр қыламын да бүйлайман. Сөз 5—6-ячи ва 8-ячи синфларда тарих дарсін олиб борасыз. Бұдан ташқары, сизни 6-ячи синфта синф разәбдері қалыб ҳам тайналады.

Менинг берор жарса демократияның фәдайлалар, у қат'й қылғын айтды:

— Балқы сез бу синфлар күтілек қалады да бүйләрсиз? Агар мен сез білең көзі галлаштың бұлғанымда 9-яға ва 10-ячи сәфәлардың ҳам барғасы бұлар әдем.

Мендең госпитальда көптік калмағын, өзазарымда мактабдағы күра госпиталь үчүн көзаклироқ құрылғаса, аммо бұны айташтаға телек борнайды.

Мен Валентина Васильевнаның көтө мүтүз күздейканин тағидағы қарзасы:


— Ахир сез үштүннөсөн-ку! — дейнінше фәдайлаб турибман.

Уннинг гали жуда түрре, фронтта айдаған шаһарда мактабни үйлігі солғын берді. Мактабга қайтеп көзаклигиниң үзим ҳам түштеймеге. Әмбін госпитальда ишласам фронт білең қаттеріроқ борғынбо түрген бўлжас, да бүйлайман.

1941 йыл 27 октобрь

Мактабда ғүзілар болжалады. Күннен синфларнан үкіши оламаларғаң түлдердеге үткөзилмекті. Болжалады пава біліш жоғе күрүк үз иштік үйлінде үкішілер үша ерда бўллады, алар у жойлар үзүн бўлға үз бўлшармаларда яхши үз бўлға жойлар топтас ғарнине иштады. Ҷоғо үнкідай үйледи күннен 12-дан болжалады пана бўлниш жарнана өзге өзге бўлжаш лизди.

Мен 25-шінде жиентабыз бўлниш ғарнине жарнана 12-дан болжалады. Бу жиентабын салтасе синфлар олардан бўлжас, алардан



Мактаб биноси—тарихий ёдгорликдир. Уни архитектор Монферран қурган. Пушкин ҳам бу бинони билар эди. У ўзининг «Мис чавандоз» деган поэмасида бу бинога қуидаги мисра'ларни бағишиллаган:

Пётр майдонида, ушбу «ҳой-ҳой» да  
Янги бир иморат солинган жойда—  
Баланд осто наанинг олдида тетик  
Икки пособон шер тиринкдай худди  
Оғир пашжаларни кўтарибди тик,  
Шу мармар ҳайвоннинг бирин мишганда  
Бошланг ва ҳушсиз, юзда йўқ ранги,  
Кўлин чалишириб бизнивг Евгений...

Уйнинг вестибюли жудаям чиройли. Унинг бронза супачалари устига ўрнатилган гранит устунлар сип- силлик эди. Биринчи пиллапоядан чиқаберишдаги жойда гипсдан қилинган чиройли рим қуролининг сурати солинган.

Тарих дарсини ўтганда шу нарсадан мисол ўрнида фойдаланишга қарор қилдим.

Князь Лобанов-Ростовский саройидаги кутубхона шапиди гўзал нақшлар сақланиб қолган.

Губернаторская команда вела переговоры с теми же  
китайскими чиновниками и в результате получила  
беслатные китайские тела для погребения.

Маньчжурский губернатор заявил:  
Считаю это недопустимым, что китайские чиновники  
были оставлены без присмотра, и я требую  
предоставить соответствующие компенсации.

Губернатор Квандунь заявил: «Китайские чиновники  
не оставлены без присмотра, а оставлены в  
местах, где они могут оправдаться. Я не могу  
здесь оставлять эти тела, но я могу дать  
импульс, чтобы китайские чиновники  
занялись ими. Но я не могу дать импульс, чтобы  
они занялись ими. Но я не могу дать импульс, чтобы

Бывший губернатор заявил: «Нет, я не могу дать импульс,

— Но... — сказал губернатор Квандунь: «Нет, я  
могу дать импульс, чтобы китайские чиновники  
занялись ими. Но я не могу дать импульс,

Чтобы заняться ими, я не могу дать импульс,

— Но... я не могу дать импульс, чтобы китайские чиновники  
занялись ими. Но я не могу дать импульс,

Известный губернатор заявил: «Нет, я не  
могу дать импульс, чтобы китайские чиновники  
занялись ими. Но я не могу дать импульс,

Чтобы заняться ими, я не могу дать импульс,

— Бывший губернатор — он тоже сказал,

— Губернатор Квандунь — он тоже сказал, что  
такое

— Бывший губернатор — он тоже сказал,

— Губернатор Квандунь — он тоже сказал, что  
такое

— Бывший губернатор — он тоже сказал,

— Бывший губернатор — он тоже сказал, что  
такое

— Бывший губернатор — он тоже сказал, что  
такое

Маньчжурский губернатор заявил:

— Бывший губернатор — он тоже сказал, что

— жағындағы көңілдегі ойлар! — де

Миңдүр булып гапирди қиз.

«Буни» дегани түшки овқат ва нон эканлиги менгравшан.

Мактаб ичидаги ўрта залга С. М. Кировнинг ҳайкали қўйилгани учун болалар уни «Киров зали» дейишади. Шу залда русча этик кийган новча кўккўз ўқучи бола ўз атрофига бир тўда болаларни тўплаб олипти. Уларнинг кўпи ўғил болалар эди.

Унинг аллақандай хаёлий таржимаи ҳол гапириб берәтгани қулоғимга кирди.

Ёнимдан ўтиб кетаётган Коля Ушаковдан:

— Бу боланинг фамилияси нима? — деб сўрадим.

— Юра Бўлатов-ку! — Танимайсизми?

Коля бундай таниқли шахсни танимаганлигимга жуда ҳам ҳайрон қолди.

Бу бола блан танишиб, бир гаплашиш керак. Болаларнинг айтишича, у «ажойиб нарсаларни бошдан кечирган».

Мен уларнинг суҳбатини бўлишни истамай, ўзимни дезразанинг олдига олиб турдим.

Мен Юранинг:

— Ма’лум бўлдики, у жосус экан,—деган сўзларини эшитдим.

— Ўзини гримлаб оптими? — деб сўради, диққат блан тинглаб турган бир бола.

Оёқларини кериб, иккала қўлини шимининг киссасига солиб турган Юра унинг бу саволига:

— Сочлари оқариб, ўсиб кетган одамдай грим қилиб опти,—деб жавоб берди.

Қўнғироқ чалинди. Шодликдан болалар қичқириб юборишли. Ҳамма шошиб-пишиб синфга кираётганидан зал ҳам бўшаб қолмоқда.

Дарсни қисқача докладдан кейин бошлашга қарор қилинган. Бу иш менга топширилган эди.

Мен кечагина қанақа қилиб доклад қилиш тўғрисида ўйлай-ўйлай юрагим така-пука бўлган эди. Мактаб ҳечқачон бундай одатдан ташқари оғир аҳвол ичиде иш бошламаганлигидан докладни бошқачароқ қилишни истадим. 1812-нчи йили Смоленск ва Москвада, ёки Севастопольни қаҳрамонона мудофаа қилиш даврида бу шаҳарларнинг болалари қандай ўқиган экан, ёки ўқимаганмикан? Аф-

суски, мен буни билмайман. Ўқимаган бўлса керак, ўйлайман.

Мен катта залдагиларга қараб айтдим:

— Ўртоқлар, биз ҳаддан ташқари оғир шароит ичи, ўқиши бошлаяпмиз: мамлакатимиз кучли ва қутурга душман блан қаттиқ уруш олиб бормоқда; шаҳримизн жуда кўп немис дивизиялари қуршаб олган. Ҳозир Ленин град фронтга айланди.

Илгари рус мактабларининг ҳарбирисида бундай вазиятда ўқиш бўлган эмас. Йиллар ўтади, ёшингиж улғаяди, бола-чақалик, неваралик бўласиз... Улар сизлардан албатта: «Улуғ Ватан уруши кунларида сиз нима иш қилгансиз?» деб сўрайдилар. Шунда сизлар фаҳр блан: «Биз Ленинградда ўқиганмиз» деб айтасиз.

Сизларниңг кўпингиз тарих дарсини яхши кўрасиз. Аммо тарих ўтмишдангина иборат эмас. Сиз блан биз ажойиб замонда яшамоқдамиз. Бу қаҳрамонона давримиз тарих саҳифасидан албатта жой олади. Мана шу қаҳрамонона давримизни ҳам ўрганамиз. Ана шунда ҳозирги қийинчилик ва мусибатлар оғир туйилмайди.

Бугун ўқиш бошлаб турганингизнинг ўзи ҳам душманга отган ўқингиз бўлади.

Сиз бутун дун'ёга: «Шаҳримиз қамал ичиди, уни душман ўраб олган, аммо биз ўз бурчимизни бажариб, ўқишига киришдик» дейсиз.

Душман ҳам ҳайрон қолиб: «Булар қанақа болалар экан! Биз шаҳарга бомба ташлаётган, устларига тўп ўқлари ёғираётган бўлсак, озиқ-овқатдан маҳрум қилиб қўйсагу, улар bemalol ўқиётган бўлса-я!»— дейди.

Дўстларимиз эса:

— Улуғ Ленин шаҳарининг мард болаларига тасанно!—дейдилар.-

1941 йил 29 октябрь

Дарс тугади. Журнални ёпар эканман, болаларга:

— Синфдан чиқишиларингиз мумкин,—дедим.

Юра Бўлатов менинг олдимга келди. У блан бирга Коля Ушаков ва Гуля Виленчик ҳам келишди.

Колянинг кулранг шаҳло кўзлари ярқирар эди. Гулянинг қарашида эса, қувлик аломатлари билиниб турар эди. У қизиқ бир ҳодисанинг шоҳиди бўлишга ҳозирланар эди. Коля Ушаков ўзини менга таниш ҳисоблаб, гап бошлади:



— Ксения Владимировна! Юра сизга бир нарса топшырмоқчи.

Юра катта-катта қилиб ёзилган бир даста қофозни менга узатар экан:

— Сиз тарих ҳақида гапирганингизда кўрган-кечирганингизни битта қўймай ёзиб боринглар деган эдингиз. Мана, ёзганларимни сизга келтиридим,— деди. Қофознинг юқорисига чиройли қилиб «Уруш кунларидаги қисқача таржимаи ҳолим» деб ёзилган эди.

Мен хурсанд бўлдим ва чин қалбимдан унга:

— Балли, раҳмат, сенга! Мен ўқиб чиқиб, қайтиб бераман,—дедим.

— Қўяберинг! Керак эмас. Узингизда қолаберсин,— деди ҳиммат блан «қисқача таржимаи ҳол» нинг автори. Уни ўз кундалик дафтаримга айнан кўчирдим.

«Биз урушдан илгариёқ Валдайга яқин Добивалово қишлоғидаги боғимизга чиқиб кетган эдик. Орадан кўп ўтмай қишлоғимизга Ленинграддан эвакуация қилинган болаларни келтирабошлилар. Улар уй-уйларга жойлаштирилди, бизнида ҳам икки бола турди... Онам ҳам интернатда ёш болалар группасида раҳбар бўлиб ишлай бошлади.

Тез орада Добиваловога бизнинг қўшинларимиз келиб тушди. Мен ва яна бирқанча катта болалар Қизил Армияга бирор ёрдам кўрсатишни истар эдик. Биз станцияга чиққанимизда, немислар тез-тез самолётдан десант тушираётганини билдик. Шунда мен:

«Болалар, қўпоручиларни тутиш учун отряд тузсанчи!!»— дедим.

Отрядни туздик. Ўрмондаги ҳамма сўқмоқларни яхши билганимдан мени отрядга командир қилиб сайлашди.

Отрядимиз ишлаган даврда биз учта жосусни тутиб бердик. Биринчиси — бизнинг ҳарбий формамизни кийиб олган экан. У ўз қисмимдан қолиб кетдим, деб айтди. Иккинчиси — дехқонча кийим кийиб олган экан. У, бу ернинг одамига ўхшамасди, шунинг учун уни тутишга ёрдам бердик.

Айчиқса, учинчи жосусни жуда қизиқ қилиб ушладик. Без болалар блан ўрмонга мева тергани борган эдик. Йўлда чақчақлашиб бораётсак, ҳасса таяниб келаётган бир кампир бизга йўлиқди. Бу кампир қаёқдан келиб қолди<sup>3</sup> Менинг шунаقا вақтда кишининг афтига тикилиб қараш одатим бор. Унинг башарасига яхшилаб қарасам,



юзини гримлаб олипти. Кампир ўтиб кетди, аммо орқасидан қараган кишига унинг гавдаси эркак одамнинг гавдаси эканлиги барада билинарди. Мен Петъкага: «Ҳарбий қисмга ғизилла!» дедим; Шура блан Лёшага кампирнинг кетидан қорама-қора боришни буюрдим, ўзим эса, қолган болалар блан, йўл бўйида кутиб ўтирдим.

Йигирма минутдан сўнг жангчиларимиз етиб келишди, биз уларга кампир кетган томонни кўрсатдик. Кампирни ушлаб олдилар. У чинакам жосус бўлиб чиқди. Бизга командирдан раҳматнома топширдилар.

Биз муваққат аэродром қуришга ёрдам бердик. Унинг ёнидан олтита ертўла қазиб, устини тош ва шохлар блан ўрадик. Броқ, бу аэродром душманнинг кўзини бўяш учун ёлғондакам қурилсин деган буйруқ келиб қолди. Унга шикастланган иккита штурмачи аэропланни олиб келиб қўйишиди.

Булар одамни қизиқтирадиган ишлар бўлиб, мен жуда астойдил ишладим.

Қишлоғимиздан аскарлар фронтдан-фронтга ўтар әдилар. Ленинградли болаларни ўз жойига қайтариш тўғрисида фармон келди.

Биз ҳам улар блан бирга кетдик.



Ендрово станциясидан жүнадик. Биз шу ердаги мактабга жойлашган здик. Озонда тревога бўлди. Немислар станцияни бомбардимон қилишди. Биз болалар блан темир йўлдан юз метр наридаги чуқурга тушиб ётиб олдик. Атрофимиизга бомба парчалари тушиб, ерга кириб кетар эди. Ушанда немислар еттита бомба ташлашган эди.

Кечқурун яна ҳаво ҳужуми бўлди, аммо мен вагонга юк ортаётганимдан унга парво қилмадим. Бу ҳужум вақтида немислар десант туширишди. Аммо болаларнинг бахтига, десантчилар қўлга тушди. Болаларни қоп-қоронги тунда соат ўн иккida вагонга ўтқаздилар. Поезд запас йўлда турган эди. Қиручи аэропланлар йўлда бизни қўриқлаб борди. Бологоеда катта ҳаво ҳужуми бўлди, аммо немис тўғри келган ерга бомбаташлайберди. Зенит тўплар уларни боплаб ўққа тутди, ўқ парчалари эса, вагон томига дўлдай ёғилди. Болалар полда ва қолларнинг устида жимгина ўтиришар эди. Педагоглар юз бераётган ҳодисаларни диққат блан кузатиб турдилар. Тўсатдан вагон қаттиқ тебраниб кетди, назаримда худди вагон сакраб кетганга ўхшайди. Ушанда нарироқдаги составга бомба тушиб, вагонлардан бирнечаси пачақланган экан. Ўқитучилар эшикни беркитишди ва бизга қарашга йўл беришмади. Аммо мен вагоннинг тешигидан кўриб олдим. Санитар қизлар жонларидан кечиб, ярадорларни ва ўлганларни ташимоқдалар.

Бирдан паровоз селпиб, поезд қўзғалди. Афтидан, болаларни бомбадан олиб қочиб, қутқазиб қолмоқчи бўлишганга ўхшайди. Қўрқиб кетган майда болалар йиғлашди, катталар уларни юпатишди.

Ленинградга етиб олгунча узоқ вақт ўтди. Етиб келган кунимиз уй бошқармаси менга окоп қазишга боришни таклиф қилди. Отам менга сен ўқучисан, бормасанг ҳам бўлади деди, аммо мен ўзим хоҳлаб бордим. Биз Петергоф атрофида танкка қарши ўра кавладик. Гоҳ ҳаммомда, гоҳ очиқ жойда похол устида ухлар эдик.

Ҳозир ўт ўчиручи бўлиб ишляпман. Тревога вақтида томга чиқиб ўтиришни яхши кўраман. Бу хавфли бўлса ҳам, лекин жуда қизиқ иш».

Шуларнинг ҳаммаси тўғримикин? Юранинг отаси врач, онаси педагог. У уруш кунлари тиббий ҳамшира бўлиб кетган эди. Суриштириб кўриш фикрига келдим. Ёзилтганларнинг ҳаммаси тўғри экан. Унинг отаси:

— Юранинг ўқишидан хавотирман. У бомба ва спайдларга жудаям қизиқиб кетган,—дейди.

*1941 йил 30 октябрь*

Бизнинг болаларимиз қўпоручиларни ва жосусларни тутишда НКВД органларига ва Қизил Армияга ёрдам беришга жуда ҳам уста бўлиб кетганлар. Ба’зидан қизиқ-қишини ишлар ҳам бўлиб туради.

ФЗО ўқитучиси ўртоқ Петров семиз киши бўлгани учун болаларга шубҳали кўринган. «Пўрдоқ немис экан» деб, болалар уни қуршаб олишган ва Биз блан бирга кетимииздан милиция идорасигача борасиз, деб буюришган. Милиция идорасида ў ҳужжат кўрсатиб, бўшаб чиқкан.

У милиция идорасидан чиқиб, яна кўчада ёш конвой ларга йўлиқади. Улар уни яна ўраб олишади. Уларни бошлиғи:

— Милиция бошлиғи ҳуш’ерлик қилмаяпти. Юринглар, бошқа бўлимга олиб борамиз,—деб айтади.

Петров ҳарқанақа қилиб кўрса ҳам бўлмаган, охири боришга мажбур бўлган. Аммо унда ҳам, унинг ҳужжатини текшириб, қўйиб юборганларида, у:

— Менга бир милиционер қўшиб берсангиз, у мени маҳбусга ўхшатиб олдига солиб, нарироққача обориб қўйса; шунда болалардан қутилмасам, кечгача куним шулар блан ўтадиганга ўхшайди.

Бир танишимнинг саккиз яшар ўғли кўча эшикдаги қўнфироқ жаранглаганини эшитиб:

— Ана, менга НКВД дан одам келди,—деган.

— Нима дейсан?—деб, онаси ҳайрон қолиб сўраган.

— Пиллапояда мен ёт устбош кийган бир одамни кўрдим,—деб, бола сўзлашда давом этар эди.—У одам албатта жосус. Мен дарров НКВД га телефон бердим. Менга раҳмат айтишди ва ёшимни сўрашди.

Афтидан, у кишида жосуслик белгилари етарли бўлмаган ва НКВД дан одам келмаганлиги Костяни кўп ранжитган.

*1941 йил 7 ноябрь*

Кеча мактабдан келаётib ўйладим:

«Ўртоқ Сталин доклад қиласмикан-йўқмикан? Биз ленинградлилар учун унинг доклад қилиши жуда муҳим эди-да. Ундаи десам Москвага ҳам ҳаво ҳужуми бўлиб

турипти, вазият оғир, балки тантанали йиғилиш қилиб бўлмас».

Радиодан ўртоқ Сталиннинг товуши эшигилганда, мен уйда кичкина пекканинг ёнида исиниб ўтирган эдим.

У жуда ҳам ҳақиқатни гапирмоқда эди. «Душман Украйнанинг катта қисмини, Белорусияни, Молдавияни, Литвани, Латвияни, Эстонияни, бирқанча бошқа областларни босиб олди, Донбассга етиб қолди, Ленинград устида қора булутдек турипти, шонли пойтахтимиз Москва га таҳдид қилмоқда»...

Бу докладнинг бирорта сўзини ҳам эшийтмай қолиш ярамас эди.

Ўртоқ Stalin «... СССРнинг барча ҳалқлари Ватанимизнинг шон-шарафи ва озодлиги учун, немис армияларини тор-мор қилиш учун армиямиз ва флотимиз блан бирликда улуғ озодлик уруши олиб боручи бирлашган жанговар лагерьга уюшмоқлари»<sup>1</sup> учун бизнинг тинимсиз иш олиб боришимизни талаб қиласди.

Ўртоқ Stalin нутқи мана бундай қат'ий ва дадил сўзлар блан тугади:

«Бизнинг ишимиз ҳақ иш, биз ғалаба қиласмиш!»

Сталиннинг нутқи тугади. Радио диктори гапиришга киришди. Мен бу нутқни бошдан охиригача яна бир марта эшийтдим.

Бу байрам арафасида ўртоқ Stalin бизга зарур бўлган гапларни гапирди:

Биз уруш бошланган куниёқ ғалаба қозонишимизга ишонган эдик, энди эса, голиб чиқишимизга кўзимиз етиб қолди. Бу ишонч ҳамма оғирликларга чидашимизга ва қунт қилиб ишлашимизга мадад беради.

Печкага янгидан ўт ёқдим. Эшик дукиллади ва Аня Тирса кириб келди. Унинг сочларини қиров босган, қўллари қотган эди.

— Аня, нима бўлди сенга? Бунчалик совқотиб қаерда юрдинг? Печкага яқин кел. Пиймангни еч, оёғингни, топла.

— Ўртоқ Stalin гапираётганда кўчада эдим. Унинг гапини эшийтмай кетиб қолиш бўлмас эди-да! Радио карнайининг олдига ҳалқ йиғилган эди. Ундан кейин радио дикторидан ҳам эшийтдик. Совуқ жуда қаттиқ...

Аня илжайди. Энди дилимиз равшан бўлди.

<sup>1</sup> И. Stalin. Совет Иттифоқининг Улуғ Ватан уруши тўғрисида. УзССР Давлат Нашриёти, 1948 йил, Тошкент, 31 бет.

— Уйимиздагилар ҳам эшитдимикин-а! — деб, Аял безовталанди.

— Бутун Ленинград эшитди деб ўйлайман, — дедим мен.

Уруш бораётганлиги шаҳарда равшан сезилади. Борлар, скверлар ва бульварлар қазиб ташланган. Пастки қаватларниң деразалари лой шувалган тахталар блан түсилган. Ҳамма жоға қум солишган яшиклар қўйилган. Адмиралтействонинг учли гумбази кулранг қоп блан ўраб ташланган. Ленинграддаги ҳайкалларниң ҳаммаси бошқа парсалар блан ўраб қўйилган. «Мис чавандоз» ҳайкали қум блан кўмиб, сўнгра тахталар блан тўсиб қўйилган. Майдонда Петрнинг ҳайкали ўрнида тахтадан ясалган өҳром турага эди. Петрнинг Растрелли томонидан ишланган от миниб турган ҳайкали ернинг тагига кўмиб қўйилган. Фақат Киров кўпприя ёнида Суворов ҳайкалигини, ёш уруш Илоҳига ўхшаш, ҳайқмагандай турипти.

Бу йил қиши эрта тушди ва жуда совуқ келди. Мен бугун Невский кўчаси блан кетдим.. Бу кўчадаги илгариги файз, кетиб ҳувиллаб қолган.

Аммо бугун радио шодлик хабарларни эшиттирди, музика кўп чалинмоқда. Кечқурун Андрейдан хат олдим. У хатни телеграммага ўхшатиб қисқа ёзиши:

«Онажон! Суюнчи беринг,— менга Қизил Юлдуз ордени тегадиган бўлди. Бу хабарни Васяга ҳам билдириб қўйинг. У ҳам фин урушида шунача орден олган эди. Мендан хавотир бўлманг.

Салом ва эҳтиром блан: ўғлинигиз Андрей».

Бугун менинг учун ҳақиқатан ҳам шодлик кун бўлди: Андрейдан шундай хушхабар келди. Аммо кўнгил ғашлиги кетармиди? У ҳозир қандай аҳволда экан? Қани энди у блан кўришиб, лоақал озгина бўлса ҳам гаплашсам!...

## МАКТАБНИНГ НОЯБРЬДАГИ ҲАЁТИ

1941 йил 9 ноябрь

«Ленинградская Правда» газетасида ёнма-ён иккита сурат босилган: баланд баррикадаю, унинг олдида милитария кўтарган комсомоллар отряди туради. У отряд фронтга кетаяпти. Шунинг қаторидаги суратда 316-нчи мактаб-

нинг 7-нчи синфида география дарси тасвирланган. Уқычилар блан ўқитучилар елкаларига газниқоб осиб олганлар, сув қўйилган бочкалар, қум солинган қоплар ва белкураклар турипти. Ташқарига ёруғ чиқмасин учун деразага дарпарда қилинган.

Олий медицина мактабларида ўқишлар бошланар экан деган миш-миш гап юрар эди. Кира блан Люба медвузга кирмоқчи бўллilar.

Ҳозирги эвакуация фақат самолёт орқалигина бўлиши мумкинлигидан, ёр-биродарларимиз шаҳардан фақат аэропланларда учиб кетаётирлар. Одамлар ҳадеб ва'з-насиҳат қиласбергани учун, фронтга Вася Голубовга Ленинграддан кетсаммикин деб, маслаҳат сўраб хат ёздим. У менга нима маслаҳат берар экан?

Совуқ жуда кучайди, кўчада ҳам, уйда ҳам, мактабда ҳам, қўйингки, ҳамма жойда совуқ.

*1941 йил 13 ноябрь*

Хизматчиларга бериладиган нон нормаси 150 грамга тушиб қолди. Шундай бўлса ҳам, мактабларда ўқишлар давом этмоқда.

Дарсга бошқача тайёрланаман. Бир вақтлар, дарсни янгидан-янги материаллар блан бойитиб ўтказиш учун тун бўйи китоб кўриб чиқар эдим. Ҳозир «вақтимни чегаралаб» қўйганман. Ортиқча гапларга ўрин йўқ. Ҳикоялар қисқа ва лўнда бўлади. Болаларга уйларида дарс тайёрлаш қийин; уларни мактабнинг ўзида ўқитиш ва ўргатиш керак. Болаларга дафтарга ёзdirмаймиз; ҳозир ёзиб бориш уларга оғирлик қиласди. Аммо дарсни болалар қизиқадиган қилиб ўтказиш керак! Албатта шундай қилиш керак! Болалар сиқилган, юракларида ташвиш катта, улар зериктирадиган гапларни эшиткилари келмайди. Уларга ўз аҳволинг оғирлигини билдириш ҳам ярамайди.

*1941 йил 20 ноября*

Нон нормаси 125 грамга тушиб қолди. Ўзи бир бурда нон бўлса, яна уни учга бўлиб, бир бўлагини наҳорликка, бир бўлагини тушликка ва бир бўлагини кечки таомга олиб қўйиш керак. Бу айтмоққа осон!

Васядан жавоб хат олдим. У шундай деб ёзади:

«...Сиз Ленинград учун керак экансиз, демак, кетманг, агар бундан кейин бошиңгизга янада құрқинчлироқ күнлар келса ҳам туринг. Ленинград ёв құлига сра үтмаяжак. Ленинград бизники, уни ҳечқаңған душманга бермаймиз... Насиб бўлса, дийдор кўришамиз».

Вася менинг кетишимга қарши бўлганидал севиндим. Мен очликка бемалол чидайман. Аммо айни тушлик ва кечлик овқатни еб бўлганингда иштаҳанг очилиб кетади.

Совуққа йўқман, аммо уйда ўтирганимдагина совуқ сезилади, мактабда эса, совуқ тўғрисида ўйлашга вақт ҳам йўқ. Уйда ҳар чоқ каравотда кўрпага бурканиб ўтираман.

Ноябрьдаёқ қаттиқ совуқ бошлианди. Невадая изғирин эсабошлади. Совуқ 36 даражага чиқди.

Ҳозир чор атроф оппоқ қор. Қор учқунлайди. Осмон эса кўм-кўк. Александр богидаги дараҳтлар қиров блан қопланган.

Ойдин кечаларда шаҳарни бамисоли кумуш дейсиз. Ўй ва дараҳтларнинг узун соялари ярқироқ қор устида тимқора бўлиб кўринади.

Бундай ойдин кечалар қўрқинчли эканини кўнгил сезиб туради, ойдин кеча душманнинг ҳужумини осонлаштиради. Лекин кўчада кетаётган киши, шаҳарнинг нақадар гўзал эканини сезмай қолмайди.

Бундай ойдин кечаларда Аня Тирса тез-тез меникига келади.

— Шаҳар жудаям чиройли-да! — дейди у. «Менинг енгилтаклигим қурсин! Шундай қўрқинчли вақтларда шаҳарни севиб ўтириш мумкинми!» деб ўйлайди, келаётib.

— Йўқ, Аня. Менингча, гўзаллик нима эканини фаҳмлайдиган кишилар зўр кишилардир.

1941 йил 24 ноябрь

Синфларда кўп болалар кўринмайди...

Бошлиғич мактабларда ўқишлар тўхтатилган: бомбадан пана бўлиш жойлари шу қадар совуқки, уларда дарс ўтказиб бўлмайди. Энг ғайратли муаллималар ўқишини биринчи қаватдаги ва бомбадан пана бўлиш жоѓига яқин бўлган уйларда ўтказиб кўришди. Улар уймай юриб, ота-оналарга ўз болаларидан мактабга, печкага

әқиш учун уича-мунча тараша бериб юборишлариниң сүрәгайлар. Муштдай-муштдай болаларнинг күчаларда ўранниб-чирманиб, кўлтиқларига тараша қистириб бораётгандариниң кўрганингда кўзинг жиқ ёшга тўлади. Ҳолбуки, пеккага әқиши учун ота-оналарнинг ўзларида ҳам ўтин йўқ.

Қуйин синф ўқитучиси Анна Ивановна Делова—уй бошқармаларидан уйларда ётган синиқ-мертиқ ёғочларни йиғиб беришини талаб қиласлик деб фикр берди. Бундай синиқ-мертиклар ҳарбир уйдан топилади. Кўпгина ўқитучилар ўзлари ўқитиб турган хоналар учун ҳам ўтин топганлар.

Аммо электр йўқ бўлиб қолгандан кейин, тез-тез ҳаво тревогаси ва ўқса тутишлар бўлиб турди, шу туфайли ўқишилар ҳам тўхтаб қолади.

Бекор қолган ўқитучилар мактабга келар ва юқори синф ўқитучиларининг ишини енгиллатиш учун, кечалари навбатчилик қиласлик эдилар.

Мактабдаги аҳволга келсангиз, ҳамма болалар синфда пальто, қўлқон ёки енгчаларини кийиб ўтирадилар. Қизлар эса, бошларига иссиқ рўмол ўраб оладилар. Қўлларини муфта (енгча) нинг ичига суқиб оладилар. Енгчада улар қўлларинигина эмас, бурунларини ҳам иснадилар. Баҳтли болаларнинг оёқларида пиймалари бор.

Ўқитучилар ҳам устки кийимларини ечмайдилар.

Уйлардаги узоқ вақтдан бери ёқилмай ётган каттакон кошинли пеккалардан совуқ чиқиб туради. Сиёҳдонларнинг юзини тўқсапсар муз қоплаб олади. Болалар ҳар куни музни «тешиб», сиёҳга перо ботирадилар.

Водопроводдан уйларнинг иккинчи қаватига сув чиқмай қолди, кейин тамоман тўхтаб қолди.

Валентина Васильевна:

— Бу блан ишимиз тўхтаб қолмайди. Бир замонлар петрограддилар водопроводсиз яшаганлар-ку, у вақтда мактабларда водопровод бўлган ҳам эмас. Биз фақат озодаликка қаттиқ риоя қилсак бас,— деди.

1941 йил 25 ноябрь

Тўртинчи дарсни ўтказиш жуда оғир бўлади. Болалар, ўзлари айтгандай «суюқ ош» звоногини зориқиб кутиб турадилар.

Ҳамманинг муддаоси суюқ ошда.

Ҳамманинг фикри-ёди икки косадан суюқ ош олишдә. Болалар-у икки косадан оладилар, ўқитучилар нима қиладилар? Суюқ ош ҳаммага етмайди.

Нима қилиш кераклигини ўйлаб кўриш учун, мактаб директори илмий мудир блан местком раисини чақирди.

— Ўртоқлар,—деди у,—иккинчи марта бериладиган суюқ оши кимлар олиши кераклигини ҳал қилиш лозим; биз ҳаммага тенг беролмаймиз. Ўқитучилар ва ўқучилар ҳақидаги масалани айрим-айрим ҳал қилайлик.

— Ўқучилар тўғрисида гапириб ўтирасак ҳам бўлади. Уларнинг ҳаммаси бир марта ичиди бўлиб, иккинчи марта ҳам олишлари керак,— деб таклиф қилди Валентина Васильевна.

— Албатта, албатта,— деб, ҳамма унинг таклифига қўшилди.

— Масала ҳал. Энди ўқитучилар масаласи нима бўлади?

Узоқ вақт жимжитлик ҳукм сурди.

— Ўқитучиларнинг ўзларидан сўраб кўриш керак. Кимнинг эҳтиёжи оз экан...— деб дудмоллик блан гапиради местком раиси.

— Бундай йўл блан ҳечнарса қилиб бўлмайди. Тортиноқ киши: «Менга керак эмас» деб айтар, аммо ўзи боишқалардан кўра оч бўлиши мумкин. Ё эса, ким кўп зорланса, ўша кишига бериш керакми! — деб пичинг қиласи директор.

Валентина Васильевна шундай фикр берди:

— Менинг фикримча, дарс берастган ҳамма ўқитучилар иккинчи марта овқат олишга ҳақлари бор. Бошлиғич мактаб ўқитучилрига келганда, қайсилари дармондан кетаётганилиги ва қайсиларнинг уйларида болалари борлигини биламиз. Ана шундай ўқитучиларгагина иккинчи марта суюқ ош беришимиз керак,— деб хуласа чиқарди у.

1941 йил 26 ноябрь

Бугун мен мактаб ошхонасида навбатчилик қилдим. Узундан-узун, дастурхонсиз столлар турагар эди. Столларда ўқучилардан тўпланган, катта-кичик, гул ва суратлари ҳархил бўлган чуқур тарелкалар туритди. Ҳар кинининг ўз қошиғи ўзи блан. Овқатга келганлар ҳаммаси қалин кийимда. Болаларнинг кўпчилиги, кўчада қўллари

жөвқотмасын учун, портфелларини чайлар болан бүйинләрига осиб олганлар.

Устига пальто, бошига мүйна шапкасини кийиб, суюқ ошли идиш қүйилган столнинг ёнида директор ўтирипти. У овқат тақсимлашни кўздан кечириб турар эди.

Менга эса болалар ўз тегишларини банка ёки кружкага қуйиб, уйларига олиб кетмай, ўзлари шу ерда ейишларига кўз-қулоқ бўлиб туриш топширилган эди. Аммо болаларнинг аксарияти уйларига олиб кетишни истайдилар. Уларнинг уйларида оталари, оналари ва майдада укалари бир коса суюқ ошга зор бўлиб ўтирадилар.

— Суюқ ошни уйга олиб кетсан майлим? — деб сўради Лара Энтина.— Менга бир тарелкаси етади, қолганини онам болан синглимга обораман.

— Йўқ, қизим. Бу овқатни еб, куч-қувватга кириб яхши ўқисин, деб сизлар учун берилаяпти.

Ларанинг кўзлари ёшга тўлгани ҳолда, индамасдан ошини ичабошлади.

Шундай деганимга ўзим пушаймон қилдим. Шундай дейишим керакмиди? Мен, ҳарвақт болаларни ўз яқинларига ғамхўр бўлишга ўргатиб келган ўқитучиман-ку?..

Аммо ҳозир мен Ларанинг ўз ошини уйига олиб кетишига йўл бермасликка мажбурман. Шундай қилмасам бўлмайди. Болаларнинг ва ёшларнинг организми катталарнига қараганда заифроқ бўлади.

Валентина Васильевна ўқучи Заполевскийнинг ёнига келди. У бола, столнинг тагида шиша банкасини тутиб туриб, унга яшириқча ўз ошини қуяётган экан.

— Бундай қилишинг бўлмайди. Бундай қилиш мумкин эмас! — дейди у.

— Жон Валентина Васильевна, қўйинг, рухсат беринг. Рошчиннинг оёклари шишиб кетаяпти. Унга оборай! — дейди пицирлаб, Заполевский.

— Уни ўзинг ич,— дейди Валентина Васильевна,— банкани менга бер, Рошинга яна овқат қуйиб бераман.

Борянинг чеҳраси очилиб кетди.

Мен ҳам Ларага учинчи марта овқат беришни сўрасаммикин? Йўқ, бундай қилишга ҳақим йўқ. Валентина Васильевна ошхонанинг қаттиқ қонунини бузди. Чунки, Заполевский каби бир ўқучига, я'ни қийналган ўртоққа ёрдам бериш керак бўлиб қолди.

Обеддан кейин мактабда ҳечким қолмайди, ошхона ҳам бир нафасда бўшаб қолади. Бирқанча болалар стол-

дан столга чопиб юриб, қолган-қутган овқатларни идишларига қўйиб олишларини кўриб, кишининг хўрлиги келади. Демак, улар сендан кўра очроқ, сен бўлсанг, қайватаилган қора елим блан қайишнинг шўрвасини ичасан.

Суюқ ошнинг сифати ҳаммани қизиқтиради. Тунов куни сув олиб келиш учун майдондан, қиров босган Исаакийнинг ёнидан, Нева дарёсининг музи тешилган жойга кетаётган эдим. Рўпарамдан Юра Артюхин чиқиб, овозининг борича қичқирди:

— Ксения Владимировна, тез мактабга етиб келинг,— бугунги шўрва жуда ширин бўпти.

«Ширин» шўрва карамавинг юзидаги баргидан қилинган, шунинг учун жуда суюқ бўлган ўзан. Шундай бўлса-да менгаям жуда мойли кўринди.

*1941 йил 27 ноябрь*

Кечак ҳам жуда оғир кун бўлда Тревога тугаши блан бомбадан пана бўлиш жойидан синфга чиқасан, янгиси бошланса яна тушасан. Мен бу чиқиб-тушишнинг саноғидан адашиб кетдим. Болаларнинг ба'зилари етти марта тушдик деб, ба'зилари ўнбир марта тушдик деб талашадилар.

Мактабдан қайтгунча «уй» омон-эсон турадими-йўқми, буни ҳечким билмайди. Валентина Васильевна кеча «уйига» борганда уйининг ўрнига, беш қаватли бинонинг Мойка анҳори томонидаги деворлар қулаб тушганини кўрган. Яхшики, унинг уйидаги кишилар баҳти ёри бериб, деразалари нариги томонга қараган ошхонада омон қолган ва уларни ўт ўчириш учун қилинган нарвон блан тушириб олганлар.

Бугун Валентина Васильевна қулаган хона ичидан бутун қолган нарсаларини ташиб чиқди. Дарси йўқ ўқитучилар унга бориб ёрдам беришди.

Кечқурун ўққа тутиш бошланди, мактабнинг вестюбили ўққа тутиш вақтида кириб олган ўтган-кетган одамлар блан лиқ тўлган.

Снарядлар жуда яқин ерга тушиб ёрилмоқда эди. Бухгалтер иккаламиз идорада ўтирасак даҳшатли гумбурлаш овози эшитилиб, дераза ойнаклари жаранглаб учуб тушди. Пастда ҳаяжонли овоз кўтарилди: катта снаряд парчаси қалин эшикни тешиб ўтиб, вестибюльга тушипти. Яхшики, ҳечким зарарланмади.

Мактабнинг хизматчиси Саша ҳола «қўриқчи шер» ларимиздан бирининг синиб тушган мармар думини кўтариб кирди.

— Омборда турсин; уруш тугагач тузатиб қўйилар,— деб босиқлик блан гапиради у. Мен кўчага чиқдим. Бечора шернинг думигина эмас, пастки жағи ҳам ажраб тушитпич! Эшикнинг олдига тушган снаряддан катта чуқурлик ҳосил бўпти. Унинг атрофида мактабимизнинг болалари ёрилган снарядни қидиришашаётти.

Болалардан бири қизиқчиллик қилиб, мендан сўрайди:

— Евгений шу шерга минганими, бошқасигами, сиз билмайсизми?

Мен ўз шаҳримизнинг одамлари бебаҳо хислатларга эга эканлигига яна бир бор ишондим: улар ўзларини жуда тетик тутадилар ва ҳатто, шундай оғир пайтларда ҳазилкашликини ҳам қўймайдилар.

1941 йил 29 ноябрь

Мактабнинг олдига тушган снаряд унга жуда катта зарар етказди. Мактабнинг, айниқса биринчи қаватдаги хоналарнинг деразалари ойнасиз қолди, ташқарида эса совуқ қаттиқ. Биринчи қаватдаги синфларда дарс ўтказишининг иложи йўқ. Аммо иккинчи қаватдаги синфлар ҳам, ойна етишмаганигидан деразаларга фанер қоплангани учун, ярим қоронғи. Ўқитучилар бўлмаси ҳам энди синфа айлантирилган.

Илмий мудирнинг торгина кабинетига директор, бухгалтер ва иш юритучиларнинг столлари қўйилган эди.

— Ўқитучилар бўлмаси ҳам шу ерда бўлади,— деди Валентина Васильевна.

Бугун мен хизматчилардан ба'зилари мактабдан кетамиз деб юрганликлари, ба'зи ўқитучилар эса, болалар уйида тайёр овқат бўлар экан, деб ўша, ишга кўчиш хаёлида юрганликлари ҳақида у блан гаплашдим.


Валентина Васильевна:

— Ҳечкимни тўхтатиб ўтирумаймиз. Ҳозир мактабни қадрлайдиган кишиларгина мактабда қолади,— деди.

Синиф журнallарида «й» (йўқ) деган белги тобора кўпаймоқда. Ба'зан бир фамилиянинг рўпарасида бундай «й» белгилари 14—16 га етади. Ўқучилар камайиб кетмоқда. Совуқ синфда беш соат дарсда ўтириш, бунинг устига совуқ уйда дарсга тайёрланиш учун катта чидам



Тез-тез тревога бўлиб турганлигидан ўқитучилар бомбадан пана бўлиш жойларида дарс ўтказишга мажбур бўлдилар.



керак. Аммо биз болаларниң мактабга қатнаши учун кураш олиб бормоқдамиз. Нега? Чунки болалар күпчилик блан биргә бўлганларида азоб-уқубатларни сингил ке-чирадилар. Улар ўртоқлари ва ўқитучилар блан биргә бўлса очлик ва совуқ та'сирини озроқ сезадилар. Совуқ уйда узоқ қоронги кечалари дарс тайёрлашнинг ўзи ҳам кинини овутади. Кўп хоналарда дераза ойналари ўрнига фанер қоқиб қўйилганидан, болалар уйларига қайтишила-ри бланоқ, кун кеч киргандай бўлиб қолади.

Афсуски, ба'зибир ота-оналар кўпчилик блан биргә бўлишнинг ва онгли меҳнатнинг аҳамиятини гушунмай, ўз болаларни уйда олиб ўтирадилар. Ўқучилар иккунч ҳафта уйларидаги ўтирганларидан кейин, синфда яна пайдо бўлиб қоладилар. Мактаб уларни ўзига тортади. Аммо уларнинг ўртоқлари дарсда анча олдинга кетиб қолган бўлади. Уларда ўз шерикларига етиб олиш учун на жисмоний ва на ма'навий қувват йўқ. Шунинг учун улар бирқанча кун қатнаш туриб, кейин мактабдан бира-тўла кетиб қоладилар.

1941 йил 30 ноябрь

Бомбадан пана бўлиш жойи бизга макон бўлиб қолди. Бу подвалда бир вақтлар «кийим ечадиган жой» бор эди. Ҳозир ундан фақат ҳаворанг ёғоч панжара блан сим тургина қолган, холос.

Шу жой энди «секторлар» деб юритилади. Ҳарқайси сектор ма'lум бир синф учун белгилаб қўйилган. Бомбадан пана бўлиш жойларидаги тартиб ва озодаликка кишининг ҳаваси келади.

Радиодан ҳаво тревогаси билдирилиши бланоқ, илмий мудирнинг кабинетида ўтирганлардан биттаси яшил тусли ва менинг кўзимга негадир каттакон чигирткага ўхшаб кўринган ва кўзга жуда ҳам ҳунук кўринадиган мактаб чингерироғини олиб, унинг қулоғини бурайбошлиди. Чингерироқнинг чўзиқ овози қулоқни битиради. Ўқитучилар дарсни тўхтатадилар ва:

— Навбатчилар ўз жойини эгалласин! Ҳамма бомбадан пана бўлиш жойинга тушсин! — деб буйруқ берадилар.

Коридорлар ва бинонинг ичидаги ўрта заллар пана жойга тушаётган ўқучилар блан тўлиб кетади. Навбатчилар ўз жойларига бориш учун югурадилар.

Тревога вақтида ўқучилар ўзларини қандай тутадилар. Улар ўзларини ажойиб равишда босиқ тутадилар. Фақатгина битта 7-чи синф боласи қалтирап эди. Унинг аҳволига бошқалар кулмас эдилар. Балки унга қўрқинчли туюлар, буни ҳамма фаҳмлайди; аммо Ленинград болалари ўзларини дадил тутадиган бўлиб қолдилар.

Ўкучилар бомбадан пана бўлиш жойида дастлабки вақтларда ўзларича гаплашиб ўтирап эдилар. Улар ҳамавақт қарасанг totli овқатлар тўғрисида кўп баҳслашардилар.

— Ёққа қовурган ширин котлет бўлса, ёнига кўпгина макарон ҳам солинган бўлса! Еярмидинг?

— Бир вақт биз Қrimга борганимизда отам мени ресторанга бошлиб кириб, бир порция бифштекс олиб берди. Бифштексни қизиб турган тованинг устига қўйиб келди, катта гўшт, устига тухум чақилган, ёнига бир тўда қовурилган картошка ҳам солипти; мен жуда иссиқлаб турган эдим, егим келмай емадим. Аҳмоқлик қилган эканман? Ўшанда еб-еб олсан бўлмасмиди!

— Мен доим шўрванинг сабзи блан пиёзини териб ташлар эдим. Онамнинг аччиғи келар эди. Энди бўлса ҳаммасини еяр эдим.

Кўп болаларнинг кўзлари олазарак бўллабошлаган, бу эса очликнинг нишонаси эди. Бу гаплар уларнинг кўнглига сифмагани учун бир бурчакка тиқилишиб олиб ўтирап эдилар.

Ҳа деб овқат тўғрисида гапирабериш зарарли, у иштаҳани қўзғатиб юборади, аммо уни тўхтатиш қийин.

— Болалар,— дейман мен,— энди овқат тўғрисида гаплашманглар! Сизларни огоҳлантираман: яна шунаقا гаплашсаларинг штраф оламан.

Болалар кулишади:

— Штрафдан қўрқамиزم? Ҳозир оладиган нарса ўқулигидан пуллар бискор ётипти. Штраф бўлса тўлаймиз, ундан кейин хоҳлаганимизча гаплашаберамиз.

Мен уларга жиддий қилиб айтдим:

— Штрафга нонларингиздан ушатиб оламан,— дедим.

Албатта менинг гапимга ҳечким ишонмади, аммо ўшандан кейин болалар гаплашган вактларида штраф блан бир-бирларини қўрқитадиган бўлиб қолишиди.

— Қўзингни оч, йигирма беш грам бўлдинг!

— Нима учун йигирма беш грам? Мен фақат нордон сузма тўғрисида гапирдим, холос.

— Униям шираси бор-ку! Шундай бўлганидан кейин йигирма беш грам тўлайберасан.

Уша вақтларда орамизда ҳазилкаплилк, ҳажв қилини кучайди. Бу блан биз оғир пайтларда ўзимизни овутар эдик. Биз шу блан хурсанд эдик.

Мен алоқачилар постини текшириб чиққаним учун, бомбадан пана бўлиш жойига бошқалардан кейинроқ тушган эдим. Секторлардан бирида, 8-инчи синф ўқучилари блан бирга Александр Маркович ўтирган экан. Болалар қинчқиришиб юборишли:

— Ксения Владимировна! Александр Марковичнииг бугунги ионини штрафга олиш керак: у роса бир соат овқат тўғрисида гапирди. Яна, дарс вақтида гапирди.

Мен ҳайрон бўлиб, Александр Марковичга қарадим. У елкасини қисиб:

— Нима қилай, иқтисодий географияда консерва саноати ҳақида гапириш керак бўлди, булар бўлса мени штрафингизга тўғрилаб қўйишли.

Ба’зи болалар овқат тўғрисида гапиришсак қорнимиз тўйғанга ўхшайди деб биладилар. Аммо уларнинг гапини эшитган бошқа болаларнинг юраги толиқади. Шунинг учун уларни ундаи гаплардан албатта қайтариш керак. Оля Тирса мендан шивирлаб сўрайди.

— Енгил-елли овқатлар тўғрисида бироз гаплашсак майлими?

— Йўқ.

— Хўп, майли. У ҳолда мен сизнинг қулоғингизга секингина гапираман. Мумкини?

— Гапирақол.

— Биласизми, уруш тугагандан кейин меш иккни кило ёсмиқ сотиб олиб қайнатаман-да, ҳаммасини бир ўзим тўйгунча ейман.

Оч шаҳарнинг болалари менга ишонишиб, бошқа хил «сирларини» ҳам гапириб берадилар.

Воля Коледин деган бола қўйполгина қилиб сўрайди;

— Ўзларининг ит ва мушугини еган одамларни сиз ёмон кўрасизми?

— Йўқ. Одамлар қўй-қўзи, сигир ва чўчқаларни ейдилар-ку. У ҳайвонларни ҳам одамлар боқади, тарбиялайди. Жуда кўп ҳайвонлар қўлга ўрганиб қолади, аммо одамлар уларни ўз ажали блан ўлгунча ўн-ўнбеш йил асрайман деб ўйламайди.

Мен гаплашаётган бола бирдан менга күзларини тиқди. Унинг ҳайрои қолиб, ичдан севиниганлиги сезилди.

— Демак, итни еса бўлар экан-да? — деб, ўз сўроғини давом эттиради.

— Хитойда ит гўштини жуда лаззатли ҳисоблайдилар. Сени ит блан мушук мунча қизиқтиради, а Воля!

— Ўзим сўраяпман-да. Ҳозир шаҳарда ит ҳам, мушук ҳам, капитар ҳам кўринмайди. Одамлар еб юборган бўлса керак-а?

— Албатта еб юборишган-да.

— Биласизми, биз ҳам кеча мушугимизни сўйиб едик; гўшти жуда ширин ва тўйимликан,— дейди менга у, бирдан ёзилиб кетиб.

Кейин:

— Буни ҳечкимга айтиб юрманг! — деб мендан илтинос қилди.

— Албатта, ҳечкимга айтмайман. Аммо сен бунни бекорга уятли иш деб ҳисоблайсан. Мен бунақа сирни энди сендан эшиштаётганим йўқ.

— Сиз ҳам еганимисиз?

— Йўқ, ҳали еганимча йўқ. Менга ейишга тўғри келгани йўқ ҳали.

— Мен сиз ёмонлайсиз деб ўйлайман.

— Мен оч қолганидан мушук еган кишиларни ёмонламайман. Мен қолган-қутган овқатларини бошқаларга бермай ўзининг арвоқ мушугига берадиган кишиларни жуда ёмон кўраман.

— Пруссакларнинг қамалида қолган Парижда каламуш ейишганми?

— Ейишган.

— Шунинг учун мен онамга: бизда ҳали унча очлик бўлгани йўқ, каламушни ҳечким емайди, деб айтаман-да.

## ЎҚИШ ПАНА ЖОЙГА КЎЧДИ

1941 йил 1 декабрь

Бугун Александр Маркович болаларга Москва ёнида бўлган жанг ҳақида анчагина ҳикоя қилиб берди. Ҳамма жим ўтирас эди. Сухбатдан сўнг Юра Артиюхин:

— Александр Маркович! Москва хавф остида қоптида-а?—деб сўради.

— Йўқ. Москва таслим бўлмайди. Мен яқинда кечаси  
бомбадан беркиниш жойида ўтириб, Гаврила Романо-  
вич Державиннинг ше'рларини қайта-қайта ўқиб чиқдим.  
Унинг ше'рлари юрагимга таскин берди ва кўзларимдан  
ёш келтириб юборди. Унда мана бундай дейилган:

Улиас сенинг шуҳратинг,  
Ватан учун жош берсанг...

У типпа-тик турди. Унинг узун сояси пана жой гум-  
базида қимиirlаб туриши қизиқ кўринар эди.  
У баланд овоз блан ўқиб кетди:

Эй Росс! Эй жасур ҳалқ.  
Ягона, олижаноб ҳалқ.  
Сен улуг, кучли, сершуҳрат,  
Одампарвар, сахнисан!  
Сен ҷарчамас, забардаст,  
Руҳинг сенинг енгилмас,  
Кўнглинг оқ, ўзинг беозор,  
Шодликда вазминсан,  
Бардамсан баҳтсиз чоқлар...

Гулдурос қарсаклар кўтарилиди.

Александр Маркович ўрнига ўтирди. Сўнгра у кўзой-  
нагини бурнининг устига қўйиб, Лидия Константиновна  
Шитинскаяга мурожаат қилди:

— Сизга кўп ҳавасим келади. Шу дамда адабиётдан  
дарс берниш — улуғ иш.

— Нима учун? — деб сўради бирор.

— Ма’лум-ку! Биз Лидия Константиновнанинг дарсларида «Игорь лашкари жаигномаси»ни ўқиганимизда  
таассуротимиз бошқача бўлади, я’ни ундаги қинчоқлар  
ўрнига бизнинг кўз олдимизга ҳозирги душманларимиз  
келади,— деди Юра Артиохин.

— Бир вақт мен Ватан ҳақида ше'р ёзганимда ҳатто  
йиғлаб ҳам юборган эдим,— деди Оля Тирса.

Лидия Константиновна менга секингина айтди:

— У тўғри айтади. Болалар ше'рни чин юракдан чи-  
қариб ёзадилар, мазмуни ҳам чуқур бўлади. У ше'рлар-  
да Ватанга чин муҳаббат ва Москва учун ташвиш ҳис-  
лари кучлидир.

Ҳаво тревогаси тез-тез бўлиб тургани учун ўқитучи-лар дарсларни бомбадан пана бўлиш жойига кўчиришга мажбур бўлдилар. Тревога бўлиши бланоқ биз ўзимиз ўқитиб турган синф болалари блан бирга пастга тушишга мажбурмиз. Шунаقا қилиб, дарснинг ярми синфда, ярми бомбадан пана бўлиш жойида ўтадиган бўлиб қолди.

Бугун мен, ўзим яхши кўрадиган 8-нчи синфда Чингизхон урушларини гапириб бердим. Талантли ўқучи ва шоир Алёша Бернар, гавдали, вазмин ва ўзининг бениҳоят умидворлиги блан танилган Олег Колебовлар ҳам шу синфда ўқийдилар. Гоҳо у немислар биздаги қаттиқ совуқка чидамай «балки» ҳозир Ленинград атрофидан кетаётгандир деса, гоҳо, «балки» ҳозир Ленинградда кучли ва жудаем тўйимли овқатлар юклаган тўп-тўп самолётлар учиб юргандир дер эди. Менга ҳар чор шу синфда дарс бериш қизиқ ва «роҳат» туйилади. Ундаги болалар ўзаро иноқ, биз ўқитучилар блан ҳам қалин.

— У вақтларда мӯғулларнинг палахмон деган даҳшатли қуроллари бўлар эди. Улар шаҳарни ўраб олиб, палахмонларга катта-катта тошларни солиб, қўргондан ошириб отар эдилар. Одесса музейида мен ўша тошлардан бирини кўрган эдим; у мендай ўрта бўйли одамнинг кўкрагидан келади: катта, силлиқланган қора тош экан...

Қаттиқ гумбуrlагая овоз менинг гапимни бўлиб қўйди. Пана жойнинг деворлари ларзага келди.

— Назаримда яқин ерга гушди-да!

— Невский кўчанинг бошига тушди,— деди Олег.

— Йўқ, зарб бошқа ёқдан келди. Шу — «Мис чавандоз» ҳайкалига яқин, Адмиралтейство томонидан-да! — деб гап талашди ўқучилардан бири.

Яна бомба овози келди. Деворлар титради. Шу бинони қурган Монферран подвалнинг гумбазларини жуда ҳам пухта қилиш ишлаган экан-да!

Одам ҳайрон қоладики, мана шундай оғир пайтларда болалар дарсни яхши тинглаб, саволларга астойдил жавоб бермоқдалар. Улар албатта хавфни сезмайдилар деб айттолмайман. Улардан кўпларининг қариндош-уруғлари ёки таниш-билишлари ҳалок бўлган; улар бомбадан пана бўлиш жойида Эдя Григорьевнинг ҳалок бўлганини кўрганди. Гиташа Ковалевская дарсдан уйига қайтганда, унжори вайрон бўлиб, сизаси блан бувиси ўлиб ётганининг

устига борганлигини ҳам биладилар. У раңги-қути ўтған ҳолда мактабга югуриб келиб:

— Мен якка қолдим... Мактаб—энди менинг уйим,— деган әди.

Биз күп вақтимизни пана жойда ўтказар әдик. Мен Кавказнинг тоғ довонларидан ошиб ўтганларимни, Сванетия ва Ўрта Осиёга борганларимни ҳамда самолётларда қилган саёҳатларимни дарсдан сўнг гапириб берар әдим, ба'зан эса, ҳикоялар ўқиб берар әдим. Пана жойда шундай суҳбатлар ўтказиш орқасида биз болалар блан яна ҳам қалинлашиб кетган әдик.

1941 йил 3 декабрь

Тревога уч-тўрт соат чўзилган, ба'зан ундан ҳам ошган кунларда етти-саккиз дарс ўтказиб бўлмас әди. Ушандай вақтларда мен болаларга газета ўқиб берар әдим. Бир куни Езерскийнинг газетада босилган «Ҳимматсизлар»<sup>1</sup> деган мақоласини ўқиб берганимда шу мақола устида болалар қизғин фикр юритганликлари эсимда. Мақолада шундай деб ёзилган әди:

«Бир ишда ишлаб турган икки кишини олайлик. Бириси вақт блан ҳисоблашмай, ейиш-ичиш ва ухлашни ҳам ўйламай фидокорона ишлайди. Яна бир соат ишласам—яна битта деталь, яна бир снаряд, яна бир миномёт... тайёр бўлади деб ўйлайди. Умумий ғалаба ўзининг яхши ишлашига боғлиқ экаинини англаган кишигина ана шундай меҳнат қиласи. Иккинчиси эса, белгиланган иш соатларидагина ишлайди. У нормани бажариши ҳам — мумкин, аммо нормадан ортиқ ишлашга унамайди.

У норманигина ушлаб олган киши. Ҳимматсиз кишиларгина мана шундай дейди».

...«Ҳаво ҳужуми вақтида чортоқда ёки томда туриш қийин ва хавфли иш. Аммо туриш керак. Масалан, рўзгор блан шуғулланучи кекса аёл, ёки мактаб боласи, қўрқиб турган бўлса ҳам, ўз постига шошилганча боради. Ҳимматсиз киши эса, бир нарсани баҳона қилиб, қийин, аммо керакли вазифани бажаришдан бош тортиб, паестга тушиб кетади. Бундай одам уялишни билмайди. Бундай ҳимматсиз кишилар ўзингни бил, ўзгани қўй дейишади, ўзимиз омон бўлсак бўлди, дейди, Ленинградда яшовчи

<sup>1</sup> «Ленинградская правда» газетаси, 1941 йил, 12 ноябрь.

ҳарбири кишининг тақдири бутун шаҳарининг тақдирига маҳкам боғлиқ эканини тушунмайди».

— Ростдан ҳам шундай «ҳимматсиз кишилар» бор,— деди бирор.— Мана, бизни Киров районидан кўчириб келдилар, яхши уй бердилар, аммо у уй ёмон бўлгани тузукроқ эди. Биз турган уйнинг эгаси ҳар куни онамга: «Келиним блан ўғлим сизларнинг кўчиб келишларингни билганиларида эди, эвакуация бўлмаган бўлур эди. Уларнинг мебельлари яхши. Сизнинг болаларингиз уларни расво қилади» дер эди. Онам ҳамма жойга гавета ёзиб қўйган, ҳардоим: «Эҳтиёт бўлинглар, иссиқ нарса қўйманглар» дейди.

— Бозор жуда ёмон бўлиб кетган. Қайси куни синглим янгигина бир пайпоқни бирор ейдиган нарсага олмоштириб келиш учун бозорга борган эди. Битта хотин юз грам нонга олмошаман депти-ю, кейин «йўқ, ранги тўғри келмайди» деб, айниб қайтиб берипти.

Бу гаплар ўқучиларнинг аччирини келтирди. Улар ҳам ўзлари билган ана шундай «ҳимматсизлар» ҳақида ниҳоят даражада нафратланиб гапириб бердилар.

1941 йил 4 декабрь

Мен ҳали синфга энди кириб эдимки, мендан Юра Артиохин: — Бизнинг тўғримида газетага ёзишипти, ўқидигизми? — деб сўради. Эшитинг: «Менга қаранглар! Биз бир бурда нон олсак ҳам, деразасига ойнак ўрнига қоғоз ёки фанер тутилган совуқ уйларда турсак ҳам, ўзимизни тетик тутаямиз. Биз шунга фахрланамиз», — деб ўқиди.

— Тўғри, боплаб ёзипти-да! — деб шодланиб жетди Олег Колобов.

Алексей Толстой, Николай Тихонов, Эренбургларнинг мақолалари мароқ блан ўқиб чиқилди.

Александр Маркович менга таклиф қилди:

— Бомбадан пана бўлиш жойида сиёсий суҳбат ўтказсан-чи! Кўп одамлар ҳозир газета олмайди, кўплари-нинг радиолари ҳам ишламайди. Фикримча, асосий вазифа—болалардаги дадилликни бўшаштирасликдир.

Мен Александр Марковичнинг фикрига қўшилдим. Болалар ойнинг ўн беши қоронғи бўлса, ўн беши ёруғ бўлишини, ҳозирги оғир кунлар кетиб, баҳтли кунлар келишини билсинлар.

Мен сиёсий суҳбат ўтказиш учун газета сўраб, раён партия комитетига бордим. «Красная Звезда» ва марказий «Правда» газеталарида Улуғ Ватан уруши қаҳрамонлари тўғрисида қизиқ-қизиқ очерклар босилиб турар эди.

Мени парткабинетдаги лекторлар группасининг мудири Григорий Георгиевич Ковязиннинг олдига юбордилар. У менга бирқанча газета берди ва ўзи ҳам мактабимизга бориб, болалар блан суҳбат ўтказиб келишга ва'да қилди. Парткабинетга келиб, китоб ва газеталар ўқиб туринг деб айтди.

Фронтлардаги аҳволлар ҳақида ахборот бериш учун конспект тузабошладим. А. Толстой, Тихонов, Эренбургларнинг мақолаларидан материаллар олдим.

Пилта чирогни ўчирдим, ўрнимга ётгандан кейин, суҳбатининг планини қайта-қайта ўйлаб чиқдим. Гитлер ўзини Наполеонга ўхшатади, аммо у арслон блан ўйнашган мушукнинг худди ўзгинасидир, деган эди ўртоқ Сталин. Ўҳ! Агар бу гапни айтсан болалар хурсанд бўп кетишади. Албатта Кутузов ва Барклайнинг тактикала-ри ҳақида гапириш керак. Шу пайтда Пушкиннинг «Саркарда» деган ше'рини яна бир ўқиб чиқсан яхши бўлар эди. Балки бу ше'рнинг бирнеча сатрини ўқиб берарман! Карл XII нииг мамлакат ичкарисига кириши ҳам ўз бошига етди деган жуда ўринли гапни ким айтган эди-я! Энгельс айтган бўлса керак.

Менга керак бўлган китоблар жовонда турар эди. Аммо совуқ уйда иссиқ ўриндан туришга одам эринади. Кел-э, эртага қарапман...

Йўқ... Бу китоб бўлмаса мен планимни мукаммал қилиб тузолмайман.

Гугуртни чақиб, пилтачироғни ёқдим. Кейин, шеригимни ўйғотиб қўймай деб, оёқ учида китоб жовонга қараб бордим. Пилтачироқ хира ёнар, аммо стул ва креслолар қопқора соя солиб турар эди. Менинг кўзим ерни яхши кўрмай, оёқ тагига қўйиладиган пастак скамейкага қоқиниб кетдим.

— Нима бўлди?— деб сўраб қолди шеригим.

— Менга Пушкиннинг ше'рлари ва Энгельсдан битта мисол керақ бўп қолди,—дедим мен, ўзимни айбсаниб.

— Ўқитучилар ҳам қизиқ одамлар бўлади-да! Ётиб ухласангизчи! Уйку одамга мадор беради деган гапни эшитганингиз йўқми?

У яна ухлаб қолди, мён бўлсан Пушкининг мазмундор шеърларини ўқийбошладим.

Болалар сиёсий сұхбатни яхши кўрадилар. Гүё бу улар учун қамалда қолган шаҳарнинг ташқарисидаги оламни кўрсатиб берадиган ойинайи жаҳон.

Болалар Александр Марковичдан:

— Сиёсий сұхбат қачон бўлади? Тревога олти марта бўлсаям бошланмаяпти-ку! — деб сўрашди.

— Менга қаранг, Ксения Владимировна,— дейди Москалёв,— болалар ҳадеб сўрашаяпти, бошласак бошлийлик. Қайсибиримиз гапирамиз?

— Сиз гапирасиз Александр Маркович,— дедим. У Москва ёнида юз берган воқиалар ва Москва мудофаасининг аҳамияти ҳақида гапира кетди.

— Немислар Москвага қирқ-қирқбеш километр яқин келиб қолишипти, ўйласанг хафа бўлиб кетасан,— деди Алла Гурбанова.

— Немислар-ку Ленинград ёнида туришипти, лоақал Москвадан узоқда бўлсайди,—дейди Алёша Бернар.

— Нега?— деб сўрайди аллаким.

— Наҳотки, тушунмасанг? Москвада ўртоқ Сталин бор. Ленин қабри ҳам Москвада, Кремль ҳам Москвада.

Болаларда Москва ёнида бўлаётган воқиаларга қизиқиш жуда катта. Ватанимизнинг тақдири Москва блан боғлиқ эканини улар яхши тушунадилар.

1941 йил 7 декабрь

Биздаги эркаклар ва кекса муаллималар заифлашабошладилар. Борис Александрович Бубин блан Анастасия Ивановна Беляевалар бўлса вафот этдилар. Аммо улар қамал ичида қолиб ҳалок бўлмаганликлари сабабли ўзимизни овутамиш. Бубин авиацияда хизмат қиласар эди. У учган вақтда «белгиланган баландлик даражаси»га риоя қилмаган. Натижада унинг қон босими жуда ҳам зўриқиб кетган, шундан кейин уни даволаш учун Ленинградга жўнатишган эди.

Беляева бўлса юракбуруқча йўлиқиб ўлди. У шўрлик, очликдан жуда ҳам озиб кетган эди, шунинг учун ўша касалга йўлиқкан эди. Аммо биз унинг ўлими оғир операциянинг оқибатидан бўлса керак деб ўйлаймиз.

Александр Маркович запфлашиб кетганидаі, қаңон қарасаңг мудраб ўтиради, шундай бўлса ҳам мактабда навбатчиликдан қолмайди.

Бошқа бақувватроқ ўртоқлар унинг ўрнига наебатчилик қиламиз дейишса, бу чол:

— Қўйинглар, бошқаларга ҳам оғир,— деб унарайди.

Болалар Москалёвга қарағай шохини опкелиб, унинг тиканагини сувга ивтиб қўйишни айтиб:

— Бунда витамин бор, иссангиз сизга қувват бўлади.—дейишган.

Математика муаллими Василий Васильевич Бакрилов касал бўлиб, ётиб қолди. Унинг аҳволи оғир кўринади...

Дилим кўп хафа... Наҳотки, буларни бир вақт келиб, киши унугиб юборса?

Мактабда шов-шув йўқ, ҳамма жим: болалар тўполои қилмайдиган ва югуришмайдиган бўлиб қолишли. Улар мактабга келишлари бланоқ дарров синфга кириб кетишади. Уларнинг ранглари оқарган, кўзларининг остлари жуда ҳам кўкариб кетган. Ба'зи болаларнинг кўзлари ичига тушиб, бурунларининг қирраси чиқиб қолган. Бизни ҳаммадан ҳам шу нарса жуда қўрқитади. Бундай ҳолатни «дистрофия», унга йўлиққан кишини «дистрофик» деб айтилар экан. Биз бундай хунук сўзларни энди эшитаямиз.

Синфларда болалар сийраклашабошлади. Биз ёнмана давом этаётган синфларни қўшиб юборишга киришдик.

Шундай бўлса ҳам, мактаб ётиб қолмади. А. Фадеев ўз очеркларидан бирида қуйидагиларни тўғри айтган эди.

«Чиндан ҳам, улар ҳечнарсадан тап тортмасдан ўқидилар, улар блан бир қаторда эса, шаҳар мудофааси тарихида Ленинград ўқитучиларининг мардона образи абадий сақланажак. Улар — ўқитучилар ва ўқучилар — бир тан-бир жон бўлдилар. Ўқитучилар ҳам, ўқучилар ҳам, совуқ уйлардан чиқиб, қаҳратон қишида қор уюмларини кечиб, ба'зан беш-олти километр, қолаверса ўн километр йўл босар, яна худди ўшандай совуқ, музлаган синфларга кириб, бирлари ўқитар, бирлари эса ўқирдилар».

1941 йил 14 декабрь

Москва ёнида ишимиз тобора яхшиланиб бормоқда. 8 декабрь куни Волокаламск томонда ҳужум бошланди. Мен СССР чүнтак атласидан Снигири-Рождество линиясини узоқ изладим, правордида уни «Москва ва унинг атрофи» деган харитадан топдим. Москва ёнидаги катта жанглар тамом бўлди.

13 декабрь — Москва учун баҳтили кунлар. Ленинградга ҳам ўшандай кун қачон келар экан-а?

Унда-ку узил-кесил ғалаба Волокаламск тош йўлида бўлди, бизда қаерда бўлар экан: Петергоф тош йўлидами, ёки Гатчина ва ё Виборг тош йўлларида бўлармикин?—Қаер тўғри келмасин, барибир ғалаба қозонаңиз.

1941 йил 15 декабрь

Уй жуда совуқ. Печкани ҳам ёқмай қўйилгандан кейин уйда ўтириб бўлмайди. Утинни тежаш керак. Утин йўқлигидан кўп вақтдан бери мебельларимни ёқаман. Қизил дараҳтдан ясалган буфет бизга қарийб бир ойга етиб берди. Андрейнинг столини ёриб ёқсан эдим, унча иссиқ бермади,— ёмон ёғочдан ясалган бўлса керак. Уни кўзим қиймай-қиймай ёқдим. Негаки, Андрей Сутун ўқув даврида шу столда дарс тайёрлаган эди. Ошхона мебельлари блан ишим ҳам бўлмайди. Чунки улар иссиқни оз беради. Венский стул иссиқни жуда яхши берар экан, аммо уни майдалаш жуда машаққат: аррапайбериб одамнинг тинкаси қурийди.

Мактабдан соат иккida, иккidan ўтганда келаман. Ўзимизга теккан «икки норма» суюқ ошни уйга келтираман. Тунука идишда мактабдан сув ҳам опкеламан. Суюқ ошни печкачада иситаман ва кострюльчада ёғсиз суюқ бўтқа пишираман. Тушлигим шулардан иборат бўлади. Овқатдан кейин ётиб, мизғиб оламан. Тушликни егандан кейинги уйқу кишига куч беради деб айтадилар.

Кейин дўконга нонга бораман. Ўзимга ҳам, Мария Николаевна Ефремовага ҳам нон ва озиқ-овқат сотиб оламан. У қексайиб, қоронғида юролмайдиган бўлиб қолган, дармони ҳам йўқ. Ўзим ҳам ҳасса таяниб юраман,— шундай пайтда ҳасса ҳам кишига қувват беради.

Кечки «овқат» учун яна печкачани ёқаман. Менда яна тағин коғенинг тозасидан ҳам бор. Бу ҳам катта

бахт. Шундай вақтларда бирор киши йўқлаб келишини жуда яхши кўраман. Келган кишини кофе блан меҳмон қиласман, нон қўяолмайман.

Меникига кўпинча Аня Тирса келади ва хат келтиради. У бизда ўқиб чиққан йигитларининг ҳаммасига хат ёзиб, ҳаммасидан хат олиб туради.

Аня эҳтиётлик блан сўрайди:

— Андрейдан хат олдингизми?

— Хат олганимга анча бўлди.

— Унинг бу ерда бўлмагани яхши бўлди. Унингиз ориққина эди. Бу ерда очликка чидаши қийин бўлар эди. Мана, менга жудаям оғир бўляяпти: доим ички а'золарим оғриди.

— Аня, сенга ява бир чашка кофе қўйиб бераман. Менда кечадан қолган бир бурда қотган нон ҳам бор.

Мен, эртага ноништада ейман деб қўйган қотган ноннинг ярмини олдим да, иссиқ кофе қўйилган чашканинг ликопчасига қўйдим.

Аня таажжубланиб:

— Сиз кундузлик нон нормангиздан бир қисмини емай олиб қоласизми? — деб сўради ва қотган нон бурдасини олайми-олмайми деб, иккиланиб турди.

— Ба'зан, — ледим да, гапни бошқа ёқса бурдим.

Ана энди печкача ҳам ўчди. Менинг кечки иш вақтим ҳам келди. Қишида тез кеч кириб, ба'зан соат 3—4 ларда қоронғи тушиб қолади.

Мен эрталик дарсни тайёрлаб қўйишим керак. Каравотга чиқиб, кўрпа, катта шол рўмол ва гиламга ўрашиб оламан. Каравотнинг олдидаги столчада алиф мой қўйилган пилтачироқ туради. Унинг пилигини тўғеногич блан тозалаб тураман. Қўлим қақшаб, шишиб қолди. Шунга қарамай ишлаш керак. Дарсни шундай пухта тайёрлаш керакки, менинг ҳикояларим болаларнинг зеҳнига маҳкам ўриашсин. Ўқучиларни қизиқтирадиган ва кулдириалига яна бирор иарса топким келади... Мен ёмон дарс беришни истамайман, ёмон дарс беришга ҳақим йўқ.

1941 йил 17 декабрь

Мактаб жимжит бўлиб қолди. Мадор йўқлигигдан болаларга ҳам, бизга ҳам гапириш малол келади.

Болаларнинг зеҳни бўшашиб кетмоқда. Яхшигина ўқучимиз Лара Энтина Италиянинг уйғониш даври тўғ-

Рисида ҳикоя қилаётіб, бирдан тұтилиб қолди-да, кулранг катта күzlари блан менга қараб, қайғыланған ҳолда деди:

— Мен уста сан'аткор ва олимнинг таржимайи ҳолини үқиган әдим, аммо отини унугибман.

Ундан кейин хўрсииб туриб:

— Рост айтаман, мен... мен дарсни тайёрлаган әдим,— деди.

Мен юмшоқлик блан:

— Сен Леонардо да Винчини айтаётган бўлсанг керак. Майли, ўтири.

Мен журналга «а'ло» деб ёздим.

Нега мен шундай қилдим?

Мен биламан: у дарсни тайёрлаган, жавобни ҳам яхши берди.

У шундай оғир пайтларда Леонардо да Винчининг отини эсидан чиқариб қўйиши мумкин. Зеҳнининг бўшашганини бетига айтиш ярамайди. Асло ярамайди. Үқиш ёки үқитиш қўлингдан келишига ишонишинг керак.

1941 йыл 18 декабрь

Журналга Ларанинг алгебрадан «ёмон» баҳо олгани ўзилган. Совуқдан ва очликдан шишиб кетган қари педагог Анна Матвеевна Матвеева:

— Ҳайронман. Энтинага нима бўлди-а?!— дейди.

Ларани коридорга чақириб:

— Нега сен алгебра дарсни тайёрламадинг?— деб сўрадим. У:

— Ксения Владимировна, мен бошқаларга етиб оламан. Озонда ўн еттига кирган опам ўлиб қолган әди.

Шу сабабли дарсда мудраб туриб жавоб бердим.

Лара йиғлаб юборди. Мен уни юпатиш учун бир сўз ҳам айтолмадим. Шу пайтда гапиришнинг ҳам фойдаси ўйқ. Аммо мен унинг қайғисига бепарво қарамайман. Шу блан бирга унинг ўз хафачилигини кўнгилдан чиқарини истайман. Мана шуларни Лара сезса әди,—дер әдим. Биз чидамли бўлишимиз керак.

Қўлимни унинг елкасига ташлаб, дедим:

— Албатта, етиб оласан. Үқитучингга қачон келиб жавоб беришингни айтиб қўйгин, тузукми!

Анна Матвеевна Ларанинг опаси ўлганини эшитиб, кўп ўқинди.

— Уша куни менинг ҳам тобим қочиб турган эдия.  
Шу сабабли упинг нега осон масалани ечолмаганлигининг фаҳмига бормабман.

Юра Артюхин ва Боря Ракицкийлар ҳамон тетик эдилар. Уларниң иккаласи ҳам ҳарчоқ жавоб беришни истаб, иссиқ қўлқоп кийган қўлларини кўтарғанлари кўтарган.

Бугунги дарсда 1601 йилда Москвада бўлиб ўтган очарчилик ҳақида гап бўлди. Болалар ўзларининг совуқ уйларинда дарслик китоблардан: «Ҳатто Москва кўчала-рида ҳам ўликлар чўзилиб ётар ва йиғиб олимас эди» деган жумлани ўқишилари турган гап.

Мен бу жумлани болаларниң ҳаммаси бирлиқда ўқиб эшитишларини истар эдим.

Шунинг учун мен уни синфда ўқиб бердим ва Ленинградга мислсиз қулфатлар етказган душмандан қасос олиш кераклиги тўғрисида гапирдим.

— Биз турган ҳовлида бугун кечаси ўн бир киши ўлди,— деди, ўқучилардан бири.

— Бизда қанча киши ўлаётганини немислар билар-микан?— деб сўради битта қиз.

Унинг гапи синфдагиларга та'сир қилганидан, душманга нафрат билдиручи аччиқ сўзларни айтабошлади-лар:

— Сен билмайди деб ўйлайсанми? Уларниң мудда-оси шу эди-да.

— Одамларниң айтишича, немислар бир ўғил бо-лани тутиб олиб, тоза тўйдирғанлар ва чўнтағини шоко-лад блан тўлдириб: биз мана шунақа овқатлар бера-миз, сизлар очликда яшаяпсизлар, деб кўрсатиш учун қўйиб юборганлар. Булар ҳаммаси ўтакетган сохта ва ёлғон гаплардир.

1941 йил 25 декабрь

— Сиз эшитдингизми?.. Нон нормаси ортипти! Бир юз йигирма беш грам ўрнига икки юз грам оладигая бўпмиз. Сиз қон топширучи бўлганингиз учун ишчилар қаторида, я'ни уч юз эллик грам оласиз.

Ўқитучилар хонасида мени шунақа янги хабар блан қарши олишди. Аммо мен бу хабарни қўшинларимиздан ва кўчаларда мактабга келаётган ўқучилардан аллақачон эшитіан эдим. Бу ишлар ҳаммаси ўртоқ Сталин

нинг ташаббуси блан та'минот келадиган йўл очилганинг оқибатидир.

*1941 йил 27 декабрь*

Бомбадан пана бўлиш жойида болалардан кундаклик дафтар юритаяпсизларми, деб сўрадим.

— Мен юритаяпман,— деди Валя Петерсон,— фақат мактабда пала-портиш ёзиб қўяяпман. Уйда пилтачироқда ёзгим келмайди.

— Агар ёнингда бўлса ба'зи жойларини ўқисанг-чи! Валя кўк мактаб дафтари чиқарди.

— Мен ба'зи жойларнигина ўқийман, ҳаммасини ўқиб ўтирумайман,— деди у,— «15 декабрь». Ҳозирча ўқишиларни тузук кетаяпти. Иккита «яхши», битта «а'ло»м бор, «ўрта»м йўқ.

Овқат важидан жуда ёмон. Бугун соат учгача оғизинга бирор тишлам нон олганим йўқ.

Соат учда бир коса суюқ нордон карам шўрва ва икки чашка қуруқ чой ичдим. Ўқишига бормай, нонга туришга тўғри келади. Тўйиб овқат емасликдан бошим айланади.

Мактабда ўтирганингда овқат тўғрисида ўйламайсан, уйга қайтгандан кейин ичакларинг ғулдираб кетади. Очарчилик бундан қаттиқ бўлса нима бўлар эканмиз!

Ҳархолда ўқиши керак, мумкин қадар яхши ва берилб ўқиши керак. Чидамли бўлиш керак ва очлик ўлимининг азобларини ирова кучи блан енгиш лозим.

25 декабрь. Ажойиб кун бўлди: нон етмиш беш грам ортди. Бу — барча ленинградилар учун зўр шодлиkdir.

Бирдан ҳамманинг руҳи кўтарилиди. Одамлар шодликдан йиғлагилари келади. Энди ҳечнарсадан қўрқмаймиз. Бундан кейин аҳволнинг яна ҳам яхшиланишига ва мурод-мақсадга етишимга ишонаман».


*1942 йил 1 янтарь*

Эски 1941 йилнинг охирги куни катта воқиалар юз берди.

Кундуз соат иккода педсовет ўтказиш учун тўпландик. Педсоветни, директор айтганидай, «немислардан хотиржам» ўтказиш тилагида, болаларни уйларига жўнатиб, бомбадан пана бўлиш жойига тушдик.



«Мактабда арча байрами бўлишини эшитиб, жуда ҳам хурсанд  
ибўлдик. Шаҳар қамалда бўлса ҳам арча байрам ўтказилиши ҳазил  
гаپ эмас!..»



Пана жойдаги катта секторда стол ва узуи скамейкалар туритти.

Үқитучиларимиз жудаям ўзгариб кетганилар!

Мария Николаевна Ефремовага назар солиб қарасам жудаям орықладаб ва қартайнб кетипти, аммо етмиш иккиге киришига қарамасдан ишга жуда қобил киши. Мен биламан, күзининг құввати кетганидан у дарс тай-әрлашга анча қийналади. Пилтацироғ ёки жинчироғ блан ишлаши жуда қийин. Электр ёруғида ишлаш учун мактабда қолса, кечаси қоронғи күчаларда кетишілде муз тоғықларида оғанаб тушади. Мактабга күчиб келинин хоҳламайди.

— Гапимга тушунасизми,— дейди у,— мен ўз күч-құвватимни эхтиёт қилишим керак. Уйимда ўзимга қулай каравотим, радио, печканинг ёнида кресло бор. Менинг учун бу буюмлар жуда қадрли. Мен күп ёта-ман, шуннинг учун тетік юраман.

Катта қизлар айтишади:

— Мария Николаевна ажойиб киши ва ажойиб ўқи-тучи-да. Үнга күп қийин, шундай бұлса ҳам дарсни ҳа-мавақт яхши ўтказади.

Унинг ёнида дарвинизм ўқитучиси Александр Александрович Починков ўтириptti. Унинг ахволи жуда ёмон. У иссиқ кийимига бурканиб, пұстиннинг құндуз ёқасини күтариб ва елкасини қисиб ўтириptti. Унинг важоҳати касал теккан қүшга ўхшайди. Ахволи құр-қинчли.

Лидия Константиновна Шитинская жуда ҳам ўзгариб кетипти-я. Ўтирганларнинг ҳаммасининг ранги қочган, күзлари күкариб кетган.

— Бошлаймиз, ўртоқлар,—деди мактаб директори.— Район маориф бўлимни ва район партия комитети бизни ишга лаёкатли, фронтга жонқуярлик блан ёрдам бер-әтгани колектив деб тақдирладилар. Орамизда доно-рлар, тиббий ҳамширалар, дружиначилар бор.

Биз кўлгина иссиқ кийимлар ва буюмлар тўпладик ва фронтга ўз қўлимиz блан тай-әрлаган кўп нарсаларни жўнатдик...

Ертўланнинг ичи жимжит, фақат тўқучиларимизнинг қўлларидаги игналарнинг чиқир-чиқирларигина шу жимликни бузар эди. Шаҳарда яқингинага тушиб порт-лаган снарядларнинг қаттиқ гумбурлаган товуши тилади.



Анна Матвеевна ўзи фан комиссиясининг раиси бўлган 6-нчи синфдаги математика дарси ҳақида доклад қилди.

— Дарсга яхши ҳозирлик кўрилмаган... Муаллима ўқучиларни қаттиқ тутмайди... — деди у:

Анна Матвеевнанинг доклади юзасидан қизғин музокара бошланди. Музокарачилар ҳозирги даврда болаларга қандай талаблар қўйиши, қандай талаблар қўймаслик ҳақида гапирдилар.

Кўп тортишдилар.

Иккинчи масала ҳозирги шароитимизда дарс бериш методикаси ҳақида эди.

Бу масала юзасидан тортишув бўлмади. Гапирганларнинг ҳарбири ҳам программадагиларни ўтиш учун ва болалар дарсни осон ўзлаштиришлари учун тиришатётганини айтди.

Валентина Васильевна музокараларни якунлаб:

— Мен ишонаманки, мактабимиз бу йил ҳам ўқучи чиқаради. Программа тўлиқ ўтилиши керак,— деди.

Педсовет мажлисида район партия комитетининг вакили ҳам бор эди.

У қарийб фроит блан ёнма-ён турган Киров әзаводи ишчилари қандай меҳнат қилаётгандикларини ва ўқучиларимиз блан тенгқур бўлган ҳунар мактаби болаларининг мардона ишлаётгандикларини ҳикоя қилиб берди.

У ўз сўзини:

— Биз коллективингизнинг қаттиқ ишлашини кутамиз ва ҳамма қийинчиликларни енгишингизга ишонализ,— деб тамомлади.

Албатта, мактаб ишда тўхтовсиз давом этади.

---

Мактабдан чиқиб қарасам, техник ходимамиз Маруся, нон дўконига бориб нон олиш учун қаторда турган ва мадори қуриб йиқилиб қолган физика муаллимимиз Силаковни чанага солиб олиб келиш учун уборшичаларни тўплаётган экан.

Валентина Васильевна:

— Менда тоза кофе блан қанд бор, кечқурун олиб келиб бераман. Уни иссақ югуради ва қувват киради,— дейди.

Кофе блан қандни қаердан олади у? Уз нафсини тийиб, бошқага бераяпти-я. Ўртоғи учун қайғириш ана шунаقا бўлади-да!

Үйга қайтиб келсам, деразанинг синиқ кўзлари ёстиқлар блан тўсилган ва гиламчалар тутилган. Бу шеригимнинг қўлидан келган иш. Урушдан илгари у Эрмитажда экспурсия раҳбари бўлиб ишлар эди, ҳозир эса, бир ҳарбий заводда станокда ишчи бўлиб ишлайди, ўзи мен блан бирга туради.

Биз янги йилни қарши олмоқчи ва шу кечада ўз яқинларимизни эсламоқчи бўлдик. Мен Андрей туғилган йили олинган кострюльчада ёрмадан бўтқа пиширдим. Хўroz сурати бор бу ҳаворанг кострюлька Андрей фронтда, мен бўлсам ўлимга яқин бир ҳолда турган ма-на шу пайтгача сақланиб келар деб, ўйламаган эдим..

Бу тўғрида, умуман ва айниқса бугун ўйлашнинг кераги йўқ! Яшаш керак, бугун эса, 1942 йилни қарши олиш лозим. Бу йил ўтган йилдагидан ҳам кўпроқ баҳт келтириши керак.

Буфетнинг ғаладонини титиб, жиндакгина долчин, ўн донача майиз ва бирнеча дона нок қоқи топдим. Буларнинг ҳаммасини бўтқага соламан. Менда ёғ ҳам йўқ,

канд ҳам йүк. Эхтиёт киёнб әқылаб келдеган бир банка  
қыёминнег ичидан иккаламизга биттадан мандарин олиб  
күйдим. Стол устида ер ўрнига берилгандың парча  
пинлок болған картонкага берилгандың ярим литр портвейн  
бөр әди. Столта оқ дастурхон ёзилған, устига менинг энг  
яхши инициаларым күйилганды. Ўй совук. Күнгіл ғаш.  
Шу сабабти узок ұтысмайды.

Энде болған түрсак кувачадағы сүр музлаб қолти.  
Бұз 1942 йылға ұтсақ.

## ЯНГИ ЙИЛ АРЧА БАЙРАМИ

1942 жыл 3 наурыз

Кеңең зертадаб соат 8 даң баштаб мектебда наездт-  
чылар киадын. Бұз әрде қам жеке үк әлді. Сағдоян-  
дағы кианысай пиджактарын өткіле. Совук жұза жөнгө  
тегеді. Рүнки дәраздалас үопқа ғанер болған түсілтік болып әди.

Асча байраминияң белгі туынды көзға билеттік мак-  
табтаға үйнәндиган боладарға паскалиш көркем болып.

Би билеттілесін көтіб шын руна боладар за күтталар  
бергендегі жағынан түркес. Билеттер өткіншілік деңгелден  
Бағылар болған түгелдік салынған көтілік күләрдің  
жөннеліктері. Тәжілдердің жөннелік көтілік салынған.

Мактап шынын мүнделік за иш үшіннен күттегендегі  
шынындағы жолиш үчиңде бүлін көре тақеттік жағын  
білсе жоғаса бүлін көрдің көтілік салынған бүлімдерін  
жөннелік руна жөннелік жағы.

Мактап шынын шынын мүнделік шын за дәр-  
жесінде түншілес. Бүлестін күмбезін үннег күбіне-  
тінде айтады. Шынын шынын түркес. Түркес-  
кеңеліктердегі шын, шынын шынын мүнделік шын  
шын за дәржесінде түншілес. Бүлестін күмбезін күбіне-  
тінде айтады. Шынын шынын түркес. Түркес-  
кеңеліктердегі шын, шынын шынын мүнделік шын  
шын за дәржесінде түншілес. Бүлестін күмбезін күбіне-  
тінде айтады. Шынын шынын түркес. Түркес-

кеңеліктердегі шын, шынын шынын мүнделік шын  
шын за дәржесінде түншілес. Бүлестін күмбезін күбіне-  
тінде айтады. Шынын шынын түркес. Түркес-

Аммо сизлар күпчилик, мен ҳамманынға олма етказолмайман. Ҳозир олма жуда танқис. Аммо сизлар яңги йил муносабати блан менга совға олиб келишиңгиз керак...

Ҳаммалари ажабланиб, менга тикилган әдилар, мен яна уларга қараб:

— Арча байрами тұғрисидаги таассуротларинғизни ёзиб келсаларингиз, шу менга совға бўлади,— дедим.

Болалар суюнишиб кетишди. Юра Артюхин шу ерда бурорлик қилиб қолди:

— Бу совға олмадан ҳам қимматга тушадиган бўлди. Петрга қадар яңги йил 1 сентябрьда, олмалар арzon вақтда ўтказилган; эндиликда эса, пилтачироғ ёруғида ёзишга тўғри келади,— деди.

— Шунинг учун ҳам менга катта совға бўлади,— дедим.

1942 йил 7 январь

Менга совға келтирасизлар деб ҳазиллашиб айтган гапим бекорга кетмади. 6-нчи синф ўқучиларидан Ира Терехина, Юра Артюхин ва Валя Петерсонлар арча байрамидан олган таассуротларини ёзиб менга «совға» қилидилар.

Уларнинг ҳаммалари ўз таассуротларини сиёҳ блан покиза қилиб ёзганлар. Буларни жинчироғ ёруғида Аня Тирсага ўқиб бердим.

Чуваккина, соchlари ялтироқ ва кўп хушмуомала Ира Терехина кундалик дафтарида мана бундай деб ёзади:

«Мактабда арча байрами бўлишини эшишиб, жуда ҳам хурсанд бўлдик. Шаҳар қамалда бўлса ҳам арча байрами ўтказилиши ҳазил гап эмас!.. Ишонгинг келмайғи. Ширинлик солинган пакет олиш учун ҳамма «кичик Ола» бўлишни ҳавас қиласди.

Арча байрами бўлган 2 январь куни юваниб-тараниб, тузукроқ кийимларимизни кийдик. Аммо кун жуда совуқ бўлганидан мактабда пальтони ечмай ўтиридик.

Заллинг ўртасида момиқлар блан ўралган, жуда бинойи қилиб безатилган баланд ва катта арча турарди, аммо электр бўлмаганидан чироғлар ёнмас эди. Тўғрисини айтганда, болалар арчага кам қизиқдилар: ҳаммалари совға олиш пайида бўлдилар ва «овқат тез бўладими?» деб сўрар әдилар.

Правордида бизга жуфт-жуфт бўлиб ошхонага киринглар, деб айтдилар. Ҳаммамиз ўтиргач, ўқитучилар талони-

чаларимизни йиғіб олиб, ҳар кишига юз грамдан нон келтирдилар. Үқитучилар обеднинг борини келтириб қўйдилар. Обед — шўрва, қийма гўшт ва уч қошиқ оқ уврадан иборат эди, обеднинг учинчисига эса жуда ширин желе тортилди, унинг ичида иккитадан гилос бор эди. Овқатдан бениҳоят хурсанд бўлдик, аммо кўп болалар: «Қани энди, шунаقا овқатдан яна тўртта-тўртта бўлса!» дедилар.

Обеддан сўнг Валентина Васильевна совғаларни улацди.

Биз олган совғаларимизни бағримизга босиб, уйларимизга қайтдик.

Үйдагилар блан бирга чой ичишіга ўтиридик. Стол устуга пилта чироғ ёқиб қўйилган эди. Қайнаб турган савовар ва арча байрамидан келтирилган ширинликлар ўтиришимизни худди тўйга айлантириб юборди. Арча байрами ўтказилгани ажойиб иш бўлди-да! Ўзимиз тетик, кўнглимиш чоғ бўлиб кетди».

Валя Петерсон деган қизимиз катта болалар учун Малий опера театрида ташкил этилган арча байрамида бўлди. У ерда Ленин комсомоли номли театр артистлари «Сона» пьесасини қўйиб бердилар.

«1942 йил 6 январь. Бугун ажойиб арча байрами бўлди. Тўғрисини айтсам, мен пьесага қулоқ солганим ҳам йўқ: бутун хаёлим овқатда эди. Парда тушгач ҳамма эшикка ёпирилди. Ҳамманинг дарди овқатда эди. Обед ҳаммага ёқди. Болалар совуқни ҳам, узоқ тикка туриб оёқлари толиққанини ҳам сезмай қолдилар. Ҳаммалари увра, шавла, нон ва ширинликни шошиб-пишиб едилар ва жуде маннун бўлдилар. Бу арча байрами анчагача эслага ёкимайди, чунки шаҳарда озиқ-овқат жуда таҳқис бир пайтда мактаб ўқучилари учун бундай зиёфат берилиши катта гап».

Мен унинг кундалик дафтарини ўқиб тамомладим. Аня печкадаги ўтга тикилгани ҳолда ўйчанлик блан:

— Қамал вақтидаги ўқучилар сизга биздан кўра яқинроқ бўлади. Сиз уларнинг оғирини енгил қилаётисиз.— деди.

— Улар ҳам менга ёрдамлашмоқдалар. Биз мактаб ишларимизни эпчиллик блан бажаришимиз, бунинг учун ўзимизни дадил тутишимиз керак.

Мен Катя Арсеньеванинг арча байрами тўғрисидаги эсдалигини иштиёқ блан ўқидим.

Бир варақ қоғозининг устига, «Кемада арча байрам» деган сўзлар чиройли қилиб ёзилган, кеманинг қора соядан иборат бўлган сурати солинган.

«Менинг денгизчи отам 31 декабрь кечқурун соат олтиларга яқин, онам ишлаётган жойга телефон бериб, қўмондонлик номидан бизни ҳарбий кемада бўладиган арча байрамига чақирди.

Соат саккиз яримда биз уйдан чиқдик. Кўча қоп-қоронги эди.

Қоронги тор кўчалар бизга нотаниш, йўловчилар ҳам сийрак эди. Биз йўлдан адашдик деб ўйладик. Тўсатдан мен кўприкни кўриб қолдим; биз отамнинг кемасига кўпинча шу кўприкдан ўтиб борардик. Биз адашмаганлигимизни билиб, дадил боравердик. Рўпарамиздан бир киши чиқди. У ёруғ электр чироғини рўпарадан келаётганларга тутар эди. У бизга ҳам чироғни тутиб кўриб, «Э, сизларми!» деб юборди. Бизни кутиб олиш учун отам шу қизил флотчини юборган экан. У блан биргà тез-тез қадам ташлаб бордик. Соат 22 даъ 45 минут ўтганда кемага етиб бордик.

Жуда чарчаб борганимиз учун отамнинг каютасида роҳатланиб дам олдик. Отам мени кают-компанияга киритмасалар керак деб ўйлаб, сен бир командирнинг беш яшар қизи блан каютада ўтирасан, деб тайинлаб қўйди.

Биз тунги соат 10 минути кам 12 да кают-компанияга кирдик. Бу ерда катта столга оқ дастурхон ёзилган эди. Каютанинг бир бурчагига арча қўйилган бўлиб, жуда яхши безатилган ва унда ранг-баранг электр чирофлар ёниб тураган эди.

Ҳамма стол ёнига ўтирди. Биринчи қадаҳ ўртоқ Сталин шарафига кўтарилиди. Ҳамма кишилар ўринларидан, туриб, қарсак чалдилар. Ёнимда ўтирган кичкина қиз бола қаттиқ қарсак чалди. Кема командири қадаҳни энг аввал шу қизча блай уриштириди. Ужин менга жуда мазали ва тўйимли туйилди. Катталарга ширинлик бермадилар, фақат мен блан ҳалиги командирнинг қизига ёнироқ бердилар.

Сўнгра ҳаммамизни «Фронтга аталган концерт» фильмини ва фронтдаги жангларни кўрсатучи жуда қизиқ кино журнали кўришга чақирдилар. Фильмдан кейин

*Кайынкүй, ширии чой берилди. Эрталаб соат б да ииёда уй-  
шыну бөлдү.*

1942 йыл 8 наурыз

**У**й или коп-корони бүлгани менга жуда ҳам оғир  
**ж**ашынан түсінілген. 31 декабрьдан бойлаб уйимизнинг деразала-  
смы деб, деразата өски күрпа ва гиламлар түсгән әдик.  
Баңт қаша бүлганини фақат радиодан ва овқатхона-  
дағы катта сөйтинде чалишидангина билиб турамиз.

**А**ммо менга ҳаммадан ҳам пеккача малҳам бўлаяпти.  
**У**й менинг каравотим ёнида турғани учун иссиқнинг энг  
күши менга келади. Столни каравотга яқин келтириб,  
узым кўришнинг устига чиқиб ўтираман. Шеригим эса,  
бунардаги юнишк стулда ўтиради. Бу хотиннинг пима-  
си на бўйнида иссиқ рўмоли бор.

Бекорчилик жонга тегди. Бугун мактабда дарс бош-  
лашни керак әди, аммо негадир яна кейинга қолдири-  
шиши.

Кече почта қутисига қарасам, унда чақириқ қоғозий  
борд экан. Қон кўйиш институти мени донорлар бўлими-  
ният мудирига учрасангиз деб сўрапти. Чакириқ қоғозига  
маркази бирни келтириб ташлаб кетган. Нимага чақири-  
дилар экан? Мез сўй сайни деч қолмай қон топшириб  
кетар эдим, яқиадагина бораб келган әдим. Бундан чиқди,  
шоллини рабишда қон топшириш керак бўлиб қолган-  
га ўтишади. Эҳтимол, касалхонанинг ўзидаёқ менинг қо-  
ни мени бирор бетоб кишига қўйсалар?

Дам ҳозлиқаман, дам шоғланаман. Шаҳардаги ҳам-  
мо мэлтар бекилган, аммо чўмилиш шарт. Мен ёниб турган  
пешкетчанинг ёнига жомни қўйиб, совуқ уйда чўмилиб ол-  
дим. Иссиқ сув етмай қолиб, юзимни совуқ сув блан  
ювашим; субдаги кичик бир муз парчаси юзимни тилиб  
ҳам тоборди.

Бозгун институтга бориб билсам, менга паёк белги-  
лайдиган экан: кунига иккى юз грам оқ нон, ойнга 250  
грамм мой, иккى юз грам қаад, уч юз грам конфет, тўрт  
юз грам гўшт, юз эллик грам балиқ ва тўртта тухум  
бериладиган бўйтилар.

Бозгун ноз-нематларни уйга олиб келганимда шеригим  
хайрлайдиган қолди. Бу тушим бўлса керак деб ўйладим. Аммо

бу туш эмас эди... Столда ёғ, қанд ва ҳатто конфект ҳам турипти. Биз донорлар — «ана шундай бой кишилар-миз».

Дармондан кетмасин деб бизга ҳамма нарса берил турилар эди. Бу — бизга қанчалик ғамхўрлик қилишаётганини кўреатиб турар эди.

1942 йил 9 январь

Январьда ўқитучилар конференцияси бўлди. Эрталаб қор ёғиб турар ва ҳаво совуқ эди. Йўлда шаҳарниң узоқ жойларидан келаётган ўртоқларга етиб олдим.

С. М. Киров номли Опера ва балет театри олдидағи майдонда таниш ўқитучи Кира Владимировна Чирковани учратдим. Уни зўрға танидим. Бошига қулоқчин кийган бу ўқитучи шумшайиб, бўйини қисиб, Петроград томонидан пиёда келмоқда эди. У сил касали блан оғригалиги туфайли қўпол пийма блан қор босган кўчалардан узоқ йўл юриб келиши жуда қийин эди. Бу киши ҳақиқатан ҳам шаҳримизнинг қаҳрамон ўқитучиларидан биридир.

— Салом, Кира Владимировна! Бугун сиз блан кўришамиз деб ўйламаган эдим!

— Нега?

— Келадиган жойингиз жуда ҳам узоқ-да!

— Ана, холос! Ахир мен ҳар куни Кроков каналидағи мактабга қатнаб тураман-ку! Бу ундан анча яқин эмасми! Агар мен блан баравар бораман десангиз,— қадамии секинроқ ташламасангиз бўлмайди: мен сизга етиб юролмайман.

Кира Владимировна жуда озиб, кўзлари ичига кириб, юзлари чўкиб кетган. Урушдан илгари у ўзининг саломатлигига жуда аҳамият берар эди. Ҳозир соғлиги тўғрисида ўйлашни бутунлай йиғиштириб қўйиб, ҳамавақт бошқаларга бирон нарса блан ёрдам бериш ғамига тушган.

— Мана буни сизга олиб келдим,— деди у ва енгининг ичидан икки қути гугурт блан банкачадан ясалган пилтачироғ чиқариб кўрсатди.— Бу сизнинг кулдончадан ясаган пилтачироғингиздан яхшироқ.

Иккаламиз кулишдик. Кира Владимировна яқинда бизнига борганда, пилтачироғ минут сайин ўчиб қолаберив, жуда қийналган эдик.

Конференция бўладиган мактаб биносига кириб бордик. Бошқа мактабларда ишлаб турган ўртоқлар блан учрашиш, болалари блан биргаликда «Катта ерга» жўнаб кетган ўқитучилар тўғрисидаги янги хабарларни билиш яхии гап эди.

Залда кишилар кам эди. Ҳечким устки ва бош кийимларини ечмади.

Келганлар орасида 232-нчи мактабнинг илгариги директори, шаҳримизнинг энг кекса ўқитучиси Тимофеј Гаврилович Савранский ҳам бор эди. У жуда озиб кетган, аммо илгаригидай эпчил: соқол-мўйловини тоза олган, ихчам кийинган. Унинг оиласидаги ҳамма кишилар кўчиб кетиб, битта ўзи қолган эди.

— Ийе, ҳали ҳам кетмапсиз-да? — деб сўради у мендан.

— Сизга ўхшаш мен ҳам кетганим йўқ,— дедим мен.

Биз иккаламиз конституция ўқитучиси ўртоқ Симановскийга назар солдик. У худди исинмоқчи бўлган кишидек совуқ печкага ёпишиб олган эди, жуда ҳолдан кетган: бурнининг қирраси чиқиб, кўзлари ичига тушиб кетган, юзида хунук кўм-кўк доғлар пайдо бўлган. Шу топдаёқ йиқилиб қоладигандай кўринарди.

— Унинг хотини ва қизи немислар босиб олган районда қолиб кетган, уларнинг нима бўлганлигини билмайди,— дейди менга қараб Тимофеј Гаврилович.

Снарядларнинг гумбурлаган овози залда эштилиб турар эди: демак, шаҳар яна ўқса тутимоқда. Аэропланларнинг ҳужуми тўхтаганига анча бўлди. Немисларнинг бензини Русиянинг совурида музлаб қолаётган эмиш, деган гап тарқалди.

Конференцияда шаҳар маориф бўлими партия ташкилотининг вакили ўткир нутқ сўзлади. У ўқитучиларнинг болаларга далда бериб туришлари кераклигини айтди. Бу — ўқитучилар учун енгил иш эмас. Чунки, уларнинг кўплари фронтдаги яқин қариндошлари тўғрисида анча ташвиш чекадилар, аммо шунга қарамай улар болаларга суюнчиқ бўлишлари лозим. У, ўқитучилар олдида, яқин вақтларда шаҳримиздаги болаларнинг ҳаммасини мактабларга тортиш вазифаси туради, деди.

---

Мажлисдан сўнг биз овқатланиш учун пастга тушдик.

Озиқ-овқат карточкаларимиздаги талонларни қирқиб олмасданоқ суюқ ош бердилар.

Мен озиқ-овқат карточкамни уйда қолдирған эканман, Тимофеј Гаврилович ўз карточкасидан иккита талон қирқиб, менга ҳам вермишель овқат олиб берди.

Обеддан сүнг гуриллашиб күчага чиқдик. Театр майдони жуда қаттиқ ўқقا тутилаётганидан биз дарвозахонага бекиндик.

— Яқин кунларда мактабларда дарс бошланса керак. Аммо ўқитучиларга оғир бўлади, чунки кўплари жуда дармондан кетиб қолишган,—деди Тимофеј Гаврилович.

— Бемор кишиларни ишдан озод қиласиз. Биз соғлом ўқитучилар эса, тезроқ иш бошлашни истаймиз. Бекор юришдан оғир нарса йўқ,— дедим мен.

Ўртоқ Савранский менга қўл бериб хайрлашар экан:

— Хайр, саломат бўлинг! — деди.

1942 йил 10 январь

Шевардин тўсиғи олингандан кейин Наполеонга: «Руслар асир тушмаётилар...» деб айтган эканлар. Менинг назаримда Ленинград ҳам ҳозир бутун дунёга эшилтириб, худди шу сўзларни айтадигандай. Душман шаҳримизни енгашга ожиз.

Кичик ёшдаги ўқучилар учун арча байрами ўтказилган иккинчи январь куни физика ўқитучиси Силаков ўлди. У физика кабинетида ёлғиз ўзи ётгай жойида жон берди. Бу хонани ўт ёқиб иситиш мумкин бўлгани учун уни шу ерга ётқизиб қўйған эдилар. У нон дўйконида йиқилиб қолган куни олиб келганларидан буён бошини кўтармади. Ўртоқлари унга овқат келтириб ва кабинетдаги печкага ўт ёқиб турдилар. У кечаси ўлди. У ётган диваннинг токчасида хат ёзилган блакнот очиқ ётар эди. У бир жойда шундай деб ёзипти:

«9-нчи декабрь. Оғирлигим 56 килограм. Ҳеч-қачон бунчалик озган эмас эдим! Нон нормаси ошар ёмиш, деган гап бор. Ўлмай қолсам яхши бўларди-я! Юзим шишиб кетаяпти. Бир тутам ўтинни кўтаришга ҳам мадорим етмайди.

...Очлик азоби оғир экан. Ҳозирча кунига бир қошиқдан картошка уни блан жон сақлаб турибман».

---

Бир куни мен суюқ ош қачон пишар экан, ошхонага бориб билиб келай деб кетаётиб, идора хизматчилари-

нинг ётоқхонасига кириб ҳайрон бўлиб қолдим. Бу ерда ихчам қилиб қизил чит кўрпа ёпилган каравот ёнида тобут туар эди.

Бу каравот мактаб дурадгорининг каравоти эканлиги эсимга тушди. У Силаков учун тобут тайёрлаб қўйган экан.

Ҳозир ўлганларни қабристонга кўрпа, чойшаб ва ба'зан бирор каттароқ кафандага ўраб олиб борилади. Ӯликларни ченаларда олиб бориб, бирқанчасини битта чуқурга кўмилади. Ўлган кишининг яқин қариндошлари уни қабристонга олиб бориб кўмишга қурби етмаса, ўликни район ўликхонасига топширадилар.

Юқори синфларда математикадан дарс берути Василий Васильевич Бакрилов яқинда ўлди. У ҳам очликнинг қурбони бўлди. Унинг бола-чақаларига, айниқса ўғил болаларига жуда қийин; улар қизларга қараганда чидамсизроқ бўлади.

Болалар ўз бошларига келган мусибатга қандай чидай оладилар? «Фалончининг отаси ўлди», «фалончи қизнинг онаси тамом мадордан кетди» деган гапларни ҳар дойим эшишиб турамиз.

Улим ҳали яна кўп кишиларнинг ёстигини қуритади шекилли.

«Улар бу блан енгилади» деб ўйласалар керак, немислар. Аммо улар, жудолик алами қасос ўтини алангалашибини ўйламайдилар. Йўқ, буни унтиш мумкин эмас.

## БИЗ ТИНМАЙ ЎҚИЙМИЗ

1942 йил 15 январь

Бутун 7-нчи — 10-нчи синфларда дарслар яна бошлиди.

Мактабга етмиш тўққиз ўқучи келди. Олтинчи синф ўқучиларидан ҳам ўн икки киши бор эди.

Мен синф раҳбари бўлганим учун:

— Болалар, сизлар нега келдингиз? Ўқиш фақат юқори синфлардагина бошланади-кул — дедим. Бунга Гуля Виленчик аччиғланиб:

— Биз ҳам ўқисак шима қиласди? 9-нчи синфдагига қараганда бизнинг синфимизда ўқучилар кўп-ку, — деди.

— Ҳаммамиз ҳам ўқишиш бошлашни истаймиз,— деди  
лангал қилиб Ира Терёхина.

— Болалар, мен шаҳар маориф бўлими буйруғини  
бузолмайман. У юқори синфлардагина дарс бошлашга  
руҳсат берган.

— Бўлмаса шаҳар маорифидан ўзимиз сўраймиз,—  
дейишди ўғил болалар.

Синфларда ўнбеш-ўнеттидан ортиқ киши йўқ. 10-нчи  
синфдагина йигирма киши бор.

Биз бугун энг ёруғ синфлардан учтасида дарс ўтказ-  
дик. Бир бурчакдаги синфда математика дарси, нариги  
бурчакдаги синфда адабиёт дарси ўтди. Ҳарбир дарс  
ўттиз минут давом этди.

Коникулдан кейин аҳвол яна ҳам оғирлашди. Совуқ-  
нинг қаттиқлигидан сиёҳдонлардаги сиёҳ тагигача муз-  
лаб қолаберди. Кўп ўқучилар сиёҳни уйларидан келтир-  
дилар ва музлаб қолмасин деб, сиёҳдонларни қўйинла-  
рида иситдилар.

Доскага бўр блан ёзиш азоб иш, қўллар енг ва қўл-  
қоп ичиди ҳам қотиб қолмоқда. Жадвалда кўрсатилган  
дарсларнинг ҳаммаси ўтди.

1942 йил 16 январь

Исаакий майдонида Гуля Виленчик орқамдан етиб  
келди.

— Биз шаҳар маорифига бордик. Маориф мудири  
ўқишимизга руҳсат этди, фақат сизларга руҳсат берамиз,  
шунинг учун яхши ҳаракат қилиб ўқинглар, деди.

— Жуда соз, эртага бошлаб юборамиз,—дедим мен.

— Нега эртага дейсиз? Ҳамма болалар бугун кели-  
шади, биз Зина икковимиз кечакелганларнинг ҳаммасига  
хабар бердик.

Чиндан ҳам ўн икки ўқучининг ҳаммаси мактабга кел-  
ди, Зина Оболенкина эса, синф ташкилотчиси қилиб сай-  
ланди.

Дарслар қўнғироқ ва ўқитучиларнинг соатига қараб  
бошланар ва тамом бўлар эди. Танаффус вақтида Зина  
менинг ёнимга келиб:

— Бизда фақат икки дарс бўлади. Немис тили ўқи-  
тучиси йўқ. Сиз ўзингиз бизга кириб китобдан ўқитти-  
майсизми? Синфдаги болалар жуда сўрашаяпти,— деди.

— Яхвиси мен тарихдан яна бир дарс ўтақолай,—де-  
дим мен.

— Йўқ, декабрь ойида немис тилидан сра дарс бўлмади. Биз кейинда қолиб кетамиз, деб қўрқамиз.  
Мен немис тилидан дарс бергани кирдим.

1942 йил 19 янвағъ

Қаҳратон совуқ. Водопровод музлаб, нон заводлари сувсиз қолди. Нон заводларига сувни қўлда ташимоқдалар, бунинг устига нон ҳам жуда кам пиширилмоқда.

Радио гапирмай қўйди. Буниси жуда ҳам ёмон бўлди! Фронтда нима бўлаётганидан хабарсиз қолаяпмиз.

Мактабда эса, ўқиш давом этмоқда...

Ҳаммадан тетиги б-нчи синф. Ундаги ўн икки ўқучининг ҳаммаси дарсларини қолдирмаётир деб айтиш мумкин. Агар бирон ўқучи бир кун дарсга келмаса, болалар сабабини билиш учун унинг уйига борадилар ва эртаси куни Зина менга ма'лумот беради:

— Касал укасининг ёнида ҳечким қолмаган экан, шунинг учун келмапти, лекин бундан кейин албатта келиб туради. Ёки қулоғимга пичирлаб,— Валянинг мазаси кетиб қопти, унга бундан кейин яна бир косадан овқат бериб туришнинг иложи йўқми?—дейди.

Катта болалар ўз яқинлари, ўртоқлари ва ўқитучилалининг ўлими учун жуда қаттиқ қайғирадилар. Айниқса Александр Маркович Москалёвнинг вафоти уларни қаттиқ қайғиртди. Мария Николаевнанинг айтишича, болалар унинг тўғрисида кўп гапирав эканлар.

Синфга кирганимда болаларнинг ғам-ғуссалари уларнинг юзларидан ва кўзларидан сезилиб турар эди.

Радио гапирмайди, фронтда нима бўлаётгани тўғрисида ҳечнарса билмайман, шу аҳволда болаларнинг кўнглини нима блан кўтариш керак?

Шу кунларда мен чуқур ма'ноли ажойиб бир афсона өшитдим. Бу афсона, шубҳасиз, Ленинградда тўқилган. Мен уни синфда гапириб бермоқчи бўлдим.

— Болалар, бизнинг Ленинградда яқинда бир кекса рассом ўлди. У ўз ишхонасида қўллари совуққа қотганига қарамай, биз учун ғам чекиб ишлайберган. Унинг ишлари орасидан жуда қизиқ бир нарса, я'ни мўмдан ишланган кичик бир медаль топилди. Унда қандай сурат борлигини билмайман, аммо унинг орқа томонида: «1941—1942 йилда Ленинградда яшади» деган сўзлар ёзилган экан. Айтишларича, бу кекса рассом ўзи ишла-

ған мана шу медаль җойиҳасини ҳукумат тасдиқласа ва шу қишда Ленинградда яшаган ҳамма кишилар уруш тамом бўлгач, шу медальни олса деб орзу қилган экан.

Кишиларимиз фронтда, душман ўқлари остида қаҳрамонлик кўрсатаётганларни каби, Ленинградда яшовчи ҳарбир киши ҳам қаҳрамон шаҳар тарихига ўз ҳиссасини қўшаётганилигини шаҳаримиздаги ўқучилар англасалар дер эдим.

— Улганларга медаль бериб бўлмайди-ку? — деб сўради Катя Логинова.

Яқинда унинг онаси блан акаси бир кунда вафот этган әдилар.

Галабага етамиз деб орзу қилган, аммо бунга мияссар бўлмаган ҳамشاҳарларимиз хотираси учун, уруш тамом бўлгач, Ленинграднинг энг чиройли жойига ҳайкал қўйилади.

— У Александр Марковичга ҳам ёдгорлик бўлади, — деб, астойдил гапирди Алла Гурбанова. — У жуда дармондан кетиб қолган бўлса ҳам «яна озгина чидаб, ғалабамизга қадар яшасам бас», дер эди.

Синфда сукунат ҳукм сурди. Болаларга бирор нарса қаттиқ та'сир қилганида ана шундай жим бўлиб қолишиади. Ба'зи қизлар юзларини буриб оладилар, ўғил бўлашлар йиғламсираб ўтиришади. Булар жудолик мусибатини сезган болалардир.

— Отам фронтдан хат юборипти. У хатида, «Ўқи, албатта ўқи. Шу оғир кунларда Ленинградда ўқиганиман, деб, фахрланиб юрасан» деб ёзипти, — дейди Юра Артюхин.

У блан Люся Егорова иккови яхши ўқиб, ҳамон а'лоши бўлиб келмоқдалар.

*1942 йил 21 январь*

Ўқучиларниңғ ғайрати зўр, дарс вақтида ўқитучининг саволига деярлик ҳамма жавоб қайтаради. Агар бирор киши дарсни билмайдиган бўлса, бунинг сабаби албатта узрли бўлади. Саволга жавоб бермаган ўқучи янаги дарсда албатта ўзи эсга туширади:

— Мумкин бўлса, мендан сўрасангиз, ўтган сафар жавоб беролмаган эдим.

Шпаргалкалар йўқолди, энди бир-бирига айтиб беришлар қолмади. Интизом яхшилигидан ўқитучилар энди хотиржам әдилар. Мактабда болаларниң шўхликлари

кутилмаган даражада тинчиб қолди. Болалар тиришқоқлик блан ўқимоқдалар: «ёмон» баҳо йўқ, «ўртача» баҳо камдан-кам. Болалар ана шундай мардлик кўрсатмоқдалар!

1942 йил 24 январь

Нон кўпайтирилди: ишчиларнинг карточкалариға эллик грам, хизматчиларга юз грам, қарамоқдаги кишиларга эллик грам қўшилди. Ҳамма категорияларга уч юз эллик грамдан крупа ва юз эллик грамдан қанд берилмоқда. Бутун кун байрамга ўхшаб кетди.

1942 йил 26 январь

Ота-онага қандай муомала қилиш тўғрисида бугун болалар ўртасида суҳбат ўтказдим. Ота-оналар болаларига илиниб, кўпинча ўз ризқларини қиядилар. Бардам болалар бунга рози бўлмасликлари керак.

Тася Рудинко:

— Кузда Ленинградга қайтиб келганимдан жуда хурсандман,— дейди.

Тася ўз оиласида жуда кўп меҳнат қилади ва бир бурда нонни онаси блан бўлишиб ейди деб ўйлайман. Мен болаларга:

— Ота-оналарингизга бепарво қараманглар. Уларга кўп ёрдам беролмасангиз ҳам, яхши муомала қилсангиз, ҳатто уларнинг ишига озгина бўлса ҳам ёрдам берсангиз, бу ҳам уларга катта мадад бўлади ва қийинчиликлари анча енгиллашади,—дедим.

8-нчи синфга кирганимда сариқсошли қизнинг юзига кўзим тушди. Бу ўқучини унча яхши билмайман. Бугун у жуда бетоқат кўринади. Нима воқиа бўлди, деб сўрасам:

— Ҳечнами,— деб жавоб қайтарди.

Ишонмадим. Ошхонада яна бояги саволни бердим. У йиглаб юборди ва:

— Нон карточкамни ўғирлатиб қўйдим,—деди.

Бу ҳақиқатан ҳам оғир гап, ўлим блан тенг.


Унга кўмак бериш, мушкулини осон қилиш керак. Мён донон бўлганим учун ноним кўп. Нонушталик овқатимни унга бермоқчи бўлдим. У олишга сра кўнмади:

— Олмайман,— деди.

— Олабер, қайтариш керак эмас. Менда нон кўп, мен донорман,— дедим.



Сиз шаҳар қамал ичида, шаҳар душман қуриловида, биз бўлсак  
 ўз бурчимиизни бажара япмиз ва китоб ўқимоқдамиз — деб бўтук  
 дун'ёга ма'lум қилинг.



Нонуштадан кейин у чиройи очилиб, менинг олдимга келдида:

— Сизга катта раҳмат! — деди.

Бу, унча катта ёрдам бўлмаса ҳам, ма'навий жиҳатдан аҳамияти зўр эди.

Ярим кечада ўқучим Люда Павлова менинг олдимга кирди. У кирган вақтда мен печкачага қалаш учун стулни арраламоқда эдим. Люда қўйл аррани дарҳол мендан олди ва стулни арралаётib:

— Биз ҳозир Галия иккаламиз қслдик. Ота-онамиз ўтди. Галияга сен ўқигин десам, у ўзинг ўқишдан қолмагин, дейди. Аммо мен ундан каттаман, мен ишламай у ишласинми? — деди.

— Сизга сувни ким ташиб бераяпти? — деб сўради у. — Узингиз ташийсизми? Пақириңгиз қани, мен бирпаста келтириб бераман.

1942 йил 27 январь

Вера Коршунова хотира дафтарини менга опкелиб берди.

У исте'додли қиз, адабиётни яхши кўради. Ўқитучи ҳам унинг ўз ичидан чиқариб ёзганларини мақтайди.

— Вера, хотира дафтарингга ҳар куни ёзиб борасанми?

— Йўқ. Айрим мавзу'лардагина ёзаман. Масалан, «Шодлик», «Очликда қолган шаҳар», «Видо'лашув» деган мавзу'ларда ёздим. Аввал ёзиб чиқиб, сўнгра қўшимча қиласман тузатаман. Узун қиши кечаларини шундай ўтказаман.

Веранинг нима демоқчи бўлганини яхши тушундим. Куидалик хотираларни ёзиб бориш менга ҳам овунчоқ.

— «Шодлик» мавзу'ида нима тўғрисида ёзгансан?

— Арча байрами тўғрисида. Бизнинг Ленинградда арча байрами ўтказилишига кўзимиз етмас эди.

Танаффус вақтида, ёниб турган печканинг ёнига бориб «Очликда қолган шаҳар» деган сарлавҳа остидаги саҳифаларни ўқидим.

«... Бу кунни умрбод унутмайман. Мен нон олгани бордим. Шаҳар сув қуйгандай жимжит эди. Бир уйининг бўсағаси олдида икки одам бир-биридан бирнечча қадам нарида чалқамча тушиб, ўлиб ётипти. Улар гўё бир нарсага қоқилиб йиқилгандай ётарди. Булар кимлар экан? Бегона одамларми, ёки эр-хотинми?...»

Паға-паға қор ёғмоқда. Бу ўлган кишиларнинг кийимлари орасига қор тўлиб җопти. Орадан бир-икки соат ўтса, улар қор тагида қолиб, кўринмай кетади. Оппоқ қор уларни мана шу равишда секин-аста кўмиб юборади.

Навбатга бориб турдим. Қор ёғишидан тўхтаб, қуёш нур сочабошлади. Аммо бундан нима фойда? Барибир у ҳозир бунча қаттиқ совуқнинг кучини кесолмайди-ку? Ҳатто сув ҳам тошдай қотган, кўчага сув сепиладиган жўмракнинг ёни-вери музлаб қолган. Кишилар сув ололмай қайтиб кетмоқдалар. Улар сув қидирса, биз нон кутмоқдамиз. Ёнимиздан бир арава ўтиб кетаётир. Унга ўликлар туялган. Битта ўлган ўғил боланинг боши араванинг четида осилиб бораётир: юзи чиройли, киприклари қалин, қоп-қора кўзлари катта очиқ. Жуда хафа бўлиб кетдим. Ўйга кетай десам якка боргани қўрқаман. Бир хотинга эргашиб бордим. Мана шу кун, менинг назаримда, Ленинграддаги энг мудҳиш кун».

Веранинг хотира дафтарини мактабда ўқиб чиққанимга хурсанд бўлдим. Мен унинг келажакка ишонч блан қарайдиган бўлишига ёрдам беришим лозим.

Уни пастки қаватнинг коридорида кутдим. Бу ер жуда қоронеи бўлганидан болалар ёнимдан ўтиб кетатуриб мени танимадилар.

Бирдан Веранинг овозини эшилдим:

— Нега сизлар ҳам биздақа қилмайсизлар? Биз ноңга ҳовлидаги кишилар ҳаммамиз навбатлашиб борамиз. Биримиз икки соат турамиз, ундан кейин бошқамиз борамиз.

Қоронгида турганлардан бири:

— Ҳамма шунга рози бўлдими?—деб сўради.

— Фақат бир хотин кўнмади. Унинг уч боласи бор; ўшаларни навбат блан юбориб туради. У хотиннинг:

— Ноңга бориб турадиган кишиларимиз бор!—деган сўзлари жуда қўпол эшилди.

Биз мактабдан чиқдик. Қуёш нурида ялтираб турган оппоқ қордан кўзлари қамаштан қизлар бир лаҳза тўхтаб қолдилар.

— Вера, сизларникида неча киши туради?—деб сўрадим.

У ҳайрон бўлиб турди-да, сўнgra кулимсираб:

— Мен айтган сўзларни эшишиб турган экансиз-да! Ноң олиш учун саккиз киши навбатма-навбат боришида,— деди.

— Саккиз киши боради-ю, фақат бир хотги унамас экан-да? Демак, бу саккиз кипи ҳақиқий ленинградлилар экан-у, фақат битта номард бор экан-да? — дедим.

Биз кўчада бормоқда эдик. Мен Верага:

— Мен сизнинг гапингизни эшитиб қолдим-у, лекин жуда хурсанд бўлдим. Гапингизда хотира дафтариңгиздаги каби ваҳима йўқ дедим.

Биз Вера блан узоқ гаплашиб бордик. Кўнглим эпди таскин топди. У оғирчиликка чидар экан...

---

Уйга борсам, «Қадрли Қсения Владимировна, Вася ўлипти» деган мазмунда хат келган экан. Бу мусибатга ҳам чидадим.

Васянинг ўлиши блан мен энг қадрдан бир кишимдан айрилгандай бўлдим.

Васянинг ўлими тўғрисида Андрейга ёзмайман. Яна бир кишининг ўлими тўғрисида ёзиб, уни хафа қилишнинг нима кераги бор? У фронтда ўликларни жуда кўп кўради...

Хафачилигим жуда ҳам ортиб кетди. Бугун мен ўз ҳасратимга бошқаларнинг шерик бўлишига муҳтожман.


*1942 йил 28 январь*

Андрейдан ҳам хат келиб қолди. Конверт ичидаги кичик бир фоторасм бор экан. Андрей пўстин, қулоқчин кийиб суратга тушилти, оёқларида чанғи бор. Унинг орқасидаги траншеядан бир кишининг боши кўринниб турилти. Чор атроф оппоқ қор, узоқда тоғ чўққилари қорайиб кўринади. Назаримда Андрейнинг бўйи ўсган, елкалари ҳам кенгайган.

Унинг хати одатдагича қисқа эди.

*«Онажон, сенга беши юз сўм юбордим. Бу пулга түғилган кунингизга атаб, ўзингизга совға олинг. Сиздан ўтиниб сўрайман — бу пулни бирор «фойдали» нарсага шиллатай демасдан, ўзингиз жуда яхши кўрадиган бирор чиройли буюм сотиб олинг».*

Бундан чиқди бизнинг қандай яшаётганлигимизни улар ҳали ҳам билмас эканлар. Шундай бўлгани яхши!



Мен Андрейнинг айтганини қилиб, бозордан нон сотиб олдим. Бир бўлак қора нон блан қайноқ кофе ичишдан ҳам яхши нарса борми дун'ёда?

Суратни каравотнииг четига илиб қўйдим. Бу сурат Андрейнинг ҳандай шароитда турганлигини билдиради.

1942 йил 10 февраль

Турмушимиз ҳали ҳам оғир бўлса-да, декабрь ва январьдагига қараганда анча яхшиланди. Озиқ-овқат карточкаларида кўрсатилган нарсалар деярлик тўла берилиб турипти, норма ҳам анча ортди.

Сув топиш жуда қийин бўлиб қолди. Совуқ ўттиз дарражадан ҳам ўтиб кетиб, уйларда сув музлаб қолди. Аммо мактабда трубаларни иситиб, сув оладиган бўлишиди, шу сабабли мактабга борганда овқат идишидан ташқари сув учун ҳам идиш олиб борадиган бўлдим.

Эрталаб мактабга бораётган эдим. Мактаб дарвозаси ёнида, ибодатхона томонида икки кишининг жасадини кўрдим: булар очликдан йиқилган ва музлаб қолган...

Мактабдан қайтаётиб қарасам, уларни олиб кетишипти. Илгари ўликлар узоқ ётаберар ва ҳечким йиғишириб

олмас әди. Ҳозир ўлган кишиларнинг жасадларини йигиб оладиган кишилар тайинлангап бўлса керак.

Совуқ бугун жуда қаттиқ. Исаакий собори қизгини осмонда оқариб кўринади.

*1942 йил 12 февраль*

Мактабда навбатчи әдим. Эшникни бирор тақииллатди. Сўнгра ўқучи болалардан Рошчин кириб келди.

— Шу ерда ўлтирасам мумкинми? Мен жуда совқотдим,— деди.

— Мумкин, ўтга яқинроқ келиб, оёқ кийимишгизни ечинг, оёқларингиз тезроқ исиди. Бу вақтда мактабда нима қилиб юрибсиз?

— Уйда диққат бўлиб кетдим, ҳечким йўқ.

Бу боланинг юз ва кўзлари ичига кириб кетган. Биз индашмай ўлтиридик. Бирдан у:

— Дистрофия қанақа бўлар экана? — деб, савол берриб қолди.

Унинг бундай савол беришдан ўлим тўғрисида ўйлаётгани сезилар әди. Унинг фикрини бошқа нарсага чалғитиб юборишга ҳаракат қилдим, аммо бу оғир иш әди.

У мен блан кечқурун соат тўққизгача бирга бўлди.

*1942 йил 16 февраль*

Алла Гурбанова синфда очиқ чирой блан ўтирипти.

Мен дарс охирида синф дафтарини ёпатуриб:

— Алла, бугун бошқача бўлиб кетибсанми? — дедим унга.

Қизлар кулишди ва:

— Бугун унинг иши ўнгидан келган,—дейишиди.

— Мен душда чўмилдим,—деди Алла.—Бир таниш киши менга талонча берди... жуда маза қилдим!

— Мен ҳам заводдаги ҳаммомга тушдим,—деб шодланиб гапирди Олег Колобов.

Бундай шодликнинг сирини ўзимиз тушунамиз, чунки ҳаммомлар декабрьнинг охирида ёпилиб қолганидан совуқ уйда озгина сув блан чўмилишга тўғри келарди. Қани энди, сув кўп бўлса-ю, иссиқ жойда маза қилиб чўмилсак!

Эндиликда дарслар ўттиз минут ўрнига қирқ минут бўладиган бўлди.

— Яна беш минут қўшилса, аввалги изига тушиб кетади,— дейишди ўғил болалар.

Ҳар куни болалардан кимдир бири:

— Бизда радио гапирабошлади!— деганини эшитиб турдик.

Менинг уйимдаги радио ҳам ишлайбошлади.

*1942 йил 2 марта*

Лидия Константиновна Шитинскаянинг ўқучилари Бош почтамтга бориб, у ерда йиғилиб қолган хатларни эга-эгаларига ажратдилар.

Мен ҳам ундан кейинда қолишини истамадим ва меннинг ўн иккита ўқучим ҳам, бугун ўз ҳовлиларининг контораларида түпланиб қолган хатларни ажратабошлайдилар. Хат ташучилар аллақачондан буён уйма-уй юрмай қўйдилар, чунки зинапоялардан юқорига чиқиши учун қувватлари етмайди. Улар келган хатларни уй бошқармаларига ташлаб кетадилар.

Ўқучилар хатларни ажратиб бўлгач, уй-уйларга элтиб берадилар.

*1942 йил 5 марта*

Бугун мактабда электр қўнғироқ узоқ ва қаттиқ чалинди.

— Ана, қўнғироқ чалинди! Яшасин!— деб қичқириши болалар.

Ўқитучилар шод. Мактаб ишлари ҳам жўнашиб кетди.

Шаҳар жим-жит эди. Трамвай ва троллейбуслар қатнамайди. Онда-сонда ҳарбий машина ўтади-ю, яна боягидай жим-жит бўлиб қолади. Аммо бунақа жим-житлик менга ёқмайди; бундай жим-житлик кишини ваҳимага солади. Гўё яқин орада ёввойи бир ҳайвон сенга ҳужум қилиш учун писиб тургандай туйилади. Чиндан ҳам шундай йиртқич ҳайвон шаҳарнинг ёнгинасида турипти-да!

Бугун кечга яқин отилган тўп овози шаҳарнинг осо-йишталигини бузди. Бир снаряд Мойканинг кўпригига тушди. Ўткинчи кишилардан тўрттаси ўлди. Тўртта портфель қорда ётар эди: булар ишдан қайтаётган кишилар бўлса керак.

Мен мактабга ҳар куни шу йўлдан қатнар эдим. Биз вартагача тирикмизми-йўқми, ҳечқайсимиз билмаймиз.

1942 йил 6 март

Кечқурун тўсатдан Туся Ципкина келиб қолди. Мен уни 1941 йилнинг баҳоридан бўён кўрмаган эдим. У жуда озиб, чўпдай бўлиб қолипти.

— Нима учун келдим, биласизми? Сиз блан хайрлашгани келдим. Медицина институтимиз кўчиб кетаяпти. Зачёт дафтаримни ҳам сизга бир кўрсатиб қўяй деб келдим.

Туся чўнтағидан кулранг зачёт дафтарчани олиб кўрсатди. Ундаги ёзувларга кўз ташласам, ҳамма зачётлардан «а’ло» баҳо олипти.

— Мактабда иккаламиз бир гаплашган эдик, эсингиздами? Ўшанда сиз менинг гапимга ишонмаган эдингиз, энди айтганим кептими?

1942 йил 8 март

Ўртоқ Қовязин ва’дасининг устидан чиқди: у мактабга келиб, хотин-қизлар куни тўғрисида ўқучилар блан суҳбат ўтказди.

У шундай оғир қишидан болаларини саломат олиб чиққан оналарнинг қаҳрамонлиги тўғрисида, эр ва оталарини фронтга жўнатиб, ўзлари корхоналарда ишлаётган хотин-қизлар тўғрисида гапирди. Болалар бу суҳбатни эшигандан кейин илгари уларга оддий бўлиб кўринган ишлар ҳақиқатда бир қаҳрамонлик эканлигини англадилар.

— Орангизда қаҳрамон хотин-қизлар йўқми? — деб сўради у.

Мактаб директори унга энг саботли муаллималарни ва ўқучи қизларни айтиб берди.

Демак, сизлар ҳам ўз вазифангизни бажарайпиз экан! — деди у.

Шу суҳбатдан кейин Лидия Константиновна иккита ше’р ўқиб берди: унинг бири Александр Решетовнинг «Ленинградли аёлнинг қасами», иккинчиси Ольга Бергольцнинг «Февраль эсадалиги» эди.

Бу баланд бўйли, соchlари оппоқ, озғин ва жиддий ўқитучи қуйидаги мардона сўзларни ўқиб беради,

Содиқ дўстлар учун зинҳор йигламанг,  
Севикли ўғлонлар-чун юрак тиғламанг,  
Қон қардош оғалар-чун юракни әзманг,  
Йигламанг! — дейди шу энг шиддатли жанг.

Шу қишда эркідан ҳам, ўғидан ҳам жудо бўлган,  
ал ўзига келиши сұзлан ишлайбошлаган бу кекса муал-  
лима мана бу сұзларни айтишга ҳақли эди:

Башартқы  
Шунда бирор нарса блан мағурлансам,  
Хозиргача дўстларим олар олқишлиб.  
Кучсиз кўлларим чарчамас ишлаб.

1942 йил 16 марта

Валентина Васильевна мени ўзининг кичиккина ка-  
бинетига — ўқитучилар хонасига чақирди.

— Бизда янгиликлар кўп. Директоримиз мактабдан  
кетаётир, унинг ўрнига мен тайинландим, илмий муди-  
риликка сизни тайинлашди,— дейди Валентина Васи-  
льевна.

— Мени илмий мудир дедингизми! Мен бу ишда  
сра ишлаган эмасман-ку!

— Ксения Владимировна! Сиз блан биз Ленинград-  
да яшаймиз. Сиз ўқитучилар орасида энг тетик киши.  
Ноҳотки, мактабга ёрдам беришни истамасангиз? Қунт  
қилиган киши ҳар ишни қилаолади.

Унинг сўзини қайтариб бўлмас эди.

Шундай қилиб, мен «шердор мактаб»га илмий мудир  
бўлиб қолдим. Мен бу мактабга Улуф Ватан уруши вақ-  
тида ўтган эдим.


1942 йил 27 марта

Бутун аҳоли шаҳарни тозалашга киришди. Кўча ва  
ховлилардаги қор, муз ва ахлатларни кураб, тозалаб  
ташлаш керак. Шаҳарни ахлат босиб кетган эди. Чунки  
қишида қувурлар музлаб қолиб, барча ахлатлар қорга  
ташланаберган эди. Агар тозалаб ташланмаса иссиқ  
кунлар келиши блан эпидемия бошланиши турган гап.

Ҳарбир кишининг қўлига биттадан қофоз бериб қў-  
йилган, шаҳарни тозалашда неча соат ишлагани ўша  
қофозга ёзиб борилади. Ҳамма белкурак, чўкич ва ча-  
налари блан кўча тозалашга чиқди.

Бедармон кишилар стул ва скамейкаларда, болалар  
эса аравачаларда ўтиришди. Ҳечбирининг рангидаги қор-  
жук. Беморлар бамисоли кўклам қуёшининг ҳаётбахи  
нурларини эммоқдалар.

Биз шер ҳайкаллари ёнидаги йўлкани ва ифлосл-  
ниб кетган ҳовлини тозаладик. Кўчириб олинган му-



ларни фанерга солиб, Александр боғига элтиб ташладик.

Орамиздаги әнг бақувват кишилар лүм ва чўкичлар блан ишладилар.

Менга белкурак ҳам оғирлик қилди. Терлаб-пишиғ уйга қайтдим. Белларим оғримоқда. Лекин дилими шод, чунки шаҳар ойнадек топ-тоза бўлади.

— Биз қандай ишләётганимизни немислар биларми кин? — деб сўрайди Зина Оболенкина.

— Сен уларнинг билганини яхши деб ўйлайсанм билмаганимий? — деб сўрадим.

— Албатта, билсин-да. Биз оғир аҳволда бўлиш мизга қарамай шаҳарни топ-тоза қилиб қўяяпмиз. Килигимизни душман билиб қўйсин!

Бу ишларимизнинг кирасига ҳаммамизни ҳаммом туширдилар. Боплаб чўмилдик, бир-бировимизни ишлашлик.

Март ойи ана шундай қувончли келди.

1942 йил 29 марта

Кундузи мактабга Район партия комитетидан фон қилишиб: «Директор блан илмий мудир к

соат унда Райсоветта келсин. Паспортларини ҳам олиб келишин» дейишди. Ижроком биносининг зинопоясидан чиқиб кетаётганимда ҳарбий оркестр ёнимдан ўтиб кетди. Худди байрам ёки тантанали мажлис бўладигандай кўринади.

Зал кишилар блан лиқ тўлган. Таниш-билишлар кўп. Улардая балсам, бизни партизанлар блан учрашувга макирига экавлар. Партизанлар фронт томон блан юриб, Ленинградга озиқ-овқат совға қилишиб кепти.

Президенттумда партизан отрядининг бошлиғи ҳам ўтирад эди. У оғлий рус кишиси эди. Устида калта пўстин, бўлида кесилек тўпланача бор. Унинг ёнида ўтирган кекса лежида хотин ҳам калта пўстин кийган, бошида қора тўмона бор. Истараси иссиқ, унинг кўк кўзлари ялтириб турар эди.

Энг аввал отряд бошлиғи сўзлади.

Мен болаларга ўқиб бериш учун унинг сўзларини ёнб олдим.

«Дарромон ленинградли ўртоқлар! Сизларга колхозчилик ва партизанлардан салом! Биз немислардан қайтариб олинган ердан келдик. Биз қайтариб олган ер ҳали унга катта эмас—тўққиз минг квадрат километр жисос. Аммо кундан-кунга кенгайиб бораётир ва кенгаяжак. Биз немисларни Россия тупроғидан ҳайдамоқдамиз. Сизлар шахрингизни тозалаб, аввалги покиза ҳолига келтирмоқдасиз, биз бўлсан, ўз жойимизда совет тартибларини тикламоқдамиз.

Евженик энг биринчи ёрдамчиларимиз болалардир. Улар керак бўлса у қишлоқдан бу қишлоққа боришади, гаражларга кириб машиналарни санаб чиқишиади, душман штаблари турган уйларга белгилар қўйиб келишади ва бу ма'lумотларнинг ҳаммасини бизга келиб айтишиади. Биз улар келтирган ма'lумотларни Қизил Армияга етказемиз, шундан кейин аэропланларимиз душман штабларини болтаб бомбардимон қиласди.

Аммо, бундай ишлар ҳамавақт ҳам болаларнинг қўйидан келабермайди. Масалан, орамизда Коля исмли шўх, қизиқчи бола бор эди. Унинг партизанлар блан алоқаси борлигини немислар сезиб қолган ва уни ушлаб олиб, офицернинг олдига олиб борганлар. Офицер унга дўқ қилиб кўрган, аммо бундан натижага чиқмаган. Шундан кейин ҳалиги немис болага ясама шоколад бермоқчи бўлган.

**Аммо Коля эса:**

— Мен ўз Ватанинни олтиңга ҳам сотмайман. Буша-  
қа шоколад блан мени алдаәлмайсиз,— деб жавоб қай-  
тарган.

Шунда немис унга худди йиртқич ҳайвондай  
ташланған. Юзига муштлаб, пастки жағини айриб  
юборған. Бола-пақир үлади, лекин ҳечкімни тутиб бер-  
майды.

Биз ҳозир ўша қишлоқни ишғол қилғанмиз, Коляни  
жарбийчасига күмдик. Чунки у қаҳрамонлик күрсатиб  
ўлган эди!. Оркестр мотам маршини чалди. Бутун зал-  
дагилар ўринларидан турдилар.

Биз бундай ҳодисалар түғрисида газеталардан күп  
ўқиганмиз, аммо Коляни билган, унга топшириқлар  
берган кишининг ўзи шундай ҳодисалар түғрисида га-  
пириб бериши бизга жуда ҳам қаттиқ та'сир қилди.

Отряд бошлиғи сўзини давом эттириди:

— Бу ерда Татьяна Марковна ўтирипти. Биз уни  
«она» деб чақирамиз. У тўққизта ярадор жангчини олиб  
кетиб боқди, меҳрибонлик күрсатди, немислардан яшир-  
ди ва улар тузалғандан кейин ўрмондаги сўқмоқ йўл-  
лар блан бизнинг олдимизга бошлаб келди.

Биз Татьяна Марковнанинг уйини яхши биламиш: у  
ерда биз учун ҳамавақт овқат ва бошпана тайёр. Биз  
уйқуга ётганимизда у кийимларимизни ювиб, йиртиқла-  
рини ямаб қўяди.

Залдагиларнинг ҳаммаси ўринларидан турди. Гулду-  
рос қарсаклар чалинди.

Орқадагилардан бир киши:


— Татьяна Марковна, бизга бир қаранг, бир кўриб  
олайлик!— деб қичқирди.

Президиумда ўтирган кўккўз деҳқон хотин ўтирган  
жойидан турди. Мажлиснинг бошидаёқ мен унга э'ти-  
бор берган эдим. У жуда тортинди, қўлларини деҳқон-  
часига белига қўйиб, залдагиларга та'зим қилди.

Зални қарсак товуши тутиб кетди...

Мен кўп «учрашувларда» бўлғанман. «Садко» кема-  
сини сув остидаи чиқарган эпрончилар ва катта олим-  
лар мактабимизга келиб турғанлар. Аммо қамалда қол-  
ган шаҳримизга келган партизан ва колхозчилар блан  
бўлган бу учрашув айниқса қаттиқ та'сир қолдирди.

Якка бўлмаганлигимиз бизни шодлантиради. Меҳ-  
монлар кетатуриб: «Ленин шаҳри яқин орада душман-



дан озод бўлади. Шунгача хайр» деб жўнадилар. Бу сўзлар ғалаба қозонишига ишончимизни ортириди.

Бугун мен бутун кун бўйи ўқитучиларга ва болаларга партизанлар ҳақида сўзлаб бердим.

— Партизанлар қанақа қилиб қайтиб кетишади? Немислар пойлаб туриб, уларга зарар етказмаса яхши эди,— дейди куйиниб Женя Вихорев.

Виленчик уни масхара қилиб:

— Кўйсанг-чи! Партизанлар немисларнинг ёнидаң сездирмасдан ўтиб кетишни сендан яхши биладилар. Улар сенга «Женя ука, бизга ёрдам берсанг-чи» дермиди!— деди.

Женя қизарди ва кўзлари чақнади. Агар мен бўлмасам улар синфда муштлашиб кетишлари турган гап эди.

Қиши кунлари бундай ҳодисалар бўлиши мумкин эмас эди. Чунки ўғил болалар жуда дармонсизланиб, ортиқча ҳаракатларга ҳам мадорлари қолмаган ва ўз сўзларини ўтказиш учун бир-бирлари блан муштлашишни ҳам ўйламас эдилар. Ҳолбуки, болалар ўртасида муштланув одати қадимдан қолган ва ҳамма жойда бор одат эди.

1942 йил 30 март

Опа-сингил Тирсалар учун жуда ташвишланаман. Сүнги марта мен уларни мактабимизнинг шер ҳайкалла-ри ёнидаги йўлкани тозалаган вақтимизда кўрган эдим.

Икковлари ҳам жуда озиб кетган. Олянинг бурун қирраси чиқиб, юзларининг суяги кўриниб қолган.

— Ҳечнарса қилмайди, Қсения Владимировна,—дейди, Оля.— Ҳа демай ўнгланиб кетамиз. Биз ҳозир ҳарбийлаштирилган соқчиликка ёзилдик. Етоқхонада турибмиз. Жойимиз иссиқ, тоза. Овқатимиз яхши ва етарли. Яқинда кийим ҳам берилади деган гап бор.

— Иши оғир эмасми? —деб сўрадим.

— Ўрганмаган кишига албатта оғир, чунки қўл иши-да,— дейди, Оля.— Биз тез ўрганиб кетамиз.

— Сиз унга айтинг, ўзини эҳтиёт қилсин ва қўлидан келмайдиган ишга уринмасин,— дейди Аня.— У ёғочларни тушириш вақтида энг оғир ходани кўтараман деб қолади.

Мен Оляга тикилдим.

— Атайлаб қиласмидим,—деди у, мулойимгина. Оғир ишдан ўзимни олиб қочсан уят бўлади-да, қийинчилик ҳамманинг бошида бор гап!

Улар блан узоқ гаплашиб туролмадим: ишлашим керак эди. Қизлар Валентина Васильевнанинг ёнидан ўтиб бораётганларида у қорни курашдан бир лаҳза тўхтаб уларнинг саломига жавоб берди ва менга қараб:

— Оля жуда ўзгариб кетипти-я! Мазаси қочиб қопти дейман,—деди.

Ўша кундан буён опа-сингил Тирсаларни кўрганим йўқ. Аммо биз қадирдон бўлиб қолганимиз учун узоқ кўришмасак бир-биримиздан хавотир бўламиз.

1942 йил 1 апрель

Район маорифи бўлимидан: ўқитучиларга ишчилар блан тенг озиқ-овқат карточкалари бериладиган бўлди, деган телефонограмма олинди. Бундан ҳамма жуда шодланди. Ҳарбир киши бу хабар тўғримиккин, биринчи апрель ҳазили эмасмиккин, деб сўрайди.

— Йўқ, йўқ. Бу тўғри гап. Телефонограммани мен ўзим ёзив олганман,— дейди ёш муаллима.

Демак, Ленинградда озиқ-овқат запаси кўпайипти. Ладога қўлидан кўп қаҳрамонликлар блан очилган муз

йўлининг натижаси билинганлиги кишини шодлантиради.

Бу — биз ленинградлилар учун қилинаётган ғамхўрликнинг яна бир жонли шоҳидидир...

1942 йил 8 апрель

Бизда ҳаво тревогалари тез-тез бўлиб туради, аммо ленинградлилар бунга кўнишиб қолишган.

Бугун Невский ва Садовая кўчалари бурчагига етганимда тревога бошланиб қолди. Сигнал берилиши бла-ноқ зенит тўплар гумбурлатиб отабошлади. Бутун осмон ёрилган ўқларнинг оқ ва кулранг тутуни блан қопланди. Тутуннинг устидан немисларнинг еттига самолёти қаторлашиб учиб ўтмоқда эди.

Гостиний дворнинг дарвозахонасига кириб турдим. Бу ерда анча ҳарбийлар турган экан.

Улардан бири хотин-қизларга:

— Шу ерда туратурганингиз яхши. Кўчада зенитка ўқининг парчаси тегиб, ярадор бўлишингиз мумкин.

Орадан ўнбеш-йигирма минутча ўтди. Самолётларнинг гувиллаган овози эшитилмай қолди, аммо узоқдан зенит тўпларининг овози келиб туритти.

Ўйга қараб яна йўлга тушдим, аммо Грибоедов каналидаги Лъвиний кўпригига етганимда яна қаттик отишма бошланиб кетди, мен яна дарвозахонага кириб бекинишга мажбур бўлдим. Кемадаги артиллеријамиз ўқ отаётганлиги равшан билиниб турди. Бу замбаракларнинг гумбирлаши зенит тўпларининг овозини босиб кетарди... Дераза ойналари дирилламоқда.

Дзержинский кўчасида етти ёшлардаги бир қизни кўриб қолдим. У суюнганича ерга энгашиб, ҳали совумаган снаряд парчасини ердан олди. Мен уни қўлидан ушлаб, чопганимча дорихонанинг эшигига олиб кириб кетдим.

— Шундай ўқ отилиб турган пайтда кўчада юриш мумкинми? — деб, уни койиб бердим.

— Биз Витя икковимиз ҳамавақт тушган ўқни йифиб юрамиз, анчасини йифиб ҳам қўйдик... Ҳаммаси немисларники. Билмадим, мана бу қанақаси экан? Қаранг-а!

Дарвоза тагида кишилар кўп эди Ҳамманинг юраги ваҳимада, қизалоқ бўлса, парвойи палак. Снаряд теруучи бу қўрқмас қиз, қўлимдаги қарағай новдасини кўриб қолиб:

райди. Мен бу новдаларни уига шиини тайёрлайман, деб, күчадан сотиб олған 1942 йылда күп ленинградлилар цинга касалига учрамаслик жвоя барги солиб қайнатилган сувни ичмоқдалар.

Шаҳарни тозалаш тугади. Шаҳар энди бошқача бўйкетди: кўчалари топ-тоза бўлиб ва кенгайиб, майшар катта бўлиб кетгандай туйилди.

1942 йил 14 апрель

Менинг тарбиямдаги синф ўқучилари жуда иноқ: 12 шаҳир-биридан сра айрилмайди. Уларнинг мактабдан в этиб чиқишларини ва офтобда исиниш учун Исаакий Борининг зинапояларида тизилиб ўтиришларини каби-ти деразасидан тамошо қилиб туришни яхши кўраман. лар ширин-ширин гаплашиб ўтиришади. Ҳаммалари жуда озгин, дармонсиз бўлсалар ҳам, ма'навий жиҳатдан бардамлар.

Бугун уларнинг синфиға кирдим. Бу синф биринчи касаватда эди. Синфинг ичи совуқ, зах, деразаларга ойна ўрнига фанер қоқилганидан ёруғ оз. Ташқарида кўклам ўюёши нур сочиб, дараҳтлар куртак чиқармоқда.

— Жон Ксения Владимировна, Александр боғига борсакчи, у ер жуда яхши, иссиқ, бу ерда одамга совуқ ўтиб кетади,—деб бараварчувиллашиб сўради, болалар.

— Тўполон қилиб дарсни бўлмайсизларми?

— Йўқ, йўқ, рост айтамиз, тўполон қилмаймиз.

Чиндан ҳам боғ манзарали: иссиқ, дараҳтлар кўкарабошлиған эди. Кўклам ўюшининг нури остида иморатлар ҳам бошқача бўлиб кўринади.

Адмиралтейство гумбазйнинг учини тўсиб турган кулранг алвоннинг бир ери чокидан кетган. Гумбаз учининг зари мана шу йиртиқдан ялтираб кўриниб турди: ҳатто рўпарамиздаги гўё хўмрайиб тургандек бўлган Исаакий собори ҳам, шу эрталабки ёқимли пайтда пушти тусга кириб, очилиб кетган. Шундай манзара ичидаги болаларнинг қулоғига дарс кирадикин?

Уғил болалар боғдаги иккита скамейкани бир-бирига рўпара қилиб қўйдилар. Бошқа нарсаларга алақсимай ҳаммалари жим ўтирди. Менга бир скамейканинг ўргасидан жой беришди. Синф журналини тиззамнинг устига

қўйинб олган эдим. Болалардан бири дарҳол менга ўзининг автомат ручкасини берди.

Дарс мавзуи — Рим империясининг йиқилиши эди. Заполевскийга савол берабошладим.

У дадил жавоб қайтариб, а'ло баҳо олди.

— Зина Оболенкина, сен ҳам гапир-чи! — дедим.

Зина ёввойи қабилаларнинг ҳужуми тўғрисида негадир унча яхши гапириб беролмади. Шу пайтда орқада ўтирган бир бола секингина айтиб бераётганлиги қулоғимга чалиниб қолди.

— Баракалла! — дедим, пичинг отиб. — Бунаقا айтиб туришлар қиши совуғида йўқолиб кетган эди десам, энди кўклам кириши блан яна жонланиб кетипти-да!

Лоладай қип-қизариб кетган Гуля Виленчик:

— Оғизмдан чиқиб кетганини ўзим ҳам билмай қолдим! — деб, афв сўради.

Зинанинг ўзи ҳаммасини яхши гапириб берди.

— Нима учун биз ҳозир фашистлар тўғрисида гапир-ганимиизда уларни ёввойилар деб айтамиз? — деган саволни ўртага ташладим. Ўн икки қўл баравар кўтарилди. Ҳамма жавоб беришга тайёр.

Шу пайтда боғнинг кимсасиз йўлкасида икки денгизчи кўринди. Улар бизнинг группамизга мароқ блан тикилдилар ва табассум блан.

— Вой, азаматларей, ўқишаяпти-я! — дейишли.

Болалардан бири тўсатдан:

— Бир минутга дарсни тўхтатиш мумкинми? Устимизга кўланка келаяпти, — скамейкани офтобга кўчирсак, — деди.

Боғда кўклам қўёшининг нурлари остида дарс ўтказганимга ўзим ҳам хурсандман.

Дарсдан кейин, мактабга қайтмоқчи бўлиб турганимизда Зина Оболенкина:

— Сўзимизнинг устидан чиқдик-ку! Дарсда яхши ўтирик-а? — деб сўради.

— Ҳа, дарс яхши ўтди.


— Ура! Яшасин! Бундан кейин тарих дарсини боғда ўтказаверамиз! — деб қичқиришди ўғил болалар.

1942 йил 15 апрель

Илгари биз: «Агар кишининг ейишга нони бўлса, у очдан ўлмайди» деб ўйлар эдик.



Богда күклем қуёшининг нурлари остида дарс ўтказганимга ўзим  
ҳам хурсандман.



Ҳозирги вақтда бизнинг карточкаларимизга маска ёғи, қанд, шоколад, гўшт каби яхши нарсалар берилоқда. Ленинградлilarга энг яхши озиқлар юбориб туришни ўртоқ Сталиннинг ўзи буюрипти.

Ҳозир овқатимиз кўпайди, аммо ўзимиз тўйсак ҳам қўзимиз тўймаяпти. Нега бундай экан?— деб сўрашади ўғил болалар.

Ҳатто соғлом кишилар ҳам қишидаги очарчиликдан кейин ҳалигача ўнгланиб олганлари йўқ, илиги қуриган кишилар эса, ҳамон ўлмоқдалар. Баҳор яхши келди, қийинчиликларнинг зўри ўтиб кетди; шу пайтда бировни ўлипти деб эшитсак, жуда ачинамиз. Тирикчилик жуда ҳам яхши бўлиб кетган бир пайтда одамларнинг ўлиб қолиши алам қиласди.

Қанчадан-қанча кишиларнинг ёстиғи қуриди! Мактабимизнинг ўзидан катталардан йигирма икки киши ўлди. Болалар ҳам ўлди, уларнинг кўпи ўғил болалар эди.

Дистрофия фожиаси ҳозирги баҳор кунларида ҳам давом этмоқда. Ўқучиларимиздан Степанова эрталаб нонга бориб, уйнга қайтиб келгач, қизиқ бир ҳодисага дуч келган. Унинг укаси ҳар сафар ётган жойидан сакраб туриб нон сўрар эди, бу сафар ухлай берган. Сўнгра бирдан ҳуррак тортган. Боланинг юзи қип-қизил бўлиб кетган, кўзларидан ёш оққан. Орадан бирнече минут ўтгач ўлган.

Опа-сингил Тирсалар учун ташвишланганим бежиз эмас эди. Оля ҳолдан тойиб ётиб қолди.

*1942 йил 18 апрель*

Кеча менинг олдимга Елена Алкесандровна Тирса келиб, Оля сизни бир келиб кетса, деб сўраяпти,— деди.

Бугун мактабдан чиқиб, тўппа-тўғри унинг олдига бордим.

Оля оппоқ ёстиққа бош қўйиб ётар эди. Унинг юзи жуда чўкиб, суяклари чиқиб қолган, бурнининг қирраси билиниб турипти.

У жуда қувватдан кетган. Мен ўзим олиб келган пакетчани очиб, булка олиб бердим. У иштаҳаси тортмаганидан афтинни буриштирди.

— Керакмас, керакмас, овқатни кўргим ҳам келмайди,— дейди, эшитилар-эшитилмас қилиб.

Бу жуда ёмон. Очликнинг энг юқори даражасига етган кишигина овқатдан юз ўгиради.

— Оля қизим, күнглинг нима тиласа айт, мен топиб келтиришга ҳаракат қилай.

— Ҳечнарсани күнглим тиламайди.

У ориқлаб, чўп бўлиб кетган бармоқчалари блан чойшабнинг бурчагини эзғилайди.

Биз жим қолдик. Назаримда, бу ерда туришим унга оғир туйилаяпти.

— Оля қизим, опанг келгунча мен дераза ёнида ўлтирай, сен ухлаб ол, тузукми?

— Хўп, деб қўяқолди.

Мен дераза ёнига бориб ўтирдим, унинг аҳволига раҳмим келиб, кўзларим жиқ ёшга тўлди, аммо йиғлаб юборишга ҳайиқдим.

Оля ухламади. Унинг бепарво кўзлари менга қарамас, балки узоқларга тикилиб тургандай эди. Касалхонага бориб ётмаса нобуд бўлади... Аммо у касалхонада ҳам тузалармикан?

Елена Александровна кириб келди. Мен унинг юзига тикилиб карашга жур'ат этолмадим.

— Олечканинг аҳволи жуда ёмонмикан·а?— деб оҳистагина сўрайди у. Мен тўғрисини айтолмадим.

У даҳлизга чиқиб, овоз чиқармай йиғлайди. Мен уни юпатиш учун сўз тополмадим. Боласи ўлим тўшагида ётганида онани юпатиш қийин. Шу топда ўлимни тўхтатиб қолиш ҳечкимнинг қўлидан келмайди. Елена Александровнанинг ўзи нимжон бўлиб қолган.

Онаси блан опаси Оляни эртага касалхонага олиб борадиган бўлишипти.

Елена Александровна мен блан хайрлашаётганида:

— Касалхоналарда кўп кишилар тузалаяпти дейишида-ку·а?— деб сўрайди.

1942 йил 24 апрель

Бугун Оля ўлди. Ўртоқларимиз ва ўқуциларимизнинг ўлимига кўникиб қолганимизга қарамай, Олянинг ўлими ҳаммамизни зўр қайгуда қолдирди. Бу қиз ўткир одам бўлиб чиқар эди.

1942 йил 25 апрель

Ойнинг ўибеши қоронғи бўлса ўибеши ёрур

Бу мақол жуда та'сирли·а! Та'сирли. Ҳақиқатда ҳам биз ҳозир шу тахлитда яшамоқдамиз! Ҳар кун деярлик дам қайғи·ҳасрат, дам зўр шодлик қаторлашиб келиб туради.

Бугун шодлик куни, шаҳар миориғи бўлпоми ўрга миштабининг ҳамма синфларига баҳорги қабул ўтишинини элон қилди. Болалар 1941 йилининг кўёслимиди қайси синфларга ўтган бўлеалар шу синфлардни ўқибликни. Улар ўтганийлини дарсларини бир яром оғизнида тақрорлашлари лозим. Мактаб яна кептириди, қийчув, хушчақчақ кунлар бошланади.

Мактабларда З май куни ўқучиларга уч миҳом иссиқ овқат берилиши радиода элон қилиниди.

Бирнече кун деганда ўқучилар етмани тўққишини беш юз қирқ етти кишига етди.

#### 1942 йил 28 апрель

Чарчаган бўлишимга қарамай, «Тинч океанида уруни» деган мавзу'даги лекцияни эшитмоқ учун кечқурунг раёнкомга бордим.

Лекциядан кейин Октябрь район партия комитетининг бир ходими блан биргаликда қоронғи кўчалардан уйга қайтдим.

— Эзда,— дейди у менга,— ўқитучилар болалар блан бирга қишлоқ хўжалик ишларига жўнайдилар.

— Қаерга боришар экан?— деб ҳайрон бўлиб сўрадим,— ҳамма жойда немислар бор-ку!..

Хотирингиз жам' бўлсин, бу масала жуда пухта ҳал этилган ва ҳарбий қўмандонлик блан келишилган. Шаҳар партия комитети ва Ленинград совети болаларга кўмак бериш ниятида улардан полиз ишларида фойдаланмоқчилар. Врачларнинг айтишларича, қиши кетиши бланоқ, болаларни офтобга ва очиқ ҳавога олиб чиқиши жуда керак экан. Полизларда ишловчиларга ишчилар қаторида озиқ-овқат берилади.

#### 1942 йил 1 май

Кун жуда очиқ бўлди. Ҳамма жойга қизил бойроқлар илинган. Денгиздан эсган «ленинград» шамоли байроқларни ҳилпиратиб турар эди.

Дарслар нима учун ўқув йилининг охирида бошланётганлигини ва мактабда ўқиш тартиби қандай бўлишини тушунтириш учун ота-оналарни бугун мактабга чақирдик.

Эрталабдан бошлаб катта тўплар отилиб турди. Бу мажлисимизга халақит бермаса эди деб ташвишландик.

Немислар ҳар ўнбеш минут сайнн ўққа тутиб турар  
эди.

Бир хотин мактаб коридорига қочиб кириб:

— Ҳозир бир снаряд рўпарадаги боққа тушди,— деди.  
Қаттиқ гумбурлаган овоз эшитилди ва синган ойналар  
жаранглаб тўкилди. Снаряд мактабга яқин, Майоров  
проспектига тушган экан. Зал деразаларидағи ойналар-  
нинг биттаси ҳам бутун қолмади, ҳатто ромларга қоқил-  
ган фанерлар ҳам кўчиб тушди. Залнинг ичи ришт пар-  
чалари ва тупроқ-тўзон блан тўлиб кетди.

— Яхшиям мажлисни бу ерда бошламаган эканмиз,—  
деди Валентина Васильевна,— скамейкаларни кираве-  
ришдаги биринчи залга олиб чиқиш керак. Шундай ўқ  
отилиб турган бир пайтда ота-оналарнинг келишлари  
ҳам гумон. Ўқитучилар ва хизматчи хотинлар скамейк-  
ларни легерлари ҳовлига қараган залга олиб чиқдилар.

Кундузи соат 1 да зал кишилар блан тўлди. Ленин-  
градлилар ўқ отилишига кўнишиб қолишиган, мактабда  
ўқиш бошланиши ва болалар учун иссиқ овқат берили-  
ши тўғрисидаги гап ота-оналарни жуда қизиқтиради.

— Сизларга қийин бўлади-ку! Чунки бир хил ўқу-  
чилар блан ўтган дарсларни такрорлаш керак бўлса, бар  
хилларини имтиҳонга тайёрлаш лозим! Дарс жадвалини  
тузиш ҳам қийнаса керак-а?— деб ташвишланади ўқучи  
Мая Добролюбованинг онаси. Унинг ўзи илгари мактаб  
ходими бўлган эди.

— Ҳечнарса эмас, уддалаймиз,— дейди Валентина  
Васильевна.

1942 йил 15 маъ

Янги қабул қилинган болалар блан мактабларда  
4 майда ўқиш бошланди.

Шу куни ҳаво жуда ҳам бузук эди: шамол туриб, ём-  
ғир аралаш қор ёғди. Мактаб совуқ эди, ҳамма ёриқ-те-  
шиклардан шамол кириб турарди.

Бунча кўп болалар блан ишлашдан чиқиб қолган  
еканмиз, болалар ҳам мактабда қишида ўқимай интизомни  
унутиб қўйган эканлар.

Бахтимизни қарангки, биз учун энг қийин кун ҳисоб-  
вогалари ҳам бўлмади.

Киши бўйи ўқиган ўқучиларимиз ҳар тўғрида намуна  
бўлмоқдалар. Улар мактабга ўрганиб қолганларидан,

Айниқса тревога ва ўққа тутиш вақтларида бизга фаол өрдам берәетирлар.

Кече ҳаво тревогаси вақтида йўлакда тўққиз ёшлардаги бир болани кўриб қолдим.

— Сен, болам, нега пана жойга тушмадинг? — деб сўрадим.— Сенинг синфинг аллақачон тушиб кетган-ку!

Бола жуда гердайиб:

— Э хола, мен у сиз айтган пана жойга қочадиган қўрқоқлардан эмасман,— деб жавоб қайтарди.

— Биз бунақа ботирларни ўзимиз тушириб қўяминиз,— деди бизнинг ўғил болаларимиздан бирни ва уни қўлидан тутиб судраб кетди.

Болаларга жон кирабошлади, улар шўхлик қилишар, қаҳ-қаҳ отиб кулишар эди.

Дарс бошланиш вақтида журнални очиб улгурмасданоқ:

— Бугунги увра ош жудаям соз бўптими! — деганларини эшитиб қоласан.

— Володяни қаранг-а, уч кун деганда юзига қизил югириб қолди!

Ленинград—фронтга айланган шаҳар бўлса ҳам, ўқучилар овқат блан шундай яхши та’минланди. Бундай ғамхўрлик натижасида май ойидаёқ мактабда одамларнинг ўлиши тўхтади.

1942 йил 17 мај

ВЛҚСМ райкоми якшанбалик ўтказди. Катта ёшдаги ўқучилар Пери станциясига бориб, сабзавот экиш учун жўяқ тайёрлашлари лозим.

Мен дистрофия та’сири ҳали ҳам кетмаган болаларни бу ишга юбормаслик керак деб ҳисобладим. Аммо уларнинг ўзлари бунга қаттиқ қарши бўлдилар. Болалар:

— Биз қолмаймиз. Поездга тушиб арш қилиб келамиз. Үрмонларни, далаларни кўрамиз. Биз ҳам борамиз, —дедилар.

— Отқулоқ, ялпиз териб келамиз,— дейди бир ўқучи, кўпроқ фойдалик томонини кўзлаб.

Юра Артюхин блан Алла Гурбановалар:

— Майли, боришақолсин! — деб туриб олишди.

Борамиз деганларни бирма-бир кўздан кечириб, қуввати етадиган болаларни ажратиб беришини врачдан яна бир марта сўрадим. Уларга енгилроқ иш беришини бош пионер вожатийга тайинладим.

Кечқурун қайтишда улар менга чөрөмұха териб олиб келишиди.

Пионер вожатий бўлиб ишловчи қиз:

— Дармонсиз болаларни эҳтиёт қилиш жуда қийин бўлди. Уларни оғир ишдан қайтариб бўлмади, бир нарса десанг хафа бўлиб, ҳатто ба'зилари кўз ёши қилдилар,— деди.

— Тўғри-да,— тамошога чиққанимиз йўқ-ку! Ҳечкимнинг бир-биридан кейинда қолгиси келмади,— деди Алла Гурбанова ва шундан кейин секингина қулоғимга: хафа бўлиб юрманг яна, биз уларга заранг ерни қазитганимиз йўқ, уларга енгилроқ иш топиб бердик. Лекин бу гапни ўзлари эшлиб қолмасин, деб пичирлади.

1942 йил 10 июнь

Район маориф бўлими ўқитучиларни эвакуация қилиш масаласи юзасидан бугун мактаб директор ва илмий мудирларини мажлисга чақирди.

Мажлисга бораётиб, ўзимдан-ўзим хафа бўлдим. Мени ҳам жўнагин десалар нима қиласман деб ўйладим.

Валентина Васильевна мажлисга ўқитучиларнинг рўйхатини келтирди. Ҳарбир фамилиянинг рўпарасига ёши, касал бўлиб неча марта дарс беролмай қолгани, умуман саломатлик даражаси ёзиб қўйилган.

Рўйхатга Лидия Константиновна Шитинская блан Мария Николаевна Ефремова ҳам киритилган экан.

Лидия Константиновна ростдан ҳам қаттиқ бетоб бўлиб, жуда заифлашиб қолган аммо Мария Николаевна жўнатмоқчи бўлаётганларига ҳайронман, чунки у қишида оғриган бўлса ҳам, ҳозир дармонга кириб кетган.

— Етмиш иккига кирган кишини олиб қолиб, янаги қишида ҳам қийнашнинг нима кераги бор?— деди менга Валентина Васильевна. У ҳардоим мана шундай ма'но ли гапиради.

Мактаб ма'муриятлари бундай ўқитучиларни жўнаб кетишига кўндириши лозим. Айтишларича, янги ўқув йили экан. «Катта ер»да эса, ленинградли ўқитучилар жуда керак.

Мактабга қайтгач, жўнаб кетиши лозим бўлган педагогларни чақирдик. Валентина Васильевна уларнинг жўнаб кетиши зарурлигини айтганда лом-мим деюочи киши

бўлмади. Ленинграддан жўнаб кетишга рози бўлиш ва энди Ленинградга кераксиз кишилар бўлиб қолибмиз-да, деб ўйлаш уларга оғир туйилар эди. Бунинг ҳақиқатан ҳам оғирлигини биламан.

Узоқ сукунатдан кейин Лидия Константиновна сўз бошлади:

— Мен жўнаб кетишни хоҳламайман, аммо кўп оғридим, бошқалар қаторида ишлаёлмадим, шунинг учун жўнашга розиман.

У қамал даврида эридан ва синглисидан айрилди. Аммо унинг биттаю-битта ўғли Борис ҳам Ленинград атрофидаги жангда ўлганлигини у билмайди, биз биламиз. Эҳтимол, буни ўзи ҳам билар, лекин бу тўғрида сра гапирмайди.

Мария Николаевна Ефремова ғамгин бўлиб гапиради:

— Етмиш икки ёшдаги киши Ленинградда ортиқча юқ бўлиши турган гап. Қўлимдан иш келишини сизлар биласизлар, аммо ўёқдагилар билмайди-да.

— Ахир сиз ўз одамларимизнинг ёнига борасиз-ку?— деди Валентина Васильевна.

— Тўғри-я! Аммо мен мактабда ишламасдан туролмайман-да. Гапни чўзиб ўлтиришнинг ҳожати йўқ. Майли, мен жўнайман,—деди Мария Николаевна.

Эртаси куни у эсадалик учун қолсин деб, менга Ломаносов заводида ишланган чиройли бир чашкасини олиб келиб берди.

— Сизга яна яхши қофоз ва Рафаэль мадоннасининг расмини ҳам олиб келиб бераман,— деди у.

Лидия Константиновна кимга нима кераклигини ҳаммамиздан бирма-бир сўраб чиқди ва ҳаркимнинг «заказига» қараб, нарсалар тортиқ қилди.

Жўнатилаётганлар ичida ўқитучилардан бошқа кишилар ҳам бор. Кўчаларда кишилар машина ва арава кутиб юклари устида ўлтирадилар. Ладога кўлида қаттиқ бўрон бошланганлигидан жўнаш бирмунча пайсалга тушди. Айтишларича, немислар ҳозир эшелонлар устига бомба ташламаётган эмиш.

Энди авиациямиз шиддатлироқ ҳаракат этди, «пўлат қушларимиз» бу кўлни қўриқлаб турипти.

Ўртоқларимиз блан хайрлашув жуда оғир гап. Чунки ҳаммамиз биргаликда курашиб, оғир-енгилни бирга тортишиб, жуда қадрдон бўлишиб кетганмиз. Ахир биз ҳаммамиз ленинградли ҳамشاҳарлармиз-да.

20 июня синовлар бошланди. Еттинчи ва ўнинчى синфларни тамомлаб чиқучилар синовдан ўтмоқдалар.

Синовдан озод қилишни сүраб ариза берган ўқучилар жуда кам бўлганлиги бизни шодлантириди. Қиши бўйи қийинчиликларга чидаб ўқиган болалар ўқишни намунали тамомлашга ҳаракат қилмоқдалар.

Вова Ланцов дудуқ. Шунинг учун онаси уни синовдан озод қилишни сўрамоқчи бўлади-ю, аммо бунга унинг ўзи кўнмайди:

— Синфдошларим блан баравар имтиҳон берамаң, имтиҳондан бўшаттираман деб уриниб юрма.

7-нчи синф синовдан айниқса яхши ўтди: 24 ўқучи қирқ битта «а'ло» баҳо олди.

Қиши блан ўқиган ўқучиларимиздан етмиш биттаси юқори синоптирга ўтди. Олти киши кузги синовга қолдирилди, иккитаси ўз синфида қолди. Булар узоқ бетоб бўлиб, ўқишга келолмаган ва бошқаларга етиб ололмаган эдилар.

10-нчи синфда физикадан имтиҳон бораётган эди. Тўртта ўқучи доскаларга ёзиб, жавобга ҳозирланмоқда.

Мактаб директори, Район маорифи бўлимининг инспектори ва физика ўқитучиси имтиҳон олучилар столи ёнида деразаларга орқа ўғириб ўлтиридилар:

Шаҳар ўққа тутилабошлади, снарядларнинг шарақлаган овози эшитилиб турди. Исаакий майдони бир зумда ҳувиллаб қолганлигини деразадан кўриб турдик.

— Тинчроқ жойга кўчиш керак,— деди инспектор.

Биринчи қаватда, овқатхона ёнида, деразалари ҳовлига қараган кичик бир хона бор. Имтиҳон вақтида башарти қаттиқ ўққа тутиш бошланиб қолса кириб ўлтириш учун бу хонани «хавфсиз кабинет» қилиб қўйилган эди. Бу ерга бир доскача, бир столча, имтиҳон олучилар учун бирнечча стул ва ўқучилар улар а пárta зўрга сиғади.

Физика имтиҳони вақтида биз мана шу хонага кириб ўтиридик. Ўқучиларга бошқатдан билет олиш таклиф қилинди.

Имтиҳон яна давом этди. Ҳамма ўқучилар дадиллик блан дуруст-дуруст жавоб қайтардилар. Ўқиш вақтида ўққа тутишларни баҳона қилиб юрган тўртта ўқучини имтиҳондан кейин болалар хўп мазах қилишди.

Энди болалар синфларда ҳушчақчақ ўтиришадиган, кулишадиган ва шўхлик қиласидиган бўлиб қолдилар. Бу— одамни севинтиради.

1942 йил 26 июнъ

7 ва 10-нчи синфларни тамомлаб чиқаётган болаларнинг ҳаммасига «ўрта мактабни уруш шароитида муваффақиятли тамомлаганлиги учун» деган ташаккурномалик гувоҳнома беришга қарор қилинди. Бундай кичкина гувоҳноманинг қиммати жуда катта!

Мактабнинг ҳамма а'лочиларига китоблар тортиқ қилинди. Бу китобларга: «Ленинград қамалидаги кунларда яхши ахлоқи ва а'ло ўқиганлиги учун» деган сўзлар ёзилган.

В. В. Бабенко Октябрь район совети Ижроия комитетидан ёрлиқ мукофот олди. Ёрлиққа бундай деб ёзилган:

«Уруш вақтида мактаб ишларига моҳирлик блан раҳбарлик қилганлиги ва ўрта мактаб ўқучиларининг мактабни тамомлаб чиқишлиарини та'минлагани учун 239-нчи мактаб директорига ташаккур э'лон қилинади».

Илғор ўқитучилар Маориф Халқ Комиссарлигининг Ҳурмат дафтарига ёзилдилар.

1942 йил 27 июнъ

Мактабда яна ўқучилар чиқариш маросими бўлди ва ҳодатдагидай зиёфат ҳам берилди, лекин бу сафарги зиёфат ўтган йилдагига унча ўхшамас эди.

Болалар овқатланадиган тор столга оқ дастурхон ёзилди. Мактабни тамомлаб чиқучилар учун йигирма олти, ўқитучилар учун уч тарелка қўйилган. Ҳар тарелкада биттадан биточка, иккитадан конфет бор эди. Оқ кружкаларга чой қўйилган; Валентина Васильевна шу зиёфатни ўтказниш учун рухсат оламан деб, кўп свора бўлди, чунки шаҳримизда озиқ-овқат ҳали ҳам жуда эҳтиётлик блан берилади.

Қиз ва йигитлар ясаниб олганлар. Биз ҳам қиши бўйин авайлаб келган кийимларимизни кийган эдик. Стол теварагида ўлтиручинларнинг руҳи баланд эди.

Валентина Васильевна йигит ва қизлар блан хайрлашув тўғрисида бир-икки оғиз сўз айтишимни сўради.

Кўп ўйлаб ўтирмай ҳаётимиздан олиб, бундай дедим:

«Азиз ўртоқлар! Сизлар фронт-шаҳарда мактабни таомлаб чиқаётисиз. Биз, ўқитучилар гайрат ва матонағ кўрсатганингиз учун сизлардан фоят мамнумиз. Сизлар ана шундай сабот кўрсатиб, Улуғ Ватан урушинини энг оғир кунларида мактабни тамомлаб чиқишга муваффақ бўлдингиз.

Бу саботни турмушда ҳам кўрсатасиз деб ишонамиз ва сизлар блан фаҳрланамиз».

— Биз эса,— дейди Люся Егорова,— мактабда ўқишинизга имконият яратиб берган Валентина Васильевна ва барча ўқитучиларга миннатдорчилик билдирамиз. Кишининг оғир пайтларида ба'зан қийинчиликлардан чўчиған вақтимизда, улар қандай бўлса ҳам мактабни тамомлаб чиқишилари керак деб, қулоғимизга қўйдилар.

Мактабни тамомлаб чиқучиларимизнинг тақдири энди урушдан илгаригидан бошқача бўлади: йигитларимизнинг ҳаммаси яқин орада «Катта ер»га бориб, армияга кирадилар. Қизлар Ленинграднинг ўзила қолиб, медицина олий мактабларига кириб ўқийдилар. Биз қамалдаги шаҳарда йигирма олти йигит ва қизни турмушга, жамият ишига тайёрлаб чиқараолганлигимиз учун фаҳрланамиз.


1942 йил 28 июнь

Ленинград Совети ўн йиллик мактабни тамомлаб чиққан ўқучилар учун тўй қилиб берди. Болалар кундуз куни Пионерлар саройининг боғига тўпландилар. Ленинграддаги энг яхши артистларнинг иштироки блан ёзлик театрда концерт бўлди. Концертдан кейин Пионерлар саройи залларидан бирида мактабни тамомлаб чиқучилар, артистлар ва меҳмонлар учун зиёфат берилди. Ленинград Советининг раиси ўртоқ П. С. Попков мактабни тамомлаб чиққан қиз ва йигитларни табриклиди.

Кечқурун ҳамма уйига қайтди. Шаҳримиздаги ҳозирги вазият ёшларнинг кечаси дар'ё бўйида сайр қилишларига имкон бермади.

1942 йил 29 июнь .

26 апрельдаёқ ўқитучиларнинг умумشاҳар йиғилишида Ленинград Совети раисининг ўринбосари Евгения Тихоновна Фёдорова ҳозирги вақтда мактабдан ташқари ишлар — полизларда ишлашдан иборат эканлигини билдиради. Болалар мудофаа маҳсулотлари ишлаб чиқараёт-



тан Ленинград заводларини сабзавот блан та'минласалар, фронтга катта ёрдам берган бўладилар. Мактабларнинг деҳқончилик лагерьлари ўқучиларнинг ёзни шаҳар ташқарисида, офтобда яйраб ўтказишларига имкон беради. Қишиш бўйи кўп оғирчилик тортган болалар бу лагерьларда ўз вақтида овқат еб, ўз вақтида дам олиб, саломатликларини яхшилайдилар.

Мен мактаб илмий мудири бўлганим учун деҳқончилик ишларига жўнашим керак эди.

— Биз лагерьга олиб кетилиши керак бўлган буюмларнинг рўйхатини ёзиб, илиб қўйдик,— дейди менга Алла Гурбанова.

— Биз чиройлик бир шиор ҳам ёзишимиз керак, уни ҳар сафаргида зинапоянинг устига илиб қўямиз,— дейди

Юра Артюхин.— Биз шиорни ёзиб қўйғанмииз, сизга ёқармикан?— деди-да, Юра менга қоғозни узатди. Қоғозга мана бундай сўзлар ёзилган эди.

### ИШЧИЛАР СТАНОК ЁНИДА, УҚУЧИЛАР ПОЛИЗЛАРДА ИШЛАШ БЛАН ФРОНТГА ҚАТТА ЁРДАМ БЕРГАН БҮЛАДИЛАР

Бу ишга ўқучиларни жалб қилиш осон-у, аммо отаоналарга тушунтириш қийин. Улар ўз болаларини узек-қа юборишдан қўрқадилар. Улар оғир қишидан зўрға саломат олиб чиқкан болаларини эндиликда лагерьга ёлғиз юборгилари келмайди... Ота-оналар, болаларимизга яхши қаармиканлар, уларнинг аҳволи нима кечар экан, очин-тўқин қолишмасмикан, деб ташвишланадилар.

Лагерьнинг Пери станциясида бўлиши ҳам уларни чўчитади, чунки бу станция фронтга жуда яқин эди.

Болаларни жўнатиш масаласи ҳарбий қўмондонлик блан келишилган ва бу жойларда ҳечқандай уруш бўлаётгани йўқ деб, уларни ишонтирдик. У ернинг табииати жуда яхши: унда ўрмонлар, қумлоқ кўллар борлигини, ҳавоси тозалигини тушунтирдик. Лагерьга жўнашга яхши тайёргарлик кўрилмоқда. Севастополь ёнида қаттиқ жанглар бораётганидан кўнглимиз безовга.

### „ПЕРИЧИЛАР“

1942 йил 2 июль

1 июль куни эрталаб соат еттида мактабга етиб борнип учун кетаётган эдим. Орқамга рюкзак (халта) эсиб олганман. Уни Қавказ саёҳати вақтида ҳам олиб юрган эдим. Ёмғир саваламоқда.

Мактабга ота-оналар кўп тўпланган эди. Улар Пери станцияси Фини чегарасига яқин эмасми деб, яна сазоллар бернишади.

— Бирдан болаларни у ердан Ленинградга юбормай, бошқа жойга жўнатишга тўғри келса, унда нима бўлади?

Биз ота-оналарни юпатиб турган пайтда буфетчи хотин жўноячи болаларга иончига учун ёғ сурилган қора ион улашди.

Йўлга тушдик. Энг олдинда Валентина Васильевна зонтик тутиб борар эди. Ота-оналар болаларнинг буюмларини кўтаришиб бордилар. Кўп болалар юришга қийналиши; қамал шароитида ўтган қаттиқ қишининг та'сири билинмоқда. Катта болалар уларга ёрдамлашдилар.

Финляндия вокзали болалар блан тўлган, булар бизнинг районимиздан лагерьларга жўнаётган ўқучилар эди. Вокзалга киришда пропускалар синчилаб текширилди...

Болалар жўнашларидан жуда хурсанд. Коля Ушаков темир йўл ёқасида қизарип етилаётган ёввойи қулубнайни кўриб қолиб, уни оламан деб вагоннинг деразасидан йиқилиб тушишига сал қолди.

Ҳамма жойда уруш шарпаси очиқ сезилиб турар эди: окоплар, блиндажлар, дзотлар кўп. Ўғил болалар мени ҳарбий техника блан таништириб бордилар. Ана у бронепоезд, нариги очиқ вагонда тургани катта зенитка дейишди. Ҳамма ер ҳарбийлар блан тўлган.

Токсовонинг чиройлик кўллари кўринди. Кўлларнинг бўйларидаги сердараҳт чорбоғларга Ленинграддан келган майдай болалар тўлган.

Ёмғир тўхтаб, кун чарақлаб очилиб кетди.

Юкларимизни ортиш учун юборилган машина Пери станциясида кутиб турган экан.

Буюмларимизни машинага ортиб, ўзимиз пиёда жўнадик. Шаҳарда ҳамавақт тош терилган ва асфальтланган йўлларда юрганимиз учун, бу ердаги тупроқ йўл бизга ёқиб қолди. Даладаги иланг-биланг сўқмоқ йўл ундан ҳам яхши эди. Кўкатлар баланд ва қалин бўлиб ўстган, гул демаганингиз қайнаб ётипти..

— Қандай яхши-я! Одамнинг баҳри очилади!— деб қизлар хурсанд бўлишди.

Боря Заполевский:

— Отқулоқ жуда кўп экан-э!— деб, уни узиб, оғзига қолаберди.

— Сизларга нима деган эдик! Ўқитучиларга кўрсатмасдан ҳечқандай кўкат еманглар, дейилган эмасмиди?!

— Отқулоқ ёмон кўкат эмас-ку,—деди Заполевский.

Биз уч километргина йўл юришимиз керак эди, аммо ҳаво ва офтоб болаларни бўшаштириди, бунинг устига ўзлари ҳам бедармон эди. Биз манзилимизга еткунча, йўлда икки марта дам олдик.

Бу ернинг маизараси Токсоводагига ўхшамайди. Кўл йўқ, фақат узоқдан ўрмонлар кўмкўк бўлиб кўринниб

туарди. Ерлари паст-баланд, серўт бўлиб яшнаб турди ва кишининг баҳрини очади. Турли-туман гуллар чаман-чаман очилиб ётипти. Бундай гўзал манзара, ёқимли ҳаво ва тўргайларнинг сайрашлари, урушни бутунлай унуттириб юборади. Ҳарбиrimиз ҳам тинч вақтларни, ёзги пайтларда ана шундай жойларда дам олганлигимизни эсладик.

Гуля Виленчик кўкатга ағнаб ётиб:

— Шаҳарда юраберган эканмиз-да, бунақа жойлар ҳам бор экан-у! — деди.

«Судомех» заводининг ёрдамчи хўжалигига яқинлашганимизда қўриқ ерлар тугаб, кейин экизор ерлар бошланди. Бу ерларга Ладоганинг нариги томонидан келтирилган уруғлиқ картошка экилган. У жуда кеч экилганидан энди униб чиқаётнир.

Туш пайтида лагерьга стдик. У тепаликда экан. Пастлаги кўмкўк далалар кўнгилларни яйратади, узоқдаги ўрмонлар қора чизиққа ўхшайди.

Саройларнинг биррида оқ алвонга қизил ҳарфлар блан:

### ЕШ ПОЛИЗЧИЛАРГА САЛОМ!

деган сўзлар ёзилган.

Биз мана шу ерга жойлашишимиз керак эди.

Болаларнинг кўплари ма’юсликка тушганликларини сезиб қолдим, чунки шаҳарга ўрганиб қолган болалар, бу саройни қўриб, чўчиб кетдилар.

— Болалар, «сарой» сўзининг маносини биласизларми?

— Ҳозир, ҳозир. Сиз бир вақт айтиб ҳам берган эдингиз, «Сарой-Боту»—Ботунинг Волга бўйидаги пойтахти бўлган; ҳашаматли бино дегани-да, деб апил-тапил жавоб берди Алла Гурбанова.

— Тўғри. Биз ҳам бу ерии ана шундай чиройлик саройга айлантиришимиз керак. Қизлар бинони тозалашга киришади, ўғил болалар эса, ётадиган жойларимизга нарсалар ёядилар, тешик ва кавакларни тўсадилар, совун ва бошқа нарсаларни қўйиш учун токчалар тайёрлайдилар.

Турадиган жойимиз тозаланаётган пайтда биз лагеръда биринчи марта ташқарида педсоветимизнинг мажлисини ўтказдик.

Үгил болалар бригадасига раҳбарлик қилиш вазифаси Анна Людvigовна Артюхина га топширилди. Урушдан илгари у ота-оналар комитетининг актив а'зоси эди. 1942 йилнинг май ойида у мактабга келиб, менга бирор вазифа топширсаларингиз деди. Уша вақтда мактабимизда I-нчи синф ўқитучиси йўқ эди. Район халқ маориф бўлими группа раҳбари юборганига қадар шу синифга қараб туришни унга топширган эдик.

Ўқитучи юборилмаганидан Анна Людvigовна мактабда ишлаб қолаберган эди. Ҳозир у ўгил болалар бригадасига раҳбарлик қилиш вазифасини ўз устига олишдан ташқари, ўз бригадаси турган саройга кўчиб ўтмоқчи ҳам бўлаётир. Унга эргашиб мен ҳам қизлар жойлашадиган саройда ётишга қарор бердим.

1942 йил 3 июль

Келган кунимиз кечаси жудди ялангликда ухлагандай бўлдик. Ҳамаёқ жимжит; зениткаларнинг овози ҳам, аэропланларнинг гувиллаши ҳам эшитилмайди. Бундан жуда роҳатланиб кетдик. Лекин нотинч ухладик; кўп болалар уйқуда босинқираб қичқирдилар ва ҳатто йиғладилар. Қизлар тушларида кўрганларини эрталаб айтиб бердилар: уларнинг тушларига замбараклардан ўққа тутишлар, чийиллаб тушаётган бомбалар кирипти.

Мен ҳам жуда ёмон ухладим ва эрта саҳардан туриб олдим. Қиши бўйи мадорсизланиб қолган болалар блан далаларда ишлашдан ташвишландим.

Эрталаб ёрдамчи хўжаликнинг директори Михаил Афанасьевич Валуевнинг олдига бордик.

Директор менга қараб:

— Масала бундай, ўртоқ! Ўқучиларингиз икки кунгача далага чиқмаса ҳам майли. Дам олинглар! Турган жойларингизни тузатиб олинглар!

— Албатта, болаларга дам бериш керак, қиши бўйи ҳазилакам азоб тортганлари йўқ,— деди бир аёл ишчи.

Яна бир хотин гапга аралашиб:

— Булардан нима фойда бўларди? Биз, ўзаро: «Ким билсин, ёрдамлашгани келишганмикин, ёки зарар етказганими? Сабзавотлар пишли, дегунча қийратишга тушадилар...» деб ҳам қўямиз,— дейди.

Биз ўқитучиларни ҳам худди ана шу масала бесаранжом қилмоқда эди.

Ишларимизни ташкил этабошладик, ҳар куни икки навбатчи тартиб ва тозаликка, олиб келган унча-мунча нарсаларимизга қараб туради. Иккинчи саройда клуб ташкил қилишга киришдик. Үғил болалар томни тузатишига киришди, ҳамма тешик-туйнукларни чим блан беркитиб, томга толь ёпмоқдалар.

Болаларнинг лагеръни ҳавас блан тузатишлари мени шодлантириди.

Горнимиз йўқ-да. Горнисиз лагерь — лагерьми — деб хафа бўлишади болалар.— Горн чалиш тақиқлангани ёмон бўлди-да,— дейишади.

— Биз ленинградлилар энди ўзимизни «перичилар» деб айтишимиз керак, деб гап топди Виленчик.

«Перичилар» деган ном болаларга жуда ёқди ва ўрганиш бўлиб кетди.

1942 йил 5 июль

Клава Кудрявцева даладаги биринчи кунги ишимиз ҳақида шуларни ёзипти:

«Бизни эрталаб соат олтида уйғотишди. Ўриндан туришга ва зарядкага боришга жуда эриндик. Ташқарида оёқларимиз совқотди, шудрингдан кўкатларнинг усти ҳўйл бўлиб қолган эди. Далани туман босган, аммо офтобнинг иссиғи яхши эди. Қий-чув блан ҳовуз бўйида бет-қўлларимизни ювдик. Алла ўзининг кичкина укаси Валерикни бақиртириб муздай сувда ювнитириди».

Ноништадан кейин ёрдамчи хўжалик директори келиб, бизни участкага бошлаб кетди. Бизга топширилган вазифа — жўякларни ўташ экан. Экинни бутунлай ўт босиб кетган: жўяк блан ерни ажратиб бўлмайди, экин бўлса кўринмай кетган! Иш бошландию, лекин жўнашабермади. Ба’зи болаларнинг қўлларини кўкат тилиб кетди, ҳамма тез чарчаб қолди ва:

— Анна Людvigovna, соат неча бўлди? Овқатга қачон чиқамиз?— деб минут сайин сўрашга тутиндилар.


Иш бошланганига икки соат бўлди деганда дармонсиз болалар қайтиб кетишиди, врач уларнинг фақат эрталабки пайтлардагина ишлашига рухсат этган эди.

Мен обедгача далада бўлдим. Михаил Афанасьевич блан биргаликда ҳамма бригадаларга бордим. У болаларни авайлайди ва:

— Хафа бўлманг, кейинчалик иш юришиб кетади, бирданига бўлмайди-да! — деб, мени юпатади.



Болалар ҳавас ва гайрат блан ишладылар. «Мутахассислар» шаҳарларга экин ўргатмоқдалар.



Болалар обедтаса күнләб жуда чарчад қайтишын да  
шарров ҳовуз бүйиге юбингани көттисиди. Сөвүү сүр үләр-  
ни тетиклантирган бүлсә көрәк, оңдат маңаптаха ҳазыл  
шаплар айтишиб құлғысади. Некин үқитуцилар жуда чар-  
шаганларидан уларга сүз ҳам тағыр қытмашы шекилди.

Обеддан кейин «үйкү соати» бошланды. Ҳамма ро-  
жатланиб ухлади.

Биринчи күнги иш болазарни чарчатыб қўйсан бүлсә:  
да, улар кечкүруғи бояғидай хурсандылык қылышади. Улар  
есарой олдидағи ялантылқта бүлсан катта харсанғанғын үс-  
тигя патефон қўйишиб, таңца тушиллар. Клава Курояз-  
щева Вова Ланцовта таңца ўргатмоқчи бўлди. У блан  
шальсга тушиш енгиз иш эмас эди, чунки у чаққон ҳара-  
қат қилолмас ва ўз «хоним»нинят обирини тоз-тез босиб  
олларди. Клаванинг юзи олов бўлиб кетди. У ҳавзалашади:

— Вовка блан таңца тушиш осонми? — деб шовқия  
смолиб гапирди.

Бир тўда болалар ялантылқда футбол ўйнадилар.

Кечки пайт жуда хушчақчаклиқ блан ўтди. Ухлашга  
ёттар эканмиз, Алла Гурбанова:

— Қизлар дейман, бизга бу ер дуруст калиб қол-  
ди-а! — деди.

1942 йил 6 июль

Эртаси куни ҳам экин ўтадик ва анча яхши ишладак.  
Болалар ҳавас ва ғайрат блан ишладилар. «Мутахассис-  
лар» шаҳарлиларга экинни ўташ тартибини ўргатмоқда-  
лар.

Аммо чатоқ ишлар ҳам бўлди.

Валуев менга ер ёқасида дуч келиб:

— Ксения Владимировна! Болаларингизниң нима  
қилгани у? Ҳамма савзини юлиб ташлашилти. Уругини  
«Катта ер» дан зўрға келтирганмиз! — деб койиди.

Мен жуда ҳайрон бўлиб:

— Ийе, жуда чатоқ бўпти-ку, Михаил Афанасьевич,  
энди нима қилдик? — дедим.

— Майли энди, нима қилардик. Бундан кейин болалар  
бўйлмайдиган экинни ўталадиган бўлса далага ўзим бир-  
га чиқаман,— деди.

— Савзини юлиб юборишган бригадага бордим. Бо-  
жалар дув келишиб:

— Айб бизда эмас! Атайни қилганимиз йўқ! Савзи-  
нинг барглари майда экан, кўкатдан сра ажратиб бўлмай-

ди. Кеча худди шу савзига ўхшаган бегона ўтни кўргаётди,— дейишиди.

Аксига Зина Оболенкина бугун навбатчи-я! У албатта ажратиб берган бўларди.

Раҳбар Клавдия Сергеевна Сахарова жуда хафа ҳолда:

— Ҳаммадан кўпроқ мен гуноҳкорман. Бу ерга лавлаги экилган, деб ўйлабман. Асли сўраш керак экан. Болалар бугун яхши ишлашибдио, лекин мана шу томони чатоқ бўлди-да! — деди.

1942 йил 9 июль

Болалар врач «қабинети» деб оталган кичик бир ҳамомчага тўпланишиб олган. Врач ҳафтада бир марта келиб, ўқучиларнинг соғлигини текшириб кетади.

Валия Петерсон деган қиз йиғлашга тушди: унинг юраги касал, офтобда юрмаслиги ва кам ишлаши керак, деб айтипти.

— Керакмас, ҳамма ишлагандан мен бекор тураманми,— дейди у.

Лёля Кутъе эса, ишдан бўшатинг, деб туриб олди:

— Елкамга яра чиққан, мазам йўқ, кўп ишласам зарар қиласди,— дейди:

Врач унга қараб:

— Шуям ярами, зиғирдаккина бир нарса чиққан,— дейди.

Катта қизлар Лёляни масхара қилиб кулишди. Клава Кудрявцева эса:

— Уни шаҳарга жўнативоринг. Дангасадан нима фойда чиқарди,— деб дангал гапирди.

— Мактабимизда бутун қиши бўйи иш тўхтагани йўқ,— эндиликда ўзимизни лагерьда шарманда қиласизми! — дейди Юра Артиюхин.

---

Кечқурун директорнинг уйига бораётсам, Лёля йўлимни тўсиб чиқди-да:

— Лагерьдагилар мени ёмон кўришади, қизлар мен блан гаплашмай қўйишиди. Ўғил болалар орқамдан мазах қилиб қолишади,— деб шикоят қилди.

— Нима деб мазах қолишади?

— Дангаса, ялқов, нозигойим, у-бу дейишиди.

— Сен ўшалардан шикоят қилгани келдингми?

— Йўқ-йўқ, бу гапни яна бошқаларга айтиб юрманг?

— Бўлмаса нимага гапирдинг?

Лёля ўнғайсизланди ва:

— Менга раҳмингиз келармикан, деб айтган эдимда,— деди.

— Бу масалада раҳмдиллик қилолмайман. Бонқалардан кўра кам ишлашга рухсат олгансан. Врач шунчалик хабар олиб турса-ю, арзимаган нарсани баҳона қилиб, жўнаш пайига тушишинг яхшиими? Бунига, албатта, болалар аччиғланади-да. Фашига тегманглар, деб ўғил болаларга айтишим мумкин, аммо қизларни сен блан дўст бўлишга мажбур этолмайман. Гапимга кирсанг, лагерьда яхши ишласанг, бу гаплар ўзидан-ўзи қолиб кетади.

Лёлянинг кўзларидан дув-дув ёш оқди.

— Менга раҳмингиз келармикан, деб ўйлаган эдим! Ахир сиз мени илгаритдан биласиз-ку!

— Лёля,— дедим мен.— Уруш вақтида кишилар яхши хислатга ўрганиб қолдилар. Фронтдагиларни қўявер, мамлакат ичидағи бутун халқ бор кучи блан ишламоқда. Кишилар ўзлари яхши ишлаш блан бирга, бошқалардан ҳам қатиқ талаб қиласидиган бўлиб қолдилар. Сен бўлсанг, ўзро ҳам яхши ишлашадиган кўзлайсан.

— Сизга айтган гапларимни ҳечкимга айтмаслигинизни сўрайман!— деди Лёля ва «кечирасиз» деди-да, лагерь томонга қайтиб кетди.

Эртаси куни у далага чиқиб ишлади, обед вақтида мен унинг ёнига келиб:

— Аҳволинг қалай? Унча чарчамадингми?— деб сўрадим.

— Йўқ, яхши. Бугун ҳаво салқинроқ...— деди.

---

Район маориф бўлимидағилар Пери станциясида район партия комитетининг вакиллари бор, деб айтган эдилар. Бирон қийинчилик туғилган тақдирда ўшаларга мурожаат қилишимиз керак эди.

Улар қайин дарахтлари ўртасидаги кичик бир уйда турарди. Бу уйчага ботқоқлик ўртасидан юрабериб, гез орада йўл очиб олдик. Болалар уни «марказга олиб бора-диган энг яқин йўл» деб юргиздилар.

Бу уйчада Октябрь райкомида ишловчи икки хотин турарди. Лагерьдаги ишларни йўлга қўйишда улар бизга

ёрдам бердилар: бизга нималар кераклигини ҳар доим суриштириб турдилар ва «иш нормаси» тузиб чиқиш вақтида болаларга ҳам қийин бўлмасин, хўжаликка ҳам зарар етмасин, деб биз блан бирликда бош қотирдилар.

1942 йил 13 июль

Михаил Афанасьевич Валуевни учратган эдим, у арз қилишга бошлади:

— Ксения Владимировна, ўғил болаларингиз картошка ўғирлашаяпти экан! Даладан ўтиб кетаётсан, болалар турган экан. Мени кўриб қолиб қочишиди. Шу блан уларни иккинчи марта кўришим...

Кечқурун ёнимиздаги ёрдамчи хўжаликдан бир хотин келди.

— Ўғил болаларингиз бугун биз томондаги дараҳтзорда ўт ёқиб, картошка пиширишди. Мен у болаларни таниёлмайман, аммо бирининг оти Эрик экан,—деди.

Ўғирлиқча картошка пишириб еганлар кимлар экағлигини билиш учун тугуннинг учи топилди: чунки лагеримизда Эрик исмли бола фақат биттагина эди. Уни чақириб, суриштирабошладик. Эрик олдимизга келгач, жуда кеккайиб турди, унинг кўзлари ўйнар эди.

— Картошка ўғирладнингми?

— Нима қиласман картошкани,— деб гўнфиллади.

— Тўғрисини айт. Совхоз ишчилари дараҳтзорда картошка пишириб еганларнинг бири Эрик деган бола экан, деб айтдилар. Лагерьда бошқа Эрик йўқ-ку!

— Эҳтимол, улар чатоқ эшифтандирлар!

Яхши сўз блан ҳам, қаттиқ гапириб ҳам натижага чиқараолмадик.

Юра Булатовни чақиридик. Валуев ҳам уни картошка экилган ерда кўрган экан.

Юра олдимизга киргач, ўзини ботир қилиб кўрсатмоқчи бўлиб, бир оёғини олдинга узатиб, қўлларини чўнтакларига солиб, керилиб турди. Унинг кўмкўк кўзлари бизга сра қарамас ва зўр бериб шипга тикиларди. Лагерь бошлиги мулоҳимгина гап бошлади:

— Қўлларингни чўнтакдан чиқариб, сал тўғрироқ тургин-чи. Юра қўлларини чўнтағидан олди ва латта бўлиб қолган фуражкасини эзғилайбошлади.

— Сўроқсиз картошка қазидингми?

— Йўқ.

- Емадинг ҳамми?
  - Йўқ.
  - Бўлмаса, далада болалар блан шимя қилиб турган эдинг?
  - Қизиқиб бордик-да,— деди Юра ва бигли чикини.
  - Лагерьнн уятга қолдиришининг шимя қизиги б-фэди?
  - Бунақа бўлишини ким билинти. Болалар: «Гултурдан қолган картошкани қазнймиз» дейиниди. Иккичи сафаргисида далага борганим ҳам йўқ, лекин даражатзорда ўт ёққаним рост.
  - Ўт ёкиш ҳам қизиқ бўлар эканими?
  - Ҳа, қизиқ-да,— дейди Юра, лекин бу гапига бизнинг ишонишимиизга ўзи ҳам гумонсирап эди.
- Унинг «уруш кунларидағи қисқача таржимаи ҳоли» да ёзган сўзлари эсимга тушди. У: «Мен ҳамавақт олди-қочди воқиаларни яхши кўрар эдим» деб ёзган эди.
- Бўлмаса, бутун лагерь мажлисида жавоб берсан,— дедик унга.

---

Кечқурун лагерьнинг умумий йиғилишини ўтказдик. Болалар биз турган сарой олдидағи ялангликда сағта тизилдилар. Лагерь бошлиғи Зинаида Михайловна Горцева воқиа тўғрисида қисқача ахборот берди ва гуноҳкорларнинг номларини айтди.

— Бу болаларга қандай чора кўришни йиғилишнинг ўзи кўрсатиб берсин,—деди у.

Ҳамма ўйланиб қолди.

— Мен буларнинг ҳаммаларини шаҳарга жўнатиб юборишни таклиф қиласман,— деди Клава Кудрявцева.

— Юранинг гуноҳини кечирсак бўлар эди, чунки у илгари ҳеч ёмонлик қилас эди,— деди Гуля Виленчик.

— Тўғри, у қишида ҳам шаҳарда яхши ишлади,—деб қувватлади Ушаков.

— Болалар,— дейди Зинаида Михайловна,— биз сизларга вақт берамиз, гуноҳкорларга қандай чора кўриш масаласини ўзларингиз ўйлаб кўринг. Кейин ўз фикрларингизни бизга айтасизлар.

Болалар, лагерь ша'нига доғ туширган бу воқиапи группа-группа бўлишиб муҳокама қилишга кирнишдилар. Юранинг бояги кеккайниши йўқолди, у жуда ҳаяжонлангандай бўлиб кўринди.

Ҳаммалари яна сафга тизилгач, Юра Артюхин олдинга чиқиб, бундай деди:

— Лагерънинг фикри шуки, икки марта картошка ўғирлаган болаларни шаҳарга жўнатиш керак, аммо Юра Булатовга шу ернинг ўзида чора кўриш керак. Чучки у картошка ўғирлашга қатнашмаган. Ўғил болалар бригадаси уни тузатишни ўз устига олади.

Бу қарор бизга ма’қул тушди: бу — болаларнинг бутун коллектив учун жавобгарлик сезабошлаганликларини кўрсатарди.

1942 йил 18 июль

Қўшинларимиз Севастопольни ташлаб чиқиб кетганликларини шаҳарда эшидим. Шу қайғули хабар босилган газеталарни лагеръга олиб келмоқда эдим.

Посёлкага яқинлашганимда лагерь комсомол ташкилотчиси блан тарбиячи Клавдия Сергеевна Сахаровалар менга дуч келишди ва болаларнинг руҳи тушиб кетганигини айтишди. Улар қўшинларимизнинг Севастопольдан чиқиб кетганликларини эшитиб, Ленинград учун яна ҳам кўпроқ ваҳимага тушиптилар.

Кечки овқат тамом бўлиши бланоқ лагерънинг умумий йигилишини чақирадиган бўлдик.

«Ленинградская правда» кундуз куни ўқиб берилган экан. Мен Марказий «Правда» да Севастополь ҳақида босилган мақолани ўқиб бермоқчи бўлдим.

Мақолани ўқиш жуда оғир, ўпканг тўлиб кетади. Мақолада Севастополь ҳимоячиларининг қаҳрамонликлари тасвирланган. Ундаги гаплар юракни эзарди.

Мақола ўқилиб бўлганида ҳамма жим қолди.

— Севастополь мудофааси қанча давом этди экан? — деб сўрайди ўғил болалардан бири.

— Саккиз ой.

— Бизниги яқинда бир йил...

Тош устида ўтирган Клавдия Сергеевна бирдан ўриндан турди. Юзида ёш томчилари ялтиради. Ана шу ҳолатда у бирор нарса айтаолармикан, деб ўйладим. Йекин у Севастополь учун қаттиқ қайғиришимизни жуда келиштириб, та’сирли қилиб гапириб берди.

— Сиз блан биз фронтга айланган шаҳарда яшаймиз. Фалаба кунига етмоқ учун ҳарбир киши бу курашга ўз ҳиссасини қўшмоғи лозим. Бизнинг шаҳримиз Совет Иттифоқида бирипчи бўлиб, ўз дарвозалари ёнида немис-

ларни тұхтатди ва бутун дүнгөнің қойылған қолдирлы. Мини бундан бізниң зиямамызға қарапай кетте на шифалыр тушишини фаҳмлайсизми, ўргоқшар! Марқ ти жиңүр бұлайлык биродарлар!

Клавдия Сергеевна ҳаяжонлашып гашыргашын үчүн ҳам унинг сүзлари жуда тағырали чиқды. Бозалардан иницијатива пасайынб, чироїллари очилаб ошылғанынин сөздім.

Бошқа ҳечкім сүзламады. Бунинг ҳожаты ҳам ішүк зәді. Қайғу-аламда ҳам, ғыз вазифамызни бажарында ҳам біз бир тан-бир жон бўлиб кетган зәді.

1942 йил 20 шулк

Мен Ленинградда иккі күн бўлдім. Ҳамма жойда тұп-тұп денгизчилар қўринаади. Улар оҳак қориб биринчи қаватларниң бурчакларидаги деразаларни ғишил блан уриб ташлаб, ўқ отадиган тешиклар очмоқдалар. Ленинград жангга ҳозирланмоқда зәді.

Мактабнинг йўлагига кирсам, ерда бир қўғиричоқ ётипти. Уни қўлимга олиб, яқиндаги синфга кирдим. Кирп ҳайрон қолдим. Унда катта-кичик ва хилма-хил каравотчалар, туарар зәді.

Нариги синфда бир муаллимани майдада болалар ўраб олишган. Улар қоғозлардан ҳархил сурат қирқмоқдалар, кубикларни териб ўйнамоқдалар.

Бу — болалар майдончаси зәкан. Уруш вақтида мактабимиз шу районда яшовчи ҳамма кичик болаларни ёз бўйи тарбиялаш вазифасини ўз устига олган зәді.

Шу пайтда бир денгизчи лейтенант келиб қолди, у ўз ҳужжатларини кўрсатди ва мактабни кўрсатиб чиқишини сўради.

— Бурчакдаги синфнинг айвонга қараган эшигини ғишил блан уриб ташлаб, пулемёт отиш учун тешик ясаш керак, нариги айвонга эса, жангчини тўсиб турадиган ғишил девор уриш керак. Бу ишларни мактабнинг ўзи бажараоладими? — деб сўради у.

— Йўқ. Катта ўқучилар полизда ишлашаяпти. Шаҳарда фақат дармонсиз ва кичик болаларгина қолган, — дедим мен.

— Унда бўлса, ишчилар юборамиз.

Учинчи қаватга чиқдик, сўнгра овқатхонага тушдик, у бинонинг ҳамма бурчаклари боягидай қилиниши лозим, деб кўрсатма берди. Йўл-йўлакай лейтенант болалар тўғ

рисида савол берди. Унинг ўзи ҳам ҳали боладай. Исаакийга тикилиб:

— У сизларни яхши тўсиб турар экан,— деди.

1942 йил 25 июль

Зинаида Михайловна Горцева «Катта ер»га командировкага жўнагани учун мен лагерь бошлиғи бўлиб тайнинландим.

Лагерь ишлари йўлга қўйилгани учун ҳозир бу вазифа унча қийин эмас эди.

Болалар жуда яхши ишламоқдалар. Шунга кўра, Михаил Афанасьевич ҳам:

— Ўқучилар бунчалик ёрдам беради, деб ўйламаган эдим,— деди.

Бутунлай ўз ихтиёрларига топшириб қўйилган участкада ўқучилар айниқса берилиб ишламоқдалар.

Болалар уни намунали участкага айлантиришга ва’да бердилар. Улар кўпроқ брюквадан яхши ҳосил олишни умид қиласдилар.

— Биз бу экинга ўғитни кўп солсак, ҳосил ҳам кўпчиқади, дейишади.

Биз ҳаммамиз ҳам полиз ишларига уста бўлиб кетмоқдамиз. Жўяқлардаги савзини кўкат деб ўйлаб, юлиб ташлаганимиздан ҳозир ўзимиз ҳам куламиз.

Болалар шаҳарга қайтгач, Ленинграднинг парк ва скверларидаги экинни кўриб қолсалар, дарров шу тўғрида гап очишлари аниқ.

Улар:

— Денгизчилар Адмиралтейство боғидаги карамни яхши ўғитламаган экан, шунинг учун барг ўрамай қопти.


— Ёзлик боғда дараҳт кўп, салқин. Шунинг учун унга экин экишдан фойда йўқ.

— «Астория» меҳмонхонасининг рўпарасидаги боққа экилган экинни кўрдингизми? жуда яхши бўпти-да! дейишади албатта.

Болалар ишга жуда берилиб кетишли, ҳарбир бригада ҳам, мумкин қадар яхши ишлашнинг пайида.

Яқин орадаги лагерьлардан бирини мусобақага чақирайлил, деб таклиф қилдим.

Юра Артиохин, Алла Гурбанова ва Боря Заполевскийлар яқинидаги бир лагерьга бордилар, аммо кўнгиллари совиб қайтди.



Улар блан мусобақа қилиш заардан бошқа ҳечнарса бермайди. Тартиб деган нарса йўқ экан. Боря, сен навбатчилар тўғрисида гапириб бергин,— дейди Юра.

Кичик, думалоқдан келган Заполевский лагеримизда жуда меҳнаткаш бола. Узи сипо, лекин пакана ва юзи ёш болаларникдай лўппи бўлганлигидан қизиқ кўринади.

— Биз лагерьга етиб бордик,— деб сўз бошлайди Боря,— улар чорбоғда турар эканлар. Эшик олдидағи супачага чиқсам, ҳечким кўринмади. Ётоқхонага кирдим, бу ерда ҳам одамдан асар йўқ. Чорбоғни бир айланиб чиқсак, навбатчи дараҳт тагида ухлаб ётган экан. Биз уни уйғотдик. Мен: «Бригадаларингиз қаерда ва нима қиласяпти?» деб сўрадим. У: «Билмайман!» дейди. Мен: «Навбатчи педагог, ёки лагерь бошлиғи қаерда?» леган әдим, яна «Билмайман» деб жавоб берди. Шундан кейин мен унга: «Сен қанақа навбатчисан? Ётоқхонага чет кишилар кириб юрса-ю сен бу ерда ухлайберсанг. Билмаймандан бошқа жавобиниг йўқ экан. Биз текширгани келдик» дедим.

Улар бизга ўзларининг иш нормаларини кўрсатдилар, ҳаммаси бизниқидан кам қилиб тузилган. Уларнинг лагери блан мусобақа бошлаш керак эмас,— дейди Алла.

Эртаси куни биз «мартийчилар» ёнига бордик. Болалар Марти номли заводнинг ёрдамчи хўжалигидағи лагерьга ана шундай ном берган. Бу лагерь болаларга ёқди. Улар «мартийчилар»га ҳаваслари келиб:

— Роҳат шуларники экан,— ўрмоннинг қоқ ўртасида, палаткаларда туришаркан!— дедилар.

Лагерь бошлири бизни клубга бошлаб борди. У ерда чиройлик қилиб чиқарилган деворий газеталар бор экан. Уларда ўртоқлик ҳазиллари қизиқ қилиб ишланипти. Масалан, бир суратда дангасани сув қуйиб ўйғотаётгандиклари, яна бир суратда савзи ўғирлашни яхши кўрадиган бола кўрсатилган. Унга бир боғ савзининг думи тишлатиб қўйилган.

Юра улардаги нормалар блан танишгач, «мартийчилар» блан «перийчилар» ўртасида полиз ишлари ҳақида суҳбат бошланиб кетди. Улар блан социалистик мусобака шартномаси тузишга аҳд қилиб қўйдик.

Қайтишда Юра блан Алла уларни енгиш йўлларини ўйлашди.

— Ҳозирча қўлимизнинг баландлиги шундаки, улар тайёрига келган бўлса, биз ҳамма нарсани ўз қўлимиз блан қурдик.

— Бу унча аҳамиятли эмас, чунки улар ҳам палаткаларни ўзлари қуриб олишипти-ку.

— Ёмғир ёққанида улар юлдуз санаб ётсалар, бизни килар сават тўқишиади,— деб сўз қистирди Заполевский.

— Саватни фақат кичкина болаларгина тўқияпти-да.

— Болалар, биз ўроқчилигимиз блан мақтанишимиз мумкин!— деб шодланиб гапирди Алла.

— Сен улардан экин ўрасизларми, деб сўрадинг-ми?— Эҳтимол, улар ҳам ўришар.

— Улар ўз саҳна ҳаваскорларининг ўйинларини кўришга чақирди. Биз ҳам лагеримизни гуллар блан безаб ташлаймиз ва ўзимиз ҳам тамоша қўйиб берамиз.

«Мартийчилар»ни мусобақага чақирадиган бўлдик.

1942 йил 5 август

Ез тез ўтаяпти. Ўрмонда маймунжон, черемухалар ҳам пишиб, қайнаб ётипти.

Ботқоқликда клюква қизара бошлади, аммо ҳали анча ғўр, шунга қарамай, болалар уни халта-жалта қилиб теришиб, шаҳарга олиб бормоқдалар.

Юра Бўлатов клюква теришга ҳаммадан уста. У ботқоқликда клюква терадиган алоҳида жой топиб олган, ба'зи болаларин ўша ерга бошлаб боради.

Аммо болалар кўпроқ қўзиқорин теришга қизиқадилар. Саройимизнинг ичи қуритилган қўзиқорин шодалари блан тўлиб кетди.

Қизлар шаҳардан кичкина бочкалар олиб келишиб, қўзиқоринларни тузлашга киришдилар.

Кечки пайтларда болалар қоронғи тушгунча ялангликда ўт ёқишиб, қўзиқорин қайнатишади.

Навбатчиларга яна бир иш топилди. Улар қоронғи тушиши блан ўтлар ўчирилганми-йўқми эканлигини қаттиқ текшириб туришлари керак, чунки қоронғида ўт душман учун нишон бўлиб хизмат қиласди.

Болалар қўзиқорин ва мевалар териш учун ўрмонга борганлари-борган. Бизнинг ёнимиздаги ўрмон жуда катта: у бирнеча километр келади. У нуқул тик ўсан . баланд қарағайлардан, арчалардан иборат. Кўмкўк маъин чимни боссанг, оёғинг ботиб кетади. Ўрмоннинг ичи жимжит. Қизилиштонларнинг дарахтларни чўқиганлари эшитилиб туради. Қушлар сайрашни қўймайди. Ба'зидан олмахон дарахтдан-дарахтга сакрайди, ёки кичкина, момиқдай думини ликиллатиб чим устидан физиллаб ўтиб кетади.

Ўрмонда қўзиқорин демаганингиз қайнаб ётади. Боровики деган қўзиқориннинг тўқ сариф қалпоқлари шундай йўл бўйидаги ўтлар орасидан кўриниб туради. Оси новики дарахтлари орасида қизил қўзиқоринларнинг қипқизил қалпоқчалари товланади, ботқоқликда эса қайнада дарахтлари остида ўсадиган ингичка ва узун қўзиқоринларнинг кичкина қалпоқчалари кўзга яқол ташлани туради.

Болаларни ўрмонга борманглар деб бўлмайди. Леки улар ҳар сафар ўрмонга кетганларнда биз ташвишлана миз, чунки болалар адашиб кетиб, фронт ёқасидаги тақиқ жойларга бориб қолишлари мумкин эди.

Бунинг устига, кўп болалар ва ўқитучилар шаҳар кишилари бўлганликларидан ўрмон ичида йўл тополмай қоладилар.

Кун кеч кириб, қоронғилик босмоқда. Катта қизлардан Ара Шестакова, Қлава Кудрявцева ва Алла Гурбановаларнинг ўрмонга кетганларига анча вақт бўлди, аммо шу чоққача дараклари йўқ. Мен ташвишланабошладим.



Бунинг устига, шаҳардан Аранинг онаси келган эди. Мендан ҳам кўпроқ унинг ташвишланиши турган гап эди.

Мен ўрмонни капитидай яхши билган хизматчи хотин-гараб:

— Маруся, юринг, бирга қидиришиб келайлик,— дедим. Маруся кечаси ўрмонда юришдан қўрқади, аммо буни сездиргиси келмайди.

— Йўқ, бўлмайди,— деди у.— Биз қизларни чақирсак овозимизни немислар эшитиб қолиб, бизни ушлаб олишади.

Михаил Афанасьевич ҳам қизларни қидириб боришимизга қарши чиқди.

— Ўрмон катта. Улар темир йўл бўйига чиқиб, станция орқали қайтиб келишлари мумкин. Агар фронт бўйига бориб қолсалар, уларни қизил аскарларимиз командирнинг олдига олиб боришади, командир эса уларни, аскар қўшиб, бу ерга юборади.

Барибир кўнглим тинчимади. Биз ўрмонга бориб, овоз чиқариб чақириб кўрдик, энди уларни тополмас эканмиз, деб турган вақтимизда уч кишининг қораси кўринди.

Улар блан хурсанд бўлишиб кўришдик ва дарров:

— Жуда қўрқандирсизлар? — деб сўрадим.

— Йўқ, биз фақат лагерьдагиларни ташвишлантириб қўйдик, деб қўрқдик.

1942 йил 25 август

Сабзавотлар пишабошлади. Мактабимизнинг участкаси ҳақиқатан ҳам намунали бўлиб кетди. Ҳарбир брюква олти-саккиз килограм келади. «Перийчилар» беҳад шод. Энг катта брюквани улар Пионерлар саройидаги виставкага олиб борадиган бўлдилар.

Ира Аглиш этикет қофозга дона-дона қилиб:

«Октябрь районидаги 239-нчи мактабининг Пери станциясидаги участкасида етиштирилган» деган сўзларни ёзиб қўйди.

Бизнинг лагеримиз полиз ишлари учун Район ижроия комитетининг кўчма Қизил байроғини олди ва Октябрь районида биринчи, шаҳар миқёсида иккинчи ўринни эгаллади. Болалар мақтов қофозлари ва пул мукофотлари олдилар. Уларнинг қувончи ичларига сифас эди.

1942 йил 7 сентябрь

Янги ўқув йили яқинлашиб қолди... Ўкиш бошлангунча мактаб комсомол ташкилотига янги а'золар қабул қилиш керак эди.

Болаларимизнинг қайсибири қандай эканлигини яхши билиб олдик. Михаил Афанасьевич Валуев кўп болаларга кафил бўладиган бўлди. Ундан даставвал Юра Артюхин кафолатнома олди. У — энг яхши болаларимиздан биридир. Юра иккинчи кафолатномани фронтдаги отасидан олди. Ўнинг отаси инженер ва партия а'зоси эди.

Комсомолга қабул қилиш маросимини лагерьда ўтказишни райкомдан сўрамоқчи бўлдим. Бу ишни лагерьда тантана блан ўтказиш мумкин бўларди. Комсомолга қабул қилиш кунининг умрбод унутилмайдиган бўлиши катта аҳамиятга эга эди.

Ара Шестакова «Комсомолга қабул қилиш маросими» деган хотирасида бу маросимни яхши тасвирлаган.

«6 сентябрь. Бугун — Халқаро ёшлар куни байрами. Ҳаво эрталабданоқ жуда яхши бўлди. Лагеримиз ўрнашган тепаликдан ўрмон сап-сариқ бўлиб кўринарди. Эрта кузнинг тиниқ, жимжит ва илиқ тонги эди.

Лагеримизда эрталабданоқ шодиёна руҳ пайдо бўлди. Ўнбеш боланинг комсомолга кириши ҳазилакам иш эмас! Комсомолга қабул қилиш маросимини лагерьда ўтказиш

учун, кече район комсомол комитетининг вакили келгай эди.

Оддий қишлоқ клубимиз бугун байрамдагидек безатилган. Клубнинг ери покиза қилиб супурилди, столга тоза дастурхон ёзилди ва даладан териб келтирилган гуллар қўйилди. Ипга тизилан гул ва барглар шипга тўлиб кетган эди.

Юрагимиз жуда ҳовлиқди. Саволга жавоб бериш вақтида шошиб қолиб, янгишиб кетмайлик деб, пишиқтириб олиш учун ВЛКСМ уставидан бир-биримизга саволлар беришдик. Энг аввал Юра Артюхинни чақиришди ва сизлар ҳам битта-битта кирасизлар, дейишди.

Ҳамма кириб чиққандан кейин, охирда ҳаммамизни бирга чақирдилар. Райкомдан келган ўртоқ ҳарбири-мизга комсомол билетини топширап экан:

— Комсомол билетини маҳкам сақла, йўқотма,— деди.

Шу пайтда бизнинг ҳарбиришимиз ҳам:

«Ҳа, ўз комсомол билетимни эҳтиёт қилиб сақлайман, комсомол ша'нига иснод келтирмайман» деган гапни кўнглимиздан ўтказдик. Шу куни улғайгандай бўлдик.

Кечқурун узоқ вақтгача ухлайолмадик, комсомолга қабул қилиш иши тез ўтганлиги ва бутун совет халқи немис босқинчиларга қарши шиддатли кураш олиб бораётган бир пайтда комсомолга кирганлигимиз жуда яхши иш бўлганлиги тўғриларида гапиришиб ётардик».

1942 йил 1 октябрь

Сталинград ёнида жанг бошланганига бир ярим ой бўлди. Эҳтимол, Ватаннинг тақдирини ўша Волга бўйида ҳал этилаётгандир.

Германия бизга қарши 240 дивизия юборган. Иттифоқчилар эса, Фарбда ҳалигача иккинчи фронт очгандари ийк!

Сталинградлиларнинг қандай кунлар кечираётгандикларини биз ленинградлилар жуда яхши тушунамиз. Чунки, жанглар шаҳар остоналарида бўлаёттири.

«Қўшияларимиз ички мудофаа доирасига кўчирилди» деган сўзлар юракларимизни эзади.

Худди шартлашиб қўйгандай, лагерьда Сталинград тўғрисида ҳечким гап очмади. Демак, катта болаларнинг ҳаммаси ҳам, аҳволнинг жиддийлигини яхши тушунади.

# ШАҲАРГА ҚАЙТДИК

1942 йил 8 октябрь

Ҳар куни ёмғир ёғади ва совуқ шамол келади. Биз нахталик тўнларда ҳам совқотамиз ва кўпинча ёмғир ўтиб, бутунлай ивиб кетамиз. Далаларда карамлар қирқиб олинмоқда ва картошкалар кавланмоқда эди.

Сарой томондан ашула овози келади. У ердаги клуб қишилик карамлар қўйиладиган жойга айлантирилган эди.

Шаҳарга жўнаб кетишга болаларнинг унча хоҳиши ўйқ. Ўғил болалар бўлса, турган жойимизни иссиқ қилиб олиб тураберайлик, қишида дараҳт кесиш ишларига қатнашайлик, дедилар. Биз жуда ўрганиб қолган Пере ўрмонидаги дараҳтларнинг кесилиши аниқ, чунки шаҳарга ўтин керак эди.

— Бу ерда қолсаларинг, ўқиш нима бўлади? — деб сўрадим.

— Ўқитучиларимиз ҳафтага бир марта навбатманавбат келиб туришса бўлади. Бир ҳафта математика ўқисак, бир ҳафта табииёт дарсини ўқиймиз, ўқишимиз шу тахлитда давом этаверади. Тарих блан немис тилидан ўзингиз дарс берасиз! — деб жавоб беришди.

Нарсаларимиз қўпайиб кетганидан шаҳарга қандай қилиб етиб олишга ҳайронман. Болаларнинг қўзиқоринлар тузлаб қўйган банкалари, клюква ёки қўзиқорин қоқи блан тўлган ёстиқ жилдлари, қуритилган ўтлари кўп эди. Уларнинг ўзлари экиб олган қоп-қоп сабзавотлари бундан ҳам кўп эди.

Болалар бўш вақтларида ўзларига берилган парча ерларни чопиб, уларга Михаил Афанасьевич берган уруғларни эккан эдилар.

Яхшики, иш ҳақимизнинг ўн процента га тегадиган сабзавотни шаҳарга боргандан кейин оладиган бўлганимиз.

12 октябрьда шаҳарга қайтишимиз, 15 октябряда ўрта мактабда дарс бошлишимиз тўғрисида хабар келиб қолди.

Ёмғир ёғиб, ўйл жуда эзилиб кетганидан, лагеримизга машина келиши қийин эди. Машина бизни тош-ўйл бўйида кутади, тош ўйлгача юкларимизни аравада влтиб берадиган бўлдилар.

1942 иил 13 октябрь

Узоқ кутилгандан кейин аравалар ҳам келди. Ўғил болалар нарсаларини күтаришиб, араваларга югуришди. Кизлар оғир қопларини ердан узолмай, жуда тажанг бўлишди. Ўғил болалар тили блан айтганда, «тирранча» ларимиз:

— Нарсаларимизни олиб боролмаймиз! Нима қиласиз энди?— деб йиғлашга тушдилар.

Шунда Виленчик, ўғил болаларга қараб:

— Юриңглар, ана у йиғлоқиларга ёрдамлашиб юборайлик,— деди.

Буни эшигтан Юра Бўлатов юк орқалар экан:

— Йиғлоқиларгагина эмас, қизларнинг ҳаммасига ҳам ёрдам бериш керак!— деди.

Правордида юкларимизнинг ҳаммаси ортилиб бўлди ва биз станцияга қараб йўлга тушдик.

Болалар вагонда нарсалар, қоплар, ёғоч бочкалар орасида ўлтиришиб, сабзавот кавшайбошладилар.

— Перига келиб зарар қилдик деб, ҳечким айтмаса керак-а?— деб сўради Вова Ланцов.

— Бошқалар айтмаса, «перийчилар» сра айтмайди,— деб ҳамманинг тилидан Ара жавоб қайтарди.

1942 иил 18 октябрь


Ленинград Совети ўтин тайёрлаш учун шаҳар четларидаги ёғоч уйларни бузиш тӯғрисида қарор чиқарди. Мактабимиз ёз бўйи битта катта уйни бузиб, ўтин тайёрлади. Мактабга келтирилган ўтин синфларни иситиш учун етарли эди.

18 октябрь— якшанба куни ВЛКСМ шаҳар комитети умумشاҳар якшанбалиги ўtkазди; мен тўртинчи синфларнинг ўқучилари блан бирга Невская заставадаги ёғоч уйларни бузиш учун бордим; Валентина Васильевна Эса, мудофаа ишларини бажариш учун юқори синфларнинг ўқучилари блан Неванинг ўнг қирғозига жўнади. Биринчи, иккинчи ва учинчи синфларнинг ўқучилари заранг дарахти баргларини тўплаш учун бўққа бордилар. Бу барглар қуритилиб, томоки қилинади.

Заставанинг нариёғида ярим-ёрти бузилган уйлар кўп, тахта ва ходалар уйилиб ётар эди. Бизга топширилган вазифа — шу тахта-ёғочларни трамвай йўли бўйига та-



Мактабымиз ёз бўйи шаҳар четларида ёғоч уйларни бузиб  
ўтин тайёргади.



шиш эди. Кечаси булар очиқ вагонларга ортилиб, идораларга элтиб берилади.

Тахта ва ёғочларни уч юз метр жойга кўтариб борилади. Қизлар бамисоли буғдоға ёпишиб олган чумолилар каби, бир катта ходанинг ёнига руж бўлишиди ва уни даст кўтариб, трамвай йўлига олиб кетишиди. Уни олиб бориб қўйгач, яна бошқасини келтириш учун югуриб кетишиди.

Ўғил болалар шу ерда бузилиб ётган болалар арава-чесининг ёнига тўпланишиб, ўзларича устакорлик қилмоқдалар.

— Ҳой, болалар! Бу нима қилганларинг, ташимайсанларми?

— Биз ҳозир ғилдиракларини тўғрилаб, аравачада ташимиз,— дейишди улар қувониб.

Ростдан ҳам бироздан кейин кўрсак, улар аравачани тузатиб, ишни анча осонлаштириб олиптилар.

Шу орада «мартийчилар» лагерининг собиқ бошлиғи болалар блан саломлашди ва:

— Үҳў, «перийчилар» ишни бопляяпти-ку! — деди.

Бу аёл киши Октябрь район ижроия комитетининг секретари блан биргаликда катта харини кўтаришиб кетди.

Районимиздаги бир мактабнинг директори қўшни уй-нинг томидан туриб:

— Болалар, нари туринглар, ҳозир хариларни таш-лаймиз,— деб қичқирди. У томни чўкич блан бузаётган эди.

Бирдан қаҳқаҳа кўтарилди. Бундай қарасам, аллаким бузилган уйдан пар солиб қўйилган битта қўлсаватни топиб олиб, 4-нчи синфда ўқийдиган бир боланинг бошига ҳазил қилиб кийдириб қўйипти. Пар ҳаммаёқقا тўзиб кетди. Шўх болалар мазах қилиб кулишди. Бола бечора устига ёпишган парларни қоқишга, оғиз, бурун ва қулоқларига кирган парларни қўли блан териб ташлашга киришди.

Бундан аччиғланмадим. Нега десангиз, болаларнинг дамбадам шундай кўнгил очиб олишлари ҳам керак эди.

Трамвай йўли бўйнга тахта ва ходалар тоғ-тоғ бўлиб уйилиб кетди.

Иш бошлиғи келиб қўриб:

— Баракалла, азаматлар,— деди.

— Күнделүгү солт 2 га боргандың уйларимизга жұнадык. Болашарининг руҳи болалық да иштахалари ҳам очилған әди.

Мактабда обед тайёр бўлған. Мактабларда болаларги ҳозир ҳам уч маҳал иссиқ овқат берилиб турипти.

1942 йил 22 октябрь

Буғун мактабда дарс тамом бўлгандан кейин, яна ўтии тайёрланиш учун Невская заставанинг нари ёғига якшанбалик ўтказгани борлик. Аммо шаҳар замбараклардан қаттиқ ўқса тутила бошлигани учун якшанбалик тўхтаб қолди. Биз Обуховская оборона проспектидаги бир томи уйнинг дарвоза хонасиға бекиндик.

Замбарак ўқлари жуда яқин жойларга тушиб турганидан дераза ойнаклари парчаланиб ва девор сувоқлари кўчиб устимиизга тушар эди.

Қайтишида болалар Сталинград ҳақида гап очдилар.

— Қайси шаҳар оғир аҳволда? Бизнинг шаҳримизми ёки Сталинградми? — деб сўрайди бири.

Яна бир бола худли ўзи кўргандай:

— Замбарак ўқларидан кўрқиб кетганга ўхшайсан. Шунинг учун сенга Сталинградда тургандай туйилаяпти! У ерда жанглар шаҳар кўчаларида бўляяпти, ер-смон ларзага келиб, шаҳарни тутун, чанг-тўзон қопланган,— деди.

— Биздаям немислар шаҳарга яқин турипти-ку!

— Турса тураверади-да, улар окопларда совуқ қишини кутиб ётипти. Сталинградда ҳар куни жанг бўляяпти...

— Ҳардоим кўнгилтўқлик блан сўзлайдиган Олег Колобов ҳам гапга аралашиб:

— Ленинград немисларни аввал тўхтатиб қўйди. Сталинград ҳам тўхтатади,— деди.

1942 йил 25 октябрь

Буғун якшанба куни бўлгани учун яна ўтии тайёрланига борлик. Ишламаган кунларининг ҳиссасини чиқарини илинжида соат 5 гача ишладик.

1942 йил 27 октябрь

Ўтии тайёрланиш учун деярлик ҳар кун чиқиб турибмиз. Ҳозир мактаб олдида ишлаётганимиздан ишлар сал

әңгиллашди деса бўлади. Утин ортилган очиқ трамвай вагонлари келиб турипти. Ўқитучилар, ёш муаллималар, хизматчилар вагонлардан ўтин ташлаяпти, болалар эса, ҳовлига олиб киришаяпти.

Бақувватроқ болалар бу ўтинларни деразадан подвалга ташламоқдалар.

Мен ўқучиларнинг ишлашини кўриб, бу йигит ва қизларга э’тиқодим жуда ҳам ортди. Чунки, улар катталар учун ҳам оғирлик қиласидиган ишларни бажармоқдалар. Биз ҳар якшанба ва ҳар куни дарсдан сўнг ишлаб турибмиз. Ўтин таёrlаш тамом бўлиши блан бошқа ишлар бошланади.

1942 йил 28 октябрь

Бугун 8-нчи синфдаги дарсдан сўнг Олег Колобов менга бир дафтарча берди. Унга Александр Прокофьевнинг «Таслим бўлмаймиз» деган ше’ридан парчалар кўчирилган.

— Бир ўқиб чиқинг-а, Ленинград тўғрисида жудаям ажойиб гаплар бор экан! — дейди у.

Эрталабдан замбараклар тинмайди:  
Бир кун ўтар, икки кун ўтар, кўп кунлар...  
Ленинград вайронасин истайди —  
Ев ўт очиб замбаракдан кун, тунлар.

... Аммо бизлар еру кўкка интилиб  
Кўзғалганимиз, эрклик ҳимоясида.  
Ладога ва узоқ Онегада ҳам —  
Бир сўз янграр: «Чекинмаймиз!» сасида.

Йўқ, русларнинг шонли шаҳрин бермаймиз,  
Кўриқлаймиз ердан осмонга қадар.  
Боғ-роғлару, өзгу ерларимизни  
Тевтонларга депсатмаймиз ҳеч маҳал!

Биз ленинградлилар ғалаба қозонишимизга ишонгани кишилармиз, ҳарбиrimиз ўзимизга ҳам, бошқаларга ҳам ўз билганимизча далда берамиз.

1942 йил 29 октябрь

Катта қизлар госпитальда ишлайдиган бўлдилар. У ерда кийимларни ямаш, китоблар келтириб бериш ва йиғишириб олиш, ярадорларга хат ёзиб бериш каби ишлар жуда кўп.

Лёля Бурдоль ана шу ишлар тұғырысыда ёзилган күн-  
далиқ дафтари менга топширди.

«Бугун мен бириңчи марта госпитальга бордим.

Биз оқ халатлар кийиб, даста-даста китоблар күтариб  
борар әканмиз, худди ҳаяжон ичиде имтихонга бораёт-  
гап кишиларга ўшшар әдик. Ярадорлар бизга қандай қа-  
рап экан, ёқтиармикан, умуман госпитальга бизнинг  
керагимиз бормикан? — деб ўйлар әдик. Китобларни кү-  
тариб, палатага киришим бланоқ, бояги андишамиз  
ўринисиз бўлиб чиқди. Ҳамма бараварига китоб сўрашга  
тутиндид:

— Мумкин бўлса, «Ўнбеш ёшлиқ капитан»ни олиб  
келиб берсангиз.

— Қизча, «Йигирма йил ўтгач» деган китоб топилар-  
микан?

— Қозоқча китоб керак, қозоқчасини опкелинг,— деб  
сўрайли бир қозоқ жангчиси.

Кексароқ бир ярадор уялинқираб:

— Менга ҳарфлари йирикроқ бўлса,—деб сўради.

Улар сўраган кўп китоблар кутубхонада йўқ әди,  
шунинг учун биз ўқучи ўртоқларимиздан суриштиридик.  
Улар бизга Дюоманинг романлари, саргузаштлар тұғри-  
сидаги асарлар, классикларнинг асарлари ва йирик ҳарф-  
лар блан босилган ҳикоялар олиб келиб беришди.  
Мактабда китоб йиғиш учун махсус киши тайинлаб қў-  
йилди. Ба'зи ярадорлар: «Қизлар, мен кўп китоб ўқиган-  
ман! Менга қизиқроқ китоб келтириб беринг!» — деб  
шошириб ҳам қўяди. Бу масалада биз ўқитучиларга  
мурожаат қилдик, улар бизга қизиқ-қизиқ китоблар то-  
пиб бернишди».

1942 йил 1 ноябрь

Ўқитучилар конференциясида докладчи уруш бош-  
лангандан бўён Ленинградга 4 000 та портловчи бомба  
ва 67000 та ёнлиручи бомба ташланганлигини, шаҳар  
кўчаларига 35000 та снаряд тушганлигини айтди...  
Ленинград бунинг ҳаммасига бардош берди. Ўқитучилар  
ўқитиши ҳам, ўқиши ҳам давом эттирабердилар.

Конференцияда секция мажлислари бўлди. Тажриба-  
ли ўқитучи Александра Алексеевна Знаменская дарс  
плани қандай бўлиши ва ўқучиларнинг э'tиборини қан-  
дай масалаларга жалб қилиш кераклигини хотиржам  
сўзлаб берди.

У шундай хотиржам эдики, бояги айтилган тўрт минг бомбанинг устига яна бир портловчи бомба тушиб, конференциямизни тўхтатиб қўймайдигандай туйиларди.

Шаҳримиздаги одат шунаقا. Биз ҳечнарсани писанд қилмай пухта ишлаймиз, ишни мумкин қадар яхши бажарамиз. Шу блан бирга, бажараётган ишларимиз Нева бўйида тўр блан ниқобланган ҳашаматли бинода кўрилаётган тадбирлар блан боғланганлигини сезиб турамиз.

Смольний 1917 йилда социалистик революциянинг штаби бўлган эди; ҳозир унда шаҳар мудофаа штаби бор, у ленинградлиларнинг душманга қарши зўр бериб олиб бораётган курашига раҳбарлик қилмоқда.

### 1942 йил 6 ноябрь

Болаларнинг сўрови блан пионерга қабул қилиш маросимини госпитальда, соғайиб келаётган командирлар палатасида ўтказадиган бўлдик. Галстук ва значоклар улашилганидан кейин, ёш командирлардан бири сўзга чиқди. У тингловчиларнинг жуда ёш бўлганликларини сра этиборга олмай, «фронтда ташаббус бизнинг қўлимиизга ўтди», деб исботлайбошлади. Шу пайтдачуваккина бир қиз қўлини кўтарди ва ўрнидан туриб, жаранглаган овози блан:

— Қаерингизга ўқ теккан, ака? — деб сўраб қолди.

Ёш учучи довдираб қолди.

Кекса бир подполковник дарҳол сўз қўшиб.

— Тўғри савол. Қаҳрамон унвонини қандай қилиб олганингни айтиб бер; хўп десанг, сенинг тўғрингда мен гапириб берай,—деди.

Учучи ҳаво жанги воқиасини ўзи содда қилиб, яхшилаб сўзлаб берди.

— Яна эшитайлик! — деб сўрашди болалар.

Ярадор офицерлар жанг эпизодларини ҳикоя қилиб берабошладилар.

Подполковник ёш қаҳрамонга қараб:

— Мана бу ма'қул гап. Боя сен бу болаларга нуқул тактика ва стратегия тўғрисида гапирабошлаган эдинг,— деди кулимсираб.

### 1942 йил 8 ноябрь

Мактаб директори бир хат олди. Хатда қалтираб турган қўл блан мана бундай сўзлар ёзилган эди:

«Мен, Белоновская К., ҳовлимизда қоровул бўлиб ши-  
лаб юриб, бирдан водянка касали блан оғриб қолдим.

Икки ўғлим фронтда. Ёлғиз ўзим жуда оғир аҳволда  
ётар эдим.

239-нчи мактабнинг 3-нчи синф қизлари бетоблигими-  
ни эшишиб, менга ёрдам беришди. Уларнинг бошлиғи  
Таня Винник. Улар менга ўтин арралаб, ёриб, сув келти-  
риб бсрдилар, полимни ювдилар, пеккага ўт ёқдилар, ов-  
қат пишириб бердилар. Болаларнинг менга бундай гам-  
хўрлик блан ёрдам қилганликлари учун чин кўнглимдан  
раҳмат айтаман ва мактабнинг уларга ташаккур э'лон  
қилишини сўрайман».

Белоновская К.»

Бу шини бизнинг темурчиларимиз қилган эди.

Мен уларнинг кимлар эканлигини яхши билиб олмоқ-  
чи бўлдим ва дарсдан кейин кабинетимга чақириб бериш-  
ни Анна Людвиговна Артиохинадан сўрадим.

Қизчалар кабинетга киргач, уялиб, тортиниб ўтирди-  
лар. Мен бундан жуда завқландим. Кабинетимга улар-  
нинг биринчи чақирилиши эди.

Ўртоқ Белоновскаянинг хатини уларга ўқиб бердим ва:

— Бундай яхши иш қандай қилиб эсларингизга кел-  
ди?— деб сўрадим.

— Бу тўғрида Лида Косякова гапириб беради,—деди  
Анна Людвиговна.

Қиз жуда тортинчоқлик блан ўрнидан турди. Ўрилған  
соchlарининг қулоқлари орқасидан диккайиб туриши қи-  
зиқ кўринар эди.

— Анна Лютиковна... йўғе, Людвиговна... Биз кичкина-  
лик вақтимизда, биринчи синфда ўқиганимизда тилимиз  
келишимай «Лютиковна» дер эдик. Анна Людвиговна биз-  
га Гайдарнинг «Темур ва унинг командаси» деган кито-  
бини ўқиб бергандан кейин биз ҳам темурчилар бўламиз  
деган эдик.

— Хўш, шундан кейин нима қилдингиз?

— Биз аввал биронта кампирни топмоқчи бўлдик. Уй  
бошқармалари бирнеча кекса хотинларни айтдилар, аммо  
биз бирнеча боласи фронтга кетган ва ўзи жуда букча-  
йиб қолган кампирни қидирдик.

Биз топган кампир Белоновская эмас, Афанасьевна  
эди. Белоновскаяга Анна Людвиговнанинг синфидағи  
қизлар ёрдам берган,— деб уқтириб гапирди кўккўз



Қиз.— Биз ёрдамлашган кампирнинг уч ўғли фронтда бўлиб, битта қизи ҳам бор.

— Сизлар Афанасьева холага нима ёрдам бердингизлар?

— Ҳозир ҳеч ёрдам берганимиз йўқ.— У касалхонада ётипти. Биз уни пенсияга ўтказдириб қўймоқчимиз,— деб айтди Гая Ширкевич.

— Фақат калит масаласи чатоқроқ бўлди. Лекин айб менда эмас, чунки кампирнинг ўзи шундай деган эди!— деб ҳўнграб йиғлаб юборди Тания.

Қанақа калит экан, деб ҳайрон бўлдим. Бу ҳақда Анна Людовиговна изоҳ берди:

— Болалар блан кампир жуда яқин бўлиб қолишганидан, у касалхонага кетаётиб, уйининг калитларини Танияга қолдирган экан. У калитларни ўзларининг уйига обориб қўйган ва бу тўғрида ҳечкимга ҳечнарса айтмаган. Ҳовли бошлиғи кампирнинг уйидаги нарсаларини рўйхатга олиб, уйни печатлаб қўймоқчи бўлиб келса, уй қулфланган экан. Яхшики, қўшни хотин:

— Калитларнинг қаердалигини ўқучи қизлар билса керак!— деган.

1942 ишл 10 ноябрь

Мен илгари ўзимда ўқиган болалардан күп хатлар олиб турибман.

Алёша Бернар Ярославльдан мана бундай деб ёзади:

«Ленинграддан кетаётганимда жуда мазам қочган эди, у вақтда ҳечнарсаны ўйламаган эканман, 8-нчи синфда ўқиганлигим түғрисида ҳозир бу ерда справка жуда керак бўлиб қолди. Мен заводда ишилаб турибман ва кечки мактабда ўқиб, бир йил ишида 9-нчи ва 10-нчи синфларнинг дарсини ўтмоқчиман.»

Олег Колобов ёзади:

«Мен ҳозир миначиликка ўқимоқдаман, шундай берилиб ўқияпманки, энди илгариги ялқов Колобов эмасман. Болаларга айтинг, ўша вақтда дангасалик қилганимга ҳозир жуда пушаймон бўляяпман. Агар яхши ўқисам ҳозир кўп фойдаси тегарди! Буни албатта уларга айтинг!»

Лара Энтина· бундай деб ёзипти:

«Биз онам блан чекка бир жойда турибмиз. Ўнишллик мактабни тамомлашимга ёрдам берини сўраб, Область маориф бўлимига ариза ёзган эдим. Яқинда жавоби келди: Кемереводаги болалар уйига келгин, ўша ерда туриб, мактабга қатнайсан, леб ёзипти. Бу менга жуда ма’қул бўлди. Онам түғрисида энди хавотирланмасам ҳам бўлади, чунки у, бу ерда ўзини анча тутиб қолди, ҳозир яслада ишиламоқда.»

Миша Марголин ёзади:

«Ҳарбий мактабни тамомладим, аммо олган мутахассислигимга кўра фронт орқасида туриб ишилашим керак экан. Буни мен истамайман. Фронтга бориш учун ўз мутахассислигимга яқин бўлган бошқа бир ишини ўрганаётирман. Бўши вақтим кам, чунки ҳам ўқиб, ҳам ишиламоқдаман. Мактабимизни тез-тез эсга оламан. Биз унинг қадрига етмаган эканмиз, деб қўяман».»

Менда ўқиган, тарихчи бўлишни орзу қилган Володя Ушаковдан ҳам мана бундай хат олдим:

«Мен топографияни ўрганаяпман. Тарихчи бўлиш бу-  
юрмаган экан. Толя Филипенко ҳам денгизчи бўлиши ўр-  
ниги, Ўрта Осиёда экан. У Ҳарбий-медицина академия-  
сида жуда яхши ўқиётган эмиши. Лёва Масленников танк  
дивизионининг командири бўлиб шилаётган эди, жуда  
оғир ярадор бўлти. У Сталинград ёнида яхши иш кўрсат-  
ган. Костя Богданович эса — учучи, у ҳам мукофотлан-  
ган».

Андрейдан шодлик хабар келди:

«Онажон, биз ҳамон ўша тошлиқ, қорбосган, чимзор  
ерларда турибмиз. Аммо ҳаётимдаги янгилик шуки, мен  
партияга кирдим».

Мен ҳамма хатларни ўқиб кўриб, шунисига хурсанд  
бўлдимки, илгари ўз қўлимизда тарбияланган болалар  
далил ва ғайратли кишилар бўлиб етишипти. Мен ўшан-  
дай болаларимиз борлигидан фаҳрланаман ва бажара-  
ётган оғир ишларида уларга чин кўнглимдан муваффақи-  
ятлар тилайман.

Кундалик дафтарда яна бир хатни кўрсатмай қолол-  
майман.

Миша Марголин ўз укаси Аликка бундай деб ёзипти:

«Гапимга қулоқ сол. Умрингнинг бир күни ҳам бекорга  
кетмасин. Ҳар куни сен озгина бўлса-да, олдинга бос.

Ўқитучиларинг қанақа кишилар эканлигини билмайди-  
ман. Бизнинг ўқитучиларимиз жуда яхши кишилар эди,  
аммо уларнинг қадрига етмаганиligimizga ўқинаман.

Ўртоқларинг борми, йўқми, мен шуни билмоқчи эдим.  
Бизнинг синфимиздаги болалар бир-бирига жуда дўйст  
эди. Биз ҳаммамиз бир-биримизга хат ёзишиб турамиз,  
мактабни унгитиб юбормаганлигимиз шу хатларимиздан  
ҳам ма’лум. Ҳозир ҳаммамиз ҳар томонга тарқалиб кет-  
ган бўлсак, ҳам, бир-биримизни унуганимиз йўқ».

Хатда мана бундай қўшимча ҳам бор:

«Алик, сен блан кўришимаганимизга кўп бўлди. Укам.  
мана бу саволларимга тўла жавоб қайтаршига ҳаракат  
қил. Шу жавобларингдан мен аҳволинг қандайлигини би-  
лай:

1. Еттийиллик мактабни қандай тамомладинг? (Тұла ёз).
2. Үртоқларинг борми?
3. Үқишідан ташқари қаерларда ишиладинг ва қандай шиларни баздардинг?
4. Мактабда үқишідан ташқари яна нималарни үргандинг?
5. Кундалик шиларинг нималардан иборат?
6. Бошинғдан қандай қызық воқиалар үтказдинг?
7. Муштлашишга қалайсан, бүші келмаяпсанми?
8. Онамизга ёрдаминг қалаі бұлайпти?»

Мишанинг үз укасига бундай ғамхұрлығи унинг қандай бола эканлигини күрсатиб туради.

*1942 йыл 28 декабрь*

23 ноябрь кечқурундан з'тиборан, ҳар куни сұнгги ахборот әшиттирилишини кутабошлидик. Радио қүшиндеримизнинг Сталинград районида муваффақиятли ҳужум қилаётаны түғрисида хабар берди. Уч кун ичиде 1 3000 асир олинган ва озод қилинган ерларда душманлардан 4000 тасининг ўлигі қолган.

Ниҳоят, Сталинград ёніда ғалаба қозонганимиз түғрисида бугун газеталарда йирик ҳарфлар блан хабарлар ҳам босилиб чиқди.

Хурсандчилигимиз ичимишта сиғмади. Тақдиримиз ҳам Волга бўйларидаги ғалабаларга боғлиқ эканлигига ҳечким шубҳа қилмас эди.

*1942 йыл 30 декабрь*

Мактабда яна арча байрами үтказилмоқда. Аммо бўсафар арча байрами фақат қуийи синфларнинг ўқучилари учун эди. Катта болалар эса, шаҳар арча байрамига ва «Эсмеральда» блан «Евгений Онегин» спектакльларига борадиган бўлдилар.

Адабий парчалар ўқиб беручиларни, музикачиларни, хор тўгарагини концертга зўр бериб тайёрлашга киришдик. Бу сафар ҳам совғалар берилади, лекин бу сафаргї совғада ёнғоқ, майиз, печенье, шоколад каби яхши нарсалар бўлиб, оғирлиги уч юз йигирма грамга боради.

Юра Артюхин Валентина Васильевнадан катта бола-  
յарнинг ҳам мактабда арча байрамига келишларига рух-  
сат берсангиз, деб сўради ва:

— Бизга совға берилмаса ҳам майли, мактабдаги ар-  
ча байрамига қатнашмасак кўнглимиз жойига тушмас  
вкан,— деди.

Арчани катта болалар безашди. Арча катта, сершоҳ  
вди, уни безатиш учун ҳамма ўқучилар ўз уйларидан  
биттадан ўйинчоқ ва бир талай зар иплар келтиришди.  
Арчанинг тагида жуда яхши қилиб ишланган «Қорбобо»  
турар эди.

Рангбаранг электр чироғларни ёқиб юбориб, майда  
болаларни олиб киришган эди, улар хурсанд бўлишиб  
арчани қуршаб олишди ва кўплари чапак чалиб юбо-  
ришди.

Катта болаларнинг арча байрами соат 5 да бўлди.  
Болалар жуда кўп тўпландилар. Концертнинг биринчи  
номерида ўқучи Борис Кузьмицкий чиқиб, Вера Инбер-  
нинг «Ўлмас» деган ше'рини ўқиб берди.

Изmail, Полтава, Севастопольдай,  
Қаҳрамон шаҳарлар ёвларни қирди.  
Шунчалик энг машҳур, мард шаҳарлардай,  
Энди Ленин шаҳри Қаторга қирди.  
Унинг гранит тошига урилиб,  
Душманнинг жанговар кучи янчилди.  
Қорли Россияя кирди сурилиб,  
Ва лекин кўксига найза санчилди!  
Эй бу шаҳар! Қанча азоблар чекди...  
Дўлдай ўт ёғилди еру осмондан.  
У оч қолди. Юзлар сарғайиб кетди,  
Рангдаги қизиллик қайтмас даф'атан.  
Хаттоқи кўп йиллар ўтса-да чексиз,  
Юзларда анча вақт айрим из қолар:  
Бир изки, бошқага хос бўлмаган из,  
Юриш-туриш, аллақандай боқишилар.  
Ана шунда сұхбатчи пайқаб қолиб,  
Савол берар: «Уша ерда бўлгансиз-а?»  
Уша жойда турганин эсга олиб,  
У одам лўнда қилиб дейди: «Ҳа».

Зал жим-жит бўлиб қолди. Кўп киши, ҳатто катталар  
ҳам йиғлаб юборишли. Ше'р ҳаммага ҳам жуда та'сир  
қилган эди.

Саҳнага бир жангчи чиқди. У бутун вужуди блан

құлтиқтаёққа таяниб туарди. Бошда у болаларга ма'қул тушадиган гап тополмай турди.

— Үртоқлар,— деди у,— мени оталиқдаги госпиталь сизларининг байрамингизни табриклаш учун юборди. Бу— бир,— деди-да, бошқа гап гапирмай, чүнтагидан рўмол-часини олиб, пешонасини артабошлади.

— Мумкин бўлса, ўзингиз ва қисмингиз тўғрисида гапириб берсангиз,—деган овоз эшитилди.

— Уз тўғримда гапириб берайми-а? Узим 1921 йилда туғилганман, мени Қизил Армия тарбиялади. Уч марта ярадор бўлганман, кейингиси жуда оғир бўлди: ўқ умуртқа суюкка ва орқа миямга теккан. Шунинг учун ҳам ма-на бу құлтиқтаёқ блан юраман... Аммо полкимиз жудаям яхши! Гвардиячи деган номни учинчи бўлиб олди. Полки-миз уруш бошланган кунданоқ жангга кирган. Биз Красное Село ва Гатчина ёнида жанг қилдик; муз йўлини қўриқлаб турдик, Синявино ёнидаги жангда қатнашдик. У ерда биз немисларни алақситиб, уларнинг Ленинградга ёриб ўтишларига халақит бердик.

У гапини тўхтатди, болалар жуда ҳам хурсанд бўлниш-ганидан қарсак чалиб юбориши.

Тантанали қисмдан кейин радиола чалдириб, танца тушдик. Кечамизга Болтиқ флоти сувости кемасининг командирлари ҳам келишган эди. Шу сабабли жуда яхши ва хушчақчақлик блан ўтди. Уларнинг ҳарбири учтадан, тўрттадан орден тақиб олишган эди.

5-нчи синфларда ўқучи ўғил болалар командирларни ёнидан кетмай, денгиз жанглари тўғрисида ҳа деб гапири-тирабердилар. Қизлар ҳурматли меҳмонлар блан хурсанд бўлиб танца тушдилар.

1941 йилда арча байрами жуда бошқача бўлган эди; шундан буён бир йил ўтди. Бу орада катта ўзгаришлар бўлди.

Ҳозир энди уйларимизга ҳам файз кириб қолди. Дера-заларга ойнаклар қўйилди. Печкаларимизга мебель ўрнига ўтин ёқмоқдамиз. Мен яқин кишиларимизга ёзган хатни ва қўлингиздаги кундаликни электр чироқ ёруғида ёзаётирман. Биз кечки овқат вақтида узоқ ўлтирамиз ва фронтдаги кишиларимизни, Ватан тақдирни таҳлика остида қолган вақтда жангларда ҳалок бўлганларни эслаймиз.

# ҚАМАЛ ЁРИБ ЎТИЛДИ

1943 йил 11 январь

Катта болаларнинг тили блан айтганда Ленинградда яиварь ойи «қасир-қусир» блан ўтди: узоқ тревогалар бўлди, зенинг тўплардан тинмай ўқлар отилди, замбарак ўқлари гумбурлаб турди.

Аммо биз бардам. Чунки, радио фронтдан жуда яхши хабарлар эшиттириб турипти. Радиони сра тўхтатиб қўймаймиз. Янги ғалабадан бир соат кечикиб хабардор бўлишни уят иш деб ҳисобладиган бўлиб қолдик. Мактабда танаффус вақтида «муҳим хабар» йўқмикан деб, югуриб идорага кириб турамиз.

1943 йил 21 январь

Бугун тревога уч соатча давом этди. Ҳаво тревогаси сигнали ҳозир ҳам тўхтаганий йўқ, аммо мен печкачага ўт ёқиб, овқатни иситдим. Биз чой ичдик, газеталар ўқидик.

Ўлим хавфи бизни ҳар минутда та'қиб қиласётганини билиб турсакда, лекин қўнглимиз тўқ. Шунинг ўзи катта баҳт! Шунинг ўзи бир ғалаба!

Метроном<sup>1</sup> тўхтовсиз чиқилламоқда, мен ўқитучи ва ўқучиларни «Ленинград мудофааси учун» медали блан мукофотлашига тақдим этиш учун, уларга характеристика ёзмоқдаман.

Рассомнинг орзуси тўла амалга ошди. «Ленинград мудофааси учун» медали бизнинг 1941—1942 йил қишида Ленинградда турганлигимизнигина эмас, балки ундаги сўзлар бизнинг қилган ишларимиз Ленинград мудофааси учун катта фойда етказди, деб баҳолангандигини ҳам яққол кўрсатиб туради.

1943 йил 20 январь

Биз катта воқиалар бўлишини бирнеча кун сабрсизлик блан кутдик. Ленинград ёнида ғалаба қозонгандигимиз тўғрисида овозалар тарқалди. Қўшинларимиз кенг миқ'ёсда ҳаракат бошлагандиги сабабали душман ҳам Ленинградни ўқса тутишни кучайтирди, унинг аэропланлари шаҳарга яна ҳужум қиласяпти, деган гаплар тарқалди.

<sup>1</sup> Метроном — девор соати.

Кечак кечқурун мен стол ёнида ўтириб, дарсга тайёрланмоқда эдим.

Радиода «Широка страна моя родная» деган таниш ашула айтилабошланди. Одатда бундай ашулалар кетидан «фавқул'одда муҳим хабарлар» эшииттирилар эди. Ростдан ҳам бирдан...

Севинганимдан юрагим уришдан тұхтаб қолғандай түйилди, ахборотни бутун вужудим блан қулоқ солиб эшиитдим:

«Қамал ёриб ўтилди, Ленинград фронтининг қўшинлари Волхов фронтининг қўшинлари блан бирлашдилар».

Мен блан бир уйда туручи хотин мени қучоқлаб йиғлаб юборди. Мен ҳам йиғладим.

Мудҳиш кунларда қилган орзуларимизга, кўпдан бери кутган тилакларимизга етдик.

Юргурганча мактабга бориб, ёр-биродарларга телефон бергим келар эди. Аммо кечқурун шаҳарда юриш мумкин эмас, бунинг устига телефонлар ҳам ишламас эди.

Биз иккаламиз ўтириб ҳозиргина радиодан эшиитилган хабар тўғрисида гаплашдик ва «қамал ёриб ўтилди» деган ёқимли сўзларни қайта-қайта тингладик.

Хурсандликдан уйқимиз ҳам қочиб кетди. Радио кетма-кет музика ва ашулалар бериб турди...

Шодлигимизни сўз блан айтиб битириш мумкин эмас эди.

---

Эрталаб соат 6 да ахборотни яна бир марта эшиитгандан сўнг икки челак сув олиб келиш учун рўпарадаги ҳовлига бордим. Бу ерда водопровод бор эди. Ҳали кўчага ҳечким чиқмаганлигидан бирорта ҳам одам учрамади. Аммо совуқ шамолда қизил байроқларнинг ҳилпираши кишини қувонтирас эди.

Соат 8 да мактабга кетаётган эдим. Бир хотин ҳайров бўлиб:

— Бирон байрам борми?—деб сўради.

Мен баланд овоз блан:

— Қамал ёриб ўтилди!—деб жавоб бериб, йўлимга кетавердим.

Мен унинг йиғлаганини ва:

— Раҳмат сизга, раҳмат!—деган сўзларини эшиитдим.

Мактабда болаларнинг шод-хуррамлик блан бир-биралирига: «Табриклаймиз, табриклаймиз!» деган сўзлари

шитилар эди. Мактаб идорасида ўқитучилар бир-бирларини табриклайдилар.

Харқайси бола қамал ўпирилганини қандай ва қаерда әшигтанлигини гапириб бергиси келар эди.

Қизлардан бириси севинчини ичига сиғдиролмай:

— Биз ухлаганимиз йўқ эди, бирдан радио гапира бошлиди. Онам коридорнинг эшигини очиб: «Келинглар, тезроқ келинглар! Ғалаба қозонибмиз!» деб қичқирди. Ҳовлимизда туручиларнинг ҳаммаси бизнинг уйимизга тўпланди, баримиз йиғладик,—дейди.

— Мен уйқумда туш кўрибман, тушимда қамал ўпирлди, деб айтишди. Кўрган тушумни эрталаб онамга айтиб берсам онам: «Жинни бўлсан, сен туш кўрганинг йўқ, уйқу ичиди радио әшигтансан», деди. Шу замон ўрнимдан сакраб туриб, кийинабошлаганимни ўзим ҳам сезмай қолдим,—дейди Борис Кузьмицкий.

Овқатхона ёруғ, ҳамманинг вақти чоғ эди. Ненуштадан кейиноқ юқори синфлардаги ўқучилар блан, биринчи дарсдан сўнг кичик ёшдаги болалар блан митинг ўтказдик. Болаларнинг ҳам, ўқитучиларнинг ҳам чехрлари очиқ эди. Соат 10 да Район маориф бўлимидан: «Албатта митинг ўтказилсин», деган телефонограмма олинди. «Ўтказиб бўлдик», деб жавоб қайтардик.

1943 йил 19 январь — унутилмас кун.

Қамал тугади. «Қатта ер» деб ажратиш ҳам керак бўлмай қолди, чунки биз Совет Ватанимизнинг поёнсиз кенг ерлари блан яна бирлашдик. Ғалаба куни ҳам яқин қолди!

Энди мен оғир қишлоарда ўз қўлимда ўқиган «перийчилар» ва қамал ичиди турганларнинг инженер, врач, ўқитучи ва олимлар, Ватан учун фойдали соғдил кишилар бўлиб етишадиган кунларини кўришни орзу қилабошладим. Мен улар блан учрашиб, оғир қамал кунларида қандай яшаганигимизни ва қандай ишлаганигимизни, тортган кулфатларимизни ва ғалаба қозонишга ҳардоим ишонганимизни бирликда эсласақ, деб орзу қиласман.

**1943 йил 26 январь**

Қамал ёриб ўтилган бўлса да, душман ҳали ҳам яқин ёрда турипти.

Кеча бутун кун бўйи зенит тўплардан ўқ отилиб, дераваларнинг ойнаклари дириллаб турди.

Қўшииларимизнинг Воронежни олганликлари тўғрисидағи шодиёна хабар бири «тинч», бири «тўс-тўполоқ блан ўтган» икки тревога ўртасида радиода э'лон қилинди.

Биринчи синфда ўқийдиган бир қиз бола коридорда ҳўнграб йиғламоқда. Унинг кулранг бош кийими қуён қулоқлари сингари диккайиб турар эди.

Ара Шестакова ундан:

— Ҳой қиз, сени ким хафа қилди? — деб суради.

— Яна нимага отишашапти? Онам доданг фрицларни қувиб юборди, деган эди-ку!

Ара қамални ёриб ўтишнинг ма'носини қизалоққа тушунтирабошлади. Шу дамда Гуля Виленчик синфнинг коридор эшигини очди ва уларнинг гапларини эшитиб қолиб, пичинг блан:

— Ара, сен сра тушунтиrolmas экансан. Ҳозир унга ўзим тушунтириб бераман, — деди.

У синфга қайтиб кириб кетди ва бир минутдан сўнг бўр олиб чиқиб, ҳалиги қизчага шундай деди:

— Менга қара, мана, сен — Ленинградсан. Тушундингми? Сен — катта бир шаҳарсан. Сенинг атрофинингда немислар бор.

У полга бўр блан тўгарак чизиқ чизди.

Қизалоқ йигидан тўхтади. Кўз ёшларини кирланиб кетган қўлқопи блан бутун юзига суртган эди. У Аранинг қўлидан тутгани ҳолда ҳайрон бўлиб, Гуляга тикилиб турди.

— Ара ҳам Ленинградми? — деб сўради у.

— Ана энди, тушунибсан. Доданг қаерда турганини ҳам кўрсатиб берайми? — деди-да, қизалоққа яқинлашиди, оёқларини полга ишқалаб, чизиқнинг бир жойини ўчирди ва:

— Мана шу чизиқни ўчирган еримда қамал ёриб ўтилган. Сенинг доданг мана шу ердан фрицларни ҳайдади. Немислар бунга чидамай ҳадеб шаҳарни ўққа туяпти, — деди.

Гуля Ара блан қизча томонига қаратиб, бирнечча ёй аломатлари чизди.

Шу пайтда мен кабинетимнинг эшигини очиб, Гулядан:

— Бу қанақа геометрия бўлди? — деб сўрадим.

— Қсеня Владимировна, хафа бўлманг, мен тушунтириб бераяпман, ўзингиз кичкина болаларни



күнглини олинглар, деб айтгансиз-ку. Ишонмасанғыз Арадан сұранг.

— У менга додамни гапириб берди,— деди қизалоқ.

1943 ғаl 27 январь

Яңғы йил чиндан ҳам бахтли йил бўладиганга ўхшайди. Январь ойининг ўзидаёқ шодлик воқиалари кўп бўлди: бу ойда қамал ёриб ўтилди ва Сталинград ёнида янгидан-янғи мувваффақиятларга эришдик.

Кеча «Сўнгги соат» да «қўшинларимиз Сталинград районида қуршаб олинган немис-фашист қўшинларини асосан тугатиб бўлдилар» деб эшиттирилди.

Бугунги сиёсий суҳбатда қизиқ рақамлар келтирилди: фашистлар Францияни 35 кун ичида босиб олган бўлсалар, улар Сталинграддаги бир кўчани кесиб ўтиш учун бирнече ой уринишга мажбур бўлганлар.

Мудофаанинг энг олдида кўндаланғ турган Павлов уйини эса, немислар ололмаганлар.

Келаётган хатларнинг кўплигини айтмайсизми! Уч-  
бурчак қилиб ва катта-кичик, ранг-баранг конвертларга  
солиб юборилган хатларнинг ҳисоби йўқ. Бир кун мен  
ўн еттига хат олдим! Буларнинг ҳаммаси собиқ «Катта  
ер» дан келган табриклар эди; хатларнинг бири Бродо-  
калмакский районида турган 232-нчи мактабнинг ўқиту-  
чиларидан келган. Улар ҳозирданоқ яна қайтиб келиб  
бирга ишлашни орзу қиласидилар.

Менда ўқиган болалар турли фронтлардан жуда са-  
мимий, ёқимли хатлар ёзганлар.

Андрейдан келган мана бу хат менинг учун айниқса  
қимматлидир.

«Онажон! Бу ерда биз ленинградлилар ҳам, ленин-  
градли бўлмаганлар ҳам, Ленинград учун қандай ачин-  
ганимизни билсангиз эди! Мана энди қамал ҳам йўқ! Менинг аттестатим блан ўз вақтида пул олиб туринтисиз-  
ми? Овқатни мумкин қадар яхшиланг. Фото суратин-  
гизни кўриб жуда хафа бўлиб кетдим, тозаям озиб кетиб-  
сиз,— хафа бўлганимдан нима деб ёзишимга ҳам ҳай-  
рон бўлиб қолдим, шунинг учун ҳам хат ёзмаган эдим.

Ростини айтсам, хат ёзишининг иложи бўлмади. Сиз  
мендан хафа бўлмассиз, чунки мен полк штабининг  
бошлиғи эдим, илгари доим сиз мени мас'улият сезмай-  
сан деб койирдингиз. Шу сабабли ўз вазифамнинг мас'-  
улияти эканлигини сезиб, астойдил ишладим.

Ҳозир мен майорман. Кўп оғирчиликларни бошдан  
кечирриб, анча тажриба ортдиридим, менинг фикри-хаёлим  
аввал Берлинга етиб бориб, кейин Ленинградга қайтиши.  
Мени узоқ шимолдан ғарбий фронтнинг энг олдинги ли-  
ниясига юборишларини сўраган эдим, кеча эшиитсам,  
ильтимосимни қабул этиптилар.

Сизни ғойибона ўпаман. Ташибиши тортмаслигингизни  
сўрайман. Ҳарбий почтанинг янги номерини ёзиб юбара-  
ман.

Андрей».

1943 йил 28 январь

Тун жуда нотинч ўтди. Биз турган уй икки марта  
силикнди, жуда ҳам яқин ерда бирнеча марта гумбур-  
лаб портлаган овоз эшитилди. Яқиндагина тузатилин  
электр чирофимиз яна ўчиб қолди. Уй яна силкиниб, ой-

наклар шарақлаб синиб тушди, эрталаб соат олтигача шу зайлда ўтди.

Эрталаб мактабга борсам, дераза ойнакларининг ҳаммаси синиб кетипти. Ба'зи синфларда деразаларнинг маҳкам суваб ташланган ички ромлари ажралиб, печ-каларнинг оғизлари ҳам очилиб кетипти.

Район маорифидан телефонограмма келди. Унда: «Қанча ўқучининг уйида ойнаклари синганлигини ва шиплари тушиб кетганлигини аниқлаб, рўйхатини дарҳол район маориф бўлимига юборилсан» дейилган.

Биз йигирма икки ўқучининг рўйхатини тузиб чиқдик. Аммо Ленинград болалари ўз уйларининг бузилганлигига қандай қарашлари кишининг э'тиборини тортади: уларнинг ҳечбери йиғламайди, болалар жуда сергап бўлиб кетган, улар ўз уйларининг бузилганлиги тўғрисида бизга ва бир-бирларига худди бир янгиликдай қилиб гапирадилар.

— Қамал ёриб ўтилгани учун немислар аламига чи-долмай яна шундай қилишаяпти. Улар ҳозир бизни ўлгудай ёмон кўрадилар,— дейди ўғил болалардан бири.

Сингфларга қанча бола келганлигини текширдик. Ҳамма ўқучилар соғ-саломат қолганликларини билиб шодландик. Уйларининг ўёқ-буёғини тузатишлари керак бўлган болаларга жавоб бердик.

Ба'зи синфлардаги ойналари синиб кетган деразаларга дарҳол тахта, фанер қопланган эди. Ўша синфларда юқори синф ўқучилари блан дарс ўтказдик.

Дарсдан кейин ҳарбий раҳбар, ўқитучилар ва болалар мактабни тартибига келтирилаётган бригадага ва хизматчиларга ёрдамлашдилар.

### 1943 йил 3 февраль

Кеча кечқурун радио: «Сталинград ёнидаги тарихий жанглар қўшинларимизнинг ғалабаси блан тамомланди»,— деган хабарни келтирди.

Бу ғалабанинг аҳамияти жуда ҳам катта. Бу ғалаба урушнинг тамом бўлабошлаганини, немисларнинг енгйи-лабошлаганини билдиради.

Шоир Решетовнинг ше'ридаги мана бу сатрлар қизларга жуда ёқди:

Душман Нева бўйлаб кезолмас,  
Олға, дўстлар! Босинг шиддаткор!

Асрлаб әркин оққан Волганинг  
Невадек лойник синглиси бор.

Уғил болалар:

— Душман Ленинград ёнидан ҳам албатта ҳайдала-  
ди,— деб шартта айтишди.

Алексей Толстойнинг «Нон» номли романини жуда  
кўп кишилар кутубхонадан сўраб олаётирлар

— Шу блан Совет Армияси Сталинград ёнида иккى  
марта ғалаба қозонди!

— Ҳар икки сафарда ҳам ўртоқ Сталиннинг ўзи раҳ-  
барлик қилди!

Уғил болалар ҳарбий техника тўғрисида гапирқша  
кетдилар.

— Биласизларми, танк, аэроплан, замбарак жангидা  
бизниклиар зўр чиқмоқда.

Бу сўзимга жавобан Юра Бўлатов:

— Демак, ҳарбий техникамиз ортиб кетипти, уни  
ишлатишда бизниклиар душмандан кўра уста экан!—  
деб мароқ блан гапирди.

— Бизниклиарнинг мардлигини айтмайсизми!

— Ана, чинакам уруш ўша ерда бўлти!— дейишди  
болалар ҳурмат ва фахр блан.

1943 йил 15 февраль

Мен бир хат олдим. Конверти эски. Ёзуви нотаний:  
Конвертнинг устида «Молотов» деган почта штемпели  
бор. Очиб ўқисам шундай деб ёзилипти:

«31 декабрьда Мария Николаевна Ефремова вафот  
этди. У сизни кўп сўради, доим Ленинграддан хат кели-  
шини кутар эди. Аммо хатингиз келганида у киши  
дун'ёдан ўтган эди.

Биз Мария Николаевнага туродиган жойимиз узоқ,  
қўйинг, сиз ишламай қўяқолинг, деб кўп айтдик. Аммо  
унинг ўқучилардан ажрагиси келмай, кузда ўрта мак-  
табга кириб ишлай бошлади. Мактаб узоқ бўлишига қа-  
рамай, у ҳар кун эрталаб қор ва бўронда дарсга қатнай  
берди. Унинг касал юраги бунга бардош беролмади. Би-  
ринчи марта у декабрь ойининг бошларида мактабда  
ҳушидан кетиб йиқилиб қолди, аммо кўп ўтмай яна ши-  
га тушиб кетган эди. Мария Николаевна 31 декабрь ку-  
ни яна ҳушидан кетди ва шу блан вафот этди.

*Бу хабарни үнинең танишларыса да яхши көрүштүк жи-  
шиларига айтсаныз. У сиз, ленинградларни үнүн ја-  
ларди, ўзи блан бирга шашашсан кишиларни да шашы-  
ларини ҳардоим гапирадар эди. Үнине фикри өйтү, үнисин  
ҳардоим Ленинграддасы дістелеридә әдіс.*

Бу одам умр бўйи ўзининг ўқитучилик шинши мөдру-  
муҳаббат блан қаради. Бу хатни ўқирик эканман, у ини-  
шининг кўп яхши хислатлари ёдимга тушибди.

Озод қилинган Кисловодекдан хат-хабарлар кела-  
бошлиди. У ерда Туся Ципкина ҳалок бўлиган. Үни не-  
мислар яхудий қизисан, деб отиб ташлаганиндар.

Мактабдалик вақтида артистка бўлишини оғзу қил-  
ган, институтда «а'ло» баҳолар олиб ўқиган Туся ана  
шундай мудҳиш ўлимга учради. Бечора қиз турмала  
қандай азоблар тортган экан? Бу тўғрида ўйласанг,  
юрагинг арзиқиб кетади! Ачинасан ва ғазабиниг кела-  
ди...

*1943 йил 23 февраль*

Мактабимиз Қизил Армия кунига узоқ ва кўп тай-  
ёргарлик кўрди. Жангчиларга совға юбориш учун пул  
ва нарсалар тўпладик. Тўпланган пулларга гармонь со-  
тиб олдик. Кабинетим болалар тўплаган блокнотлар,  
қаламлар ва қофозлар блан тўлиб кетди. Еш болалар  
жангчиларга ҳавас блан дона-дона қилиб хат ёзмоқда-  
лар:

*«Хурматли жангчи акамизга! Мен, биринчи «бэ»  
синфида ўқучи қизман. Қизил Армия кунида сизни таб-  
риклийман. Мен сизга совға юбордим. Совғанини олга-  
нингиздан кейин хат ёзинг. Үнда қанча немисни ўлдир-  
ганингизни ҳам кўрсатинг».*

Бир хатга шундай сўзлар илова қилинган:

*«Сиз менинг додамни танийсизми? Ленинград ёнида-  
ши немисларни қачон ҳайдайсизлар?»*

Бугун мактабимизда парад бўлишидан олдин бола-  
ларга нонушта берилди. Бунда ҳархил овқат тортилди.  
Астраханъ селёдкаси, тузлаган карам ма пиёздоғли  
картошка берилди. Шуларнинг кетидан сутлик ширин  
кофе бердик.

**Нонуштадан кейин ўрта мактаб ўқучиларининг ҳар-  
би** паради бўлди.  
**Биз** Валентина Васильевна икковимиз, болаларнинг  
**парадга** тайёр бўлишини кутиб, идорада ўтирдик.  
**Болаларни** ҳарбий раҳбар залда сафга тизди. Бола-  
**лар** ўз синфи блан тўртта-тўртта бўлиб, тизилиши.  
**Байроқни** олиб чиқдилар. Байроқ ёнида милтиқ тутган  
**уч** ўқучи фахрий қоровулликда турди.

**Бизга** ўқучилар парадга тайёр бўлди, деб айтишди.  
**Биз** залга бордик. Валентина Васильевна олдинда бор-  
**ди,** унинг орқасидан буйруқ дафтарини кўтариб мен  
**бордим.** Биз боришимиз блан дарров ҳарбий раҳбар қў-  
**лини** чекасига қўйиб, баланд овоз блан рапорт берди:

— Ўртоқ директор, 239-нчи мактаб парадга тайёр!

Валентина Васильевна «Смирно!» деб команда бер-  
**ди.** Ўқучилар қимиirlамай, ўзларини тўғри тутиб туриш-  
**ди.** Ҳатто нафас олишлари ҳам сезилмас эди.

Мен мактаб директорининг 10-нчи сонли буйруғини  
**ўқийбошладим.** Унда полизда энг яхши ишлаганлар-  
нинг номлари ва ёзги болалар майдончасида ҳамда гос-  
питальда ишлаб туриб, а'ло ўқиганларнинг номлари  
**кўрсатилган** эди. Секретаримиз Юра Артюхиннинг а'ло  
**ўқиши** ва жамоат ишларида яхши ишлаганлиги айтил-  
ган. У, ўқитучиларга чинакам ёрдамлашмоқда.

Валентина Васильевна жуда хурсанд бўлиб кетгани-  
**дан** ўқучиларни табриклашни ҳам унутиб қўйди. Таб-  
**рик** бўлмагани учун болалар бараварига «ура» деб қич-  
**қираолмай** қолганликларига жуда ўкиниши. Ҳарбий  
**Раҳбар:** «Направо, кругом марш!» деб команда берди;  
**Шундан** кейин ҳарқайси синфнинг болалари саф-саф бў-  
**либ,** ўз командирлари бошчилигида, музика садоси остида  
**директор** ва ўқитучиларнинг олдидан ўтдилар. Тартиб  
**жуда** яхши бўлди.

Учинчи дарс бораётган вақтда радио мана бундай  
**хабарни** берди: «Диққат, диққат! МПВО штаби гапира-  
**ди.** Районимизни замбаракдан ўққа тутмоқчилар...» Сўнг-  
**ра** ҳаво тревогаси бўлди. Болаларни панажойга жўнат-  
**дик.** Тревога бешинчи дарснинг охиридагина тугади.

Кундузи мактабда парадга қатнашганларга обед бе-  
**рилди.** Обед гўштлик нўхатшўрва, гўштлик запеканка,  
**бисквит** ва компотдан иборат эди. Булардан ташқари,  
**болаларга** конфет ҳам берилди. Обед яхши бўлгани  
**учун** бир тўда болалар келиб Валентина Васильевнага

раҳмат айтишди. Уларнинг шодлиги юзларидан сөзишиб турар эди.

Нон нормамиз олти юз грамга чиқди, биэ икки кунлик-икки кунлик оқ нон олиб турдик.

Уйга жетаётганимда осмонда аэроплапларимиз учуб юрмоқда эди. Узоқда замбаракнинг гумбурлагани ва келиб тушган ўқларнинг овози эшитилар эди.

1943 йил 8 март

Бугун синфга кирганимда ўқучилар баравар ўринларидан туришди. Мен улар блан саломлашдим-да одатдагича: «Ўтириңгиз» дедим.

Лекин Юра Бўлатов ўтирмади. У, бир қўлини орқасига қўйгани ҳолда менинг столим ёнига намойишкорона келди.

Юра сўз бошлаб:

— Хотин-қизлар куни муносабати блан ҳаммамиз сизни табриклаймиз... дедим-да, гапини йўқотиб қўйди ва бир нафасдан сўнг:

— Биз сизга совға тайёрлаган эдик...— деди.

У, стол устига оқ қофозга ўралган ва пушти лентача блан боғланган катта бир нарсани қўйди.

— Бу нима қилганларинг?— Йўқ, олмайман, керак эмас,— дедим-да, пакетни сал нари суриб қўйдим.

— Йўқ, оласиз! Олмасангиз бўлмайди! Бу сизга керакли нарса!— дейишди болалар.

Юранинг оғзи қулоғига етиб:

— Бу унақа совға эмас. Мен ўзим ишлаган нарса; лента блан қофозни қизлар топишиди...— деди.

— Очиб кўринг-а,— деб сўрашди болалар.

Қофозни очиб қарасам, фанердан ясалган узунчоқ қутича чиқди; унга ойнак ўрнатилган ва электр лампочкаси ҳам бор эди.

Қутичанинг бир томонига:

«1943 йил 8 март куни 8-нчи синф ўқучиларидан совға» деб ёзиб қўйишипти.

Қоронғи кечаларда шаҳарда тутиб юришингизга яхши бўлади,— деб тушунтириди Зина Оболенкина.

Уларнинг бу ишидан жуда хурсанд бўлдим, аммо фонаръни кўриб кулгим қистади. Ленинградлilarнинг қоронғи кўчаларда ҳархил электр фонаръчалар тутиб юриш-

Нарини биламан, аммо бунақа катта фонарьни ҳечким-  
нинг қўлида кўрган эмасман.  
— Тузук-а? — деб сўрайди Юра.  
Бунга жавобан Ушаков,  
— Исаакийга ўхашашга сал қопти,— деб ҳазил қилди  
ва орқасидан: — лекин бу батарея узоққа чидайди,—  
деди.

Мен болаларга раҳмат айтдим ва жиддий туриб:

— Уруш тамом бўлгач, буни музейга топшираман.  
Ҳозирча кечқурунлари қоронги мактабда ва шаҳарда  
тутиб юришим учун жуда яхши бўлди,— дедим.

1943 йил 16 май

1943 йилнинг май ойи жуда ҳам оғир келди: шаҳарни  
ўққа тутишлар, ҳаво тревогалари, ҳаво ҳужумлари кўп  
бўлди. Биноларнинг кўкка бўялган деворларига мана-  
бундаи сўзлар ёзилган эди:

ГРАЖДАНЛАР!  
ТУПГА ТУТИШ МАҲАЛИДА ҚУЧАНИНГ  
БУ ТОМОНИДА ТУРИШ ЖУДА ХАВФЛИ.

Аммо ҳозир кўчаларнинг ҳамма томонлари ҳам хавф-  
ли бўлиб қолган эди.

Биз баҳорги синовларга тайёргарлик кўрабошладик.  
Синов жадвали тузилиб, залга ёпишириб қўйилди. Ўқи-  
тучилар дарслардан улгурмовчи ўқучиларни зўр бериб  
тайёрламоқдалар.

Мактабда баҳорги синовлар олдидан бўладиган гап-  
сўзлар яна бошланди:

— Сен қанча билетга жавоб тайёрлаб қўйдинг?

— Адабиётдан ўнинчи билет жуда бўлмоғур экан,  
агар шу билет чиқиб қолса, йиқилишим турган гап.

— Фамилиянг «Ч» ҳарфи блан бошланмасин экан:  
ҳамавақт имтиҳонда иккинчи сменага қолдиришади.


Болалар хавф-хатарни унугиб ҳам юбордилар.

Эртага имтиҳон. Мен илмий мудир бўлганим учун ўз  
ишларимни яна бир кўздан кечириб чиқдим, синов би-  
летларини ва протокол пусхаларини айрим папкаларга  
солиб қўйдим.

Сўнгра имтиҳон бўладиган ҳамма синфларга сиёҳдон-  
лар ва бўр қўйилганмикан, деб текшириб чиқдим.



Эң кекса ўқитучимиз Мария Николаевна Ефремованиң оғир қамал вақтида, қиш фаслидаги машғулоти.



Бугун кечки пайт мактабда ҳечким йўқ эди. Деразалари ғарб томонга қараган синфларга офтоб тушиб турди.

— Ҳамма нарса тайёр бўлди шекилли,— деди Валентина Васильевна.

Шу пайтда Район маориф бўлимидан телефон беришиб:

«Ленинградда вазият оғир бўлганлигидан еттинчи ва ўнинчи синфлардан бошқа синфларда синов ўтказилмайди», — дедилар.

Биз ҳайрон бўлиб бир-биримизга қарадик. Мактаб тарихида бунаقا ҳодиса ҳеч бўлмаган эди! Бугун болаларга ҳам, ўқитучиларга ҳам бу тўғрида хабар беришнииг иложи йўқ. «Эртага эрталаб ўқучиларнинг ҳаммасини сафга тизиб туриб э'лон қиласиз»— деди Валентина Васильевна.

1943 йил 20 май

Ўқучилар «ер тагида илон қимирлаганини ҳам билишади». Мактабга бораётганимда йўлда ўқучиларни учратдим. Уларнинг кўплари:

— Имтиҳон қолдирилгани ростми? — деб сўрашди.

Болалар ҳарқандай шароитда ҳам ўқиш ва ишлашга кўникиб қолганларидан, имтиҳоннинг қолдирилганига ишонмайдилар. Нонуштадан кейиноқ сафга тизилиш тўғрисидаги гапга ҳамма ҳайрон.

— Синов қолдирилгани ростдир?—дейишди умидвор болалар.

— Йўқ, синов вақтидаги вазифаларимизни гапирсалар керак,— дейишди бошқалари.

Болалар залга тўпланишди. Дириектор келиши блан ҳамма жим бўлиб қолди. Валентина Васильевна Ленинграддаги вазият ҳақида гапирди ва Маориф Халқ Комиссарлиги Ленинград ўқучиларига ғамхўрлик қилиб, еттинчи ва ўнинчи синфлардан бошқа ҳамма синфлардаги имтиҳонни қолдирганлигини айтди.

Болалар сафда турганларини ҳам унутиб қўйиб,— қийқириб юборишли ва хурсанчиликдан иргишли.

Бир хурсанд бўлишиб олгандан кейин кўплари маъюсланиб қолдилар ва улар:

— Ўқув йилининг охири бўлmas экан-да, дейишди.

Юра ўзининг кундалик дафтарига мана бундай деб ёзити:

«Яқинда фронтдан отам келган эди. У «Ленинград мудофааси учун» деган зангар лентали медаль олипти.

Бу медаль ленинградлилар учун ҳамма мукофотлардан ҳам яхши,— деб айтди у.

Бизнинг Октябрь районимизда 3 июняда медальлар берилабошлади. Медальларнинг Адмиралтействода берилиши айниқса яхши, чунки медальда шу бинонинг сурати бор эди».

Юра отасига мана бундай хат ёзган:

«Отажон, мен ҳам «Ленинград мудофааси учун» медали блан мукофотландим. Табриклишингиз мумкин!

Медальни Адмиралтействода жуда тантана блан беришди. Октябрь районидаги биринчи марта медаль берабошлаган куни мактабимиздан фақат менгина олдим... Чунки мен бутун қамал давомида ўқишини тўхтатмаган ва қишлоқ хўжалик ишларида бутун шаҳарда иккинчи ўринни олган мактабимизда комсомол ташкилотининг секретари бўлиб ишлайман.

Энди мен медальни қандай олганимни айтиб берай. Катта зал байроқлар блан жуда чиройлик қилиб ясатилган, саҳнанинг деворига медальнинг катта сурати қўйилган эди.

Залнинг ҳамма томонларидан пројектор тушиб турди. Президиумда кишилар кўп эди.

Ленинград Советининг медаль блан мукофотлаш тўғрисидаги қарорини ўқиганларида хаёлим бошқа ёқда эди: мен ичимда фамилиям «А» ҳарфи блан бошлангани учун бирдан мени энг аввал чақириб қолишса-я» — деб ўйлаб ўтирган эдим.

Медальни Ленинград Ижроия Комитетининг секретари ўртоқ Бубнов топширди. У, қўлимни сиқиб сўрашди, табриклади ва узоқ гапирди, лекин хурсанд бўлганимдан ҳечбiri қулогимга кирмади. Фақат бир иш ёмон бўлди, мен унга жавоб қайтардим-у, аммо нима деганим эсимда йўқ. Яхши гапиролмаган бўлсанм чатоқ бўлади-да, чунки Валентина Васильевна менга:

— Сен, яхши нотиқсан, мактабни уятга қолдирма,— деган эди.

Менгина эмас, ҳаммалари ҳам шошиб қолған әдилар-кү, деб ўзимни юпатаман. Бир заводнинг директори, кекса киши ҳам йиғлаб юборишига сал қолди. Фақат б-нчи синфда ўқучи кичкина бир болагина дадил турган бўлса керак. Ў, жаранглаган товуши блан бутун залга эшиштириб:

— Олий мукофот учун ҳукумат ва партияга раҳмат айтаман. Ўз Ватаним учун фойдали киши бўлиб етишаман,— деди.

Унинг гапларига ҳаммадан кўп қарсак чалишиди. Айтишларича, у, жуда кўп ёндиручи бомбаларни ўчирган экан, шунинг учун ҳам у биринчилар қаторида медаль олди.

Медальни кўкрагимга тақиб мактабга келганимда бўлган ҳодисани асло сўраманг! Болалар, ўқитувчилар, ҳаммалари табриклади!

Энди онам медаль олиши керак. Ўшандо ҳаммамиз Ленинград учун медаль олган бўламиз. Орамизда орденли киши фақат сизгина, отажон.

### Ўғлинигиз Юра».

Юранинг ўз отасига ёзган жатини менга кўчириб ёлишга бергани учун Анна Людвиговнадан жуда миннатдор бўлдим.

1943 йил 8 июль

Курск ёнида немислар янги ҳужум бошлади. Фронтнинг шу участкасида «тигр» деган катта танклар ва «Фердинанд» деган ўзиюрар замбараклар пайдо бўлганлигини ёзмоқдалар. Газеталарда немисларнинг кучи тўғрисида ёзилган гапларни ўқиб, киши хавф олади.

Асиrlарнинг айтишларига қараганда, душманлар бу ҳужумни «немис Сталингради» деб мақтанчоқлик блан айтаётган бўлсалар-да, мактаб ҳарбий раҳбари фашистларнинг Курск ярим доирасидаги ҳужуми барбод бўлиши муқаррар, деб исботлаб берди.

Кечқурун умумشاҳар йиғилишида: «Немисларнинг Курск районидаги ҳужуми» ва «Гитлер ставкасидаги муттаҳамлар» деган мақолаларни ўқиб чиқдик.

Болаларнинг жуда жаҳли чиқди.

— Уччига чиққан муттаҳамлар экан! Аввал бошлаб үзларининг «тигр»лари блан қўрқитмоқчи бўлган эдилар, энди келиб, германларнинг ҳужум бошлагани тўғрисида ги Совет ахбороти ёлғон, деб бақирмоқдалар,— дейишди.

Болалардан бири хулоса чиқариб:

— Демак, жиғларини эзиб қўйишипти-да, — деди.

1943 йил 15 июль

Биз яна полизда ишлаш учун Конная Лахта станциясига бордик.

Болалар полиз ишларига «тажрибали» бўлиб қолгандаридан жуда яхши ишламоқдалар.

Болаларнинг шаҳарга боришлилар лагерьда жуда қийин масала. Улар шаҳарга бориб, ота-оналарини кўришини, кинога киришни, ҳаммомга тушишини истайдилар.

Аммо шаҳар ва айниқса вокзаллар доим ўққа тутилиб турганидан болаларни шаҳарга юборишга юрагим бетламайди. Шаҳарга жавоб беришлилар вақтинча тўхтатилишини болаларга қа’тий қилиб айтдим. Бу гап уларни койитди. Болалар бетоқат бўллабошладилар. Аня Мироновна йиғлаб:

— Онам нима бўлди экан? Шаҳар қаттиқ ўққа тутилаётган эмиш! — дейди.

Ара Шестакова жойига ётар экан, атайлаб мени эшитсин, деб:

— Шаҳарга жавоб беришлирини билганимизда, иш ҳам яхши кетарди, ҳозир хафагарчиликдан бошқа гап йўқ, дейди.

Обед вақтида болаларга: «Ота-оналарингизга хат ёзинглар, шаҳарга боришлирингизга рухсат этишлари тўғрисида мактабга хат ёзишсин» деб э'лон қилдим.

Бундан ҳамма хурсанд бўлди.

Орадан бирнечча кун ўтга, бир қучоқ рухсат хати олдим ва ажабландим. Бу енгилтаклик эмасми? — деб ўйладим. Йўқ, бу енгилтаклик эмас, балки ўққа тутишларни, ҳужумларни писанд қиласлик натижаси эди...

Ўқитучилар блан мен болаларни шаҳарга олиб тушдик.

Финляндия вокзалида ўқ ёмғири остида қолдик.

Бир снаряд жўнашга тайёр бўлиб турган поездга тушди. Уч вагон пачақланди, бошқа вагонларнинг ойнаклари учиб тушди.

Қизлардан бири менга:

— Осмонга каранг-а... қаранг-а! — деди.

Бошимни күтариб қарасам, жуда күн қалдирғочлар учиб юрган экан. Улар қўрқанидан ўзларини ҳар томонга ташлаб, бир-бири блан тўқнашиб кетар ва чийиллашар эди. Аммо қишилар ўртасида тўла тартиб ҳукм сурарди.

Шаҳардан лагерьга пиёда қайтадиган бўлдик. Ҳамма эртасига Новая Деревнядаги трамвай тўхтайдиган жойга тўпланадиган бўлди.

1943 йил 18 июль

Новая Деревнядан Старая Деревнягача трамвай бор. Ҳақиқатда бу иккала «қишлоқ»ни йўқ деса бўлади, чунки ёғоч уйларнинг ҳаммаси ёқиш учун бузиб олиб кетилган. Тош бинолар хашак босиб кетган яланг ерларда сўппайиб қолган. Кўп полизлар эски том тунукаси ёки чангаль сим блан тўсиб олинган.

Шлагбаум ёнидаги заставада ҳужжатларимизни текшириллар.

Йирик тошлар терилган йўл деярлик ҳамавақт темир йўл бўйлаб боради, аммо ба’зи жойларда денгиз қўлтиғига яқинлашиб ҳам қолади. Бу ерлар яланг, ботқоқлик бўлиб, Лахтага етай деганимиздагина дараҳтлар учради.

Йўл бўйларида дзот ва дотлар бор. Булар йўл бўйидаги табиий тепаликларга ўхшайди. Кичкинагина деразалардан дока пардалар, консервадан бўшаган банкаларга қўйилган гуллар кўринади. Бу ерда жангчи қизлар турса керак.

Жуда катта бир ертўлада ўнтача қизил аскар супачага ўтириб овқат емоқда. Бу ердаги манзара — мамлакат ичидаги «тинч» ҳаётнинг олдинги доирадаги кўринишига ўхшарди.

Жуда баландда моторларнинг гувиллагани эшитилди ва вазият бирдан ўзгариб кетди: жангчилар пўлат шлёмларини кийиб, бир зумда ташқари чиқдилар. Командирлар воқиани билиш учун денгиз томонига дурбин солдилар. Отиш бошланиб кетди ва денгиз суви кетма-кет уч марта осмонга сачради.

Қизил аскарлардан бирор нарсани сўраш фойдасиз. Чунки улар бунинг ҳарбий сир эканлигини жаҳл блан айтишади ёки ҳазлга олиб, бошқача жавоб беришади. Маҳмаданалик қилиш ярамас эди.

Йўлнинг икки жойида оқ устунлар зич қилиб ўрнаштилган. Булар танкка қарши ишланган тўсиқ бўлиб, геометриянинг қандайдир бир асбобини эслатар эди.

Шаҳардан Ольгиногача икки ярим соат йўл юрдик.

1943 йил 26 июль

Кеча соат 12 га яқин ухлагани ётдим. Биз ётган чортоқнинг деразаси Ленинград томонига қараган бўлиб, шу соатларда шаҳар устида отилган ракеталар бизга кўриниб турарди. Ракеталар оқ ёки қизил учқунлар сочиб сўнгра сўнарди. Осмонда пројектор нурлари учарди.

Аэропланларнинг гувиллашидан уйғониб кетдим. Овозига қараганда, улар жуда ҳам кўп бўлиб, баландда учаяпти. Қулоқ солиб ётдим... Бирдан деворга ёруғ шу'ла тушди. Сапчиб туриб деразадан қарасам, ҳамаёқни аланга тутиб кетипти. Аланга дам қизариб, дам оқариб ловилламоқда.

Ёруғ из қолдирадиган ўқлар осмондан учиб ўтмоқда. Пројектор нурлари бир-бирини кесиб, яна тарқалишиб кетади.

Бирдан бомбанинг чийиллаган хунук овозини эшидим.

Демак, Ленинградга ҳужум бўлаётир. Шаҳримиз ёнмоқда!

Вақт соат 1 дан 30 минут ошган эди. Ҳарбий раҳбарни ва педагогларни уйғотдим. Болаларни уйғотсаммикан, деб ўйладим. Июль охиридаги қоронғи кеча эди. Атрофетаварагимиз жим-жит, аммо Ленинград томонидаги уфукда жуда ваҳмали воқиалар бўлаяпти.

Эртаси куни билсак, кеча кечаси шаҳарда жуда ҳам ёмон бўлипти. Немислар ёритучи ракеталар отиб, бомбаbardимон қилипти.

1943 йил 6 август

Овқатхонамиз фанердан ясалгани учун болалар уни «японча уй» деб айтишарди.

Юра блан Вова овқатга кечикиб келишди. Улар шаҳарга бориш учун олинган пропускаларни тасдиқлатгани қишлоқ советига борган эдилар, ўша ерда узоқроқ туриб қолган бўлсалар керак.

Биз ўтирган «японча уй» тўсатдан тебраниб кетди. Илгаги солиб қўйилган эшикни бирор қаттиқ тортиб,

сүнгра юпқа фанерни мушти блан қоқабошлади. Эшик очилган замон Юра блан Вова овқатхонага ўқдай отилиб киришиди-да:

— Фалаба, фалаба! Орёл блан Белгород бир кунда олинипти,— дейишди, уларнинг хурсандчилиги ичлариға сиғмасди.

Ҳаммалари ўринларидан сакраб туришиб, «ура!», «ура!» деб қаттиқ қичқирдилар.

— Қишлоқ советида бизга мана бу газетани беришди. Үнда ўртоқ Сталиннинг буйруғи бор! Москвада салют берилипти...

— Юра, қани, газетани берчи... Ҳозир ўқиб чиқамиз. Үтиргиллар, болалар!— деди Ара Шестакова.

Овқатхонадагилар жим-жит бўлишиди.

Ара буйруқни ўқиб берди. Бу буйруқда, бизнинг бу ҳужумимиз Қизил Армиянинг ёз фаслида ҳужум қилиши мумкин эмаслиги тўғрисидаги афсонани фош қилиб ташлайди, деган жойи айниқса ҳаммани шодлантириди.

Энди навбат ёзга келди,— деди ҳурсанд бўлиб Гуля.

Ара яна буйруқдан ўқиди:

«1943 йил 5 августда Ватанимизнинг пойтахти Москва ҳадимги шонли традицияни тиклаб, Орёл ва Белогородни озод қилган шавкатли қўшинларга салют берди».

Ҳамма ҳаяжонланган, хурсанд эди. Сра тарк қилинмаётган «уйқу соати» бу сафар бўлмади.

Мен, ғолибларга салют бериш шонли традицияси тўғрисида сўзлаб бердим. Ништадт сулҳи байрам қилинган вақтда мушакбозлик бўлиб, оловли бургутнинг швед арслонига ҳужум қилгани ва швед арслонининг пора-пора бўлиб кетгани ҳақидаги сўзларим болаларга жуда ёқди.

— Москвалилар салютни кўриб, маза қилишди,— деди Ара.

— Ҳеч бўлмаса, радио орқали эшитсак ҳам майли эди.

— Ленинградда ҳам салют бўлади! Бўлиши аниқ!

1943 йил 10 август

Тирсанинг оиласидан хабар олгани уларнинг уйқи кирдим. Май ойидан буён кўрганим йўқ эди. Аня биллур вазага қўйилган ҳархил гулларни кўрсатдим.

— Сен шаҳар атрофига бордингми? Нима учун никига кирмадинг? — деб сўрадим.

Аня кулди.

— Мен бу гулларни күчадан, тошлар орасидан териб олдим. Ўтган йили Пряжкада бўтакўз бор эди, ҳозир йўқ, чунки ер экин экиш учун ҳайдалган экан.

Үққа тутилмай турганида шаҳар жим-жит бўлиб қолади. Трамвай, машина бир ўтиб қолади-да, яна жим-житлик бошланади. Бу — тинч вақтдаги Ленинградга сра' ўхшамас эди. Деразалар очиқ, лекин ҳовли ва кўчалардан болаларнинг овозлари эшигилмайди.

Қизил майдондан ўтган машиналарнинг овозини радиодан эшиганингда жуда хурсанд бўлиб кетасан. Бизда ҳам тезроқ шунақа бўлса эди! — дейди Аня.

1943 йил 24 август

Июль ва август ойларида кўп ғалабалар қозондикъ

Гумбурлатиб замбаракдан Москва,  
Солют берар Ватан қаҳрамонларига.

Газеталарда: «Бутун мамлакат душманга қаттиқ зарбалар берайтган ўз қаҳрамон жангчиларини табрикламоқда» деган шиорлар босилиб чиқди.

Болалар стратегия масалаларида ўз фикрларини баён қиласидиган бўлиб қолдилар:

— Биласанми, ҳозир бешта фронт бор, уларнинг ҳаммасига қўмондонлик қилиш керак. Бу фронтлар бир-бирига ёрдам бериши керак!

— Бу шахмат ўйини эмас!

— Немисларнинг Курскга қандай ҳужум қилганликларини «Красная звезда» газетасидан ўқидим. Улар бир жангга тўртта пиёда аскар дивизияси ва учта танк дивизиясини ташлапти. «Тигр»лар ҳар эшелонда ўнтадан-ўнбештадан бўлиб ҳужум қилган. Ўртача танклар эса, элликтадан-юзтадан бўлиб келган, уларнинг орқасидан бронетранспортёрларда машиналаштирилган пиёда аскарлар келаверган. Тушундингми?

— Бўлмаса, учучиларимизга ва тўпчиларимизга роса иш топилгандексанчи!

— Бизниkilар ҳужум қилган вақтда немиснинг ўққа тутилганлигини айтмайсанми! Немислар бундай бўлишини сра кутмаган экан!

— Эсингиздами? Бизниkilар Севастопольни ташлаб чиққанларида жуда хафа бўлган эдик, Сталинград учун

күп ташвишланған әдик. Ҳозир әнди ишлар бошқачасига кетди,— деди Ара Шестакова.

1943 йыл 25 август

Кечаси юзларча аэропланлар учеб үтди. Уларнинг қаттиқ гувиллаганидан катта кишиларнинг ҳаммаси уйғониб кетди.

Гумбур-гумбур үқлар отилди. Узоқда, осмонга кўтарилиган аллангада қопқора тутун буруқсаб кўринарди. Уларга томон иланг-биланг оқиш чизиқлар тортилди. Уларнинг учларида қизғимтил-сапсариғ шарлар бор эди. Буларнинг бири ўчса, яна бошқаси пайдо бўлаверди.

Бизга қўшни турган денгизчилар буни кўришиб:

— Бу «Катюша», «Катюша»ларимиз роса иш бераяпти-ку! — дейишиди.

— Аэропланлар ҳам бизнекими?

— Бўлмаса-чи! Бизникилар Петергоф районидаги қирғоққа ҳужум қилишаяпти.

Шодликдан юракларимиз дук-дук урабошлиди. Правордида муродимизга етдик! Ленинградни катта замбараклардан тўхтовсиз ўққа тутганларга әнди биз ана шундай жавоб қайтармоқдамиз.

Анна Людвиговна Юрани уйғотар әкан:

— У Ленинградда кўп оғир воқиаларни кўрган. Ҳозир бу аҳволни кўрса, хурсандчилиги ичига сифмай кетади. Тепамизда қандай катта куч, қандай ажойиб қанотли армия учеб юрганини кўраяпсизми?

Мен ҳам бу хурсандчилик чоғидан болалар бехабар қолмасин деб, қасир-қусур қилиб турадиган зинапоя блан болалар ётган чортокқа чиқдим.

— Хоҳлаганлар кийиниб ҳовлига тушсин. Аэропланларимиз фашистларни бомбардимон қилаяпти, дедим.

Бирнеча бола бирдан сапчиб ўрнидан турди ва бошқаларни уйғотди. Апил-тапил ҳовлига тушдик.

— Бу кеча жуда ажойиб, топилмайдиган кеча бўпти-ку! — деди болалардан бири.

Катта, улуғ байрам яқин.

Қасос олиш соати келди!

1943 йыл 26 август

Янги ўқув йилидан бошлаб ўғил болалар ва қизлар бошқа-бошқа мактабларда ўқишидаи, деган хабар болаларни ҳайрон қолдирмоқда.

— Илгари ўғил болалар блан қыз болалар бирга ўқи-  
маган вақтларда қандай бўлган экан, шуни айтиб бер-  
сангиз,— деб сўрашди мендан. Яна бири:

— Сиз қайси мактабда қоласиз?

— Мактабимиз қизлар мактаби бўладими ёки ўғил бо-  
лалар мактаби бўладими?

Қоронғи кечаларда ҳамма ана шу ислоҳот тўғрисида-  
гина гапиришар эди.

— Аттанг, колективимиз жуда ҳам яхши эди, ҳам-  
мамиз бир-биrimизга дўст эдик,— деб хўрсиниши катта  
болалар.

Кичик қизлар отрядидаги бир қизча гапга аралашиб:

— Эҳтимол, яхши бўлар: у вақтда соchlаримиздан  
ҳечким тортмайди,— деди.

— Йўқ, ўғил болаларсиз қийин бўлади. Ўғил болалар  
ботир: бутун синф тўпалон қисса ҳам, айбни ҳамавақт  
ўғил болалар ўз устларига оладилар,— деб қарши чиқди  
бошқа бир қиз.

Правордида билсак, мактабимиз қизлар мактаби бўлиб  
қолар экан. Катта ўғил болалар тили блан айтганда, улар  
«тамом ёт мактабга» ўтар эканлар.

1943 йил 27 август

Шаҳарга кўчиб келдик. Ўғил болалар мени уйимгача  
кузатиб, чамадон ва қопчиғимни кўтариб келишди.

— Хайр, Ксения Владимировна! Бундан кейин юклар-  
ингизни учинчи қаватга кимлар олиб чиқишар экан? Бу  
иш қиз болаларнинг қўлидан келмайди. Яхшиликлари-  
мизни эслаб ҳам қоларсиз,— деб ҳазиллашди улар.

— Лагерьда ҳам бизсиз қийин бўлади: чунки ўроқ  
ўриш, ўтин кесиш қизларнинг қўлидан келмайди.

Бунга жавобан мен:— Лагерингиз бизга қўшни бўлиб  
қолса, у вақтда ёрдам берасиз,— дедим.

— Албатта! Албатта, ёрдам берамиш: тўғримасми,  
Юрка, ёрдам берамиш-а?

Биз шундай ҳазиллашдик-ку, лекин хайрлашгимиз  
келмас эди.

1943 йил 18 сентябрь

Кеча Аня Тирса бизникига келди. Унинг ёмон хабар  
келтиргани юзидан сезилиб туради.

— Нима воқиа бўлди? Гапирақол,— дедим унга.

— 17 августда Миша Марголин госпитальда ўлди: у оғир ярадор бўлган экан. У, ҳамавақт фронтга боришига интилган. Ҳарбий мактабни тамомлагандан кейин ҳаракатдаги армияга бориш ниятида бошқа бир мутахассисликни ҳам ўрганипти. Болаларимиз орасида жуда ҳам яхши, талантли бола эди. Шундай масми?— деб хафа бўлиб гапирди Аня.

— Тўғри айтасан. Жуда тўғри айтасан,— дедим ва ақелли, соғдил, виждонли йигит кўз олдимда тургандай бўлди.

Уйқумда дала тушимга кирипти. Баланд ўсиб турган қалин кўкатлар орасида Миша ётарди. Унинг юзи ваҳимали, кўзлари юмуқ эди.

Уйғониб қарасам, ёстиғим бутун ҳўл бўлиб кетипти. Тушимда тоза йиғлабман. Юрагим қаттиқ тепмоқда. Ҳали яна кўп болалар учун ачиниб йиғлашга тўғри келади!

1943 йил 20 сентябрь

— Ксения Владимировна, хабарингиз борми, синфидаги бир ўқучи қиз фронтда бўлган экан,— дейишди 8-чи синфда ўқучи қизлар.

— Ким экан?

— Люся Шилинская.

Бу қизни унугиб қўйган эканман. Мен уни кейинги дарс вақтида доскага чиқардим.

Кўккўз, пастак бўйли, соchlари силлиқ таралган бир қиз ўрнидан туриб келди. Саволга ҳовлиқмасдан, ма'ноли жавоб берди. Танаффус вақтида ундан:

— Қандай қилиб фронтга бориб қолган эдингиз— деб сўрадим.

— Отам мени оч қолмагин деб, Ленинграддан олиб кетган эди. Унинг қисми шаҳар ёнида турар эди.

— Фронтда нима иш қилдингиз?

— Тўғри келган ишни қилавердим. У ерда қўл қовуштириб ўтиришга тўғри келмайди.

Люся мақтанишни, бошқаларни ҳайратда қолдиришни ва ҳатто ўзи тўғрисида гапиришни ҳам ёқтирмайди.

Фронтда бўлган яна бир қизимиз Мура Семёновани синфда мен ўзим кўриб қолдим. У биринчи скамейкада

ұлтиради, чунки у узоқдаги нарсаларни хира күрарди  
Унинг күкрагидаги медальга күзим тушди.

Дарсдан кейин у блан гаплашдим:

- Медалингиз қанақа медаль?
- «Жанговар хизматлари учун» деган медаль.
- Фронтда бўлганмисиз?
- Ҳа, отам блан бирга бўлган эдим.

Шу пайтда суриштириб туриш ўнғайсиз бўлгани  
учун, у блан бошқа вақтда гаплашаман, деб қўйдим.

Мен бу қизларга алоҳида эътибор берабошладим. Улар  
мактабда ўзларини қандай тутар эканлар, ўқитучилар  
блан ва синфдаги муомилалари қандай бўлар экан? —  
деб қизиқдим.

*1943 йил 1 октябрь*

Люся Шидинская бир кун мендан сўраб қолди:

- Мен болалар ижоди олимпиадасига қатнашсан бў-  
лармиカン? Тарихдан бир нарса ёзмоқчи эдим.
- Қатнашсанг бўлади, албатта! — деб жавоб бер-  
дим.

Унинг ёзадиган нарсаси ҳарбий мавзу'да бўлишини  
 билар эдим. Афтидан, «ҳарбий хизматда бўлганлиги»  
 учунгина уни ҳарбий тарих қизиқтиради. Бир қарасанг,  
 у саркардалар тўгрисидаги китобларни ҳавас блан ўқий-  
 ди. Бир қарасанг, менинг дарсимида ўтирган студентларга  
 Кунерсдорф жангининг мураккаб схемасини синф доска-  
 сига чизиб кўрсатиб, уларни ҳайратда қолдиради.

— Мен «Куликов жанги» тўгрисида ёёсам. дейман,  
 чунки мен Костомаров ва Ключевскийнинг китобларини,  
 Бородиннинг «Дмитрий Донской» номли романини ўқиб  
 чиқдим. Сиз менга яна бошқа китобларни кўрсатиб бера-  
 сизми? — дейди у.

Люся менинг олдимга тез-тез келиб, ба'зан китоблар  
 олиб кетади, ба'зан бирқанча саволлар топиб келади.  
 Унинг ёзадиган нарсаси яхши чиқиши турган гап.

— Люся, фронтда қандай тургансан, шуни менга ай-  
 тиб берсанг, ёзган нарсаларинг борми?

— Бору, лекин ҳаммаси парча-парча қофозлардан  
 иборат. Хомаки ёзиб қўявергандман. Уларни тартибга кел-  
 тирай, десам вақт йўқ. Бунинг устига, ҳечкимга кераги ҳам  
 йўқдир, деб ўйлайман. Фронтда кўп ажойиб кишилар  
 бор. Мен бўлсанм кўзга кўринадиган ҳечқандай иш қилган  
 әмасман,— деди у.

Бугун Люся ўз асарини ва бирнеча құл'әзмасини мән-  
га келтириб берди.

— Мана, эсдаликларимни сизга олиб келдим,—деди у.  
Люсянинг эсдаликларидан мана шуларни ўқидим.

«Уз түғримда сўзламасам ҳам бўлади, чунки мен ҳеч-  
қандай катта иш кўрсатган эмасман. Эл қатори юравер-  
ганиман ва қаҳрамонлик ҳам кўрсатганим йўқ. Ҳатто  
жангга ҳам қатишган эмасман. Фронтга бориб қоли-  
шим қизиқроқ бўлган.

1942 йил май ойида шамоллаб, касал бўлиб қолган  
эдим. Дистрофияга учраган ленинградлиниң касал бў-  
лиши жуда ҳам хавфли нарса. Кунлар бўйи якка ўзим  
ётиб, овқат тўғрисида сра ўйламасликка, мумкин қадар  
бошқа қизиқроқ нарса тўғрисида ўйлашга ҳаракат қи-  
лардим, аммо овқат тўғрисидаги ўй худди хира пашша-  
га ўхшар әди.

19 июнь куни тўсатдан отам келиб, мени олиб кетди.

Мотоциклда уч соат йўл юрилгандан кейин ПСД (я'ни  
ма'lумот тўплаш пункти) жойлашган ертўлага етиб бор-  
дим. Ертўладаги алоқачи жангчилар менга жуда қизи-  
кишиб қарашди ва саволлар беришди:

— Ёшингиз нечада?

— Ленинграддагилар қандай туришини?

Бироздан кейин мени отам турган ертўлага олиб бо-  
ришди. Ана шу блан фронтда қолиб кетдим.

Шундан кейинги воқиаларни яхши эслай олмайман.  
Аммо старший батальон комиссари блан гаплашганим  
эсимда яхши қолган. Уни мен умрбод унутмайман.

У менинг иккинчи отам бўлди, десам арзийди.

Менинг «ҳарбий» ишим буйруқ ёзиладиган қофозлар-  
ни жуда текис қилиб бир ўлчовда қирқишидан бошланди.  
Шундан кейин менга топография хариталарини кўрсатиб,  
уларни ёпиширишни ўргатдилар. Бу ишни ҳам тез ўрга-  
ниб олдим.

Мен буйруқларни тикишда ишлар мудирига ёрдам-  
башдим, сўнгра олдинги доирага жўнаб кетучи коман-  
дирларимизнинг хариталарини елимлаб ёпишириар эдим.

Кейинчароқ менга «вазият» белгилашни, я'ни фронт-  
даги қўшинларнинг турган жойлари ва «ўт системаси»  
тўғрисида харитага белги қўйишни ўргатдилар. Ора  
кўп ўтмай чертёжчиларга ёрдамлашабошладим.

Ез охирроғида мени сиёсий бўлимга кўчиришди ва кутубхона ташкил қилишни буюришди. Бу ишларни анча тез уддаладим. Аммо мен ташкил қилган кутубхона ертўласи жуда зах, поли остида сув бор эди. Тахтапол устида юрганимда тахтанинг ораларидан сув фонтанча бўлиб отилиб чиқар эди. Ташқарида бутун кун бўйи ёмғир ёғса, кутубхонанинг шипидан бир ҳафта чакка ўтар эди. Китоблар намиқиб, ивиб кетди. Китобларни алоҳида бошқа қуруқ жойга олиб чиқдим.

Кузда «оперативчи» — штабчилар мени яна ўзларига олишди. Ҳужумга тайёргарлик бошланди.

Фронт олдинга жилиб турганидан биз ҳам «фрицларнинг» ертўлаларига жойлашиб олган эдик. Совуқ ертўлаларнинг ойнаклари йўқ, кишилар кўп, ҳаммалари чекишади... Майор ўзининг «стол»га ўхшаган жойида Ленинград фронтига оператив сводка ёзарди; бирор бурчакка тиқилиб, бир соатгина мизғиб олмоқчи бўлиб ётди.

Ертўлага подполковник Бармин ўқдай отилиб кирди. У, хириллаб қолган овози блан гапириб ва ўз ёрдамчиларини шошилтирар эди. У, штаб бошлиғига телефон орқали нималарнидир ма'лум қилди. Ёзув машиналарининг чақир-чукӯри, телефонларнинг жингирилаши әшитилиб туради, буйруқлар берилади. «Буржуйка» дан тутун буруқсаб чиқади. Туну-кун шу аҳвол.

Ертўладан ташқарига чиқсанг — совуқ, осмонга рангбаранг ракеталар отиласди. Яқин орада замбарак гумбурламоқда. Пулемётлардан, автоматлардан тарақа-туроқ ўқ отилиб туради... Фронт уч-беш километр нарида. Ҳатто яқинроқ бўлса ҳам эҳтимол. Машиналар, мотоциклчилар, отли кишилар келиб-кетиб туради. Ҳаммалари замбарак отилаётган томонга қараб кетишади. У ерда бизникилар ҳужум қилмоқдалар, уларга усталик блан раҳбарлик қилиш керак. Душманга қаттиқ зарба бериш учун тўғри йўл кўрсатиш лозим. Бу мураккаб вазифаларни майорларимиз, полковникларимиз, штаб бошлиғимиз ва армия қўмандонимиз бажардилар. Ўйқусизликдан уларнинг кўзлари қизариб кетган, юзлари озган. Алоқа офицерлари, чертёжчилари, машинисткалар, алоқачи жангчиларнинг пешоналарида, борингки, жон фидо қилиб, катта ишга ўзининг кичкина, лекин муҳим ҳиссасини қўшаётган кишиларнинг пешоналарида ажинлар пайдо бўлган.

Жанг бошланиши олдидан бўлган комсомол йиғилишимиизни эслайман. Йиғилишда комиссар сўзга чиқиб,

бундай деган эди: «Фашист» деган сўздан ҳам ифлос сўз ўй; бу сўзни эшитганда мамлакатимиздаги ҳарбир кишининг ҳам нафрат ва ғазаби аланга олади! Ленинград, Пушкин, Киев, Одессага етказилган жароҳатларни эслаганимизда «фашизм» сўзи ла'нат ўтида ёнади.

Биз вайрон бўлган Петергофни, Крещатикдаги дорларни, Ленинградда оқ чойшабга ўраб чаналарда олиб борилган жасадларни, бомба ва снарядларни эслаймиз; биз: «ўлим душманга!» деймиз. Дўстларим, келгуси йиғилишда орангиздаги кишилардан ба'зилари бўлмаслиги мумкин. Аммо комсомолларнинг ҳарбири ҳам ўз постида туриб, бурчини охиригача бажаради».

У, кафтини елкамга қўйди.

— Биламанки, сен ҳам фашистларни ёмон кўрасан. Шундаймасми, қизим?

Мен жуда та'сирланганимдан бошимнигина қимирлатдим. Паст бўйли, вазмин, истараси иссиқ, кулишлари ёқимли бу киши ишимишнинг ҳаққоний иш эканлигини, ғалаба қозонишга бўлган ишончимизни тўла ифодалаб турарди.

---

Биз ана шундай иш олиб бордик. Имконияти бўлганда госпитальга бориб, ўз кишиларимизни кўриб келдим. Уерда ҳам нима буюрсалар, ҳаммасини бажардим. Хазиллашиб менга «ҳар ишга ҳозир» деб ном бердилар. Чунки нима буюрсалар шуни қиласверар эдим.

Аммо бошқалар менга қараганда жуда кўп иш қилдилар. Офицерларимиз бажарган ишларни айтиб, адо қилиб бўлмайди! Мен бўлсан «ҳар ишга ҳозир» эдим.

1943 йил 17 октябрь

Смольнийга бориш тўғрисида бундан уч кун илгари раёномдан телефонограмма олинган эди. Унда: «11 октябрь роппа-роса соат 15-у 30 минутда келинсин» деб очик айтилган.

Шаҳарни ўқча тутиш бошланиб қолгудай бўлса кечик майин деб, тайинланган вақтдан бир ярим соат илгари мактабдан чиқиб кетдим.

Смольний олдидағи майдонга бориб етдим. Илгари ўзининг катта устунлари блан гўзал ва ҳашамдор бўлиб турган бу катта бино аввалги ёқимли тусини йўқотиб,

қўйган ва қорайиб кўринарди. Растрелли қурган Смольний ва соборни бу ҳолатда кўриб жуда хафа бўлиб кетдим. Лекин бинога шикаст етмаган бўлиб, ниқоблаб турган бўёғигина уни ана шундай кўримсиз қилиб қўйган эдим.

Кираверишдаги устунлари ҳам боягидай. Булар ёғоч ва чипталар блан ниқоблаб қўйилган.

Эшик олдида пропуска ва паспортимни текширдилар. Зинапоядан Смольнийнинг иккинчи қаватидаги узун ва кенг коридорига чиқдим. Бу коридорни «Ленин Октябрьда» фильмида ва Владимир Ильич турган оддий бўлмага экскурсияга келган вақтимда кўрган эдим.

Ленинград Совети Ижроия Комитети раисининг қабулхонасида шаҳарнинг бошқа районларида ишловчи кўп ўқитучиларни учратдим.

Биз П. С. Попков кабинетига кирдик. Ўртоқ Попков бил блан саломлашар экан, ўқитучиларни чақиришдан мақсади — мактабларда ишларнинг қандай бораётганлиги, уларнинг каму-кўстларини ва қандай ёрдам кераклигини билиш эканини айтди.

Ҳечким сўз бошлайвермади. Шундан кейин ҳазил аралаш қилиб, биз учун янгилик бўлган эрлар мактабининг директорларидан бири сўз бошласин, дейишди. Шу блан суҳбат бошланиб кетди.

П. С. Попков э’тибор блан тинглади ва ба’зи нарсаларни блокнотига ёзиб олди.

Суҳбатлашиб ўтириб, икки соат ўтиб кетганини ҳам билмай қолибмиз.

Ҳаммамиз хурсанд бўлиб тарқалишдик.

Мактабга боргач, бу тўғрида гапириб бериш жуда зарур, чунки бу — ўқитучиларнинг кўнглини кўтарниб юборади.

*1943 йил 2 декабрь*


Мура Семёнованинг бошидан кечирганлари менга анча кейин ма’лум бўлди.

Мен унинг бошидан кечирган воқиаларини бу ерда, Муранинг ўзидан эшиганимдек баён қиласман:

«1941 йилнинг ёзида Ленинграддаги интернат Шимолий Кавказнинг Лабинская станциясига эвакуация қилинганида мен ҳам бирга кетган эдим. Отам ҳам у ерга етиб борди ва бир кишининг уйини олдиндан пул тўлаб ижарага олди-да, укам икковимизни шу уйга жойлаштирди. Биз бу ҳовлида жуда яхши ва тўқ турдик.



—Бу медаль мен учун ҳамма мүкофотлардан ҳам яхши!  
Чунки мен ленинградлиман!



Аммо станцияни нәмислар олғанидан кейин бизга муомала тамом ўзгариб кетди: уй эгаси бизга яхши қарамайдиган бўлиб қолди. Афтидан, уй эгасининг хотини, бизни энди ўзларига ортиқча юк бўлиб қолади, деб қўрқ-қан бўлса керак. Мен унинг қўшни хотинларга: бу болалар яҳудий, отаси Қизил Армияда деганини эшитдим. Ҳавф остида қолганимизни сездим. Энди қандай қиласиз, деб ўйладим.

Мен ўйлаб ўйимга етгунча аҳвол яхшиланиб кетди: партизан отряди Лабинская станциясини ишғол қилди.

Укам икковимиз яна интернатга қайтиб келдик.

Ҳарбий ёшдагилар армияга чақирилганда менинг ўнтўрт яшар укам чақирув пунктига бориб, мен ўнолтидаман деб, ҳаммани ишонтирган. Уни ҳарбий мактабга оладиган бўлишипти. Мен якка ўзим қолдим, отамнинг қаердалигини ҳам билмас эдим. Отамдан хат келмади-микан деб, тез-тез бояги уйдан хабар олиб турдим...

Бир куни мен ўша уйга борсам, эшигининг олдилда битта машина турипти. Унда ҳарбийлар бор эди, уларнинг орасида битта қиз ҳам бор экан. У қиз мендан:

— Мура Семёновна қаерда туради, билмайсизми? — деб сўради.

— Мура Семёновна мен бўламан.

— Отангиз сизга салом айтди, — дейишди.

Ма’лум бўлдики, отам полк санитар қисмининг бошлиғи бўлиб ишлар экан, ўз қисми блан Воронеж областида туриб дам олган ва мени кўп суриштирган экан.

Булар блан учрашганим ҳечқачон эсимдан чиқмайди.

Шу кундан э’тиборан мен бутунлай бошқача ва яхши ҳаёт кечира бошладим.

Мен ажойиб бир ҳодисани кўрганман. Июль ойида Орёл-Курск ярим доирасида ҳужум бошланди. Кечаси тревога берилиб, қисмимиз ҳам жангга тайёр бўлди. Ҳужум бошлаш тўғрисида буйруқ келди.

Армиядаги техника деган сўзнинг ма’носини мен шу ҳужум вақтида билдим. Қўшинларимиз тўрт томондаги йўлдан саф-саф бўлиб жўнади, ҳайбатли танкларимизнинг тарақ-туруқ қилиб, ургандай тез боришидан қулоқлар битиб кетарди. Танклар кетидан машҳур «катиушашлар» йўлга тушди, кейин тўп-замбараклар жўнади, уларнинг орқасидан бораётган автомашиналарнинг кети кўринмас эди. Осмонни чанг-тўзон тутиб кетганидан қуёш нури ҳам хира кўринар эди.



Менинг «ҳарбий» хизматим түсатдан бошланди. Биз бир қишлоққа етиб келдик. Биз шу ерда иш бошлашимиз керак эди. Шу дамда қаттиқ танк жанги борар эди.

Тайинланган жойимизга кетаётганимизда немис ҳарбий техникасининг пачақ-пачақ бўлиб ётганини кўрдик.

Бундай жангларда қурбон берилиши турган гап эди.

Биз Камишовка қишлоғига келдик. Бунда ярадорлар тиқилиб кетипти. Улар кўчаларда ва қишлоқ атрофидаги кенг ялангликда ётар эдилар. Мен нима қилишни билмай ҳайрон бўлиб турган эдим. Бирдан:

— Сув! Сув! — деган овозни эшидим.

Бир пақирда сув олдим-да, ярадорларга ичирабошладим. Кейин, ярадорлардан бири менга бинт узатиб:

— Кел, боғлаб қўй! — деди.

Мен ҳам боғлайбошладим.

Биз ҳамма ишни фельдшер Машенька иккомиз бирга бажардик. Албатта, санитарлар ҳам бор эди. Улар ярадорларни ташиб туришди, аммо кўтаришга менинг кучим етмади.

Биз Машенька икковимиз ярадорларнинг яраларини боғладик, овқатлантиридик, оғир-енгил ярадорларни ажратдик, рўйхатга олдик ва жўнатиб турдик. Ба'зан учтўрт кунлаб ухламас эдик. Кечалари кўпроқ мен навбат-

чилик қылар әдим. Менинг құлымда юзга яқин ярадор бұларди.

Жаңғ әз бүйі давом этди. Мени жанговар мұкофотта тақдим этганлайларини күздагина билдім. Бу мұкофотии 8-нчи ноябрь куни саф олдіда олдім».

Мен Мурадан:

— Сиз яхши үқияпсиз. Сизга үқишлиар оғирлик қилма-етғанга үхшайды-а? — деб сұрадым.

— Йүғел Мен ҳозирча қолиб кетған дарсларни үқияпман. Ростини айтсам, мен 8-нчи синфда үқиган әмасман, уни ҳозир үзимча үтаяпман. Ҳар куни кечаси соат иккигача үтираман.

— Сиз ҳозирданоқ олий мактаб тұғрысіда үйләяпсизми?

— Мен күп үйлаб үтирмайман. Албатта медицина институтига кираман. Бу касб бизнинг оиласында отамерос: онам врач әди, отам ҳам врач, бу иш менга ҳам таниш бўп қолган.

1943 йил 5 декабрь

Бугунги куним жуда бошқача үтди. Биз фронтта, өз оталигимизга меҳмонга бордик. Оталикдагилар бизни чақирганига аńча кун бўлган, қизлар ҳам ҳардойим бир борсак, деб юришар әди.

Ҳамма ўғил болалар ўзларининг мактабига үтиб кетганидан кейин Юранинг ўрнига Люда Ширкович комсомол комитетимизнинг секретари бўлиб қолган әди. У менга шундай дер әди:

— Оталиққа албатта бориб туриш керак! Үндагилар бизнинг йұлымизга кўз тутыб турмоқдалар. Бормасак уларни менсимаган бўламиш. Биласиз-ку, улар ҳар сафарги кечаларимизга келиб туришади!

Валентина Васильевна дудмолланыб шундай деди:

— Қизларимиз фронтта бориб туришса ва ундағи жангчилар ҳамда командирларнинг қандай яшашларини ва жангларга тайёрланиб, қандай астойдил үқишлиарини ўз кўзлари блан кўрса, жуда яхши бўлар әди. Аммо бундай сафарнинг мас'улити директорни жуда ҳам ташвишга солди: болаларни фронтнинг олдинги доирасига олиб бориш ҳазил гап әмас!

Капитан Полонский уни күндириди. У полк командири номидан боришга таклиф қилди.

— Мәхмөнларимизнинг ҳаётига жавобгармиз. Бизга ёзучилар, артистлар келиб туришади. Уларнинг келиши армиямиз учун жуда зарурдир. Мәхмөнлар келганда биз жуда яйраймиз, фронтда кўрган азоб-уқубатлар кўнглини миздан кўтарилиб кетади. Бизнин, икки кўзимиз сизларнинг йўлингизда. Ўзларингиз биласизлар, жангчиларимиздан ва офицерларимиздан кўплари уйларида бола-чақаларини қолдириб келган, улар борган ўқучиларни кўриб, кўнгиллари жуда кўтарилади.

Фақат юқори синфда ўқийдиган ўнта қизни олиб борадиган бўлдик.

Ота-оналарни чақириб, улардан ўз қизларининг боришлирига розилик олдик.

Валентина Васильевна ҳарбир кишига:

— Фронтга мен ҳам, илмий мудиримиз ҳам бораяпмиз. Демак, сизлар хотиржам бўлаверинглар, биз дойим қизлардан хабардор бўламиз. Эрта блан кетиб, албатта кечқурун қайтиб келамиз. Агар қайтиб келмасак, бирор сабаб блан қолган бўламиз. Аммо у ерда ётиб қолиш хавфли эмас.

Ота-оналар ўз қизларининг боришига жуда қизиқишлини кўриб, рухсат бердилар.

Аммо боришимиз пайсалга тушди: қайси куни боришимиз икки марта белгиланди, аммо икковида ҳам оталикдагиларнинг ўзлари қайтаришди. Улар телефонда:

— Келишни бошқа кунга қолдиришларингизни сўраймиз,— дейишиди.

Биз билдики, улардаги вазият меҳмон кутишини кўтармайди.

Правордида боришимиз 5 декабрьга тайин бўлди.

Вагон деразасидан биз нотаниш шаҳарлиларни, қиш манзарасини кўриб бордик. Кун очиқ, дараҳтлар оппоқ қор эди.

Фронтнинг олдинги доираси Ленинградга анча яқин бўлганидан, дачний поезд вагонларидан олтитасини тиркаб олган кичкина локомативимиз секин юришига қарамасдан, биз бир ярим соатдан сўнг борадиган станциямизга етдик. Биз борган посёлка сербоғ экан. Болахонали уйлари бўлган яхши боғчаларнинг ҳаммасига ҳозир ҳарбийлар жойлашган. Бунда жангчи қизлар ҳам кўп экан. Биз қорли кўчалардан сиёсий бўлимга бормоқдамиз. Станцияда кутиб олган клуб бошлиғи бизни бошлаб бо-

пар эди. У биз блан сўрашгаңда: «Сиз азиз меҳмонларни кутиб олиш учун чиқдим!» деди.

Сиёсий бўлим торгина бир чорбоғда экан. Биз олдинги доирага бориш учун бу ерда машина кутиб турдик.

Бир нафасда битта юк машинаси етиб келди. Биз унга тушиб жўнадик. Сал юрганимиздан кейин бир жойда тўхтадик. Олдинги доирага боришдан илгари овқатланиб олишсин деб, меҳмондўстлик кўрсатиб, бизни овқатга таклиф қилишиди.

Бир ертўлага тушиб овқатландик. Мен илгари ертўла хунук ва совуқ бир жой бўлса керак, деб билар эдим. Бизни электр ва радиоси бор, тоза, иссиқ ертўлага олиб кирганиларида мен жуда ҳайрон қолдим.

Бизга жуда мазали ва тўйимли овқат берилди. Идишларга овқатлар кўп-кўп солинганилигини ва столга нонни уйиб ташлашларини кўриб ҳайрон қолдик. Жангчилар бизни мумкин қадар яхшироқ сийлашга тиришдилар:

— Олинглар, енглар. Гражданларнинг аҳволи оғир экани бизга ма’лум.

Олдинги доирага Виборг тош йўли блан борилади. Ҳамма жойда танкка қарши қазилган чуқурлар, чангальсмдан қилинган тўсиқлар, қатор кетган окоп ва траншеялар бор эди.

Чанғида юрадиган жангчилар жуда кўп экан.

Тобора ўрмонга кириб боравердик. Ҳар томонда ёртўлалар ва уларнинг орасида сўқмоқлар кўринарди.

— Ана, полк командирининг ўзи ҳам сизларни кутиб олгани келаяти,— деди капитан.

Ертўладан елкасига оқ пўстинини илиб олган бақалоқ, бақувват бир киши чиқиб келди. Майорнинг чақнаб турган кўзлари уни ёш қилиб кўрсатса-да, аммо соchlарига анчагина оқ оралаган эди.

У биз блан сўрашгандан кейин, Валентина Васильевнадан кечқурун ётиб қоласизларми, ёки кечки поезд блан қайтиб кетасизларми, деб сўради.

Кечқурун албатта қайтиб кетишимиз керак деганимиздан кейин. У:

— Ундей бўлса вақтни ўтказмай, тўппа-тўғри тўпчиликимизнинг олдига борамиз. Полкимиз блан танишишни ўшалардан бошлаймиз. Қани, юринглар бўлмаса,—деди.

Биз қўзғалдик. Ҳамаёқ жим-жит эди. Дараҳтларнинг учи қимиirlамас, шохлари эса, қордан эгилиб кетган эди. Чор атроф оппоқ қор, худди одамзоддан асар йўқдай

түйнларди. Фақат ертүлалардан чиқиб турган тутунгина одамлар борлигидан дарак береб турарди. Биз фронтни бунақа бўлади, деб ўйламаган эдик.

Ертўлага яқинлашганда, майор:

— Мана, етиб ҳам келдик! Қани, киринглар. Душманга қирон келтираётган тўпчиларимизнинг қандай ҳаёт кешишларини кўриб чиқинглар,—деди.

Биз катта бир ертўлага кирдик. Унинг ичидаги остин-устин тахта сўртаклар бор экан. Бир хил жангчилар ухляяпти, бирхиллари газета ўқияпти. Бизни кўришлари блан бирдан ўринларидан туришди.

Майор пастак бўйли бир тўпчига:

— Меҳмонларимизга тўпларни кўрсатинг, қизлар яхшилаб билиб олишсин,—деди.

Биз ертўладан ташқарига чиқдик. Нарироқда иккита тўп турган экан. Тўплар қарағай шохлар блан яхшилаб ниқоблаб қўйилганидан, бу яшил капада тўп борлигини биз билмабмиз.

Ҳечбир гард юқмаган тўпларни кўрган қизлар ҳайрон қолишганидан:

— Жудаям тоза-ье! — дейишди.

Жангчи бизга тўпнинг тузилишини ва қандай отилишини тушунарли қилиб гапириб берди.

— Энди миномётларнинг олдига борамиз,—деди майор.

Тушунтириб берган тўпчига қизлар раҳмат айтишди.

— Арзимайди, арзимайди. Мен сизларни кўриб, эски касбим ёдимга келиб, жуда хурсанд бўлдим. Мен ҳам илгари ўқитучи бўлганман,—деди жангчи биз блан хайрлашганда. Шундан кейин жангчилар бизга миномётни кўрсатишди.

— Бу унча ваҳимали эмас экан-ку,— дейишди қизлар.

— Энди мен сизларни кузатиш пунктига обормоқчиман,—деди майор. Фақат пальтоларингиз қора-да, қорда билинади. Шунинг учун тўрттадан ортиқ кишини обормайман. Менинг кетимдан қаторлашиб бораверасизлар, аммо ораларинг унча узоқ бўлмасин.

Мен «НП» га<sup>1</sup> бормай қўяқолдим. У ерга Валентина Васильевна блан тўртта қиз кетишиди, биз бўлсак автоматчилар ертўласига жўнадик.

1 НП — кузатиш пункти (наблюдательный пункт). Таржимон.



Улар эндигина постдан қайтиб келиб дам оламиз, деб туришган экан. Биз киришимиз блан Ленинград түғрисида саволларни ёғдириб юбориши.

Күп жангчилар уйларига консерва ва қандлар солиб, посылкачалар тайёрлашы ҳамда буларни Ленинградга олиб кетиб, уйимизга бериб құйсаларинг дейиши. Уларнинг сўровини қизларимиз бажону дил қабул қилдилар.

Бирдан ўқ отилиб, суҳбатимиз бўлиниб қолди.

— Финлар миномёт отаяпти,— деди аллаким. Биз шикилар «НП»га кетганлигидан мен кўп ташвишга тушдим.

— Қўрқманг. Бу жанг эмас-ку, нимадан қўрқасиз. Қизларингизни майор эҳтиётлаб олади, хотиржам бўлаверинг,— дейиши менга.

Хақиқатан ҳам шундай бўлиб чиқди.

Қизлар мени кўриб, бирдан:

— Финлар бизни ўққа тутди,— деб қичқиришиб юбордилар.

— Миналар бизга яқин ерга келиб тушди, майорини, дарров траншеяга сакранглар. деди. Галия Игнатьевна тушаман деб, думбалоқ ошиб кетди.

— Траншеяниң ичиде сув бор экан. Аммо биз бун-а э’тибор қилмай, траншеяниң ичидан боравердик.

— Биз финларни кўрмадик, аммо уларнинг чангала сим тўсиқларинигина кўрдик.

Қизлар бири қўйиб, бири гапирап эди. Улар ўзларини ботир, деб билиб, жуда кеккайишар ва бизни уруш кўрмаган киши деб ҳисоблар эдилар.

Ертўлага қайтишда биз бир тўда разведкачиларга дуч келдик. Улар жанговар топшириқни бажариш учун хотиржам ва хушчақчақ бўлишиб борар эдилар.

— Юракли йигитлар экан-а!—дейишиди завқлари келиб қизлар.

Қизларимизнинг бу ердан сра кеткилари келмай қолди. Ёш командирлар блан қизларимиз—үйдагилар ташвишга тушмайди, эртага эрталаб кетилса ҳам бўлади, деб Валентина Васильевнани кўндиришга тиришар эдилар. Аммо Валентина Васильевна блан икковимиз кўнмадик ва кечки поезд блан шаҳарга қайтдик.

Бизнинг фронтга сафаримиз шундай бўлиб ўтди.

## МУРОДИМИЗГА ЕТАЙ ДЕБ ҚОЛДИК

1944 йил 14 январь

«Қизил Армия душманни қаттиқ зарбаларга учратадиган кун яқин. Ана ўшанда бизнинг кўчамиизда ҳам байрам бўлади!»<sup>1</sup>.

Ўртоқ Сталин буни 1942 йилдаёқ, олдиндан айтиб қўйган эди. Биз бу кунни сабрсизлик блан кутдик.

Кеча соат бешдан ўтганда мен мактабдан келаётган өдим. Ҳали майдонга бурилганим ҳам йўқ эдики, гумбурлаган ўқ овози блан қулоғим битиб қолди. Устма-уст уч-тўрт бор отилган ўқ овози ҳамаёқни тутиб кетди. Осмонда кўмкўк чақмоқлар чақилди.


— Ана, ана! Хў ану ерда, Неванинг қоқ устида, дениз бўйида! Бизникилар ўз кемаларимиздан отаяптилар,— деди ҳовлиқанча бир йигит.

— Ана энди бошланди! Немисларга қирон келади,— деб қичқириб юборгим келди.

<sup>1</sup> И. Сталин, Совет Иттилоқининг Улуг Ватан уруши турисида. Уздавнашр, 1945 йил. З-нчи нашри. 76-нчи бет.



Бу улугвор ғалаба салтоти ленинградлиларнің ҳечқаң он эслариң  
чиқмайды!



Эрта блан түп овозидан уйғониб кетдии. Үқининг чақ-нашидан уй ичи ёп-ёрур бўлиб кетди. Үқ кетиша-кег чақиаб отилиб тураверди.

Кўчада кетаётган эдим, қудратли, тантанали товуш қулогимга ёқимли эшиталди...

Мактабда ҳамманинг кайфи чор.

Деразаларга фанер ўрнига қопланган шалдироқ қоғозлар шитирлар ва чатнар, аммо бунга ҳечким этибор бермас эди.

— Камол топсин, азаматлар! — деб, юборди Клавдия Сергеевна.

— Сиз эшитаяпсизмия? Душманни ўқقا тутиш ана бунақа бўлади! «Алмирал Дрозд» кемасидан отишяяпти,— деди Люда Ширкевич.

Кимдир бирор:

— Йўқ, «Киров» дан,— деди.

— Мен яхши биламан, увдаги тўпларнинг овозияғя ўхшамайди,— деб тортишди бу қиз.

Қайси кемадан отаётганларини мен билмайман. Лекин бизникилар отаётгани турган гап.

Тўпларимизнинг овози душманнигини бутунлай босиб кетди.

Ҳужум бошлаганига тўла ишондик.

Куннинг ўтгани билинмай қолди... Ҳамманинг руҳи кўтарилиган. Дарслар расмий жадвал блан борса-да, лекин дарс вақтида ўқучилар хушчақчақлик қилиб ўтиришар эди.

Мен мактабдан ўйга жўнадим. Бир тўда қизлар мени ўрашиб борар эдилар. Улар шодлик блан тўполон қилтаб боришар эди.

Валя Петерсон сўз бошлаб:

— Ленинградлилар бугун жудаям хурсанд. Бирорта ҳам қовоғи солиқ одам кўринмайди,— дейди.

Шу дамда фрицларнинг иссиқ блиндажларни ташлаб қочишлигини тамошга қилиш ажойиб бўлур эди!

— Менинг отам ўша ерда. Балки у ҳозир Петр саройида ҳар йили ёэда биз бориб турадиган боғчанинг ёнида бўлса керак.

— Ахборот қачон келар экан? Муҳим ахборотларни эшитмасдан қолмайин, деб тун бўйи ухламадим.



1944 ыил 17 январь

Ҳар куни ғалаба устига ғалаба қозониб турдик. Жанг кетаётган жойларни ленинградлилар яхши билар эдилар. Ҳозир у ерлар қанақа бўлиб кетган экан? Лигово бутунлай вайрон бўлиб кетган дейишади. Эски Петергоф, ундағи ажойиб боғ-бўстонлар ва санаториялар теп-текис бўлиб кетган: сарой вайрон, бронзадан қилинган «Самсон» Германияга олиб кетилган, фонтанлар бузиб ташланган. Ла'натлар бўлсин ваҳшийларга!

Лекин азиз жойларимиз хароб бўлиб кетган, дейишга ҳам тилим бормайди.

Петергов менинг назаримда ҳозир ҳам аввалгидай гўзал, ҳашаматли бўлиб кўринади... Баландликдаги ажойиб сарой, ундан пастда «сув эртаги» фонтанидан қаттиқ отилаётган сувнинг шалоласи ва уларнинг орасида бўлган зарҳал ҳайкаллар, Самсоннинг қўлида бўлган шернинг оғзидан баландга отилиб чиқаётган сувлар боягидек кўз олдимга келар эди.

Ҳозир эса унда ҳарбир метр жой учун қаттиқ жанглар бўлаётир.

Қызил Армия шиддат блан олға бормоқда, биз эсі тобора сабрсизланамыз.

Биз ленинградлилар илгари жуда сабрли әдик-ку!

Биз бир-бirimiz блан күришганимизда:

— Тезроқ ғалаба қозоңсак әдик! Уша қуилар қашын келар экан-а? — деймиз.

1944 йил 20 январь

Ана, кутганимиз келди! Орапиенбаум ва Пулково төмөнларидан чиқиб келган қүшинларимиз бир-бirlарига құшилдилар. Душман фронти орқасыга зарба берилди на қуршовга тушган немис қүшинлари қириб ташланди... Шаҳримизни йиытқычларча вайрон қылган немисларнинг катта түплари ўлжа қилиб олинди.

Ленинград фронти қүшинларини табриклаб Москва салют берди!

Бугун мен қамал даврида биринчи марта, қамал даз-ридагина әмас, балки ўқитуучылық қилаётганимдан буён биринчи марта тарихдан дарс бергім келмади, чучки шундай шодлик соатларда ўтмишдан гапириб туришіга иштиекім бўлмади.

Бунга ўқучиларнинг бирортаси ҳам ажабланмади. Биз мактабда ўтказилган митингдан әндигина келиб турган әдик. Қизларнинг юзлари ловуллар, кўзлари ёнар эди.

Валя Петерсон:

— Комсомоллар генерал Говоровни табриклаб ва унга раҳмат билдириб хат ёзмоқчилар. Майлими? — деди.

— Майли! Бугун газетада Ленинградни табриклаб ёзилган хатлар жуда кўп босилиб чиқипти-ку!

—UNDAY bўлса, Говоровнинг адресини қаердан топамиз? Биз унинг ҳарбий почта номерини билмаймиз-ку! Қаердан билса бўлар экан?

— Биз «Ленинград фронти. Армия генерали Говорсга» деб ёзаверамиз. Бориб тегар-а?

— Албатта тегади-да, — деб қат'ий қилиб айтди Валя.

— Хатни бош почтахонага ўзим обораман. Аммо, хатни ёзиш қийин бўлса керак, — деди.

— Агар Юра Артюхин бўлса эди, у боллаб ёзар эди-да.

— Ҳа демай уруш тугаб, яқин кишиларнинг фронтдан қайтиб келишади! — деди Ира Терёхина.

— Ҳой қызлар, у вақтда ўққа түтишлар, бомбардийлар бўлмаса, биз зерикиб қолмаймизми?..— деди ҳазиллашиб Ара.

— У вақтда уйимиз вайрон ҳам бўлмайди. Биз ўқишимизни ўқиб, уйга хотиржам қайтамиз.

— У вақтда уйимиздагилардан бирор қаши кўчадан узоқ вақт келмай қолса ҳам хавотир бўлмаймиз.

— Ҳа, албатта. Биз-ку ўша кунларга етамиз-а, аммо етолмай ўлиб кетганлар учун ачинамиз!..— деди Валя ўйланиб туриб.

Унинг кимлар тўғрисида ўйлагани менга қоренфи. Аммо шундай қувончили бир вақтда мен ҳам ҳардойим ғалаба кунларига етишни орзу қилиб ўлиб кетган кишиларни ўйлаб қоламан. Вася Голубев ҳамда Миша Мартолинлар ёдимга тушади. Уларнинг бириси катта, вояга етган киши, чиниққан коммунист, иккинчиси эса—бўзбона, ёш комсомол йигитча эди. Уларвинг иккови ҳам замонимизда ҳаётни севган ва ўз жонини Ватан йўлига тиккан ажойиб кишилардан эди.

Қўнғироқ чалиниши блан «дарс» бўлиниб қолди.— Шундайда эшик очилиб, синфга Юра Артиюхин, Вова Ланцов ва Кира Ипатовлар кириб келишди. Булар қамал вақтида қиши бўйи ўқиган ўқучиларимиздан эди.

— Ҳаммаларингизни кўриш ва табриклаш тилагида эдик,— деди Юра.

— Яша Юрка! Отангга раҳмат! Мактабимизни унутиб юбормай келибсизлар-а!— дейишди шодланиб қизлар.

— Рост айтасизлар! Биз қишининг қаттиқ совуқларида ҳам ўқийберганимиз.

— Перийда ҳам бўлганмиз,— деб гап қўшди Вова.

— Биз сизларга ажойиб бир хабар топиб келдик! Ленинградда салют берилар экан. Бу аниқ,— деди Юра.

— Бекорчи гап. Шаҳарда ҳали фронт бор-ку!

— Йўқ, шаҳримизда фронт тугаб кетган!

— Тортишиб ўтиргандан кўра Говоровга хат ёзишга ёрдам берсаларинг-чи!— деди Валя болаларга қараб.

---

Болалар бу хатни ёзамиз, деб тоза ҳам бош қотиришди. Ёзган хатларини юзаки чиқипти, деб бошқа ёзишади, гоҳо хатимиз зорланишдан иборат бўлиб қолипти десалар, гоҳо содда бўлиб қолипти, дейишади.

Правордидай хатни ёзиб ҳам булди пионерлар, комсомоллар ва ўқучиларнинг ўша самимий миннатдорчилик билдириб ёзган юзларча хатларининг бири эди дейиш мумкин.

1944 йил 27 январь

Уғил болалар яна мактабга тўпланиши.

— Салют бўлар экан, Марсово Полега замбаракларни келтириб қўйишипти,—деди Юра.

— Бўлмаса нега газетага ёзишмайди?—деб савол беришди.

— Фаросатни ҳам ишлатиш керак. Район маорифидан телефонограмма келган-ку! Унда: «Кечқурун радиога қулоқ солинглар» деб ёзилган, ахир. Шундан билса ҳам бўлади.

---

Кечгача икки қулоғим радиода бўлди. Соат 8 га яқин, Ленинград фронти қўшинларига берилган буйруқ икки марта эшилтирилди.

Буйруқда учюз йигирма тўрт замбаракдан бир йўла йигирма тўрт марта ўқ узиб салют берилади, деб очик айтилди.

Мен апил-тапил пальтомни кийиб, юрганимча кўчага чиқдим. Мойка бўйида одам қайнаб ётипти, майдонда ундан ҳам кўп экан.

Бирдан ҳаво ёришиб кетди ва унинг кетиданоқ замбараклар гумбурлади...

Исаакийнинг тепасида, осмонда прожекторларнинг шу'ласи порлаб турар экан. Бу ёруғ шу'лалар бир-бирларини кесишиб, катак-катак бўлиб кетар, сўнгра тарқалишиб, яна қайтиб бир-бирларини кесишар экан...

Мушаклар отилиб, унинг яшил, кўқ, оқ, қизил учқунлари томларга сочилиб турди. Ҳаммаёқ ёп-ёруғ бунақа ёруғ бўлиши жуда бошқача туйилди.


Одамлар:

— Шундай кунларга ҳам етишдик-а! Қаранг-а!—де-

# III ИШ ІСЛАРИДАН ЧИҚМАЙДИ!

Эсизки, шундай шодлик чоқларидан үқучиларим ва дүстларим ёнимда эмас. Биз оғир йилларда қайғу-аламларни бирга тортишга ва шодликни бирга-бирга үткашишга ўрганиб қолган әдик.

Биз Үлүғ Ватан урушининг оғир күнларидан бир-бirimizga ана шундай яқин, қадрдан бўлиб қолдик.



## МУНДАРИЖА

Бет

Мактаб битиручилар . . . . .	3
Уруш бошланди . . . . .	11
Ленинград фронтта айланди . . . . .	34
Мактабга қайтишим . . . . .	55
Мактабнинг ноябрьдаги ҳаёти . . . . .	65
Үқиш пана жойга күчди . . . . .	76
Янги йил арча байрами . . . . .	92
Биз тиімдай үқиймиз . . . . .	100
"Периійчилар" . . . . .	132
Шаҳарга қайтдик . . . . .	151
Қамал ёриб ўтилди . . . . .	165
Муродимизга етайдеб қолдик . . . . .	200

---

## *Ўрта ва катта ёшдаги болалар учун*

*На узбекском языке*

**К. ПОЛЗИКОВА-РУБЕЦ**

**ОНИ УЧИЛИСЬ В ЛЕНИНГРАДЕ**

*Госиздат УзССР — Ташкент — 1950*

**С. Иброҳимов ва Ф. Исҳоқов**  
таржимаси.

Редактор **Х. Нуриллаев**.  
Техредактор **П. Уманский**

---

Теришга берилди 26/VI 1950. Босишга руҳсат этилди 29/VIII 1950, Р 05973  
Қоғоз  $84 \times 108/32 = 3\frac{1}{4}$ , қоғоз листи  
—10,66 босма листи + 1,33 босма  
лист вклейкалар Нашри. л. 11,9.  
ЎзДАВНАШР. Шартнома № 267—49.  
Тиражи 25000. Индекс Б/а. Баҳоси 9 с.  
Муқова 1 с.

---

ЎзССР МС ҳузуридаги Ўзбекполиграфиашрнинг Тошкент, 1-нчи босмахонаси. 1950. Заказ № 252. Ҳамза, 33.

## Тузатиш

Шу китобининг 87-инчи бетидаги (пастдан 3-инчи йўл) „қўшиналаримиздан“ сўзи босмахонанинг айби блан „қўшинааримиздан“ бўлиб кетган.

21.11.1992